

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ШАҲРИЁР САФАРОВ

ПРАГМАЛИНГВИСТИКА

*Самарқанд давлат чет тиллар
институтини Илмий Кенгаши
томонидан нашрга тавсия
этилган.*

Тошкент - 2008

Сафаров Ш. Ирагмалингвистика. Монография.

– Тошкент. « _____ » нашриёти, 2008 йил, 318 бет.

Аннотация. Мазкур монография тилишунослик фанининг нисбатан янги соҳаси бўлган прагмалингвистика фанининг бугунга қадар эришган ютуқларини умумлаштириши, унинг истиқболи ҳақидаги назарий қарашларни илмий таҳлил этишга бағишланган. Бу тадқиқот прагмалингвистиканинг «зурриёлари» бўлмиш этнопрагматика, соціопрагматика, қиёсий прагматика ва бошқа қатор илмий йўналишларнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамияти тўғрисида кенг кўламдаги илмий материаллар жамланган дастлабки тажрибалардандир.

Монография тилишунослик назарияси билан қизиқувчи аспирантлар, магистрантлар ва тилишунос мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари
доктори, профессор
Д.У.Ашурова

Тақризчилар: филология фанлари доктори,
профессор **Н.Қ.Турниёзов;**
филология фанлари доктори,
профессор **Е.А. Малиновский**

© Тошкент, « _____ » нашриёти, 2008 йил

СЎЗ БОШИ

Ўтган асрнинг 80-йилларида умумий ва роман тилшунослиги бўйича йирик мутахассис, Москва давлат университети профессори Р.А.Будагов янгидан куч олаётган «матн лингвистикаси»ни ҳеч қандай тилшуносликка алоқаси йўқ, истикболсиз соҳа эканлигини исботлашга чинакамига киришди. Унинг фикрича, «қаттиқ меҳнат эвазига мустақил фан сифатида ажралиб чиққан тилшуносликнинг» яна қайтадан тил тизимида оид бўлмаган ҳодисалар билан қизиқиши уни бошқа фанлар билан қоришиб кетишига сабаб бўлиши мумкин экан (Будагов 1980: 85-86). Билмадим, ўз гумонини мақоланинг сарлавҳасидаёқ баён этган («Матн тилшунослиги қай даражада тилшунослик?») Рубен Александрович прагмалингвистика ҳақида нима деган бўлар эди? Лекин унинг матн лингвистикасини чилпарчин қилиш мақсадида келтирган изоҳлари олимнинг прагмалингвистик гояларни пучга чиқаришга тайёрлигининг мантиқий далилидир. Бу вазифани Р.А.Будаговнинг «материалистик тилшунослик» тарғиботи борасидаги содиқ сафдоши МДУнинг яна бир профессори О.С.Ахманова ўз шогирдлари билан бажаришга уриниб кўрганлигини ҳам фанга маълум (Александрова 1985: 72-73).

Агарда тилшуносликнинг мустақиллигини унинг софлиги, яъни соф лисоний ҳодисалар тадқиқи билан машғул бўлиши мазмунида тушунсак, унда тилшуносликни фақатгина тил қурилмаси тузилишининг тавсифи билан шугулланувчи фан сифатида эътироф этишга мажбур бўламиз. Аммо бундай мажбуриятни ким бизга зўрламоқда?! Инсоннинг воқеликни билишга эҳтиёжи ўсиб боради. *Лисон ҳам воқелик, у воқеликдаги мавжуд ҳодиса.* Шундай экан, тил қурилмаси не сабабдан у ёки бу тузилишни олишини ёки ушбу қурилма

механизмларини ҳаракатга келтирувчи энергия – кучнинг манбаи қаерда эканлигини, умуман лисоний қурилманинг қандай ва нима мақсадда «ишлатилишини» билишга қизиқмаймизми?!

Сўзсиз, дунёни билиш фаолияти тасниф ва тавсифсиз кечмайди. *Таснифлаш ҳаракати* – инсон билиш фаолиятининг муҳим амалидир, зеро, воқеликни идрок этиш ниятидаги шахс дастлаб ушбу воқеликни бошқасига қиёслайди ва унинг умумий, хусусий белгиларини топиш йўли билан маълум турга киритади. Лисоний ҳодисаларни билиш истаги ҳам айнан таснифлаш ҳаракатидан бошланади. Лисоний бирликларнинг тузилишини билишда муружаат этиладиган дастлабки амаллардан бири ҳам формал-мантиқий таснифлаш амали бўлди. Аммо бу амалга товуш ва грамматик тизимлар осон «бўйсунтирилган» бўлса, лисоний семантик ҳодисаларнинг унга «бош эгиши» ўта қийин кечди. Натижада, лингвистика «қарама-қаршилиқлар» қиёсига асосланган структур услубли таснифдан тилни *ҳаракатдаги тизим* сифатида тасаввур этиш гоёсини тарғиб этувчи тизимлаштиришга ўтишга мажбур бўлди. Бироқ ҳар иккала ҳолда ҳам тилшунослик эмпирик таҳлил доирасидан чиқиб кета олмади ва унинг асосий тадқиқ объекти бевосита идрок этиладиган лисоний структура ҳамда грамматика ва лугат ҳудудидан жой олган маълумотлар бўлиб қолаверди. Бу ҳудуд чегарасидан четга чиқиш ҳамда эмпирик кузатиш тажрибасидан бир оз бўлсада чекиниш «нолингвистик», ҳатто «ноилмий» тамгаларини олиши ҳам ҳеч гап эмас эди.

Борлиқ ҳақидаги *тизимий, методологик ва танқидий* билимни ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият бўлган фан фақатгина эмпирик кузатиш билан чекланиб қолмаслиги аниқ бўлди. Тўғри-да, билиш фаолияти босқичма-босқич амалга ошириладиган фаолиятдир, у зоҳирдаги хусусият, муносабатлардан ботиндаги мазмун-

моҳиятга қараб йўл олади. «Шарқ Арастуси» номини олган Абу Носир ал-Форобий «Китоб – ал хулуф» асарида билиш ҳаракати икки йўналиш олишини ва улардан бири «бевосита сезишга яқин турган мақсадни, иккинчиси эса онгли идрокка яқинлигини» олдинги ўринга қўйишини қайд этган эди. Ундан тўққиз аср кейин яшаган Георг Гегель (Hegel) 1807 йилда нашр қилдирган асари «Phänomenologie des Geistes» «Рух феноменологияси» асарида билиш фаолиятининг кўп босқичли эканлиги ҳақидаги фикрни такрорлади ва бу фаолиятни ҳақиқат яширинган, ботинга қараб тушадиган зинапоёга ўхшатди. Дарҳақиқат, билиш фаолиятининг кўзлаган мақсади ва тутган йўли воқелик ҳодисаларини кузатиб тавсифлашдан ташқари, уларнинг моҳиятини идрок этишдир.

Лисон инсон мавжудлигини, унинг ижтимоий тажриба-фаолиятини таъминловчи ҳодисадир. Демак, лисон тадқиқи билан шугулланаётгани кимса беихтиёр *ўзини билиш* билан машғулдир, зеро, лисоний фаолият ҳодисасининг моҳияти – унинг ижрочиси – шахс ва ушбу шахснинг ижтимоий, шахслараро муносабатга киришиши билан белгиланади.

Дарвоқе, феноменология руҳидаги гоёлар тил ҳақидаги фаннинг систем тилшунослик, функционал тилшунослик каби соҳаларига қисман бўлса-да, ўз таъсирини ўтказиб келаётган эди. Унинг таъсири, айниқса, Г.Гийом ва А.А. Потебня таълимотларида сезиларлидир. Бинобарин, лисоний фаолият жараёнида билиш ва ижодий яратиш мақсадларининг қай йўсинда «омухта» бўлиши ҳамда шу асосда инсоннинг воқеликни қандай ўзлаштириши муаммолари устида бош қотирган А.А.Потебня лисоний белгиларнинг қўлланишидаги шакл ва мазмун мутаносиблиги инсон тафаккур фаолиятининг қонуниятлари билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрни муҳокамага ташлайди. Украин тилшуноси кўпчилик

билдираётган «сўз фикрни ифодалаш ва уни бошқаларга узатиш учун керак» қабалидаги гоёнинг нотўғри эканлигини қуйидагилар билан изоҳламоқчи бўлган эди. Унингча, сўзнинг ҳар бир қўлланиши янги фикрнинг яратилишидир ва бу янги фикр тафаккурдаги олдинги заҳираларнинг янги тасаввур, янги саволлар асосида қайта гуруҳланиши ва ўзгартирилиши натижасидир. «Шунга биноан, - деб ёзади А.А.Потебня, - сўз тайёр фикрни ифодаловчи ва узатувчи восита сифатида талқин қилинмаслиги лозим; у дастлабки ўринда фикрловчининг ўзи учун керак, чунки бу ўзгаришларни сўз унинг ўзида ҳосил қилади» (Потебня 1990: 115). Сўзнинг фикрни узатиш воситаси бўла олишини фақатгина унинг тингловчини олдин сўзловчи бажарган ментал фаолиятни такрорлаш ҳамда ўз ақлий заҳираларидаги материалдан фойдаланган ҳолда, ўхшаш фикр яратишга ундашида кўриш мумкин. «Сўзлаш ўз фикрини ўзгага етказиш бўлмасдан, балки унда унинг ўзининг фикрини уйғотишдир» (Ўша асар: 15).

Қисқаси, тилшунослик эмпирик таҳлилни билишнинг бошқа гоёлари ва амаллари билан бойитишга узоқ тайёргарлик кўрди. Бундай тайёргарлик, изланишлар зое кетмади, ўтган асрнинг охири тилшунослик тараққиётида ўзига хос янги босқич, янги ривожланиш даври бўлди. Шу даврда эмпиризм, феноменология, конструктивизм каби фалсафий гоёларни ўзида жамлаган методологияга асосланган лисоний таҳлил йўналишлари юзага келди. Ана шундай йўналишлардан бири, албатта, *прагмалингвистика*дир.

Прагмалингвистика, ҳеч қандай гумонсиз «тетапоё» давридан ўтди, ушбу соҳа ўз тадқиқ объектини (нутқий мулоқот тизими) ва таҳлил методларини асосан аниқлаб олди. Прагматик таҳлил тамойилларини белгиловчи асосий методологик гоё ҳам аниқ: бу – *фаолият назария*сидир.

Аммо прагмалингвистика ҳамон «навқиронлик» даврида. Навқиронлик эса – истиқболли режаларга тўлиқликдир, ҳозирча ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан тап тортмасликдир. Дарҳақиқат, баркамолликка интилаётган прагматика фани лисоннинг инсон, жамият хизматида бўлишидаги вазифасининг қандай амалга оширилиши борасида изланишларни давом эттиришга мажбур. Бу изланишлар лисоний билим соҳасидаги ушбу йўналишнинг янги назарий гоялар билан бойитилишини талаб этади.

Қўлингиздаги рисола ни ёзишдан мақсад ҳам *хурматли китобхон*, сизни прагмалингвистик таҳлил асослари билан *таништириши*, ҳозирги пайтда мавжуд бўлган муаммовий масалалар ҳақида *фикр билдириши*, прагматиканинг бошқа семиотик ҳодисалар қаторидаги *ўрнини аниқлаши* ва унинг лисоний фаолиятда *устуворлигини асослаши* каби вазифалар ижросидир. Хуллас, бўлгуси прагмалингвист ушбу соҳанинг назарий гоялари, таҳлил услублари, методологик тамойиллари ҳақида билимга эга бўлмоғи керак. Фақат шундагина у тил тизими ва лисоний мулоқот ҳақидаги фан – тилшуносликнинг бошқа фанлар доирасидаги ўрнини сеза олади ҳамда унинг мазмун-мундарижасини воқеликни илмий тасаввур этиш имконини таъминловчи фалсафий – методологик гоялар ташкил қилишини идрок эта олади. Бунинг учун эса, ўз навбатида, лисон ҳақидаги фаннинг илмий таҳлил объекти, предмети бошқача тус олаётганлиги ҳамда шу аснода унинг бошқа илм соҳалари даврасидаги мавқеи ҳам ўзгараётганлигини ҳис этмоқ даркор. Бирок ҳар қандай назария, у қанчалик илмий-гоявий асосланган бўлмасин, амалиётдаги исботга муҳтож, таҳлил объектининг моҳиятини тўлиқ тавсифлаш учун назария фактларга, воқеликдаги ҳодисаларга мурожаат қилади. «Фауст»даги мисраларни эслайлик:

*Grau, teurer Freund, ist alle Theorie,
Doch grün des Lebens goldner Baum.*

Мазмуни: «Назария, дўстим, қуруқдир (ялонгочдир), ҳаёт дарахти эса – ям-яшил».

Ҳа, прагмалингвистик таҳлил назариясининг ялонгочлаш хавфидан қўрқиб, китобхонни ушбу таҳлил амалиёти билан ҳам таништириш мақсадини ҳам кўзламоқдаман. Буни, айниқса, нутқ актлари гуруҳларини фарқлаш, мулоқот тизими бирликларини ажратиш ҳамда дейксис ҳодисаси тавсифига оид қисмларда сезиш мумкин.

Бироқ ҳеч қандай илмий таҳлил тўлиқ бўла олмаганидек, бирор бир ҳодисанинг илмий баёни ҳам бир маъноли бўла олмайди ёки бир хил оҳангда кечмайди. Зеро, воқеликнинг ўзини ҳам бир мазмунда англаш қийин масаладир. Якка маъноли воқеликни фақатгина уни идеаллаштириш йўли билангина тасаввур қилиш мумкин. Машҳур мантиқшунос Рудольф Карнап (1891-1970) айтганидек, мантикий ва соф математик қонунлар албатта, умумийдир, лекин улар воқелик ҳақида ҳеч қандай маълумот бериш қобилиятига эга эмасдирлар. Бу қонунлар «алоҳида тушунчалар ўртасидаги муносабатларнигина ифодалайдилар... уч плюс бирнинг ҳар қандай воқеликда ҳам тўрт бўлишига ишончимиз комил. Лекин бу тасдиқ биз яшаётган воқелик ҳақида бирор нарсани (маълумотни – Ш.С.) бера олмайди» (Карнап 1971: 47-49).

Ҳар қандай илмий таҳлил ўрганилаётган объект ҳақида, унинг маълум воқеликда мавжуд бўлган хусусиятлари ҳақида аниқ маълумот бермоғи даркор. Тўпланган маълумотлар асосида илмий ва амалий аҳамиятга молик бўлган хулосалар шаклланади. Хулосаларда объектнинг туб, ҳақиқий моҳияти ва уни билиш жараёнида аниқланган хусусиятлар акс этади. Демак, ҳақиқий моҳиятни билиш измидаги тадқиқотчи

гносеологик ходисалар онтологик қийматига таянади. Худди шу сабабга кўра ушбу рисолада прагмалингвистик ходисалар таҳлилида «эркин фикрлилик» тамойилига амал қилиш мақсадини кўзламоқдаман. Илмий тафаккурдаги бундай эркинлик, таҳлил этилаётган объектнинг онтологик моҳиятини назардан қочирмасдан туриб, муҳокама қилинаётган муаммо ечимига турлича ёндашиш, қўлланилаётган усулларнинг турли-туман бўлишига имкон беради. Қисқаси, бундай полиинтенцияли (кўп мақсадли) тадқиқ объект моҳиятини ёритувчи хусусиятларнинг кўпқиррали эканлигини англашга ёрдам беради. Энг асосийси, билдирилаётган фикрда мулоҳазали бўлиш ва ўзгалар фикрига ҳам ўрин қолдириш ўқувчини баҳсга тортиш имконини яратади.

Суҳбатдош китобхонни топиш ҳар қандай муаллиф учун шараф бўлса керак. Бундай истак Захириддин Муҳаммад Бобурни ҳам ижодга ундаганлигининг гувоҳимиз:

*Ким бор анга илм толиби – илм керак.
Ўргангани илм толиби илм керак!*

*Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби – илм керак.*

Мен ҳам бир тилшунос сифатида суҳбатдош топиш илинжидаман. Агарда ушбу рисола ни ўқиган ҳар ким муаллиф билан мунозара юритиш ниятида бўлса, бундай «дискурсив қадам»ни миннатдорчилик билан қабул қиламан, бажонидил суҳбатдошингиз бўлишга тайёрман (электрон манзил: safarovsh@rambler.ru; хатлар учун манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Самарқанд давлат чет тиллар институти).

«Сўзбоши»нинг якунида яна бир нарсани қайд этишни истар эдим. Илмий фаолият жараёнида жуда кўп ҳамкасбларимнинг ишлари, асарларидан илҳом, интеллектуал озуқа олдимки, уларнинг барчасининг номларини зикр этиш ва ташаккур билдиришнинг имкони бўлмади. Улардан узр сўрайман. Лекин менга лисон каби уммоннинг сиру асрорини билиш йўлларини кўрсатган устозларим москвалик ва ленинградлик олимлар: *Виктор Максимович Жирмунский, Борис Александрович Серебрянников, Соломон Давидович Кацнельсон, Агния Васильевна Десницкая, Елена Самойловна Кубрякова, Борис Александрович Ильин, Анатолий Митрофанович Мухин, Юрий Сергеевич Маслов, Александр Михайлович Шчербак, Владимир Михайлович Павлов, Дмитрий Михайлович Насилов, Инга Борисовна Долинина, Виктор Самуилович Храковский, Анатолий Семёнович Либерман, Александр Владимирович Бондарко, Елизавета Артуровна Реферовская, Зинаида Яковлевна Тураева, Татьяна Михайловна Беляева, Леонард Георгиевич Герценберг, Варвара Васильевна Бурлакова, Валентин Васильевич Богданов, Станислав Васильевич Воронин* ва бошқаларга таъзимни унутмайман. Устозларим қаторига киевлик профессорлар *Георгий Георгиевич Почетцов, Василий Егорович Коваленко, Александр Николаевич Мороховский*ларни ҳам киритишни истардим.

Айниқса, Ленинград шахрида қиёсий-тарихий тилшунослик мактабини ўтаган ва мунтазам равишда герман тиллари тарихи билан шугулланиб турган мендек бир тилшуносни прагматика ва мазмуний синтаксис огушига ҳеч қандай тазйиксиз етаклаган Калинин (ҳозирги Тверь) университети профессори *Иван Павлович Сусов*нинг номини (илоҳим, жойлари жаннатдан бўлсин!) доимо эхтиром ила хотирлайман. Айнан Иван Павлович Сусов раҳбарлик қилган «Лисоний мулоқот семантикаси ва

прагматикаси» муаммовий гуруҳининг доимий йигилишларида иштирок этиш менга прагмалингвистлар «гурунги»дан жой топиш ҳамда *В.И.Банару* (Кишинёв), *О.Г.Почетцов* (Киев), *А.А.Романов* (Тверь), *В.И.Карасик* (Волгоград), *Л.Г.Васильев* (Калуга), *М.Л.Макаров* (Тверь), *А.А.Залевская* (Тверь), *Г.И.Богин* (Тверь), *С.А.Сухих* (Краснодар), *В.В.Лазарев* (Пятигорск), *А.А.Прокопчук* (Харьков), *А.А.Поспелова* (Ленинград), *З.А.Харитончик* (Минск), *Д.Г.Богусевич* (Минск), *А.М.Шахнарович* (Москва), *Е.И.Беляева* (Воронеж), *И.М.Кобозева* (Москва), *В.З.Демьянков* (Москва), *И.К.Архипов* (Ленинград) каби маслакдош дўстлар орттириш имконини яратди. Шунингдек, юртдошларим профессорлар *Ж.Бўронов*, *А.Абдуазизов*, *Г.Саломов*, *Э.Бегматов*, *Ҳ.Неъматов*, *Д.Ашурова*, *А.Бушуй*, *У.Юсупов*, *М.Умархўжаев*, *Г.Боқиева*, *А.Маматов*, *М.Расулова*, *М.Жусупов*, *А.Содиқов*, *С.Рахимов* ва бошқалар турли давраларда, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Ихтисослашган кенгаш йигилишлари жараёнида мени прагмалингвистика ҳақида ўзбек тилида бирор бир қўлланма ёзишга ундашганларини ва бу борада маслаҳатларини аямаганликларини мамнуният ила таъкидлайман.

Охирги икки йил давомида бошқаларнинг ундаши алоҳида оҳангда бўлдики, ушбу УНДОВсиз ҳамда УНДАГАНЛАРнинг амалий ёрдамиз қўлингиздаги рисола балки битиксиз қолиб кетар эди. Шу сабабли улар муаллиф ташаккурига эътироз билдирмасликларига ишонаман.

Ниҳоят, муҳтарам ҳамкасбларим, сизга яна бир дил сўзимни етказмоқчиман. Ушбу рисола мени тилшунослик наҳрининг бир қиргогидан иккинчисига сузиб ўтишга ундаган *Иван Павлович Сусовнинг* ёрқин хотирасига бағишлаш ниятидаман.

Шунингдек, талабалик давримиздан бошлаб ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр бўлган дўстларим тилшунос профессорлар *Ҳамдам Орзиқулов*, *Муҳаммаджон Маматов* ва *Бердиқул Турсуновларнинг* руҳлари ҳам доимо шод ва тинч бўлишларини истардим.

Шаҳриёр Сафаров

Самарқанд, 26 январь 2008 йил

I боб. Коммуникатив-прагматик йўналишнинг шаклланиши

Ҳар қандай фан соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши ушбу соҳа объектига нисбатан қизиқиш пайдо бўлишидан бошланади. Қизиқишдан эса саволлар тугилади. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу фаннинг юзага келиши ва тараққиёти бевосита тил тизими, лисоний birlikларнинг қурилиши, таркиб топиши ва улардан кундалик ҳаётда, ижтимоий фаолиятда фойдаланишга оид саволларга жавоб излашдан бошқа нарса эмас. Аммо тилшуносликда ҳам худди бошқа фанларда бўлганидек, саволлар танлови илмий мақсадга йўналтирилган бўлиши, уларга топиладиган жавоблар ҳақиқатга мос келиши муҳим шартдир. Акс ҳолда, қўйилган саволга жавоб топиш имкони бутунлай бўлмаса ёки савол ўта мавҳум тузилса, бундай машгулот куруқ фикрдан, «олди-қочди» гаплардан иборат савол-жавоб ўйинига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Албатта, бу хавфдан сақланиш, «куруқ гап» - спекулятив фалсафадан қочиш осон эмас. Биргина мисол, тилшунослар, файласуфлар, теологлар ва бошқалар 2000 йилдан ортик вақт давомида энг етук, воқеликни тўлиқ ва аниқ акс эттирувчи, лугавий ва грамматик тизим жиҳатидан ҳеч қандай камчиликсиз, ёзма ва оғзаки мулоқотда қўлланиш учун қулай бўлган тилни топиш иштиёкидалар. Ўрта асрларда бундай *етук тил* ўз пайтида мавжуд бўлганлиги ва агарда Боги Эрамдаги мулоқот воситаси қайта тикланса, инсоният воқеликни ҳаққоний идрок ва ифода эта олиш қобилиятига эга бўлиши, инсонлар, миллатлар ўртасидаги ҳар қандай англашилмовчиликлар, зиддиятлар осонлик билан бартараф этилиши ҳақидаги фикр ҳукмрон эди. Биз ҳам «етук тил» муаммоси муҳокамасини бутунлай самарасиз машгулот дейишдан йироқмиз. Зеро,

биринчидан, ҳар қандай фан ўз объектининг тўлиқ, аниқ бўлишини талаб қилади, иккинчидан, илмий тадқиқот учун салбий натижа ҳам илмий фараз исботи учун зарур бўлган тажриба натижасидир. Ахир бу муаммо бекорга Гарбу Шарқда кўплаб илм пешволарининг фикру-зикрини банд қилмаган бўлса керак, олмон олими Арно Борстга етти жилдлик рисоласини яратиш (Borst 1957-63), фаранг тилшуноси Мари-Люси Демонитга 700 саҳифани (Demonit 1992) битиш, италян семиотиғи Умберто Эко ва рус олими Вячеслав Ивановга ўз грузин ҳамкасби Теймураз Гамкрелидзе билан ҳамкорликда бу борада махсус тадқиқотларни бажариш (Есо 1997; Гамкрелидзе, Иванов 1984; Bomherd 1984) осон кечмаганлиги аниқ. Албатта, бундай изланишларнинг кадрига етмоқ, ушбу соҳага ўзини бағишлаган алломаларнинг эҳтиромини, ҳурматини бажо айламоқ даркор, бироқ тилшунослик фани ривожини учун Одам Ато ва Момо Ҳаво Боги Эрамда қайси тилда мулоқотда бўлганлигини билиш ҳаракатидан ёки барча инсоният учун маъқул келадиган лисон (бу лисон сунъийдан бошқа ҳеч нарса бўлмайди) яратишга вақт ва заковатни сарфлагандан кўра, «Лисон етукликка қандай интилади?»; «Лисоний етукликнинг ўзи нима ва у қандай шакл топади?»; «Тил тизими тараққиётининг босқичлари лисоний етукликнинг шаклланиш босқичларими?»; «Етуклик ҳар бир миллий тилга хосми ёки умумий тил бўлиши шартми?»; «Миллий адабий тилнинг ривожини етуклик намунасимми?» каби саволлар жавоби самаралироқ эканлигига аминман. Шу ўринда машҳур адибимиз Пиримкул Қодиров 2005 йилда эълон қилган «Тил ва эл» китобини эслатмоқчиман. Зеро, ушбу асар ўзбек адабий тилининг етукликка интилиш давлари тарихий лингвистик тадқиқи намунасидир (Қодиров 2005).

Маълумки, лисон – фақатгина инсонга инъом этилган неъматдир. Шу сабабли лисоний ҳодисалар тадқиқи бошқа

ижтимоий ҳодисалар тадқиқидан тубдан фарқ қилади. Замонавий фалсафий йўналиш синергетика таълимотига кўра барча табиий ва ижтимоий ҳодисалар тизимли тузилишга ва ўз-ўзидан таркиб топиш хусусиятига эга. Тилнинг ҳам тизимли ҳодиса эканлиги аллақачонлар эътироф этилиши, тилшуносларнинг эътибори ушбу тизимнинг қандай ташкил топганлиги, унинг таркибида қайси турдаги бирликлар мавжудлиги, бу бирликларнинг ўзаро муносабатга киришиши, ушбу муносабатлар асосида ҳосил бўладиган тузилмаларнинг умумий тизим ва унинг босқичли тузилишдаги ўрни каби қатор масалаларга қаратилган. Бироқ объектни тўлиқ илмий билиш фақатгина тизимнинг таркибий таҳлили билан чегараланиб қолмасдан, балки ушбу тизимнинг қандай «ишлаши» (ёки ишлатилиши) билан ҳам қизиқиши табиий. Тил тизимининг ўзига хослиги унинг «дуаллиги», яъни икки тизимдан иборат бўлишидир. Дарҳақиқат, лисоний фаолият икки асосий қисмдан иборат: тил бирликлари талаффузи ва улар воситасида ифода қилинадиган маъно, мазмун.

Фаранг тилшуноси А.Мартине «Умумий тилшунослик асослари» номли рисоласида тилни «жуфт талаффузли (икки марта талаффуз этиладиган)» ҳодиса сифатида таърифлаётиб, («Martinet 1964; Мартине 1963»), ушбу ҳодисанинг товушли талаффуз ва маъно ифодасидан таркиб топишини назарда тутди. Демак, тил тизимига оид ҳар қандай тадқиқот унинг «дуаллик», *икки тизимлилик* хусусиятини эътиборга олиши лозим. Тилшунослик фани ўз тараққиёт босқичларида худди шу йўлни тутиб келмоқда. Асрлар давомида ривожланган систем - структур, тавсифий (дескрептив), қиёсий-типологик каби тадқиқот йўналишларида асосий эътибор у ёки бу бирликларни ажратиш, уларнинг ифода ва маъно доираларидаги муносабатларини аниқлаш, тавсифий

белгиларни фарқлаш ва шу аснода таснифий гуруҳларга тақсимлаш каби вазифалар ижросига қаратилди. Натижада ифода ва маъно планларига оид билимга эга бўлиш лисоннинг «ишлаши» ёки ушбу тилдан фойдаланиш жараёнида инсоннинг тафаккур қобилияти қандай фаоллашуви ҳақидаги саволларга жавоб топишга имкон беради, деган фикр тугилди. Шунингдек, айнан бир хил тузилиш, таркиб ва мазмундаги бирликларнинг турли тиллар тизимларидан изланиши натижасида, барча тиллардан фойдаланувчилар бир хил қоидаларга амал қиладилар, бу қоида айтарли бир-биридан фарқ қилмайдилар қабилдаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган таъкидлар ҳам учраб туради.

Албатта, фақатгина инсонга хос ҳодиса тилнинг табиатини, унинг инсон ҳаётидаги моҳиятини чуқурроқ ва янада кўпроқ била бошлаганимиз сари янги саволлар тугилади ва олдинги саволлар ҳамда уларга берилган жавобларни қайта «тафтиш қилиш» (лозим бўлганда, айримларини инкор этиш) эҳтиёжи ўсиб боради. Тилшунослик – эмпирик фан, ундаги назарий гоялар доимо тўпланган далиллар таҳлили асосида шаклланади (ҳатто илмий фаразлар ҳам доимий исботни талаб қиладди). Шундай экан, тилшуносларда тилнинг асосий таркибий бирликларини (фонема, морфема, сўз, гап кабилар) ўрганишга бўлган қизиқиш сўнмаслиги муқаррар. Лекин лисоннинг туб моҳиятини тўлиқ англаш учун зоҳирий ҳодисалардан ташқари, инсон лисоний фаолиятининг ташкилий қисмларини, унинг ботинидаги ҳодисаларни ўрганиш ҳам зарурдир.

Тил тизими бирликларининг зоҳирий шакллари таҳлил натижаларидан қониқмаган XIX аср олмон тилшуноси Вильгелм фон Хумбольдт «Тилнинг ботиний (ички) шакли» (innere Sprach form) тушунчасини қўллайди: «Бу лисоннинг ботиний ва тўлигича интеллектуал жиҳати

хамда айнан шу жиҳат лисонни ташкил этади» (Гумбольдт 1984: 100). Кейинги даврларда «лисоннинг ботиний шакли» тушунчасини, у «тилнинг фақатгина интеллектуал» жиҳатини акс эттирганлиги учун, мантикка оид тушунча сифатида қараш ва шу йўсинда тилшунослик доирасидан сиқиб чиқариш ҳаракатлари (масалан, Англияда – О.Функе, Германияда Х.Штейнталь, Б.Вундт, Россияда Г.Шпит) бўлишига қарамасдан, ушбу тушунча кўпгина ҳолларда лисонни илмий билишни янги босқичга кўтаришнинг таянч гоёси хизматини ўтади. Шундай бўлиши ҳам керак эди, зеро, лисоннинг «интеллектуал қисми» мантиқий ёки психологик категория эмас, худди шу қисм тилдан фойдаланиш имкониятларини беради, яъни «лисоний ижодкорлик товуш шаклларида фойдаланади» ва барча янги тушунчаларни ифодалаш хусусиятига эга бўлади (Гумбольдт 1984: 100).

Тилшунослик фанининг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлган гоёлардан яна бири XX аср бошларида юзага келди. Тил тизимини илмий ёритишнинг «объектив метод»ларини излаган тилшунослардан бири Фердинанд де Соссюр тилга белгилар тизими сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги гоёни ўртага ташлади. Лисоний системологиянинг асосчиси бўлган Соссюр унинг асосий тамойиллари тил ва нутқ ҳодисаларини, синхрон ва диахрон таҳлил усулларини фарқлаш ҳамда лисоний белгининг ихтиёрийлигини инобатга олиш билан боглик эканлигини уқтирди.

Тил ва нутқ дихотомияси – жуфтлигининг XX аср тилшунослиги тараққиёти учун қанчалик муҳим бўлганлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Соссюр кашф этган ушбу қарама-қаршилик (унга нисбатан билдирилган танқидий фикрлар ҳам етарли эканлигига қарамасдан) дунёнинг барча худудларида, турли йўналишларда ижод қилиб келаётган олимларнинг

(нафақат тилшуносларнинг) диққатини жалб қилиб келмоқда. Маълумки, Соссюр ўз маърузаларида тил ва нутқ жуфтлигини қўйидаги хусусиятлар қарама-қаршилигида таърифлаган: *ижтимоийлик - шахсийлик, мавхумлик - аниқлик, пассивлик - фаоллик, руҳий - физик, имкон (яширин) – амалга оширилганлик, виртуал - актуал* ва бошқалар. Булардан энг кўп танқидга учраганлари ижтимоийлик - шахсийлик ва пассивлик - активлик қарама-қаршиликларидир. Ўз пайтида Э.Косериу айтган фикрга эргашсак, тил ва нутқнинг фарқланиши бенуқсондир (чунки тил ва нутқ айнан бир нарса эмас), аммо ушбу фарқнинг Соссюр томонидан қарама-қарши хусусиятли деб қаралиши ва шу билан тилни нутқдан «узиб қўйилиши» мунозаралидир (Косериу 1963: 151).

Хўш, қандай қилиб тил ва нутқ бир-бирига қарши қўйилиши, бири иккинчисидан узиб қўйилиши мумкин? Соссюрнинг ўзи ҳам тил ва нутқни «тамоман ўзгача нарсалар» эканлигини қанчалик таъкидлашга уринмасин, бу икки ҳодисанинг ўзаро боғлиқ эканлигини эътироф этишдан бошқа иложи қолмаган эди: «бу предметларнинг ҳар иккови ўзаро яқин алоқада ва бир-бирини тақозо этади: нутқ тушунарли ва шу асосда таъсирли бўлиши учун тил мавжуд бўлиши даркор; нутқ эса тил шаклланиши, таркиб топиши учун зарурдир» (Соссюр 1977: 57).

Соссюршуносларнинг кейинги йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари тил ва нутқ муносабатини қарама-қарши муносабат кўринишида эмас, балки ўзаро боғлиқликни тақозо этувчи ҳодиса сифатида талқин қилиш зарурлигидан гувоҳлик беради. Машхур соссюршунос Р.Годелнинг ўқувчиси Берн университети профессори Рудольф Энглер «Умумий тилшунослик курси»нинг тўрт томлик танқидий матнини нашрга тайёрлаётиб, ушбу курс тингловчилари ёзиб қолдирган барча дафтарлар матнларини қиёслаш асосида (Saussure 1967:74)

Соссюрнинг тил ва нутқ ҳақидаги фикрларини мантиқан аниқ англаш учун ушбу фикрларни олим таълимотининг умумий голялари доирасида қабул қилмоқ зарурлигини уқтиради. Юқорида айтилганидек, тилга «ижтимоий ва пассив», нутққа эса «индивидуал ва фаол» сифатларининг берилиши кўпчиликнинг қаттиқ танқидига учради. Аммо «Соссюр фикри йўналишига янада эътибор билан қарасак, - деб ёзади Р.Энглер, - тавсиф ва таърифни бутунлай ўзгартиришга мажбур бўламиз; чунки тилни *пассив* ҳодиса сифатида таърифлашимиз (нутқнинг *фаоллигига* қарама-қарши ҳолда) ҳақиқатдан ҳам ҳеч қандай идрок этиб бўлмайдиган таърифдир. Агар биз лисоний фаолиятнинг фаол кучи тилни ҳаракатга келтиришини, уни фаоллаштиришини эътироф этсак, берилаётган таъриф ўзгача тус олади» (Энглер 1998: XVI).

Айрим ҳолларда тил ва нутқ ҳодисалари муносабатининг нотўғри тавсиф қилиниш сабабини француз тилидаги *langage – langue – parole* тушунчалари талқинидаги ноаниқликлар билан боғлашади. Маълумки, Соссюрнинг ўзиёқ ушбу учликдаги атамаларнинг танлови ва таърифидаги қийинчиликларни сезган. Француз атамаларининг олмон ва лотин тилларидаги муқобиллари мазмунан қанчалик даражада мос келмаслигини кўрсатган олим «юқорида келтирилган тушунчаларнинг бирортасига ҳам тўлиқ мос келадиган бирор бир сўзни топиш мумкин эмас, шу сабабли ушбу сўзларни таърифлаш фойдасиздир», деган хулосага келади (Соссюр 1977: 52). Соссюрнинг ушбу огоҳи унинг издошлари ва таржимонларини эҳтиёткорликка ундаши керак эди. Лекин афсуски, таржималарда турли вариантлар пайдо бўлди. Масалан, олмон тилидаги муқобиллик *langue – Sprache, langage – Rede (Mensclische Rede), parole – das Sprechen* кўринишини олган бўлса, инглиз тилида эса *langage – speech (human speech), langue - language, parole - speaking* қаторидаги

атамалар истеъмолга кирди. Ушбу қатордаги тушунчалардан турли англашилмовчиликларга энг кўп сабаб бўлгани langagedир. Ушбу тушунча қарийб барча ҳолларда инсоннинг нутқий қобилияти билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниб келинди. Қиёсланг: олмонча Rede (Menschliche Rede) ва инглизча speech (human speech) вариантларида «нутқ (инсоний нутқ)» тушунчалари кириб қолган эди. Худди шунингдек, «Курс»нинг 1933 йилги нашри русча таржимаси муҳаррири Р.О.Шор ва Д.Н.Введенскийлар langage «речевая деятельность» тушунчасига тўғри келади деб ҳисоблашади. «Курс»нинг 1977 йилдаги русча нашри муҳаррири А.А.Холодович langage «лисоний ҳодисалар умумлашмаси, яхлитлиги» тушинчасини англантишини қайд этса ҳам «речевая деятельность» таржимасини сақлаб қолишни маъқул кўрди (Соссюр 1977: 23).

Хуллас, атамаларга нисбатан бундай эҳтиётсизлик langage тушунчасини тор маънода, яъни нутққа ҳос ҳаракатлар, хусусиятлар тўплами, нутқ ижроси билан боғлиқ фаолият кўламида қарашга сабаб бўлди.

Бизнингча, «нутқий фаолият» («речевая деятельность») сўз бирикмаси Соссюр қўллаган langage тушунчасининг мазмунини тўлиғича акс эттирмайди, чунки langage кўпроқ жамоага ҳос (алоҳида шахсга, индивидга эмас) қобилиятни, хусусиятни англатади. Фақатгина ушбу қобилиятнинг алоҳида шахс фаолиятида намоён бўлишинигина «нутқ» ва «нутқий қобилият» сифатида қараш мумкин. Аслида, Соссюр langage тушунчасини тил ва нутқнинг муносабатини акс эттириш, уларнинг табиатан диалектик яхлитликни ташкил қилишини, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигини таъкидлаш учун қўллаган бўлса ажаб эмас. Ахир олим 1891 йилнинг ноябрь ойида Женева университетиде ўқиган маърузаларидан бирида langue ва langage ҳодисаларини

яхлитликда караш лозимлигини алоҳида уқтирганлигини биламиз: «Лисоний фаолиятни, унинг намоён бўлиш (воқеланиш) ҳолатларини ўрганмасдан туриб тадқиқ қилиш борасидаги ҳар қандай ҳаракат самарасиздир; шунингдек, алоҳида олинган тилларни ўрганиш йўлидаги ҳаракат ҳам, ушбу тилларнинг лисоний фаолият тушунчаси доирасида умумлашадиган маълум тамойил ва қоидаларга амал қилиши унутилса, ҳеч қандай жиддий аҳамиятга ва ҳақиқий илмий асосга эга бўлмаган машгулотдир» (Соссюр 1990:37). Муаллиф истаганидек, language тушунчаси лисоний воқеликни *яхлит ва тўлиқ* акс эттириши лозим. Шу сабабли бу тушунчани *инсон лисоний фаолияти* мазмунида англамоқ даркор, деб ҳисоблайман. Соссюр меросининг рус тилидаги сўнгги таржималари муҳаррирлари ҳам language атамасини «языковая деятельность» сўз бирикмаси воситасида ўзгартиришни маъкул кўришмоқдалар (Соссюр 1990; Соссюр 1998).

Соссюрнинг издошлари унинг таълимотини давом эттирибгина қолмай, балки янги гоялар билан бойитишга, бу гоялар талқинига аниқликлар киритишга доимо ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бинобарин, ўзини бевосита Соссюрнинг издоши деб билган олим, психосистематика назариясининг асосчиси Г.Гийом (1883-1960) лисоний фаолият «тил+нутқ»нинг оддий натижавий йигиндиси эмас, балки динамик бирикмаси эканлигини айтиб, ушбу фаолият узвий ўзаро алоқадаги шартлар, тил ва нутқнинг биргаликдаги (муштарак) мавжудлиги сифатида қаралишини маъқуллаган эди. Шунинг учун ҳам у ушбу қисмлар муштараклигини аташда «йигинди»дан кўра, «интеграл» тушунчаси орқали ифодалашни маъқул кўради (Гийом 1992: 166; Скределина 1980:9):

Нутқ лисоний (нутқий) фаолият Ҷ тил

Соссюр ва унинг издошларининг асосий мақсади умумий яхлитлик – лисоний фаолиятнинг таркибий қисмлари бўлмиш тил ва нутқ ҳодисаларини тилшуносликнинг алоҳида қисмларида тадқиқ қилиш имкони борлигини кўрсатиш бўлган.

Яхшиси, соссюрчиларни тилни нутқдан, синхронияни диахрониядан, ички (ботиний) тилшуносликни ташқи (зоҳирий) тилшуносликдан ажратиб қўйишда айбладан кўра, бу таълимотнинг тилшунослик фани тараққиётидаги ўрни, олим баён қилган гояларни қандай давом эттириш, кенгайтириш ва илмий тадқиқот амалиётини тадбиқ этиш масалалари устида бош қотириш маъқул эмасмикан? Соссюрнинг оппонентларидан бири МДУ профессори Р.А.Будагов, олимни «ўта агрессив (тажовузкорона) тезисларни шакллантириш»да айблар экан, (Будагов 1983:34), «Курс»даги қуйидаги қаторларга мурожаат қилади: 1) «тил, тез-тез учраб турадиган хато тасаввурга (фикрга) карама-қарши ўларок, тушунчаларни ифодалаш воситаси сифатида шаклланган ва шунга мослашган механизм эмас» (Соссюр 1977: 118); 2) «тилшуносликнинг ягона ва ҳақиқий объекти – ўзи учун ва ўзида мавжуд ҳолда қараладиган тилдир» (Ўша асар: 268). Бировга айб қўйишдан олдин, давонинг нақадар рост ёки далилнинг ишончли эканлигини текшириб кўрмоқ лозим.

Юқоридаги тезислардан тадқиқотчиларнинг диққатини энг кўп тортгани ва Соссюрнинг бошига жуда кўп тош ёғдиргани иккинчисидир. Маълумки, ушбу тезис «Курс» 5-қисмининг энг охириги «Тил(лар) оилалари ва тил типлари» бобида учрайди. Биринчидан, А.Сеше ва Ш.Балли ушбу бобни ретроспектив (тарихий қиёсий) тилшуносликка оид бўлмаса ҳам, нашр матнига киритишаётганлигидан огоҳлантирганликларини

унутмаслик керак (Ўша асар: 273). Иккинчидан, бу тезис, охирги бобнинг сўнги қаторларидан ўрин олганлиги сабабли бўлса керак, ўқувчилар томонидан худди «Курс»нинг хулосавий тезисидек қабул қилиниб келди. Ҳолбуки, бу ерда ифодаланаётган фикр фақатгина тил тизими тараққиётига ушбу тил соҳибби бўлган миллат – элатнинг таъсири ҳақидадир. Соссюр тил тизимининг тарихий- қиёсий тадқиқи билан шугулланиш режасидагиларни фонологик ва грамматик ўзгаришлар манбасини дастлаб сарҳаддош соҳалардан (масалан, миллат «дахоси»дан) излашдан кўра тизимнинг ўз қонуниятларига таяниш самаралироқ эканлигидан огоҳлантирмоқчи бўлган бўлса ажаб эмас. Бундан ташқари, эндиликда кўпчиликнинг қаҳрини кўзгатган «Курс»ни яқунловчи тезис Соссюр томонидан айтилмаганлиги, уни А.Сеше ва Ш.Балли собиқ талабалар ёзувларидан (конспектлар) рисола матнини тайёрлаётиб, қўшиб қўйганликлари маълум бўлди.

Энди Р.А.Будагов келтирган тилнинг тушунчани ифодалашга мослашган механизм эмаслиги ҳақидаги биринчи тезисга қайтсак, бу ерда фикр нима ҳақида ва нималарга боглиқ ҳолда билдирилаётганлигига эътибор бермоқ лозим. Ушбу фикрни Соссюр диахрон тилшуносликнинг таҳлил услуги мақсади ҳақида гапирётганда айтган. Маълумки, англо – саксон даврида *fo`t* «оёқ» сўзининг кўплик шакли даставвал *fo`ti* кўринишида бўлган ҳолда кейинчалик, umlaut фонетик ҳодисаси (кейинги бўгиндаги унлининг олдинги бўгиндагисига таъсири) натижасида *fe`ti* ва ниҳоят ургусиз *i* нинг тушиб қолиши кўпликнинг *fe`t* шаклини юзага келтирган (ҳозирги инглиз тилидаги *foot* «оёқ»- *feet* «оёқлар»). Соссюрнинг таъбирича, *fo`t*: *fe`t* қаторининг ҳосил бўлишида бир турдаги тизимдан иккинчисига ўтиш ҳолати юзага келмайди, чунки «ўзгариш бутун бир

тартиблашган яхлитликка оид эмас, балки фақатгина унинг алоҳида бўлакларига таъсир ўтказди» (Соссюр 1977: 117). Шу сабабли тил тизимидаги ўзгаришлар *тасодифий* хусусиятга эга бўлиши мумкин. Тасодифий ҳолат билан маъно ва тушунча ифодаси ўртасида тизимли муносабат қарийб бўлмаса керак. Менимча, Соссюрнинг тилга тушунчани ифодалаш механизми сифатида қарашдан қочишидан мақсад худди шундай тасодифларни қонуниятлар билан чалкаштириш ҳолларидан огоҳлантиришдир.

Шундай экан, Соссюрни «тил ва инсонлар ҳамда тил ва воқелик ўртасида девор ташлаган» (Будагов 1983: 35) олим сифатида айблашга ҳожат қолмади, деб ҳисоблайман. Афсуски, сиз билан суҳбатлашаётган муаллиф ҳам бир пайтлар Швейцария тилшуносининг гоёларидаги методологик нуқсонларни топишга ҳаракат қилган эди (Сафаров 1991: 7; 13; 19). Тўғриси айтсам, ҳозир ҳам нутқнинг тўлигича индивидуал ҳодиса сифатида талқин қилинишига ва қандайдир бир «қолдик» материал ҳолида илмий таҳлил доирасидан чиқариб ташланишига рози бўла олмайман. Айтадиганим бошқа нарса: ҳар қандай муаллифдан олинаётган цитатани (фикрни) ушбу муаллифнинг умумий гоёлари, таълимоти доирасида қабул қилишга ҳаракат қилиш лозим. Ҳа, Соссюр тилшуносликни лисоний фаолиятнинг икки томонини (тил ва нутқни) алоҳида ўрганувчи икки қисмга ажратган бўлса ҳам, ўз маърузаларида нутқ тилшунослиги масалаларига эътибор бермаган. Аммо нутқий фаолиятни ва унга хос хусусиятларни лингвистик таҳлил объекти бўла олишини инкор қилиш унинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Акс ҳолда, «биз лингвистикани икки тамоман ўзгача хусусиятли нарсани, уларнинг ягона бир предметни (илмий таҳлил учун –Ш.С.) ҳосил қилишини таъкидлаган ҳолда, умумий бир яхлитликка бирлаштирувчи фан сифатида

қараймиз», деган ёзувлар унинг қайдларида учрамаган бўлар эди (қаранг: Кузнецов 2006: 112).

Ш.Балли ва А.Сеше 1915 йилда «Курс»нинг биринчи нашрига ёзган сўз бошида унинг тўлиқ эмаслиги, танқидларга сабаб бўлишини олдиндан сезган эдилар: «аммо устоз ўз маърузаларида тилшуносликнинг барча сохаларини камраб олишга ва уларнинг ҳаммасини бир хилда тўлиқ ёритишга интилгани йўқ; у буни бажара олмасди ҳам, унинг мақсади ҳам бутунлай бошқа эди. Шахсан унга хос бўлган қатор принципларга биноан ... у фақатгина ушбу принципларни қўллашга қулай вазият тугилгандагина ва уларни «қоралаш»га қодир назарий гоялар пайдо бўлгандагина масалани чуқурроқ ва янада кенгроқ ўрганар эди» (Соссюр 2004: 27). Айнан шу сабабга кўра маърузаларда семантика қарийб ёритилмаган, нутқ лингвистикаси қисми эса умуман берилмаган. Ш.Балли ва А.Сешенинг қайдича (Ўша асар, 27-б), 1910-1911 ўқув йилида умумий тилшунослик курси учинчи марта ўқиладиганда, ваъда қилинган ушбу қисм «хеч қандай гумонсиз келгуси йиллардаги курсларда фахрли ўринни эгаллаган бўлар эди, лекин ушбу ваъданинг ижросиз қолганлиги сабаби барчага маълум» (Дастур талабларига биноан олим ажратилган вақтнинг ярмини ҳинд-европа тиллари тарихига бағишлашга мажбур эди.). Шуниси қувонарлики, нутқ лингвистикасини соссюрчилар умуман унутиб қолдирмадилар, улар ўз устозлари эслатиб ўтган ушбу сохани назарий жиҳатдан асослашга уриндилар ҳамда тил ва нутқ ҳодисалари муносабатини тил бирликларининг матнда фаоллашуви нуқтаи назаридан таҳлил қилишга уриндилар (Кузнецов 2003). Бу борада, айниқса, Ш.Балли тарғиб қилган фаоллашув назариясининг самараси сезиларлидир.

Соссюр ўз маърузаларида мурожаат қилган тушунчаларнинг яна бири «*лисоний қобилият*»

тушунчасидир. XIX асрнинг машхур тилшуносларидан бири У.Д. Уитни (қаранг: Долинина 1985) тил белгиларининг ихтиёрий, шартли эканлигини биринчилардан бўлиб қайд этаётиб, биз товуш органларидан фақатгина қулайлиги учунгина фойдаланишимизни, аслида мулоқот учун имо-ишоранинг ўзи етарли бўлиши мумкинлигини исботламоқчи бўлган. Соссюр Уитнининг тил тизими шартли белгилардан иборат эканлиги ҳақидаги фикрида ҳақ эканлигини қайд этиш билан биргаликда, ушбу тезисни ўта мутлақлаштириш хавфидан огоҳлантиради: «тил бошқа турдаги ижтимоий тузилмаларга тўлиғича мос келадиган ҳодиса эмас» (Соссюр 2004: 35). Унинг фикрича, инсон учун алоҳида тушунчаларга мос келадиган белгилар тизими, яъни «тилни ташкиллаштириш қобилияти» табиийдир ва ушбу белгилар тизимини «бошқариш», ундан фойдаланиш инсон лисоний қобилиятининг зиммасига тушади (Ўша асар: 35-36; 85).

Демак, тил тизими нималардан иборат-у, ундан қандай фойдаланилади? мазмунидаги савол ҳам Соссюр эътиборидан четда қолмаган экан. Аммо ўтган асрнинг 50 - йилларигача тизимийликни тилнинг ички структурасидан излаган тилшунослар лисоний қобилият муаммоси билан шугулланишга имкон тополмадилар ёки вақт ажрата олмадилар. Ҳолбуки, Галилео Галилей (1564-1642) Италиянинг Пиза шаҳрида битган Dialogo асаридеёқ инсон ўзининг «энг махфий сирларини ҳам бошқа бировга йигирма тўртта белгининг турлича бирикиши воситасида» етказа олишидан хайратда эканлигини ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай тил соҳиби бор - йўғи 20-30 товушдан фойдаланиб, бошқаларга ўз фикрини етказди, мулоқотга киришади. Лисондаги бундай чексиз имкониятни «Галилейнинг ажойиб ихтироси» деб атаган Пор Рояль философ-грамматиклари айнан шу «ажойиб ихтиро», яъни тилнинг ижодкорлик, ифода имкониятини

тадқиқ қилиш тилшунослик фанининг асосий предмети ва мавзуси бўлиши лозимлигини уқтиришди. Лекин *лисоннинг ижодкорлик хусусияти* ва унинг соҳибларининг *лисоний қобилияти* мавзуларининг асосий тадқиқ соҳасига айланиши анчагина қийин кечди. Бунга фақатгина фанда «иккинчи когнитив инқилоб» юз бергандан сўнггина эришилди.

«Иккинчи когнитив инқилоб» даҳоси номини олган Ноам Чомский (биринчи инқилоб Галилей даврида юз берган) 1999 йил ноябрь ойида Сиена университетида (Италия) ўқиган маърузасида лисон тадқиқидаги ушбу ўзгаришни қуйидагича таърифлади: «Ҳар бир ботиний (ички) тил (олим лисоний қобилиятнинг ҳолатини назарда тутмоқда – Ш.С.) биз ўз фикримизни ифода этишда фойдаланиладиган мантиқий объектларни (тушунчаларни – Ш.С.) ҳосил қилиш ва биз учратадиган калималарнинг чексиз қаторини англаш имконини берадиган воситаларга эга. Ушбу мантиқий объектлар маълум бир шаклда товуш ва маъно билан боғланадилар. Маълум механизмларнинг чексиз миқдордаги объектларни қандай ҳосил қила олишини фақатгина ХХ асрда формал фанлар ривожини натижасида аниқ тушунишга эришдик... Шунинг натижасида ўтган ярим аср давомида тилшунослик тадқиқотларининг катта қисми айнан шу механизмлар тадқиқида оид бўлди. «Генератив грамматика» номини олган ушбу йўналиш тилшуносликнинг узоқ ва бой тарихида муҳим янгилик бўлди» (Chomsky 2003: 48).

Хўш, Чомский таъкидлаётган янгиликнинг мазмуни нимадан иборат-у, «иккинчи когнитив инқилоб» қандай тамойилларга асосланиб истиқболда самара кўзламоқда?

Ушбу саволга жавоб топиш учун Чомский, унинг издошлари ва турли йўналишдаги психоллингвистларнинг лисоний қобилиятнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиш манбалари ҳақидаги фикрларини қиёслаш лозим бўлади.

Маълумки, инсоннинг «сўзни эгаллаш» муаммоси кўплаб тадқиқотлар мавзуси бўлган. Файласуф, тилшунос, рухшунос, физиолог, педагоглар асрлар давомида бу муаммо устида бош қотиришган (қаранг: Ушакова 2003). Қизиги, айтилаётган фикрларнинг барчаси ҳам асослидек, мазмунлидек туюлади. Ҳар ҳолда, уларнинг ҳар бири жумбоқнинг бирор бир банди, тугунчаси ечимига яқинлашиш, йўл топиш сари қўйилган қадамдир. Ана шундай қадамлардан энг шахдам ва дадили Чомскийники десак, муболага бўлмаса керак. Олим 1957 йилда нашр қилинган «Синтактик структуралар» (Chomsky 1957) асаридан бошлабоқ, лисоний қобилият шаклланишини лисоннинг яратувчанлик хусусиятидан, унинг инсон онги, аклий қобилияти билан чамбарчас боғлиқлигидан излайди. Унинг тасаввурида тил структураси икки сатҳдан иборат. Гап ва бошқа турдаги лисоний тузилмалар ҳосил бўлишида дастлаб инсон онгида фикр ва ҳукм тизими ҳосил бўлади ва ушбу *ботиний тизим* мавҳум характердаги категориялардан таркиб топади. Кейинги босқичда ушбу ботиний структуралар, махсус амаллар, яъни грамматик трансформация – кўчиришлар ёрдамида лисоний воқеланадилар, зоҳирийлик касб этади. Зоҳирий структура ҳам маълум категориялардан иборатдир, аммо улар эндиликда конкрет кўринишга эгадирлар. Эслатилган амаллар умумлашмасини Чомский лисоннинг *универсал (умумий) грамматикаси* (Universal Grammar) деб атайди. Унинг талқинича, универсал грамматика барча тиллар сохиблари учун умумий бўлиб, унда «тугма» (innate, inborn) тамойиллар фаоллашади. Тилни ўзлаштирувчи ва ундан фойдаланувчининг (у она тили ёхуд хорижий тил бўлишидан қатъий назар) вазифаси махсус қоидалар туркуми, ўз тажрибаси ва универсал грамматика тамойиллари доирасида «ишлашга мажбур этишдан иборатдир» (Chomsky 2003: 12).

Сўзсиз, ҳар қандай лисоний қурилма ҳосил бўлишининг дастлабки босқичи идрок этилаётган воқеликнинг онгдаги инъикоси, юзага келиши ва унинг тафаккурда «ҳазму таҳлил қилиниши натижасида ҳосил бўладиган концептнинг тугилишидир» (батафсилроқ қаранг: Сафаров 2006), кейинги яъни лисоний воқеланиш босқичи эса турли хил амаллардан иборат бўлиб, бу амаллар тил тизими хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Шунга кўра, Чомский изидан бориб, лисоний фаолиятда биз мурожаат қиладиган қоидаларни *генератив*, яъни «тузма» (generated) ва *трансформа* (transformed)ларига ажратиш мумкин. Ушбу қоидаларни ўзлаштирган шахс олдин ҳеч қачон учратмаган ва эшитмаган нутқий бирликларни тузиш қобилиятига эга бўлади. Шунингдек, ушбу шахс «бизники сизникини яхши кўради», «меники бугун кетади» қабилдаги Дерсу Узала лаҳжасидаги гапларнинг нотўғри тузилганлигини аниқлай олади.

Аммо ботиний структурадан зоҳирийликка кўчиш жараёнининг қандай кечиши ёки, бошқача айтганда, лисоний ва когнитив ҳодисаларнинг қай йўсинда мослашуви масаласи сирлидир. Чомскийнинг ўзи ҳам бу масала устида «бош қотириш»дан тўхтаганича йўқ.

Тажриба кўрсатадики, лисоний фаолиятни таъминловчи тамойиллар бошқа турдаги фаолият доирасида мавжуд бўлган тамойиллардан тубдан фарқ қилади. Бинобарин, бу тамойиллар бизнинг кўриш, мусиқий ва санъаткорлик қобилиятимиздан, мантиқий ва математик иқтидоримиздан фарқ қилади. Демак, инсон онгини бутунлай бир яхлит тизимдан кўра кўпроқ кичик тизимлар «ҳамкорлиги» сифатида қараш маъқулроқдир, лекин бу кичик (микро) тизимлар, қанчалик мустақил ҳаракатда бўлишмасин, барибир ушбу ҳаракатлар бир-бири билан муносабатда, алоқадорликда кечадилар.

Чомскийнинг кейинги йиллардаги ҳаракати айнан шу боғлиқликлар сабабларини излашга қаратилди. Шу йўсинда *Параметрлаштириш* (нутқий тузилмаларни ҳосил қилувчи механизмларнинг асосий хусусиятларини топиш), *Оптималлаштириш* ёки *Минималлаштириш* (лисоний тежамкорликни таъминлаш) каби қатор назариялар (Parameters Theory; Optimality Theory; Minimalist Program) шаклланди (Chomsky 1981; Chomsky 2000). Бу назариялар *Универсал Грамматикада* барча тиллар учун умумий тамойиллар мавжудлигига яна бир қарра ишонтириш билан бир қаторда, тиллараро фарқни юзага келтирувчи манбаларнинг табиатини тушунтириш йўлидаги уринишдир. Параметрлаштириш назариясига биноан барча параметр ва тамойиллар алоҳида тилларда «включатель» (switches) тўпламида кодлаштирилади, тилдан фойдаланувчининг вазифаси эса ушбу включателнинг «тугмача»сини (triggers) тўғри босишдир. Оптималлаштириш назарияси ўз навбатида тиллараро фарқларни умумий (мажбурий) қоидаларнинг алоҳида тилларда турли даражада кодлашуви билан боғлайди. Бу ҳолда тил ўрганувчи ва ундан фойдаланувчининг вазифаси ушбу умумий қоидалар мажмуасидан фойдаланишнинг энг оддий, ҳаммабоп «калити»ни топишдир (Jackendoff 2004: 102).

Албатта, Чомский таълимоти кўпчиликнинг диққатини жалб қилмай қолмади. Зеро, унинг асосий гоёси лисоннинг инсон фаолиятида тутган ўрни ва умуман лисон ҳамда тафаккур фаолиятларининг туташтирувчи ришталар ҳамоҳанглигига таянади. Аммо ушбу таълимот гоёлари ҳамма томонидан бир хилда қабул қилинишини ҳам кутиш нотўғри. Бекаму кўст гоё абсолют ҳақиқат кўринишидагина бўлиши мумкин. Чомский эса ҳозирча пайгамбар эмас ва менимча, у бунга даъво ҳам қилаётгани йўқ. У ҳам танқидга бардош бера олади.

Олим таълимотидаги энг танқидбардор гоя – *Универсал грамматика* гояси, десам адашмасам керак. Чомскийнинг уктиришича, универсал грамматика тугмадир. Шундаймикан? Биринчидан, гўдак ўзи яшаётган муҳитдаги, яъни эшитиб турган тили грамматикасини ўзлаштиради. Шу маънода бу грамматика универсал (барча учун умумий) эмас. Аслида, Чомский ушбу турдаги грамматикани бошқача, масалан, «грамматиканинг мағзи, негизи» деб атаса, маъқул бўлармиди?! Лекин универсал грамматиканинг барча тиллар учун умумий бўлишини ҳеч ким назарда тутмаган, у гўдаклар дунёдаги ҳар қандай тилни ўзлаштириш жараёнида қўллаши лозим бўлган «куроллар (воситалар)» мажмуасидир. Иккинчидан, грамматиканинг тугмалиги қай даражада эканлигини билмоқ зарур. «*Тугма*» (innate) сўзи лугатларда кишида «*туғилтиданоқ мавжуд бўлган*» (present at birth) изоҳига эга, холбуки, лисоний қобилият ва шунингдек, лисоний билим тугилгандан сўнг шаклланмайдими? Ёки олайлики, лисоний қобилият инсонга Оллоҳ томонидан инъом этилган бўлсин, лекин лисоний билимни ўзлаштириш гўдаклик даврида (2-3 ёшликда) кечади. Бу билимни ўзлаштиришда атроф-муҳитнинг таъсири ҳам етарлидир. Қолаверса, инсон организмнинг муҳим аъзоси бўлган тиш ҳам тугилгандан сўнг чиқа бошласа ҳам «тугма» сифатини олиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Чомский барча тиллар учун умумийлик ва тугмалик хусусиятларини ботиний структура учун ҳам хос эканлигини таъкидлайди, деган фикр ҳам йўқ эмас. Натижада, унинг издошлари генератив грамматикани маъно ҳодисасининг моҳиятини билиш калити сифатида тарғиб қила бошладилар. Бироқ қатор тилшунослар (Lakoff 1971; Postal 1970 ва бошқалар) ботиний структурани маъно (семантика) билан айнан эканлигини тасдиқлашга қанчалик уринишмасин, Чомский ва унинг айрим шогирдлари бу

фикрга қўшилмадилар. Пировард натижада бу «лисоний жанг»да (Harris 1993) чомскийчилар голиб чиқишди. Дарҳақиқат, ботиний структура синтактик деривациянинг маълум босқичидир ва унинг мазмун доираси барча тиллар учун умумий бўлиши шарт эмас.

Умуман, маъно ва мазмуннинг шаклланиши ҳамда лисоний воқеланиши муаммоси ўта мураккаб эканлиги барчамизга маълумдир. Бу муаммо устида асрлар давомида бош қотиришаётган психологлар, тилшунос ва мантиқшунослар ва бошқа «шунослар» учун бир хилда маъқул тушадиган илмий хулоса ёки ҳеч бўлмаганда таҳлил методига ва унинг асоси бўла оладиган методологик гояга эришишнинг ўзи ҳам гумон. Ҳозирча барча умид когнитологиядан, унинг муҳим соҳаси бўлган когнитив тилшуносликдан (Сафаров 2006), балки унинг доирасига маънонинг «тугилиши» ва лисоний ифодаси масаласи ўз талқинини тўлиқроқ топар?! Лекин генератив семантика йўналиши бу вазифани уддалай олмади. Ҳақиқатдан ҳам агарда Чомский таълимоти шаклланишининг илк даврида айтилган «маънони ифодаловчи ботиний структура барча тиллар учун умумийдир ва у (маъно –Ш.С) тафаккур шаклларининг оддий аксидир» (Chomsky 1966: 35) қабилидаги фикрни бир томонлама, худди генератив семантика тарафдорларидек англасак, унда хатога йўл қўйишимиз ва умуман таълимотдан «кўнглимиз совиши» турган гап. Ҳолбуки, Чомский ушбу фикрни Пор-Рояль монастирида яратилган грамматикадан олиб айтмоқда (уни олимнинг ўзи ҳам бир неча бор қайд этган) ва ҳеч қачон маъно-мазмунни тўлигича ботиний структуранинг айнан ўзи эканлигини таъкидлаган бўлмаса керак. Акс ҳолда, у кейинги ишларида (Chomsky 1981) маъно таркиб топишини синтаксиснинг яна бир сатҳи-мантиқий шаклдан изламаган бўлар эди.

Менимча, ботиний структурани концептуал жараён, яъни *борлиқ* – предмет воқеаларнинг идрок этилиши ва уларнинг онгли ҳазм этилиши жараёнида юзага келадиган ҳодиса сифатида талқин қилмоқ керак. Бу жараёнда юзага келган бирлик –концепт ҳақиқий маъно бирлигига айланиши учун у лисоний қобик олмоги даркор, фақатгина лисоний «либос» кийган концептгина лисоний фаолият воситасига айланади, маълум мазмун ифодаловчи белги сифатига эга бўлади. Шу сабабли маъно ёки семантикани лингвокогнитив ҳодиса сифатида қабул қилган маъқулроқ. Фақат шундагина когнитив фанлар доирасига кирувчи фанлар, шу жумладан, психология ва тилшунослик бир-биридан ажралиб, ихоталаниб қолиши хавфнинг олдини олиш ҳамда лисоний семантика ҳодисасининг моҳияти-ю, воқеликка айланиши механизмларини ёритиш имкониятини яратиш мумкин. Генератив семантика ва формал-мантиқий грамматика гоъларини ўзаро қарама-қарши қўйсақ ва уларнинг алоҳида бирортасига тўлиқ эришилганда эса лингвистиканинг когнитологиянинг бошқа қисмидан ажралиб қолиши турган гап. Бундай хавфнинг мавжудлиги ҳақида психолог Уолтер Кинчнинг кинояси гувоҳлик беради: «Лингвистлар психологларга нимани излаш лозимлигини ўргатмоқчи бўлишди ва психологлар уни яқин орада топмоқчи бўлишди, аммо ушбу лингвистиканинг психологияга айланиш ҳолати қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, шунчалик тез саҳнадан тушди. Чунки, биринчидан, психологлар ҳам (генератив – Ш.С.) тилшуносларга хос бўлган янги назариялар яратиш завқига шерик бўлмоқчи бўлишди, иккинчидан, МПТ(Чомский профессори бўлган муассаса – Massachusetts institute of technology назарда тутилмоқда - Ш.С.) ва Беркли (генератив семантика гоъсини тарғиб қилган Беркли университети –Ш.С.) олимлари мунтазам ўз фикрларини ўзгартиришади ва бир-бирларини инкор этишади. Лекин

энг асосий сабаб шундаки, тилшунослар фақатгина синтаксис ҳақида гапиришади, психология нуқтаи назаридан қараганда эса, муаммо (маъно муаммоси - Ш.С.) янада кўпроқ долзарблашади ва яққол кўринадики, бу муаммо тўғрисида бизнинг тилшунос даҳоларимизнинг бирор нарса дейишга имкониятлари тобора чекланиб боради» (Kintsch 1984: 112).

У.Кинч жаноблари кинояга уста бўлишлари мумкин, аммо мен тилшунос сифатида олимнинг фикрини тўлигича хазм қила олмайман. Мен ҳам «муҳтарам психолог биродарлар, сизларнинг маъно ҳодисаси ҳақидаги фикрларингиз чалкашликларга лиммо-лим, улар кўпинча бир-бирига номуғаносиб» дейишга тўлиқ ҳақлиман. Ассоциатив тажриба (Ж.Лиз, А.А.Леонтьев, А.А.Брудный, Б.А. Ермолаева), семантик дифференциал (Ч.Осгуд), семантик радикал (А.Р.Лурия, О.С.Виноградова), семантик тавсиф (Ж.Миллер) каби ўнлаб психосемантик таҳлил услубларининг яратилиши (Петренко 1997) муаммонинг мукамаллигини яна бир қарра таъкидлашдан бошқа бирор муҳим хулосага олиб келмади. Аслида ўзи шундай: ҳар бир илмий хулоса – марра сари қадам, узокдаги ёғдуга интилиш, абсолют ҳақиқат эса – орзу, кишини ўзига чакирувчи маёқ. Милт-милт қилиб турган шамчироқ бўлмаганда, биз қадам (каттами ёки кичикми – фарқи йўқ) кўйишга интилмасдик, фанимизнинг ўзи ҳам тобутга тушар эди. Шундай экан, фан тараққиётига кинояомуз назардан кўра, завқ билан боқиб, ҳар бир кўйилган қадамнинг, билдирилаётган фикрнинг магзини топмоққа, шаклланаётган гояннинг «шира»сини сўришга ҳаракат қилмоқ керак.

Чомский таълимотининг магзи унинг изчиллик билан *лисон инсон мулки* эканлигини таъкидлаш йўлидаги уринишлардандир. Олимнинг лисоний қурилмалар ботиний ва зохирий структураларга (deep and surface

structures) эга бўлиши ҳақидаги фикри унчалик даражада катта янгилик эмас эди. Бунга яқин гоюлар тилшунос В.Хумбольт (гапнинг «ички» ва «ташқи» шакллари ҳақидаги фикр), файласуф Людвиг Витгенштейн (Tiefengrammatik und Oberflächengrammatik) ва Пор-Рояль грамматикаси муаллифларида ҳам мавжуд бўлганлигини Чомскийнинг ўзи ҳам эътироф этган (Chomsky: 1965: 198-199). Бундан ташқари, Г.Штейнталь, В.Вундт, Г.Шпет, А.Потебня кабилар ҳам сўзнинг «ички» ва «ташқи» шаклдан иборат эканлиги ҳақида муҳим фикрлар билдирганликларини эслатмоқчиман. Мен мухтарам ўқувчимдан Чомскийнинг энг катта хизматини унинг илмий тафаккури асосан инсоннинг лисоний қобилияти хусусиятларини ёритишида кўриш лозимлигини ҳеч қандай шартсиз қабул қилишини сўрамоқчиман. Балки унинг оппонентлари Чомскийнинг ушбу тушунчага берган тавсифи айрим нуқсонлардан холи эмаслигини таъкидлашда ҳақдирлар. Эҳтимол, олим лисоний қобилиятни грамматик жиҳатдан тўғри гаплар туза олиш қобилияти даражасида талқин қилиб, ушбу қобилият вокеланиш жараёни, унинг миқёсини маълум даражада чеклаб қўйгандир. Лекин лисоний қобилиятни нутқий фаолиятдан ажратиб қўйиш унинг ниятида бўлишига ишониш қийин.

Лисоний фаолият тилни билиш ва ундан фойдаланишдан иборат бўла олмаслигини сезган олим competence «қобилият» тушунчаси билан биргаликда performance «бажариш, ижро этиш» тушунчасини кўллаганлардан биридир. «Перформация» - лисоний қобилиятнинг нутқий жараёнда амалга оширилиши, ботиний имкониятнинг фаоллашувидир. Лекин мавжуд имкониятнинг фаоллашуви, лисоний қобилиятнинг вокеланиши, инсон онгида ҳосил бўлган когнитив тузилма – ботиний структуранинг зоҳирий тус олиши, яъни нутқий

режанинг ижро этилиши учун ягона бир сўзловчи шахснинг ўзи етарли эмас. Ижрочиға тингловчи – хамсухбат даркор, тингловчи бўлмаганда, ҳеч қандай гап ва бошқа лисоний тузилмалар яратишга ҳожат қолмас эди. Чомскийнинг камчилиги ҳам айнан шунда, зеро, у лисоний қобилиятни биртомонлама талқин қилиб, фақатгина сўзловчи шахсга хос бўлган ҳодиса сифатида кўради. Натижада, лисоннинг яратувчанлик имконияти талқини ҳам торайиб, алоҳида шахсларнинг креатив қобилияти даражасига тушиб қолади.

Шу сабабли бўлса керакки, Чомский таълимотининг танқидчилари «лисоний қобилият» тушунчасини кенгайтириш лозимлигини сезишди ва «коммуникатив қобилият» (communicative competence) тушунчасини маъқул кўришди. Фикримча, бу икки тушунча бир-бирини инкор этмайди, чунки коммуникатив қобилиятга, мулоқот кўникмасига эга бўлиш учун лисоний билимга, тилнинг яратувчанлик имкониятларидан фойдалана олиш қудратига эга бўлмоқ керак. Худди шунингдек, лисоний қобилиятнинг ўзи ҳам коммуникатив ҳамкорлик учун даркор, унинг шаклланиши коммуникатив эҳтиёж талабидир. Бу эҳтиёж эса, ўз навбатида, ижтимоий шароитда, шахсларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида тугилади. Демак, лисон ҳақидаги фаннинг инсоний муносабатлар ва бундай муносабатларнинг кечишида лисоннинг роли, шу ролнинг ижроси жараёнида тилнинг яратувчанлик хусусиятларининг намоён бўлиши каби мулоқот хислатлари сари йўл олиши муқаррар эди. Хумбольдт, Соссюр, Чомский, Бодуэн де Куртенэ, Щерба каби ўнлаб олимларнинг таълимотлари тилшунослик фани доирасида янги илмий-парадигма – коммуникатив-прагматик таҳлил йўналиши юзага келишига сабаб бўлди ва ушбу йўналиш учун назарий таянч хизматини ўтади.

II боб. Прагматика ва семиотик жараён ёхуд прагматиканинг лисоний-семиотик тизимдаги устуворлиги

Илмий тафаккур тараққиёти ҳар қандай фан соҳасидаги назарий қарашлар ўзгаришига, тадқиқотнинг янги методлари яратилишига ва ушбу методлар тадбиқида янги назарий гояларга таяниш асосида тамоман ўзга амалий натижаларга эришилишига сабаб бўлади. Илмий жараёндаги бундай ўзгаришларга кўпинча тадрижий йўсинда, эмпирик материалнинг босқичма-босқич таҳлили, назарий хулосаларнинг узлуксиз тадқиқот жараёнида шаклланиши ва тизимли жорий қилиниши натижасида юзага келади. Шунинг билан бир қаторда, фан ривожининг маълум даврларида кескин бурилиш босқичлари, «инқилобий сакраш» ҳолатлари юзага келиши ҳам эътироф этилган. Ижтимоий ҳаётдаги революцион ўзгаришлар, машхур рус олими

Л. Гумилевнинг таъбири билан айтганда, *пассионар тараққиёт* ҳолатлари илмий ҳаёт учун ҳам ёт эмас. Тортиш қонуниятининг кашф этилиши, нисбийлик назариясининг яратилиши кабилар аниқ фанлар соҳасида қандай кескин бурилишларга сабаб бўлганлиги барчамизга маълум. Гуманитар фан саналмиш тилшуносликда ҳам бундай инқилобий ўзгаришлар бўлармикан? Фикримча, тилшуносликдаги ўзгаришлар ўзга соҳалардагидан анчагина фарқ қилади. Сўзсиз, лисоний тизим учун ҳам диалектик тараққиёт ҳосил, аммо унинг тараққиёт босқичлари сакрашдан кўра тадрижий ривожни маъқул кўради. Худди шунингдек, ушбу тизимни ўрганувчи фанда ҳосил бўладиган гоялар ҳам тўлигича бир-бирини инкор этишдан кўра, тизимдаги муносабатларни турли томондан «кўриш», идрок этиш маҳсулидир. Зеро, *тил тизими синергетикаси* ҳам ўзга тизимлар синергетик

ҳолатларининг айнан такрори эмас. Бироқ бунинг билан тилшунослик фани тараққиёт босқичлари учун кескин бурилишлар ёт деган фикрни олга сурмоқчи эмасман. Демокчиманки, тилшунослик соҳасидаги бурилишларга нисбатан «кескинлик» сифати унчалик мос тушмайди. Яхшиси, турли таълимот ва йўналишлар муносабатини, улардаги гоялар синтезини акс эттирувчи бошқа эпитетни топганимиз маъқул.

Бундай богликликларни акс эттирувчи илмий атама – *парадигма* фанда аллақачон мавжуд-ку. «Илмий парадигма» тушунчаси методолог олим Томас Куннинг таъбирича, «маълум даврда муаммоларни шакллантирувчи ва уларнинг ечимини топиш имконини яратувчи барча тарафидан эътироф этилган илмий ютуқлардир» (Кун 1977: 31).

Илмий парадигмалар бир-бирини инкор этмасдан, ўзаро ҳамкорликда, бири иккинчисининг нуқсонларини бартараф этган ҳолда ривож топадилар. Тилшунослик илмий парадигмаларининг шаклланиши ва тараққий топиши худди шу зайлда кечади. Систем-структур парадигма ўзидан олдин юзага келган қиёсий-тарихий парадигманинг «атомистик», яъни тил ҳодисаларини алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиниши натижасида юзага келган нуқсонларини бартараф қилиш йўлини тутди. Систем-структур йўналишнинг асосий самараси тилнинг тизимли ҳодиса эканлигини исботлашдан иборатдир. Аммо бу икки парадигманинг умумий камчилиги борлиги ҳам маълум бўлди: бу йўналишларда тил ўз эгаси – инсондан ажралиб қолди. Ушбу нуқсонни йўқотиш йўлидаги уринишлар прагматик ва когнитив тилшунослик парадигмаларининг яратилишига сабаб бўлди.

Аслида, тилдан маълум шахслар маълум ижтимоий муҳитда фойдаланишини ҳеч ким (ҳатто компаративистлар

ва структуралистлар ҳам) инкор этмайди. Қиёсий-тарихий тадқиқотларда ҳам тил тизимидаги ўзгаришларнинг ижтимоий муҳит, тил соҳиби бўлган халқларнинг яшаш шароити, маданий ҳаёти билан боғлиқ томонларига доимо эътибор қаратилган. Тилнинг ижтимоий моҳияти структурализм оқимида ҳам инкор этилмайди. Аммо тил ва инсон муносабати муаммоси ушбу парадигмалар доирасида тўлиғича лингвистик тадқиқот объекти даражасига кўтарила олмади. У ҳануз ўз навбатини кутар эди. Н.Чомский таълимотининг марказида турган лисоний универсалия масаласи ҳам инсон факторига бир томонлама ёндашув намунаси эди. Барча тиллар учун умумий бўлган хусусиятларни аниқлаш измида бўлган олим ушбу хусусиятларни инсон тафаккури структурасидан излади. У инсон мияси маълум турдаги лисоний қобилиятга мослашувига ва бу қобилият ҳам мия структураси каби ўзига хос тугма биологик ҳодиса эканлигига ишонди.

Сўзсиз, лисон ва инсон онги, мияси ўртасидаги боғлиқлик доимий, бу боғлиқлик инсон онгли фаолиятини таъминловчи воситадир. Бизнинг юрагимиз фаолият кўрсатмаса яшай олмаслигимиз аниқ, бироқ инсоннинг яшаши юрагининг уриб туриши билан боғлиқлигини билиш унинг ҳаёти қандай ва қай мақсадда кечаётганлигини билиш имконини бермайди. Лисон ҳам ҳаёт манбаси, шу сабабли унинг ҳаётдаги ўрнини, ундан одамлар қандай фойдаланаётганлигини ҳамда унинг ҳаёт даражаси, сифатига қандай таъсири борлигини билмоқ керак. Буларнинг барчаси биз фойдаланаётган ҳодиса – тилнинг табиати ва ижтимоий моҳиятини билиш имконини яратади.

Демак, тилшунослик мавҳум ва ўз доирасидан чиқа олмайдиган фан бўла олмайди. Тил доимо инсон ҳаёти, унинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқдир. Структурализмнинг ўта ашаддий вариантыда тил ва ҳаёт,

вокелик ўртасидаги масофа узайди. Лекин бу масофа чексиз эмаслиги аён эди. Маълум бир нуқтага етгандан сўнг бу масофа яна қисқара бошлади. Дастлабки ўринда лисоний белгилар ва ифода топаётган объект ўртасидаги алоқа қайта тикланди, *семантика* даври бошланди. Кейинчалик семантикадан прагматика «ўниб чиқа бошлади».

Лисоний фаолиятнинг прагматик хусусиятлари, бу хусусиятларни юзага келтирувчи омилларни ўрганиш тилнинг ижтимоий моҳиятини аниқлаш учун муҳимдир. Бу лисоний мулоқотнинг ижтимоий ва руҳий- психологик қонуниятлар билан мослашган ҳолда рўёбга чиқишини ва шу аснода тил тизими ривожланишини тасдиқловчи далиллар топиш имконини беради. Тил тизими тараққиётининг бошлангич нуқтаси (даври) прагматикадан бошланади дейиш мумкин. Бу бир хилда филогенетик ва онтогенетик жиҳатдан ҳам асосли даъводир. Зеро, лисон дастлабки ўринда сўзловчининг шахсий истаги, фойдаси учун хизмат қилади. Лисоннинг нутқ ижодкори билан боғлиқ томонларини ўрганиш муҳимдир, зеро, «бирор бир тилда сўзлаш оддийгина ушбу тилдаги гапларни тузишдан иборат бўлиб қолмасдан, балки шу йўсинда маълум турдаги ижтимоий фаолият ижросидир» (Kanngiesser 1976: 125).


Ижтимоий тажрибанинг кенг қамровлилиги туфайли, мулоқот вазиятлари ўзгариб туради ҳамда бошлангич ҳолатда оддий тузилишда бўлган прагматик структура ўзгариб, мураккаблашиб боради. Бу эса, ўз навбатида, прагматиканинг тўхтовсиз семантик қобиги кенгайиб боришига олиб келади. Демак, *лисоний таҳлили прагматикадан бошламоқ зарур*.

«Прагматика» (юнонча прагма – иш, ҳаракат) аслида фалсафий тушунча бўлиб, у Сократдан олдинги даврларда ҳам қўлланишда бўлган ва кейинчалик уни Ж. Локк,

Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштирганлар. Шу тариқа фалсафада прагматизм оқими юзага келган. Бу оқимнинг асосий тараққиёт даври XIX-XX асрлардир. Айниқса, XX асрнинг 20-30 йилларида прагматизм гояларининг кенг тарғиби аниқ сезила бошлади. Америка ва Европада бу тарғиботнинг кенг ёйилишида Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейн кабиларнинг хизматларини алоҳида қайд этмоқ керак.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Америкада ҳукмрон бўлган фалсафий прагматизм йўналишининг асосчиларидан бири Чарлз Сандерс Пирс (1839-1914) эди. Ушбу фалсафий тизимнинг асосий гояси семиотик белгининг (шу жумладан, лисоний белгининг ҳам) маъно-мазмунини ушбу белги воситасида бажарилаётган ҳаракатнинг самараси, натижалари, муваффақияти билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир. Бу тамойил муаллифи Ч.Пирс биринчилардан бўлиб, белги назарияси доирасида коммуникатив фаолият субъекти омилини инобатга олиш лозимлигини уқтирди.

Ч.Пирснинг талқинича, белгининг муносабат майдони уч йўналишдан иборат: 1) белги, аниқроғи – репрезентамен, бирор нарсанинг ўрнини алмаштирувчи моддий кўринишга эга бўлган восита; 2) идрок этувчининг онгидан ўрин олган ва белгининг тавсифини берувчи восита – интерпретанта; 3) белгида акс топаётган объект (қаранг: Сусов 1990: 125-126; Сухачев 2003: 50-53). Ушбу муносабатлар майдонини қуйидаги шаклда тасвирлаш мумкин:



Шаклдан кўриниб турибдики, белги уни идрок этувчи шахснинг фаолиятини таъминлайди, унга таъсир ўтказувчи тузилмадир. Таъсир ўтказмайдиган белгининг ўзи ҳам бўлмайди. Худди шундай таъсирни Ч.Пирс *интерпретанта* деб атайди. Ч.Пирснинг семиотик тизимини қанчалик «илмий ва мантикий асосга эга эмасликда» (масалан, қаранг: Волков 1966: 34) айблашмасин, унинг гоёлари нафақат фалсафий прагматизм, балки ундан 50 йиллар кейин шаклланган лингвопрагматика учун ҳам муҳим назарий асосдир. Айниқса, «интерпретанта» тушунчасининг киритилиши муҳимдир. Бу тушунча семиотик жараён (семиозис) нинг ҳаракатчан фаолият жараёни эканлигини таъкидлади, чунки лисоний белгининг идроки таъсиридаги шахс (тингловчи)да турли ҳис-туйғу тугилади, маълум бир ҳаракат истаги пайдо бўлади ёки шунга мажбур бўлади.

Ч.Пирс таклиф қилган семиотик тизим маълум даражада изчил ва мантикий яхлитликка эга. Мантиқшунос Ч.Моррис Ч.Пирснинг 60 турдаги белгилардан иборат тизимини ўта ихчамлаштирди ва универсал белгилар моделини яратади. Унинг таклифича, белгининг фаоллашуви жараёнида ҳосил бўладиган маъноси – M куйидаги муносабатлар йигиндисидан иборатдир: M_e – белгининг идрок этилаётган предметга муносабати (семиотика); M_p – белгининг ундан фойдаланувчига муносабати (прагматика); M_f – белгининг умумий тизимдаги муносабати (синтактика). Шундай қилиб, белгининг маъноси $M=M_e+M_p+M_f$ йигиндисидир (Morris 1938: 2-56).

Ч.Пирс таълимотида белгининг уч йўналишдаги муносабатлар асосида талқин қилиниши «унинг ўта идеаллашувига олиб келади ва унинг моддийлик хусусияти йўқотилади» қабалидаги танқидий фикрларга (Хабаров 1978: 87) кўшилиш қийин. Ҳа, дарҳақиқат, олим кўпроқ

белги ва унинг маъносининг синтези билан шугулланди, семиотик жараённи динамик муносабатларни юзага келтирувчи жараён сифатида тасаввур қилди. Менимча, бу мантикий жиҳатдан тўғри ва ўзини оклайдиган ёндашув эди. Ч.Пирс семиотика доирасида уч илмий соҳа – *синтактика* (ёки синтаксис), *семантика* ва *прагматикани* мустақил йўналишлар сифатида ажратди. Унинг таърифича, синтактика «белгиларнинг ўзаро синтактик муносабатларини уларнинг объект ёки интерпретатор – тавсифловчига бўлган муносабатидан ажратган ҳолда ўрганишдир», семантика эса «белгиларнинг ўз десигнатлари, яъни улар воситасида ифодаланаётган объектга бўлган муносабатини» таҳлил қилади ва ниҳоят, прагматика «белгининг ундан фойдаланувчи – интерпретаторга нисбатан муносабатини ёритувчи фандир» (Morris 1971: 23; 35; 43).

Дастлабки изоҳларда ушбу уч соҳа ёнма-ён жой олган бўлса-да, Моррис кейинчалик «прагматика» тушунчасини қолган икки соҳа – синтаксис ва семантикага нисбатан анча кенг эканлигини қайд этди. Прагматикани семиотиканинг бошқа қисмларидан (синтаксис ва семантика) устунроқ поғонага жойлаштириш ва уни кўп қиррали, лисоний фаолиятни кенг қамровда ўрганувчи соҳа сифатида талқин қилишда Моррис ёлғиз эмаслигини ҳам эслатмоқчиман. Бу гоё тарғиботида у тўлигича яна бир мантиқшунос Р.Карнапга (Карнап 1942) эргашган.

Бундан ташқари, семиотика ва мантиқ фанларида қўлланилаётган «синтаксис» тушунчасини тилшунослик соҳаси бўлган синтаксис билан қориштириб юбормаслик лозим. Бу атамалар айнан бир хил мазмунда қўлланмайдилар (Сусов 1971). Маълумки, синтаксис тил тизимининг фонетика, морфология каби соҳалари билан бир қаторда ажратиладиган сатҳини ташкил қилади. Синтаксиснинг ёки синтактиканинг семиотик мазмуни

ўзгачарок, бу ерда у прагматика ва семантикага қарама-карши қўйилади, улар билан киёсланади.

Семантика, Ч.Моррис таърифлаганидек, белгининг ўзи ифодалаётган объектга муносабатидир ва олим шу ифода объектини десигнат ҳамда денотат тушунчалари воситасида атайди. *Десигнат* – белги ифодалаётган объектлар синфи, *денотат* эса ушбу синф аъзоси. Олмон файласуфи Георг Клаус белгининг объектга бўлган муносабати доирасида икки хил вазифа, яъни маъно ёки мазмунни англатиш ҳамда ифодалаш (номлаш) вазифалари ижро этилишини фарқлаш тарафдори. У бу вазифалар фарқидан келиб чиққан ҳолда, семантика (маъно ифодаси вазифаси) ва сигматика (номлаш вазифаси) семиотик тизимнинг алоҳида қисмлари сифатида ажратади (Клаус 1965: 15-16). Аммо Г.Клауснинг семантика ва сигматикани мустақил соҳалар сифатида ажратиш ҳақидаги таклифини тўлиғича қувватлашнинг иложи йўқ. Чунки белгининг маъно ифодалаш ва номлаш вазифалари бир пайтнинг ўзида бажарилади, идрок қилинаётган предмет-ҳодисани номлаётибоқ биз ушбу номга маълум маъно «ҳадя» этамиз. Маъносиз номлаш ёки лисоний воқеланиш натижасиз ҳаракатдир. Объект ва унинг тафаккурдаги идроки (концепт) ҳам лисоний воқеланиши (лисоний белги) ўртасидаги уч томонлама мураккаб семантика доирасида юзага келади. Бундан ташқари, олмон семиотиғи В.Нёт айтганидек, сигматик мезонни ажратиб қўйиш – семиотик жараённинг муҳим қисми бўлган интерпретаторнинг назардан четда қолишига сабаб бўлади (Noth 1985: 51). Ҳолбуки, бу жараённи ҳаракатга келтирувчи, бошқарувчи омил – *инсон омилidir*. Шу сабабли семантиканинг икки қисмга – семантика ва сигматикага ажратиш масаласи баҳслидир.

Семиотик жараён таҳлилида инсон факторининг инобатга олинishi муҳимдир. Ч.Моррис ва унинг

издошлари прагматикани семиотик учликнинг асосий қисми сифатида ажратиб, уни лисоний ва уни қўлловчи шахс (Пирс ва Моррис бу ўринда «интерпретатор» атамасини ишлатишади) ўртасидаги муносабат билан машгул бўладиган соҳа деб таърифламоқчи бўлаётганларида айнан шуни назарда тутганлари аниқ. Худди шу сабабга кўра прагматика семантика ва синтаксис соҳаларида ўрганиладиган масалаларни қамраб олади ва ўзига хос умумлаштирувчи соҳа вазифасини ўтайди (буни Морриснинг ўзи ҳам эътироф этганлигини эслатмоқчиман – Morris 1971: 64). Дарҳақиқат, прагматика учун инсон белгидан нима учун (қандай мақсадда) фойдаланади ва бу қандай (қай йўсинда) бажарилади каби масалалар муҳим бўлса, унда беихтиёр белгиларнинг ўзаро бирикиб, лисоний структура тузиши (синтаксис) ҳамда ушбу белгилар тузилмаси улардан фойдаланувчилар хохишидаги маънони ифодалаш мумкинлиги (семантика) ҳақидаги саволлар ҳам прагматик таҳлил қамровига ўта бошлайди. Шундай экан, синтаксисни турли таркибдаги лисоний тузилмаларнинг структуравий меъёри ва ўлчовларини ўрганувчи соҳа, семантикани эса ушбу тузилмалар ифодалайдиган мазмунни аниқловчи соҳа сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Аммо, баъзилар истаганидек, прагматикани алоҳида ажралиб чиқадиган, бошқа соҳалар учун ёт бўлган ҳодисалар билан шугулланувчи соҳа деб қараш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Афсуски, айрим тадқиқотчилар прагматикани семиотик тизимда энг юқори поғонага кўтариб қўйиш билан уни «иҳоталаш», лисоний фаолият, белгилар тизими билан шугулланувчи бошқа соҳалардан ажратиб қўйиш тарафдоридирлар. Бинобарин, прагматикага оид дастлабки дарсликлардан бирининг муаллифи Кембриж университетининг профессори Стефен Левинсон прагматикани лисон бажарадиган (ижтимоий ҳаётда)

вазифалар нуктаи назаридан таърифлашга қарши чиқади. Унинг фикрича, бундай вазифавий ёндашув прагматиканинг ҳудудини ўта кенгайтириб юборади, лисоний структура хусусиятларини нолисоний сабаблар ва асослар воситасида тушунтиришга ундайди. Муаллифларнинг таъкидича, бундай кўринишдаги таъриф «прагматикани бошқа лисонга функционал ёндашувни талаб қилувчи соҳалар – психоллингвистика ва социоллингвистикадан фарқлаш» имконини бермас эмиш. Шунингдек, прагматик таҳлилга ундовчи сабабларни (мотивни), назариянинг мақсади билан қориштириб юборар эмиш (Levinson 1984: 7).

Хўш, лисоний таҳлилга вазифавий нуктаи назардан ёндашувда барча фанлар ҳамкорлигини инобатга олишнинг нимаси зарар?! Лисоний фаолият инсон фаолиятининг бошқа томонларидан ажралиб қола олмайди-ку! Нима учун биз чегарадош фанларни бир-биридан кескин ажратиб қўйишимиз керак? Ахир бу яна тилни «ўзи-ўзи учун» хизмат қиладиган тизим сифатида тавсифлашга қайтиш эмасми? Ёки С.Левинсон ушбу қайдларида ўз пайтида файласуф Р.Карнап истаган «соф прагматика» (pure pragmatics) йўналишини ажратиш тарафдоримикан? Менимча, ундай эмас. Акс ҳолда, дарсликнинг кейинги саҳифаларида лисоний маъно ифодаси борасида прагматика ва семантикани ажратиш қийин эканлиги ва дейксис, пресуппозиция, импликатура каби прагматик ходисалар структурага эгалиги ва маъно ифодалашига нисбатан синтаксис ва семантика доирасига ҳам кириши эътироф этилмаган бўлар эди.

С.Левинсонни иккилантираётган нарса бошқа нарса бўлиши керак. Юқорида айтилганидек, Н.Чомский ва унинг шогирдлари лисоний фаолиятни қобилият ва унинг нуткий ижросидан иборат (competence and performance) икки қисмли ҳодиса деб қарайдилар. Худди шу қисмлар

фарқига нисбатан прагматикани фақатгина *performance*, яъни ижро қилишга оид деб қараш аънанаси юзага келган: «(Грамматика) гап турлари ҳақидаги назариядир. Прагматик назариялар (муаллифлари – Ш.С.) эса, аксинча, лисоний тузилмаларнинг структураси ёки грамматик хусусиятлар ва муносабатларни изоҳлаш борасида ҳеч нарса қилмайдилар. Улар сўзловчи ва тингловчиларнинг гап белгисининг матнга пропозиция билан мос келишини изоҳлайдилар. Бундай ҳолда прагматика перформация (нутқий ижро)нинг алоҳида қисмидир» (Katz 1977: 19).

Грамматиканинг матн билан боғлиқ эмаслиги қанчалик даражада тўғри эканлигини ҳозирча айта олмайман-у, лекин лисоний қобилият (*competence*) фақатгина грамматик билимдан иборат, деган фикрга ҳеч қачон қўшилмайман. Инсоннинг лисоний бойлиги тўлиқ бўлиши учун у лисоний ва нутқий тузилмаларни яратиш учун лозим бўлган барча турдаги билимларга эга бўлмоғи керак. Агарда у лисоний структураларни ўзлаштира-ю, аммо уларни қандай қўллашни билмаса, у ҳолда ҳеч қандай қобилият ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Бекорга Пор-Рояль мутафаккирлари грамматикани «сўзлаш санъати» деб таърифлаб, белгини икки тарафлама, яъни моддий жиҳати ва инсонлар фикрни ифодалаш учун ундан қай йўсинда фойдаланиши масалалари бир хилда муҳимлигини уқтиришмаган (Арно, Лансло 1991: 19) бўлса керак.

Кейинги йилларда қобилият (*competence*) ва ижро, лисондан фойдаланиш (*performance*) ҳодисаларини кенгрок талқин қилиш одат тусига айланди. Маълумки, лисоний қобилият ҳар бир шахснинг когнитив ҳолатидир, зеро, лисоний билим - шахснинг ментал бойлиги ва ушбу бойлик заҳирасидан фойдалана олиш даражаси ҳар бир шахсда ҳар хил бўлади. Заҳира имкониятидан фойдаланишни таъминловчи ҳаракатнинг ўзи ҳам мураккаб тузилишга эга. Амстердам университетининг профессори Т. ван Дейк

айтганидек, тилдан фойдаланаётган шахслар бир пайтнинг ўзида бир қанча «иш»ни бажарадилар, бунинг учун улар нутқий ҳаракатни режалаштиришлари ва уни бошқариб боришлари лозим (Дейк 1989: 45). Шу сабабли сўзловчининг когнитив ҳолати, мулоқот муҳити (контекст) ва тилдан фойдаланиш актини ўзаро боглиқ, бири иккинчисини инкор қилмайдиган ҳодисалар сифатида қараш маъқулдир. Бу ҳодисалар ўзаро боглиқ ва биргаликда «ишлашади». Лекин бу жараён қандай кечади ва бажариладиган ҳаракатларнинг кетма-кетлиги қандай кўриниш олиши ҳозирча маълум эмас.

Семиотик жараён қисмларини бир-биридан ажратиб кўйиш ҳаракатларининг сабаби турлича бўлиши мумкин. Бу борада айниқса, собиқ ГДР олимлари Морис Корнфорт ва Георг Клаусларнинг «тиришқоқлиги»ни унутиб бўлмайди. Пирс, Моррис кабиларни субъектив идеализмда, буржуачиликда айблаган М.Корнфорт улар таклиф қилган семиотик тизимни бир томонлама, тўлиқ тавсифга эга бўлмаган тизим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, семиотик жараённинг прагматикага оид қисмига бунчалик эътиборни қаратиш «бекорга сарф қилинган меҳнат» бўлиб, белгининг нутқда фаоллашуви (инсон томонидан қўлланиши) масаласининг беҳевиоризм нуқтаи назаридан талқин қилиниши – «замонавий фалсафага юмор, яъни ҳазил-мутойиба элементини киритишдан бошқа нарса эмас»миш (Корнфорт 1951: 272).

Г.Клаусга ундан ҳам қийин бўлди. Социалистик муҳитда яшаётган бечора файласуф қандай бўлмасин, фалсафий прагматизмни марксизм билан «яраштириш», улар ўртасида бўлиши мумкин бўлган бирор бир умумий гоёни топиш илинжида эди. У семиотиканинг фалсафага пойдевор бўлиши ҳақидаги фикрга (Ч.Пирс, Ч.Моррис) қўшилмайди, лекин шунинг билан биргаликда ижтимоий ва табиий ҳодисаларнинг (шу жумладан, лисоннинг)

семиотик табиатини ўрганиш лозимлигини инкор этмайди ва инсон руҳининг прагматик хусусиятларини билишнинг марксистик назариясига таянган ҳолда ўрганишга чакиради. Файласуф, прагматикани марксизм томонига «буриш» мақсадида семиотиклар билдирган фикрларга янгича изоҳлар бериш, уларни синфий жиҳатдан мослаштиришга уринади. Бинобарин, Ч.Морриснинг куйидаги фикрига билдирилган изоҳни олайлик: «Агарда алоҳида шахс бирор белгини учратса-ю, ундан белгиларнинг қандай фаоллашуви (мулоқот жараёнида, матнда –Ш.С.) коидаларини билган ҳолда фойдаланса, у бошқалар билан дурустроқ ҳамкорлик қила олади (бу ҳамкорлик мақсадли бўлган тақдирда). Агар шахс ўзи учратган белгининг хусусияти, қайси мақсадда қўлланиши ҳамда унинг ҳақиқий ёки мутаносиблигини (воқеликка – Ш.С.) билса, унинг ҳаракатлари беихтиёр жавоб таъсирланишидан идрокли ҳаракат фаолиятига айланади» (Morris 1971: 240).

Хўш, Морриснинг ушбу фикрининг нимаси Г.Клаусга ёқмаяпти? Клаусни ҳайратлантираётган нарса Моррис айтган шахс қандай қилиб сўзларнинг характерини, фаоллашув жараёнида бажарадиган ижтимоий вазифасини била олиши мумкин? Муаллифнинг қайдича, алоҳида шахс фақатгина капитализм шароитидагина сўзларнинг ижтимоий моҳиятини, уларнинг тарғиботдаги ролини билиши мумкин эмиш, чунки у ҳар қандай ҳолатда мустақил равишда тузумнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини англаши лозим экан. Ҳақиқий илмий семиотика ва прагматика учун таянч таълимот эса жамиятнинг объектив қонуниятларига асосланиши лозим. Бундай таълимот эса, Г.Клауснинг ишонишича, ягона – марксистик фалсафа, хусусан, тарихий материализмдир (Клаус 1967: 33).

Нахотки лисоний белгининг қандай ижтимоий вазифа ўташи, ундан қандай фойдаланишни билиши учун инсоннинг қайси ижтимоий тузумда яшашининг фарқи бўлса?! Тил заҳираларидан инсон доимо мақсадли фойдаланади, бунда унинг дунёқараши, партиявийлиги ҳал қилувчи вазифани ўтамайди. Лисоний қобилият партиявийликдан, синфийликдан холи, бетараф ҳодисадир.

Албатта, ҳар бир фалсафий йўналишда бошқа йўналишга хос фалсафий гояларни танқид қилиш вазифаси ҳам қўйилади. Аммо танқид хато, нуқсонларни кўрсатишга қаратилиши лозим, акс ҳолда танқид янги нуқсонлар, мазмунан сохта гояларнинг тугилишига сабаб бўлиши муқаррар. Бўлмаса, турли фалсафий йўналишларни «яраштириш», ўзаро мослаштириш ниятида «тер тўккан» Г.Клаус ҳар қандай тилдаги сўз ва гапларни ўзига хос синтактик, семантик ва прагматик турларга ажратиш тарафдори бўлар эдими: «Мақсадли мазмундаги лисоний белгилар шаклланиши жараёнида ижтимоий базис ва ижтимоий ускуртманинг сўз ва гапга таъсири муҳим аҳамиятга эга» (Клаус 1967: 36) ва «Биз учун қизиқарлиси (прагматик таҳлилни марксистик тарғибот мақсади сари йўналтириш учун демоқчи –Ш.С.) фақатгина прагматик хусусиятга эга бўлган сўз ва гапларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг махсус тадқиқ қилиниши лисоннинг, айниқса, илмий тилнинг мантикий таҳлили учун муҳимлигидир» (Ўша асар, 37-б).

Г.Клаус бераётган ушбу изоҳлардан фақатгина биринчисини маъқул топиш мумкин. Ҳақиқатдан, лисон ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли ижтимоий муҳитдан озуқа олади. Лисоний бирликлар мафкуравий «жанг»ларда рухий, идеологик таъсир воситасига айланадилар. Бунда ҳар хил нутқий манипуляция, яъни ягона бир лисоний белгини турли мазмунда ишлатиш асосидаги «сўз ўйинлари» ҳосил бўлиши кузатилади.

Аmmo иккинчи изоҳ семиотик жараёнга ва тил тизимига айирмачилик (сепаратизм) ёндашувидан бошқа нарса эмас. Ахир тил тизимида фақатгина ва фақатгина синтаксисга, семантикага ёки прагматикага оид белгиларнинг мавжуд бўлишини қандай тасаввур қилса бўлади? Семиотикларнинг барчаси семиозис уч қисмдан (Клауснинг ўзи – тўрт қисмдан) иборат эканлигини ва бу қисмлар ўзаро боғлиқликда эканлигини эътироф қилишади ва уларни ягона бир семиотик доирада (учбурчак ёки тўртбурчакда) тасвирлашади. Қисмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар бир белгининг мазмунида акс топади, яъни барча белгилар айна пайтда семантик, синтактик ва прагматик либос олишиб, матнда, нутқий муҳитда маъно, мазмун ифодаляйдилар.

Муаммо бошқа томонда: лисоний белгининг семиотик бўлаклари (синтактика, семантика, прагматика) доим бир хил муносабатдами ёки бошқача айтганда, уларнинг бири иккинчисини инкор этиб, устунликка интилиши мумкинми? Г.Клаусни айирмачиликка ундаган яна бир нарса – гапнинг (нутқий курилманинг) онгли равишда мазмундор тузилишидаги фарқлардир. Муаллиф «Қор ёгмоқда» ва «Олтин тўртбурчак» гапларини қиёслаб, уларнинг иккаласи ҳам синтаксис талабларига жавоб беришига қарамасдан, иккинчиси семантик жиҳатдан мазмунсиз эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, семантика ва синтактик курилиши жиҳатидан эътиборсиз бўлган гаплар айрим пайтларда прагматик талабга жавоб бермаслиги мумкин. Зеро, «прагматик мазмунли гаплар бир ёки бир неча шахсларга, одамлар гуруҳига, ижтимоий синфларга, маълум жамоатчилик ташкилотларига оид бўлиши талаб қилинади» (Клаус 1967: 37).

Умуман, лисоний белги сифатида қўлланиладиган нутқий тузилмаларнинг мазмунан тўлиқ бўлиши масаласи узоқ пайтдан буён муҳокама қилиниб келинмоқда. Бу

борада Н.Чомскийнинг илк ишларида келтирилган «Рангсиз яшил гоюлар даргазаб ухлашмоқда» тузилмасини грамматик жиҳатдан тўғри эканлигини (ёки эмаслигини) тасдиқлаш учун қанча миқдорда сиёҳ ва қоз сарфланганлигини эслайлик. Унда «Қизиқарли янги гоюлар онда – сонда тугилади» тузилмаси ҳақида билдирилган фикрларни ҳам унутмаслик керак. Файласуф, мантиқшунос П.Циффнинг фикрича, бундай тузилмалар сохта бўлмаса ҳам мазмунга эга эмас. Яна бир мантиқшунос Х.Карри уларни «аграмматик» (грамматик ҳодисаларга мос келмайди) деб ҳисоблайди. Файласуф Х.Потнэм ҳам шу фикрда, лекин уларнинг мазмунан сохта эканлигини инкор қилмайди. Уларнинг мазмунан сохта тузилма эканлигини файласуф У.Куайн ҳеч қандай эътирозсиз эътироф этади. Тилшунос Р.Якобсон эса уларнинг грамматик қоидаларга жавоб бериши семантик жиҳатдан сохталигини ҳеч қачон «оқлай» олмаслигини ёзади (қаранг: Павилёнис 1983: 32).

Нутқий тузилмаларнинг мазмундорлиги, грамматик қоидаларга биноан тузилганлиги ҳақида бош қотираётган мантиқшунос ва файласуфлар (ҳа, тилшунос-семасиологлар бошқа соҳа – сўз семантикаси билан банд бўлиб турган пайтда) асосий эътиборни ушбу тузилмаларнинг нутқий фаолиятда қўлланишига аҳамият берадилар. Бунда тадқиқотчининг лисоний тажрибаси аниқловчи мезонни белгилайди. Масалан, «Олтин тўртбурчак» гапининг мазмунан сохта эканлигини аниқлашда Г.Клаус ўз ижтимоий тажрибасига, ҳаётда тўплаган билимига таянаётган бўлса, унинг грамматик жиҳатдан тўғри эканлигини билиш эса қўпроқ она тили (бошқалар учун бу хорижий тил бўлиши мумкин) грамматик қоидаларини қай даражада ўзлаштирганлиги билан боглиқдир.

Матннинг нутқий иборалар мазмун олишидаги ролини инкор этиш қийин масала. Бельгиялик тилшунос

Жан Ньютс айтганидек, «нутқий тузилмаларнинг структураси ва маъносининг аниқ тавсифини матн (контекст)га хос факторларга ёки аниқроқ айтганда, ушбу тузилмаларнинг қўлланишига оид факторларга таянмасдан туриб билишнинг иложи йўқ» (Nuyts 1992: 68). Нутқий бирликнинг ҳақиқий мазмунга эга бўлиши ва умуман мақсадли мазмунда шаклланиши бевосита унинг матнда фаоллашув шартлари билан боғлиқ эканлигини эътироф этиш билан биргаликда, ушбу шартни абсолютлаштириш нималарга олиб келишини ҳам ўйлаш керак.

Семасиологияда муҳим ўрин эгаллаган «Мазмун - Матн» дастурининг фаол тарғиботчиларидан бири Ю.Д.Апресян рус тилидаги «Кондитер жарит хворост на газовой плите» (Қандолатчи қуштилини газ плитада пиширяпти) туридаги гапларни «семантик мослашув» (Апресян 1974: 81) тамойиллари асосида таҳлил қилганда, унинг турли матнларда 72 хил мазмун ифодалай олишини қайд этган эди. Сўзсиз, нутқий фаоллашув лисоний белгининг виртуал (имкониятдаги) семантик бойлиги хусусиятларнинг воқеланиши учун муҳимдир. Аммо лисоннинг ҳар бир нутқий қўлланишида янги бир мазмун – маъно ажратаверсак, унда семантика доирасини чексизликка тақаб қўймаймизми?

Фикримча, лисоний белгининг «матнда қўлланиши» ёки «нутқий фаоллашуви» деган қўлланишининг ҳар бир конкрет мисолини назарда тутмасдан, балки қўлланиш типлари ва алоҳида типик ҳолатлари ҳақида гапирган маъқулдир. Чунки типик қўлланиш маълум лисоний жамоада қабул қилинган қонун-қоидаларга, норма шартларига жавоб бериши керак. Демак, лисоний белгининг нутқий мазмуни ҳам структуравий ва систем хусусиятларга эга бўлган ҳодиса сифатида қаралгани маъқул. Лисон фалсафаси ва математиканинг айрим соҳалари бўйича қатор ишлар муаллифи Майкл

Даммитнинг уқтиришича, семантика назарияси икки қисмдан иборат: референция ва лисоннинг қўлланиш назариялари. Демак, семантика (маъно) назариясининг асосий муаммоси ушбу қисмлар ўртасидаги муносабатни аниқлашдир. Бу муносабатлар аниқ бўлганда, гап мазмунининг ҳақиқийлиги ва уларни қўллашнинг воқеий тажрибаси ўртасидаги муносабат ҳам равшанлашган бўлар эди. Олимнинг фикрича, гапларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи шартларни аниқлаш маъно назариясининг ўзаги, ядросидир: «Ушбу ядрони яхшиси, «референция назарияси» деб атамоқ керак, чунки унинг таркибига маълум бир гапнинг у ёки бу муҳитда ҳақиқий эканлигини аниқловчи теоремалардан ташқари, алоҳида бирликларнинг қўлланиши ва уларни референтлар билан боғловчи аксиомалар ҳам киради... Референция ва мазмун назариялари биргаликда семантика назариясининг бир қисмини ташкил қилишади. Иккинчи, ёрдамчи қисм эса ҳаракатнинг фаоллашуви назариясидир (theory of force)» (Даммит 1987: 135).

Лисоний белгининг маъноси унинг нутқий матнда қўлланиши билан боғлиқ эканлигини эътироф этган М.Даммит семиотик жараёни тўлигича прагматиканинг хукмронлигига бериб қўйиш ниятида бўлмаса керак. Акс ҳолда, у кейинги саҳифаларда «ҳар бир сўз ёки гапнинг ягона бир хусусияти» борлигини ва фақатгина шу хусусиятни «англаб етишгина унинг маъносини тушуниш имконини бериши»ни таъкидламаган бўлар эди. Олимнинг ёзишича, «ушбу ягона хусусият асосида гапнинг ҳар қандай вазиятда қўлланиши шартларини белгиловчи умумий услуб мавжуд, шу сабабли маълум бир гапнинг маъносини билиш учун унинг худди шу асосий хусусиятини билиш керак» (Ўша асар, 136 - б).

М.Даммит қайд қилган «ягона хусусият» ва уни «матнлаштирувчи» умумий услуб мавжуд бўлишига

эътибор қаратмоқ лозим. Тўғри, айримлар ишонганидек, маъно ижтимоий коммуникация шароитида юзага келадиган «ижтимоий тузилма ёки ҳосила» бўлиши мумкин, аммо уни фақатгина «ўзаро келишув, музокара натижаси» сифатида қараш (Durfa, Lahteenmaki 1996) масаласи ўта мунозаралидир.

Аминманки, рисоланинг кейинги қисмларида лисоний белги маъно ва мазмунини шакллантирувчи ва нуткий фаоллаштирувчи лисоний ва нолисоний омиллар муҳокамасига қайтишга мажбур бўламан. Ушбу қисмда бу муаммога бир оз бўлса-да, тўхталишга ундаган нарса лисоний семиотик жараёни яхлитликда тасаввур ва талқин қилишнинг муҳимлигига ўқувчи диққатини жалб қилиш эди. Семиозисда қайси қисм бирламчи (семантикама ёки прагматика) деган саволнинг қўйилишининг ўзи ҳам маъносизликдан бошқа нарса эмас. У фалсафадаги «материя бирламчима ёки онг» (онг моддий борлиқ маҳсулима ёки моддий нарса онг, руҳиятнинг ижодима?) кабилидаги беҳуда тортишувлар қаторидан ўрин олиши аниқ. Шундай экан, материалистлар ва идеалистлар «жанг»ини давом эттиргандан кўра, прагматикани семиозиснинг синтактика ва семантика билан бир қаторда турадиган ажралмас қисми сифатида эътироф этиш маъкул. Яхшиси, прагматиканинг предмети ва асосий мақсадини аниқлаб олайлик.

III боб. Прагмалипгвистиканинг предмети ёхуд прагмалипгвистик таҳлил

Прагмалипгвистика тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида ўтган асрнинг 60-70-йилларида шаклланди. 1970 йилда Дордрехт шаҳрида «Табиий тиллар прагматикаси» (Pragmatics of natural languages) мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда ўқилган маърузалар тўпламининг муҳаррири, Телль-Авив университетининг профессори М.Бар -Хиллелнинг «Сўз боши»да қайд қилишича, анжуман иштирокчилари яқдиллик билан «Табиий тил воситасида бажариладиган мулоқотнинг прагматик хусусиятлари ушбу мулоқотнинг синтактик ва семантик хусусиятлари каби лингвистик назария доирасида ўрганилиши лозим», деган хулосага келишди (Bar-Hillel 1971: V-VI).

Прагматиканинг «қайта тугилиш даври» деб эътироф этилган худди шу пайтдан бошлаб, хорижий тилшуносликда ҳақиқий прагматик кўтарилиш юзага келди. Бу мавзуга оид қатор анжуманлар, йигинлар ўтказилди, чоп қилинаётган тўпламлар, илмий тадқиқотларнинг чегараси йўқ, Journal of Pragmatics том маънода халқаро нашрга айланди.

Бу даражада жадал тараққий этаётган фан соҳасининг тўлиғича шаклланиши, ўзлигини ажратиб олиши учун унинг предметини, асосий тушунчалари, тамойилларини белгилаб олиш зарурати тугилиши муқаррар. Афсуски, қатор тадқиқотчиларнинг уринишларига қарамасдан, бу муаммо ўз ечимини топганича йўқ, ҳануз прагматиканинг бошқа тилшунослик соҳалари қаторида тутган ўрни, унинг соҳалараро муносабати ҳақида айтилаётган фикрларнинг охири кўринмаяпти. Бу бир томондан, яхши, соҳанинг муҳимлиги, кўтарилаётган масалаларининг кўплиги, танланган йўналишнинг долзарблиги барчанинг

эътиборини тортаётганлиги исботидир. Иккинчидан эса, соҳа предметининг равшан бўлмаслиги, тамойиллар чалкашлиги, муружаат қилинаётган тамойил, тушунчаларнинг бетартиб қўлланишига, хулосаларнинг ноаниқлигига сабаб бўлишини ҳам унутмаслик керак. Кейинги йилларда «прагматика» атамасини қўлламайдиган тилшунос қарийб қолмади, десак муболага бўлмайди. Натижада, ўзига хос прагматик «фетишизм» ҳолати пайдо бўлиб, бажарилган тадқиқотларда атаманинг қўлланишидан ташқари, унинг мазмунига оид бирор бир маълумотни топиш қийинлашиб бормоқда. Лозим бўлса, бўлмаса атама қўлланаверса, унинг негизида турган тушунчанинг сийқаланишига олиб келиниши турган гап. Инчинун, лисоний бирликлар прагматик хусусиятлари, уларнинг прагмалингвистик таҳлили ҳақида гапиришдан олдин «Прагмалингвистика нима билан шугулланади?», «Унинг тадқиқот объекти ва предмети нимадан иборат?», «Прагматиканинг асосий тушунчалари, тамойиллари қайсилар?» каби саволларга жавоб излашга мажбурмиз.

Прагмалингвистиканинг предметини аниқлашга илк бор аҳд қилганлардан бири Г.Клаус эди. У юқорида эслатилган асариде прагматикани «белгилар (Z) ва ушбу лисоний белгиларни яратувчи, узатувчи ҳамда қабул қилувчи шахслар (M) ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи» фан сифатида таърифлайди (Клаус 1967: 21). Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, прагматиканинг предметини аниқлашда Г.Клаус ҳам бошқа семиотиклар (Ч.Пирс, Ч.Моррис, Ю.С.Степанов) каби белги ва уни идрок этувчи – интерпретатор муносабатидан узоқлашмайди. Ҳатто унинг «прагматика дастлабки ўринда лисоний белгиларнинг психологик ва социологик томонларини ўрганувчи назариядир» деган хулосаси ҳам (Клаус 1967:22) прагматика тушунчасини тор мазмунда тавсифлашдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, белгининг муносабатларга киришиш имкониятларини инобатга олиш семиотик тизим қисмларини ажратиш ва уларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш учун муҳим. Бусиз прагматиканинг семиотик жараёндаги ўрнини билиб бўлмайди. Лекин ушбу жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабат икки томонлама муносабат (белги - интерпретатор) сифатида қаралганда, прагматиканинг таърифи фақат формал кўриниш олади. Унда беихтиёр лисоний белгининг вазифасини фақатгина маълумот етказиш воситасидан иборат, деган фикр устувор бўлиб қолади.

Сўзсиз, мулоқот жараёнининг асосий мақсади ахборот узатиш ва қабул қилишдир. Шу сабабли бўлса керакки, коммуникация ходисасига турли муаллифлар томонидан берилган барча таърифлар асосида ижтимоий коммуникацияни инсонларнинг белгилар воситасида бажарадиган ўзаро «ахборот – маъно ҳамкорлиги» сифатидаги талқини ётади (Яковлев 2006:10). Лекин мулоқот мақсади оддийгина ахборот алмашиш билан чегараланиб қолмайди, ахборот узатишдан «ҳамкор»га таъсир ўтказиш, уни бирор нарсага ишонтириш, бўйсундириш, ҳаракатга ундаш мақсади кутилади. Бундан ташқари, семиотикларнинг ўзлари эътироф этганларидек, алоқа воситаси бўлмиш белгилар сўзловчи томонидан ўз майлини, бировни ёки бирор нарсани ёктиришини, норозилигини, ҳайратини ва бошқа рухий туйғуларини изҳор этиш учун ҳам қўлланишини биламиз. Лисоний мулоқотнинг худди шу жиҳатлари эътиборга олингандагина семиотик тизимнинг қисмлари ўзаро динамик, ҳаракатчан муносабатда бўлишини тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Лисоний мулоқот жараёнида ижро этиладиган вазифаларнинг турли-туманлиги кўпчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда. Бажарилиши мумкин бўлган

вазифалар миқдори ҳақида билдирилаётган фикрлар ҳам турлича (батафсилроқ қаранг: Сафаров 1983). Бинобарин, В.Робинсон лисоний тизимни мулоқот жараёнида ўн тўрт хил вазифани бажариш қобилиятига эга деб ҳисоблайди (Robinson 1972:49). Аммо муаллиф ажратаётган вазифаларнинг барчасини бир қаторга қўйиб таснифлаш қийинчилик тугдиради, чунки бу вазифалар турли босқичларда амалга ошириладиган ҳаракатлар натижасидир. Масалан, В.Робинсон ажратган «аффертн (ҳис-ҳаяжонни) ифодалаш» ва «эмоционал ҳолат, шахсиятни юзага келтирувчи манбани белгилаш» вазифаларини қиёсласак, уларни тамоман ягона бир таснифий қаторга жойлаштиришнинг имкони йўқлигига ишонамиз. Лисоний белгиларни мулоқотда қўллаётган шахс қандайдир бир эмоционал руҳий ҳолатда бўлади, унинг хатти-ҳаракатларида ижтимоий келиб чиқиши, маданияти ўз аксини топади. Мулоқот иштирокчиларининг бу турдаги хусусиятларини лисоний тизим бажарадиган вазифалар қаторига киритиш ушбу қаторни чексизликка олиб келади ва илмий таҳлилнинг самарасиз бўлишига сабаб бўлади.

Бундай оқибатдан қочиш учун даставвал «вазифа» (функция) тушунчасининг илмий қўлланишдаги мазмунини аниқлаштириб олиш лозим. Тушунчани изохлаш учун физиологияга мурожаат қилмоқчимиз. Маълумки, юрак уриб турганда овоз чиқаради ва қонни ҳаракатлантиради (яъни насос вазифасини бажаради). Хўш, бу иккала фаолиятда ҳам бирор бир вазифа ижросини кўриш мумкинми? Сўзсиз, йўқ. Вазифа фақатгина қоннинг ҳаракатга келтирилишида намоён бўлади, овоз чиқарилиши («дук-дук») эса қон (насос) ҳаракатга келишининг қўшимча натижасидир. Албатта, юракнинг уриши унинг бажараётган вазифасидан дарак беради, шунинг учун ҳам табиб бемор юраги ўз вазифасини (қонни ҳаракатга

келтиришини) қандай бажараётганини аниқлашда унинг уришини текширишдан бошлайди. Худди шунингдек, хуррак отиш нафас органлари фаолиятдан, чайнаш (овози) овқат истеъмолидан дарак беради. Бундай қўшимча натижаларни биологик органларнинг табиатига хос бўлган вазифалардан фарқлаш муҳимдир.

Шу йўсинда, лисоний тизим бажарадиган вазифаларни фарқлашда ҳам икки асосий саволга жавоб изланади: 1) лисоний фаолият жараёнида лисоний белгидан фойдаланувчи қандай ҳаракатларни бажаради? 2) лисоннинг қайси хусусиятлари ва имкониятлари ундан фойдаланувчига ушбу ҳаракатларни бажариш имконини беради. Биринчи савол лисоний бирликларнинг бирор бир вазифа ижросидаги ўрни, роли билан боғлиқ бўлса, иккинчиси ижро этиладиган вазифаларнинг тил табиатига хос томонларини акс эттиради.

Лисонга табиатан хос бўлган вазифаларини фарқлаш масаласини ўз зиммасига биринчилардан бўлиб олган олим олмон тилшуноси К. Бюллер эди. У ўзининг «Тил назарияси» асарида лисоннинг уч вазифаси ҳақида гапиради:

1) *Darstellung* «баён, тасвир» предмет ёки ҳодисанинг ифодаланиши;

2) *Ausdruck* «ифодалаш, экспрессивлик» ахборот узатувчининг шахсий хусусиятларининг ифодаланиши;

3) *Appell* «мурожаат» ахборотни қабул қилувчига таъсир кўрсатиш ва унинг ҳатти-ҳаракатини бошқариш (Бюллер 1993:24; олмонча нашри 1934).

Инглиз тилшуноси М.Холлидей Бюллер таснифини биртомонламаликда айблайди, унинг фикрича, бундай таснифда ижтимоий ва рухий омиллар етакчи ўринга чиқиб, лисоний қурилиш хусусиятларини инобатга олиш ва ёритиш унутилади. Олим К.Бюллер ажратган *Ausdruck* (экспрессивликни ифодалаш) ва *Appell* (аппелятив ёки

конатив, яъни суҳбатдошни ҳаракатга мажбур қилиш) вазифаларини ягона бир «интерперсонал», шахслараро муносабат доирасида юзага келувчи вазифага бириктиради. Унинг ёзишича: «бу иккаласи (экспрессивлик, конативлик) ўртасидаги фарқ психологик таҳлил нуктаи назаридан муҳимдир, аммо лингвистика учун аҳамиятсиз. Масалан, савол бирор ҳодиса ҳақида маълумот бериш талабими (конатив) ёки бирор нарсани билиш истагининг ифодасими (экспрессив)? Экспрессив ва конативнинг тил тизимида бир-биридан ажратиб бўлмаслигидан ҳайратланмаслик керак. Уларнинг иккаласи ягона бир «шахслараро» вазифага бирикадилар» (Halliday 1976:27).

Юқорида келтирилган тасниф бошқалари билан қийланганда, Бюллернинг инсон факторини инобатга олмаётганлиги маълум бўлади. Бюллер мулоқот жараёни таҳлилига қандайдир «бетараф кузатувчи» нуктаи назаридан ёндашади, бу «кузатувчи» ҳақиқий лисоний фаолият жараёнидан ажралиб қолган. Муаллиф коммуникатив вазиятнинг айрим жиҳатларинигина қайд қилишдан нарига ўтмасдан, мулоқат иштирокчилари лисондан фойдаланишида ҳосил бўладиган ҳолатлар масаласини очиқ қолдиради. Унинг диққат марказида фақатгина лисоний белгининг воқеликдаги бирор предмет ёки ҳодиса билан боғлиқлиги масаласи туради. Аммо референция ҳам Бюллер талқинида экстрасубъектив ҳодисадир, яъни у лисоний белгидан фойдаланувчи шахсга алоқадор эмас.

М.Ҳоллидей таснифида ҳам лисоннинг уч вазифаси эслатилади: 1) идрок, тасаввур вазифаси (the ideational function), яъни лисон сўзловчиларнинг воқелик, ўз ички кечинмалари ҳақидаги фикр, гоъларини ифодалаш учун хизмат қилади; 2) шахслараро вазифа (the interpersonal function): тил мулоқатга киришиш ва шахслараро муносабат ўрнатиш вазифасини ўтайди; 3) контекст ёки

матн вазифаси (the textual function): тил ўзи ва кўлланилаётган вазият элементлари ўртасидаги алоқани шакллантириш вазифасини бажаради. Охиргиси тил тизимининг ички вазифаси бўлиб, у олдинги икки вазифа амалга ошишида восита хизматини ўтайди (Halliday 1976:14).

Ушбу таснифий қатордан фақатгина биринчиси, яъни идрок этиш, тасаввур қилиш вазифаси (the ideational function) Бюллер таснифидаги *Darstellung* «баён этиш, тасвирлаш» га мос келиши кўриниб турибди. Зеро, иккала муаллиф ҳам воқеликнинг когнитив-лисоний акс топишини (референтликни) назарда тутмоқда. Ҳоллидейнинг мулоқотнинг иштирокчилари сўзловчи ва тингловчига оид лисоний фаолият кўринишларини ягона бир доирада, яъни шахслараро муносабат доирасида талқин ва тавсиф қилиши бир оз эътирозлидир. Маълумки, коммуникатив жараёнда сўзловчи ва тингловчининг иштироқи, мақсади ва роли турлича. Сўзловчи тингловчининг кечаётган мулоқот тарзи, мазмунига бўлган муносабатини ҳисобга олишга мажбур, акс ҳолда мулоқот сохталашади, *коммуникатив бифарқлик* юзага келади. Шунга нисбатан, Бюллер таснифидаги коммуникатив жараёнда лисон бажарадиган вазифани бир пайтнинг ўзида сўзловчи ва тингловчи нуктаи назаридан талқин қилиб, икки алоҳида вазифа ижроси сифатида ажратишни маъқулроқ, деб тавсия қилмоқчиман.

Маълумки, мулоқот жараёнида лисон матн шаклида намоён бўлади, зеро, лисоний ҳаракатлар алоҳида-алоҳида тарзда бажарилмайди, улар гуруҳлар даврасида пайдо бўлади, уларнинг ҳар бирининг лисоний матнда ўз ўрни бор. Ҳар бир лисоний тузилма (гап) нинг матнда жойлашуви («жойлаштирилиши» десак, маъқул бўлади) ушбу тузилманинг ўзи учун ҳам, бутун мулоқот матнининг шаклан ҳамда мазмунан таркиб топиши учун ҳам

муҳимдир. Шу сабабли лисоний белгининг матний вазифаларини ажратиш лозим бўлади.

Умуман, лисоннинг ҳар қандай вазифаси унинг коммуникатив жараёнда фаоллашувидан намоён бўлади. Агар лисондан фойдаланувчи шахснинг мулоқот жараёнида қандай ҳаракатларни бажаришини билсак, лисон коммуникатив восита вазифасини ўташи учун қандай имкониятларга эга бўлиши ва ушбу имкониятларни қай йўсинда намоён қила олишини аниқлаш мумкин бўлади. Ҳозирча лисон коммуникация воситаси бўлишдан ташқари, яна қандай вазифаларни ўташи мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб изламай, лисоннинг ҳар қандай вазифаси ижросида унга хос бўлган юқорида эслатилган уч турдаги вазифа асос бўлиб хизмат қилишини таъкидламоқчиман. Бу вазифалар эса, мулоқот жараёни кечишининг маҳсули эканлигини яна бир марта таъкидламоқчиман.

Шахслараро муносабат фақатгина коммуникациядан иборат эмас. Шунинг учун грамматик тизим ва сўзлашув фаолияти муносабатлари билан шугулланган Д.Франк «экспрессив мазмун» (Aussagegehalt) мавжудлигига (ёки мавжуд эмаслигига) нисбатан коммуникатив ва интерактив фаолиятларни фарқлашни таклиф қилади (Frank 1980: 36). Ушбу фарқни изоҳлаш учун муаллиф бокс мусобақаси қоидаларига мурожаат қилади. Унингча, бокс ўйини нокоммуникатив муносабат мисолидир, чунки ҳар бир мушт туширишнинг «мазмуни» бирданига аниқ бўлмайди, ўйинда бажарилаётган ҳаракатларнинг баҳоси умум томонидан қабул қилинган қоидаларга асосан берилади. Бундай муштлишиш ўйиндан ташқари муҳитда юз берганда эса, ҳар бир мушт маълум мақсад сари йўналтирилади.

Дарҳақиқат, турли коммуникатив ҳаракатларни фарқловчи нарса танланган ифода воситаси ва

ифодаланаётган мазмуннинг ўзига хослиги, модаллик белгиларидир. Масалан, бўса, қозга қизил рангда чизилган юрак рамзи ва «Мен сени севаман» иборалари мазмунан қанчалик яқин бўлишмасин, уларнинг экспрессивлик, таъсир кучи турличадир. Демак, мулоқот актларини лисоний тизим бирликлари бажарадиган вазибалар нуқтаи назаридан таснифлаш эҳтиёжи мавжуд.

Мулоқот актининг мақсади ўзаро бир-бирини англашга эришишдир. Хўш, коммуникантлар бир-бирини тушуниши учун нималарга эришмоқ лозим? Агар биз воқелик ва уни идрок этувчи шахсларнинг алоҳида мавжудлигини эҳтимолда тасаввур қилсак, унда шахснинг воқеликни идрок этиш ва билиш жараёни қандай кечади? Ҳар ҳолда воқелик ҳақидаги билим предмет ёки ходисанинг оддийгина акси эмас, балки бу билим янгидан яратилган воқелик, унинг ташқи дунё билан боғлиқлиги билвоситадир. Инсоннинг борлиқни «ўзлаштириш» жараёнининг ўзи фаол жараён. Воқеликни идрок этишга интилаётган инсон ушбу воқеликка «синггиб» кетади, ўзлаштираётган билимини концептуал «хазм қилиш»га интилади. Олинган янги маълумот ажралиб қолса, ўз қийматини йўқотади, у шахснинг интеллектуал заҳирасида мавжуд бўлган маълумотлар билан уйғунлашади, мослашади.

Машхур фаранг психологи Ж.Пиаже инсон когнитив ривожининг асосида *ассимиляция* (уйғунлашиш, синггиб кетиш) ва *аккомодация* (мувофиқлашиш) тамойиллари асосий рол ўйнашини қайд этган эди. Пиаже таклиф қилган назарияга кўра, инсон янги ахборотни дастлаб когнитив структурасида мавжуд бўлган категориялар қаторига сингдиришга ҳаракат қилади. Лекин бу ҳаракат когнитив тизимда маълум номутаносибликлар юзага келгунга қадар давом этади. Номутаносиблик ҳолати эса инсонни когнитив категорияларни қайта тузиш ва

мувофиқлаштиришга ундайди. Фақат шундагина қарама-қаршиликлари йўқотилади, мувозанат сақланишига эришилади (Piaget 1980).

Ж.Пиаженинг ёш болаларнинг эпистемологик ва лисоний ривожига оид бўлган ушбу назарияси катта ёшлиларнинг билиш фаолияти таҳлилига ҳам мос келишига аминман. Шубҳасиз, дунёни билиш жараёнида *объективлик* ва *субъективлик* доимо ёнма-ён туради, бири иккинчисини инкор этмайди. Бири иккинчисига мустақил ва тобе, бирламчи ва иккиламчи муносабатларида бўлган икки оламнинг мавжудлиги гносеологияда аллақачон эътироф этилган ҳақиқатдир. Бу иккала оламнинг мавжудлигининг ўзи объектив ҳодисадир. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмаса керак, аммо бирламчи оламнинг иккиламчисида акс топиши масаласи инсоний фаолият турлари таҳлилида муҳимдир.

Лисоний мулоқот инсон фаолиятининг муҳим тури. Лисоний фаолиятда объектив ва субъектив ҳолатларнинг мослашуви муаммосига оид алоҳида рисолалар яратган рус лингвофайласуфи Геннадий Владимирович Колшанский лисоннинг субъективлигини унинг инсонийлик хусусиятидан излаш лозимлиги ҳақида маслаҳат беради: «тил алоҳида шахснинг, инсоннинг, бутун инсониятнинг фикрлаш қобилияти аломатидир ва шу сабабли ўз тизими ҳамда структурасида инсон томонидан оламни ўзлаштирилишининг барча хусусиятларини, инсон амалий фаолиятининг хусусиятларини, ижтимоий ва табиий муҳит шароитларини ифода этади... Тил – объектив ва субъективдир, у ўз моҳияти билан икки томонлама субстанция бўлиб, бир пайтнинг ўзида борлиққа ва инсонга «юзланади» (лисон- субъект, лисон-объект)» (Колшанский 1990:26).

Коммуникатив жараёнда ва умуман лисоний фаолиятда объектив ва субъектив омилларнинг

мувофиқлашуви мулоқот иштирокчиларининг бир-бирини тушунишини таъминланишини эътироф этган ҳолда, яна бир масалага тўхталмоқчиман. Бу масала субъектив билишда умумийликка эришишга доирдир. Ахир борлиқнинг икки шахс томонидан бир хилда идрок этилиши қийин масала-ку! Инсонлар тугилиб ўсган, шахс сифатида камол топган ижтимоий-маданий муҳитлар турли хил, улар ана шу муҳитдаги шароитларга мос ҳолда турлича тарбия кўрадилар, улгаядилар (хатто эгизаклар ҳам интеллектуал жиҳатдан фарқ қилиши мумкин). Шундай экан, турли инсонларнинг воқелик ҳақидаги билими субъектив жиҳатдан маълум даражада фарқ қилиши мумкин, лекин шунинг билан биргаликда ягона муҳитда яшайдиган шахслар шу муҳит учун умумий бўлган тамойиллар ва қонун-қоидаларга амал қилишини ҳам унутмаслик лозим. Худди шу нарса мулоқотдаги шахсларнинг воқелик идрокида ўзига хос «шахслараро келишувиға» олиб келади. Коммуникация воқеликнинг *субъектив тасавурида* қисман муқобиллик ва қисман номуқобилликни тақозо этади.

Шундай қилиб, коммуникациянинг табиати ҳақида юқорида айтилган фикрлар унинг таҳлили жараёнида инобатга олиниши лозим. Коммуникациянинг моҳияти фақатгина объектив ва субъектив фактлар умумийлигида намоён бўлади. Шу сабабли бўлса керакки, коммуникациянинг муҳим таркибий қисмлари сифатида «сўзловчи», «тингловчи», «ижро этиш» ва «тушуниш» бўлимлари ажратилади. Бундай ёндашув прагматиканинг айрим йўналишларида мулоқотни фақатгина лисоний актларни тушуниш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш гоёсининг устунлигига сабаб бўлмоқда. Бу эса прагматиканинг таҳлил доирасини чегаралаб қўйиш хавфини тугдиради. Прагматикани *тушуниш назариясига* айланиб қолиши хавфидан огоҳ қилган Ҳ.Паррет тушуниш

ҳаракати мулоқотда оқилоналикка (рационалликка) ва мантиқийликка ундашени қайд қилади (Parret 1986: 755). Мулоқот воқеликнинг субъектив идрокени талаб қилиши ва шу идрок, тушуниш атрофида мазмунан таркиб топиши ҳақиқатдир. Аммо бу *ҳақиқатнинг бир қисмигина*, чунки субъектив тасаввурни яратиш фаолиятсиз уни тушуниш имконияти йўқ.

Когнитив фаолият яратувчанлик ва идрокни бир-бирига қарама-қарши қўймайди, уларнинг қаршилигисиз когнитив жараён ҳам кечмайди. Шундай экан, Ҳ.Парретнинг (Parret 1986) «бирор бир тил фақатгина ушбу тилдаги дискурсив (нутқий) кетма-кетликларни маълум жамоа аъзолари тушунгандагина ушбу жамоанинг тили бўлади» деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Яхшиси, ушбу тавсифни «маълум жамоа аъзолари бирор бир тилни тушуниш қобилияти ва унинг воситасида яратувчанлик қобилиятини намоён қила олсагина у ушбу жамоа тилига айланади» қабилида ўзгартиришни тавсия қилган бўлар эдим.

Муҳтарам ўқувчим! Қўйилган масалага бир оз бўлса-да, узоқдан ёндашишга мажбур бўлдим. Зеро, ҳар қандай кўринишдаги лисоний фаолият таҳлилига вазифавий (функционал) нуқтаи назардан ёндашув илмий тадқиқ стратегиясини, унинг тамойилларини аниқ белгилаб олишга имкон беради. Лисоний ҳодисаларнинг вазифавий талқини лисоний таҳлилда, турли назариялар шаклланишида муҳим методологик асос, кўрсатма хизматини ўтамоқда. Прагмалингвистик назария ҳам функционализмни четлаб ўта олмайди. Мулоқот фаолияти таҳлилига лисоний тизимнинг функционал хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашмасак, прагмалингвистиканинг таърифини бериш, унинг тадқиқ предметини аниқлаш ўта қийин вазифага айланади.

Ж. Лайонз тилшуносларнинг 12 - халқаро конгрессида (Вена, 1977) прагмалингвистиканинг предметини аниқлаш ва унинг таърифини беришга ҳаракат қилди: «Прагматика тингловчини узатилаётган ахборотни худди сўзловчи истаганидек қабул қилишга ундаш мақсади учун мос келадиган лисоний бирликларнинг коммуникацияда қўлланишини тавсифлайди. Бу прагматика лисоний воситаларнинг шахслараро мулоқотдаги ролини аниқлаш билан шугулланади, дейиш демакдир» (Proceedings 1978: 26). Ушбу таърифнинг асосида лисоний ҳаракатдаги кўзланаётган мақсад ва унга эришиш воситаси ўртасидаги муносабат турибди.

«*Сабаб-мотив-мақсад*» занжири нутқий фаолият режасини шакллантиради ва унинг воқеланишини таъминлайди. Худди шу нарса А.Кашерни прагмалингвистик таҳлилнинг асосий мақсадини «қўйилган мақсадга эришишда лисоний воситалардан фойдаланишни таъминловчи инсонга хос бўлган қобилият коидаларини» ёритиш ва тушунтириш деб тавсифлашга ундайди (Kasher 1979: 38).

Прагмалингвистикага берилаётган таърифларни қиёслаганимизда, уларнинг барчасида ушбу соҳа предметини ёритишда етишмаётган тўлақонлиликни, айрим ҳолда бир таъриф иккинчисида ифодаланаётган мазмунга қандайдир бир «соя» тушираётганлигини сезамиз. Балки ушбу масалага турли томонлама ёндашув орқали «барча сарҳадлар бўйлаб ҳужум қилиш» йўли билан умумий ҳолатни, ўрганилаётган ҳодисанинг тўлиқ суратини тасвирлаш мумкиндир. Бунинг исботини излаш мақсадида прагмалингвистик адабиётларда берилиб келинаётган айрим таърифларни эслатишга ва қисман изоҳлашга ҳаракат қилмоқчиман.

Америка тилшуносларининг кўп ҳолларда лисоний фаолиятга оид ҳар бир ҳодиса таҳлилида Н.Чомский

таълимотига таянишга ҳаракат қилишлари сезилиб туради. Прагмалингвистик тадқиқотлар ҳам бундан мустасно эмас. Нутқий ҳаракатлар ижроси негизидаги пропозиция мазмуни ва коммуникатив мақсадни намоён қилиш (иллокуция) муносабатини ўрганган Ж.Катц прагматика предметини Чомский таълимотидаги лисоний қобилият (competence) ва нутқий ижро, фаоллик (performance) қарама-қаршилигида кўради. Унингча, прагматик назария гапларнинг маъносини маълум муҳитда (контекстда) талаффузига биноан чегаралаш имконини яратади. «Грамматика гап турлари структураси ҳақидаги таълимотдир, прагматика эса аксинча, лисоний тузилмаларнинг қурилиши, уларнинг грамматик хусусият ва муносабатларини ёритиш билан шугулланмайди. Прагматик назариялар гап белгиси ва пропозициянинг матндаги мувофиқлигини сўзловчи ва тингловчи томонидан оқилона таъминланишини ўрганадилар. Шунга нисбатан, прагматик назария нутқий фаоллик (перформация) назариясининг маълум бир қисмидир» (Katz 1977: 19).

Прагмалингвистик тадқиқ доирасини бу даражада торайтириш уни фақатгина нутқий ижро фаолияти билан чегаралаб қўйиш назарияни тор кўчага етаклашдан бошқа нарса бўлмаса керак. Бундай ҳолатда лисоний таҳлил ўз пойдевори - лисондан ажралиб қолади. Шубҳасиз, лисоний фаолиятнинг юзага келишида социал муҳит, мулоқот вазияти муҳим рол ўйнайди ва шаклланаётган бирликнинг мазмуни матн ёки контекстда намоён бўлади, аниқланади. Ж.Катц келтирган мисоллар rabbit «куён» ва bunny «куёнча» ҳамда dog «ит» ва dogge «кучукча» жуфтликларининг иккинчи сўзларини («куёнча», «кучукча») болаларга нисбатан ёки уларнинг ўзлари томонидан ишлатилиши тўғри. Аммо улар мазмунидаги эркалаш, кичрайтириш маънолари матнга ҳам маълум. Бу

маънолар лисоний характерга эга ва лексик ёки морфологик ифода воситасига эга эканлиги кўриниб турибди.

Лисоний фаолият бирликларининг мазмунан матн, қўлланилаётган контекст билан боғлиқлиги муаммоси шу даражага бориб етдики, У. Бар-Ҳиллел, Ж.Лайонз кабилар бир томондан *матн – гап* ва *тизим – гап, гап – тил* ва *гап- белги* ҳамда, иккинчи томондан, нутқий бирликлар бўлган *нутқий акт* ва *нутқий ҳосила*, *нутқий белги* ва тил ҳодисаларини фарқлашни таклиф қилишади. Бу эса, ўз навбатида, гап маъносини семантиканинг объекти ва нутқий бирлик маъносини прагматика объекти сифатида қарашга сабаб бўлади. Семантика ва прагматика муносабати масаласи муҳокамасини ҳозирча кейинги саҳифаларга қолдириб, айтмоқчиманки, бу турдаги талқин прагмалингвистиканинг доирасини янада чегаралаб қўйиб, уни гап ёки нутқий бирликнинг у ёки бу матнда (вазиятда) ўринли - ўринсиз қўлланишини аниқловчи соҳага яқинлаштириб қўйиши ҳеч гап эмас. У ҳолда С.Левинсон таклиф қилган таъриф ўринлидек туюлади: «Прагматика тилдан фойдаланувчиларнинг гапларининг контекста ўринли (appropriate) қўлланилаётганлигини ўрганувчи соҳадир» (Levinson 1983: 24). Менимча, бу таъриф ҳам прагмалингвистика предмети тоғ доирада тасаввур қилиниши намунасидир.

Олмон олимлари прагматика соҳасини кенг маънода талқин қилиш, уни тилшуносликнинг умумлаштирувчи соҳаси сифатида эътироф этишни маъқул кўришади. Масалан, «Олмон лингвистик қомуси»нинг муаллифларидан бири, матн тилшунослиги бўйича йирик мутахассис З.Шмидт «прагмалингвистика» ва «матн лингвистикаси» тушунчалари ягона бир мазмун англатишини ва улар биргаликда лисоний мулоқот умумий назариясини шакллантиришини ҳамда ушбу назария,

коммуникатив тилшунослик соҳаси сифатида, матн грамматикаси ва анъанавий грамматикани ҳам қамраб олишини исботлаш ниятида эканлигини билдиради (Schmidt 1973: 233-244).

Муаллифлар сони кўпайгани сари берилаётган таърифлардаги турли хиллик, фикрлар зидлиги ҳам ўсиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Охирги 60-70 йил давомида прагматиканинг доираси, қамрови шунчалик кенгайдикки, ягона бир назария ва унинг чегараси ҳақида бирор бир тўхтамга келишнинг ўзи қийинлашиб бормоқда. Бунинг устига, прагматлингвистиканинг тараққиётига когнитология, маданий антропология, фалсафа, мантик, социология, фаолият назарияси каби тилшуносликнинг сарҳаддошлари ва социоллингвистика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, матн назарияси каби соҳалари ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. Прагматлингвистик тадқиқотларнинг предметини нималар ташкил қилмоғи даркорлиги масаласи ҳам ўз долзарблигини хануз сақлаб келяпти.

Юқорида прагматикани тор маънода талқин қилувчи айрим таърифлар келтирилди. Худди шу йўсиндаги прагматик тадқиқот доирасининг торайтирилишини айрим файласуфларнинг фикрларида ҳам сезиш мумкин. У. Монтегю, П.Стросон кабилар (қаранг: Павилинес 1986) прагматиканинг тадқиқот предмети сифатида дейктик иборалар («мен», «сен», «бу ерда», «у ерда», «хозир», «ўша пайтда» кабилар) мазмунини тавсифлашдан иборат деб қарашади. Ушбу birlikларнинг референтини матнсиз аниқлаш мушкул эканлиги маълум. Уларнинг маъносини равшанлантирувчи энг кичик матн (минимал контекст) сўзловчи, тингловчи, замон, макон, регистр, стиль, нутқий ҳаракат тури кабиларни инобатга олади.

Прагматиканинг кенг миқёсдаги талқини унинг тадқиқ доирасига инсоннинг мақсадли ҳаракат

турларининг киритилишида намоён бўлади (масалан, Green 1975). Прагматиканинг бу икки кутбли талқини доимо бир-бирига қараб интилади ва турли тадқиқотларда прагматика тушунчасига берилаётган тавсифлар бир-бирини тўлдириб, равшанлаштириб бораётгандек туюлади. Турли ишларда қайд этилишича, прагмалингвистика лисоннинг қўлланиши билан шугулланувчи, нутқий вазиятда (контекстда) фаоллашган тил тизими ҳақидаги фан, тилни режалаштирилаётган мақсад нуктаи назаридан тадқиқ қилувчи фан, нутқ актларини тавсифловчи назария, конверсацион (огзаки нутқ) таҳлил назарияси, шахслараро муносабатларни ифодаловчи лисоний воситаларни ўрганувчи соҳа ва ҳоказо (бу қаторни яна давом эттириш мумкин). Рус тилшунослари Н.Д.Арутюнова, Ю.С.Степановлар прагматикани бадий коммуникациянинг субъектив хусусиятларини, матнда уни ижодкорларининг «мен»ини ифодаланиши услубларини ўрганувчи назария сифатида қарашни таклиф қилишди (Арутюнова 1981; Степанов 1985). Прагматикани сўзловчининг воқеликка, ахборот мазмунига ва адресатга (тингловчи, ўқувчи) бўлган муносабатининг лисоний бирлик мазмунидан жой олган таъсирчанлик кучини аниқловчи фан (нутқий таъсир назарияси) сифатида тасаввур этувчилар ҳам йўқ эмас (Киселева 1983).

Нидерланд олими Т.А. ван Дейк ва унинг издошлари лисоний нутқий курилмаларининг мулоқот вазияти учун «яроқлилиги» масаласини назарий жиҳатдан ёритиш прагматиканинг мақсади, деб ҳисоблайди. Ушбу назариянинг асосий вазифаси нутқий актларнинг когнитив мазмунини яратиш, уларни эсда сақлаб қолиш ҳамда маълум ижтимоий-маданий муҳитда тил тизимидан фойдаланиш ва шу аснода коммуникация моделини шакллантириш муаммоларини ўрганишдир (Dijk 1981). Хуллас, прагмалингвистиканинг предметини аниқлаш

борасидаги уринишлар давом этмоқда, ушбу соҳага берилган таърифлар ҳам бисёр, ammo юқорида эслатилган таърифлардан ҳеч бири тилшуносликнинг ушбу соҳасига оид асосий тушунчаларнинг мазмунини акс эттира оладиган даражадаги умумийликка даъвогарлик қила олмайди.

Прагмалингвистикани тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ажратиш ва унинг ўрганиш объекти, предметини аниқлаш учун лисоний бирликларнинг турли коммуникатив муҳитда прагматик қиймати, «бахоси», мундарижасининг намоён бўлишини таъминловчи омилларни изламоқ даркор. Лисоний бирликларнинг ҳар қандай шароитда намоён бўладиган белгилари уларнинг онтологик ва вазифавий (функционал) хусусиятлари намунасидир. Прагмалингвистик тадқиқ методологияси, биринчидан, ўз фалсафий асосига эга бўлиши керак бўлса, иккинчидан, худди шу хусусиятларни (онтологик ва вазифавий) аниқлаш имкониятини яратмоғи лозим. Бундай методологиянинг таянч нуктаси хизматини, сўзсиз, *фаолият тамойили* ёки умуман *фаолият фалсафаси* ўташи мумкин. *Фаолият* категориясининг лингвистик тадқиқотларда асосий методологик тамойил сифатида қабул қилиниши коммуникатив тизимнинг таркибий қисмлари, уларнинг тузилиши, лисоний ва нолисоний моҳияти ҳақида батафсилроқ билимга эга бўлиш имконини яратади (қаранг: Сафаров 1991: 25-51). Мулоқот жараёнининг *фаолият тамойили* нуктаи назаридан ёритилиши прагмалингвистикага назарий либос кийдириш билан бир қаторда, оламни билиш ва лисоний *фаолият*нинг туташганлигини исботловчи далиллар топишга замин ҳозирлайди. Ахборот алмашинувини тақозо этувчи нутқий мулоқот ҳиссий ва рационал (оқилона) билиш ҳаракатларининг ўзаро алоқаси натижасидир. Лисоний мулоқот қобилиятининг ўзи когнитив ва коммуникатив

вазифалар умумлашмаси бўлган мақсадга эришишда лисондан фойдалана олиш қобилиятидир.

Прагмалингвистиканинг методологик негизини фаолият назариясидан излаган психоллингвистлардан бири Е.Ф.Тарасовнинг фикрича, нутқий мулоқотнинг инсон фаолиятига боглиқ эканлигини икки томонлама тушуниш керак: «Биринчидан, фаолият кечаётган нутқий мулоқотнинг мундарижаси ва воситаларини белгилаб беради. Мулоқот мундарижаси коммуникантларнинг ҳамкорликдаги фаолиятидан иборат бўлиб, лисоний белгилар танлови ва дискурснинг (нутқий бирликнинг) тузилиши ушбу ҳамкорлик мақсади талабига жавоб беради. Иккинчидан, фаолият кўрсатаётган инсон тасаввуридаги объектлар дунёсини шакллантиради ва бу объектларнинг мавжудлиги белгилар воситасидаги мулоқотнинг энг биринчи ва асосий талабидир. Белгилар воситасидаги мулоқот эса коммуникантларнинг идеал объектлар «дунёси» умумий бўлгандагина амалга ошиши маълумдир» (Тарасов 1989: 32).

Демак, прагмалингвистик тадқиқотнинг асоси сифатида фаолият тамойилининг қабул қилиниши нутқий мулоқот тизимининг лисоний прагматик мундарижаси таҳлилини асосий ўринга чиқарди. Бу эса, ўз навбатида, прагмалингвистик тадқиқотлар доирасини янада кенгайтирди ва бу доирага лисоний воқеликдан ташқари, мулоқот муҳити билан боглиқ бўлган барча ижтимоий ҳодисалар тизимини киритишга ундади. Бу ҳолда лисоний фаолият инсон ижтимоий-иқтисодий фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг бир тури сифатида қаралади (Сусов 1983: 14). Ж.Мейнинг қайдича, «прагматика ҳаракатни, инсон ҳаракатини тавсифлайди, лисоний фаоллик эса, умуман, инсон фаолиятига бўйсунадиган қонуниятларга амал қилади» (Мей 1979:11).

Прагмалингвистиканинг предметини аниқлашга фаолият назариясининг тадбиқ қилиниши тилшуносликнинг ушбу соҳасига антропологик руҳ беради ва лисоний ходисаларнинг айнан инсонга хос хусусиятларини, антропологик моҳиятини прагматиканинг предмети сифатида талкин қилишга ундайди (Алефиренко 2005:220). Лингвопрагматик таҳлил объекти эса ҳар қандай ҳолда ҳам лисон ва унинг фаолият жараёнида воқеланадиган хусусиятлари ва умуман коммуникация категориясидир.

Лингвопрагматика таърифи, унинг предметининг тавсифи борасидаги фикрлар қанчалик турли-туман бўлмасин, тадқиқотчилар бу борада қуйидаги асосий гояларда ҳамфикрдирлар:

- коммуникатив фаолият тавсифининг таянч нуқтаси фаолият тушунчасидир;

- лисон мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатини ҳаракатга келтирувчи воситадир;

- лисоний фаолият воқеланиши бевосита мулоқот муҳити билан боғлиқ ходисадир (Азнаурова 1988:28).

Буларнинг барчаси прагмалингвистиканинг алоҳида соҳалари учун тадқиқот предмети бўла олади. Масалан, лисоний мулоқот тизими нутқ субъекти нуқтаи назаридан тадқиқ қилинганда, эътибор нутқий акт турларининг мазмуни, дискурс тузилишида мулоқот мақсадининг ўрни, тағмаънонинг ифода топиши, пресуппозиция ва мулоқот иштирокчиларининг ментал қобиляти каби ходисаларга қаратилади. Тадқиқот нутқ адресати нуқтаи назаридан бажарилаётганда эса, асосий эътибор нутқий актнинг прагматик таъсирини аниқлашга қаратилади.

Юқоридаги икки ҳолатда асосий тадқиқот объекти нутқий акт, у орқали узатилаётган ахборот ва ушбу ахборотнинг тушуниб, маъно жихатидан идрок этилишидир.

Шундай қилиб, прагматиканинг *умумий таърифини* қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади. Ушбу қоидалар коммуникация шарт-шароитларига нисбатан, кенг маънодаги контекст сифатида ўрганилади. Лисоний ҳодисаларнинг бу йўсиндаги таҳлили уларнинг қўлланишидаги у ёки бу муҳитда мавжуд бўлган тўсиқлар, чегараланишларни ҳам аниқлашга имкон беради. Лингвистик таҳлилнинг асосий гоёси ҳам лисоннинг табиатини унинг амалий фаолиятда қўлланишига нисбатан ёки бошқача айтганда, бажараётган вазифаси доирасида аниқлашдир. Айнан вазифа (функция) тушунчаси лисон таҳлилига прагмалингвистик ёндашувнинг пойдеворидир. Аминмизки, прагмалингвистиканинг худди шу йўналишдаги тараққиёти назарий тилшунослик ва амалий коммуникация ўртасида мавжуд бўлиб турган «узилиш»ларни бир оз торайтиради.

Прагмалингвистика тадқиқот предметининг кенг миқёсда тасаввур этилиши ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этишини тақозо этади. Натижада, прагмалингвистиканинг нутқий акт назарияси, дейкис назарияси, дискурс назарияси, прагмасемантика, прагмастистика каби ўз «ички» соҳалари юзага келди. Бу соҳаларнинг фарқи, биринчи навбатда, прагмалингвистиканинг умумий предметини алоҳида қисмларга ажратиш ва ҳар бир қисмни батафсил ёритилиши, ўрганилишида намоён бўлади.

IV боб. Нутқий акт назарияси ёхуд коммуникатив мақсаднинг ифодаланиши

Прагматиканинг XX асрнинг иккинчи ярмидаги ривожини нутқий акт назариясининг тўлиқ кўринишдаги лингвофалсафий таълимот сифатида шаклланиши билан боғлиқдир. Нутқий акт тушунчаси олдинги даврларда ҳам В.Хумбольдт, Ш. Балли, К.Бюллер, Э.Бенвенист, М.Бахтин каби олимларнинг таълимотларида мавжуд бўлган, ammo нутқий акт назарияси тўлиқ бир таълимот сифатида инглиз мантиқшуноси Ж.Остин, америкалик психолог Ж.Сёрль ва бошқаларнинг ишларида шаклланди. Оксфорд ва Кембриж университетларида фаолият кўрсатган файласуфлар лисоний фаолиятнинг кўпвазифавийлигига ва унинг инсоннинг ҳаёт кечириш шаклидан айри эмаслигига эътибор қаратишди.

Тилнинг мавжудлиги инсонларнинг сўзлаш ёки ёзиш ҳаракатларини бажариши билан боғлиқдир. Бу ҳаракатларнинг бажарилиши жараёнида лисоний бирликлар (биринчи ўринда - гап) асл маъносидан ташқари, тасдиқлаш, буюриш, огоҳлантириш, ваъда бериш каби мазмунни ифодалаш имкониятини намоён қиладилар. Бу маънолар сўзловчи шахс томонидан бажарилаётган нутқий фаолият натижасидир. Демак, нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир.

Мулоқот жараёнида ҳосил бўладиган нутқий ҳаракатларни алоҳида лисоний бирлик сифатида талқин қилиш ва уларни мазмунан таснифлаш гоёсини илк бор тарғибот қилганлардан бири Оксфорд университети профессори Жон Остин эди. У 1955 йилда Гарвард университетиде ташкил қилинадиган анъанавий «Уильям Жеймс ўқишлари» даги маърузаларида ушбу муаммони ўртага ташлади. Кейинчалик, бу маърузалар 1962 йилда

How To Do Things With Words «Сўзлар билан қандай муомалада бўлмоқ даркор?» сарлавҳаси билан нашр қилинди (Austin 1962; 1973; Остин 1986).

Ж.Остин фалсафий мантиқ ва анъанавий грамматикада қўлланиб келинаётган «гап» ва «хукм (тасдиқ)» тушунчаларининг талқинидаги чалкашликлар қандай ноқулайликларга ва нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкинлигига эътиборни қаратади. Грамматик анъанада ҳар қандай гап ҳам хукм ёки тасдиқ бўлавермаслиги ва савол, ундов, истак-хоҳиш ёки бошқа турдаги мазмунларни ифодаловчи гаплар ҳам мавжудлиги эътироф этилган. Аммо файласуфлар тилшунослар билан ҳар доим ҳам бир хил фикрда эмаслар. Грамматикаларда «хукмий тасдиқ» деб қаралаётган гапларнинг (шу ўринда огоҳлантирмоқчимизки, «хукмий тасдиқ» ва анъанавий грамматикадаги «дарак гап» тушунчалари бир-бирларини тўлигича такрорламайди – Ш.С.) кўпчилиги кечаётган воқеаларнинг ҳеч қандай тасдигини ифодаламайди ёки Ж.Остиннинг ёзишича, улар «воқеалар ҳақида ахборот, хабар бериш ёки ёзиб олиш учун мўлжалланмаган» (Остин 1986: 24). Натижада, Оксфорд файласуфлари гап мазмунининг таҳлилида ўзига хос «тўнтариш» тайёрлашди. Ж.Остин ва унинг ҳамкабларининг фикрича, ҳар бир гап талаффуз қилинганда, ўз маъноси ифодасидан ташқари, маълум бир ҳаракат бажарилади, яъни бирор бир воқеа ҳақида дарак-хабар берилади, бу хабар тасдиқланади ёки инкор қилинади, бирор нарса илтимос қилинади, тақиқланади ва буйруқ, маслаҳат, ижозат берилади, ваъда ёки таклиф қилинади ҳамда такаллуф, миннатдорчилик изҳор қилинади ва ҳоказо (Austin 1962).

Демак, нуткий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир. Нуткий акт мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот

матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир. Мазмунининг бу йўсинда шаклланиш жараёнини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Сўзловчи
Тингловчи

Гаплар лисоний тизими
Доимий лисоний маъно

Маънонинг контекстдаги ўзгаришлари

Юқоридаги шакл гувоҳлик беришича, нутқий акт мазмунининг таркиб топиши ва унинг воқеланиши бевосита сўзловчининг мулоқот мақсади, истаги билан боғлиқдир. Шу сабабли бўлса керакки, прагматингвистлар ва мантиқшунослар ҳозиргача лисоний белгиларнинг нутқий актлар маъновий тузилишида тутган ўрни ҳақида бир тўхтамга келиша олмаяптилар. Жон Сёрлнинг бу борада айтган фикрини олайлик: «Лисоний мулоқот бирлиги, одатда, тахмин қилганларидек, символ (рамз), сўз ёки гап эмас, ҳатто символ сўз ёки гапнинг белгиси ҳам эмас, балки символ, сўз ёки гапнинг *нутқий акт ижроси жараёнида яратилиши ва қўлланишидир* (таъкид меники-Ш.С.). ...Янада аниқроғи, гап белгисининг маълум шароитда яратилиш ва қўлланиши нутқий актдир ва нутқий актлар лисоний мулоқотнинг асосий ва энг кичик (минимал) бирлигидир» (Searle 1969: 16). Демак, нутқий акт назарияси учун гап таянч бирлик эмас, ундан тайёр «материал» сифатида фойдаланилмайди. Аксинча, гап айнан нутқий мулоқот жараёнида яратиладиган ҳодиса. Шундай экан, нутқий акт мазмуни тўлигича сўзловчининг мулоқот мақсади (communicative intention) билан боғлиқ бўлиб қолади.

Ж.Сёрлнинг нутқий актни мулоқот тизимининг асосий, таянч бирлиги сифатида қараш кераклиги ҳақидаги фикрини тўлиғича қувватлаш мумкин. Аммо нутқий актнинг дискурсни (мулоқот матни) таркиб топтирувчи, тузувчи эмас, балки уни қисмларга ажратувчи ҳодиса деб талқин қилинишига эътирозимиз бор. Ҳолбуки, лисоний ҳодисалар талқинида уларнинг яратувчанлик имкониятларига алоҳида эътибор қаратмоқ даркор. Нутқий акт ҳам бундан мустасно эмас, у ҳам матн тузиш, мураккаб мулоқот бирлиги бўлмиш дискурсни таркиб топтириш вазифаларини бажаради.

Нутқий актнинг бу турдаги вазифаларини аниқлаш учун интенсия таҳлилига, яъни нутқий ҳаракат мақсадини аниқлашга йўналтирилган таҳлилга мурожаат қилмоқ керак. *Интенционал таҳлил*да коммуникатив жараёнда воқеланадиган нутқий фаолиятнинг сўзловчи мақсади, истаги билан боғлиқ томонлари ўрганилади. Одатда, ушбу таҳлил услуби асосчилари (Searl 1983) ҳар бир нутқий ҳаракатга ягона бир мақсадга (ягона интенцияга) эга бўлган бирлик сифатида қараш тарафдоридирлар. Аммо мен бу дунёни жуда эрта тарк этган марҳум дўстим, Киев университетининг профессори Олег Георгиевич Почепцов фикрига қўшилиш истагидаман. Унинг талқинича, «нутқий ҳаракат ва бу ҳаракат воситасида воқеланадиган мақсад сўзловчи кўзлаган асосий мақсадга эришишнинг фақатгина бир босқичидир» (Почепцов 1986: 75). Шунинг учун ҳам олим умумий интенцияни икки қисмга яъни «*бошланғич интенция (мақсад)*» ва «*натيجавий интенция*»га ажратишни таклиф қилади. Интенционал таҳлилнинг бу тури ҳақиқатдан ҳам нутқий актнинг мазмунини тўлиқроқ тасаввур қилиш имконини беради. Масалан, «*Вокзалга қандай борса бўлади?*» гапи талаффуз этилганда, сўзловчининг бошланғич мақсади тингловчидан керакли ахборотни олиш, яъни вокзалга қандай боришни билиб

олишдир. Лекин асл ният бошқачарок: вокзалга етиб олиш. Худди шу ният охирги ёки натижавий мақсаддир. Демак, нутқий ҳаракат бажарилишини икки босқичли жараён сифатида қараш мумкин: биринчисида бошлангич мақсад ифодаланса, иккинчисида натижавий мақсад ҳосил бўлади.

О.Г.Почепцов бошлангич мақсад ҳаракати гапнинг структуравий семантик хусусиятларига асосан мос келишини қайд этади. Бинобарин, «*Вокзалга қандай борса бўлади?*» нутқий тузилмасининг бошлангич интенция акти сўровдир, «*Бугун университетда учрашув бўлди*» тузилмасиники – дарак, хабар бериш бўлса, «*Китобимни қайтар!*» тузилмасида бошлангич интенция сўзсиз, буйрук, талаб қилишдир. Аммо натижавий мақсад ҳаракатлари биринчидан, сон жиҳатидан кўп, иккинчидан, улар учун гапнинг структур-семантик тузилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Натижавий интенциянинг шаклланиши гапларнинг нафақат маъно хусусиятлари, балки уларнинг фаоллашув муҳити, нутқ контексти билан ҳам боғлиқдир. Бошқача айтганда, натижавий мақсад акти, лисоний ҳаракатлар билан бир қаторда, нолисоний ҳаракатларни ҳам қамраб олади.

Нутқий акт мазмуни лисоний ва нолисоний хусусиятлар умумлашмасидан ташкил топишини барча прагмалингвистлар эътироф этишади. Уларнинг кўпчилиги нутқий актга уч босқичли фаолият сифатида қараш тарафдорларидир. Бу босқичларда уч хил ҳаракат бажарилади. Улар – *локутив*, *иллокутив* ва *перлокутив* ҳаракатлардир.

Биз мулоқот жараёнида мазмундор лисоний калимани яратамиз ва уни талаффуз қилиш йўли билан нутқий фаолият бажарамиз, худди шу фаолият ижроси локуция ёки локутив актдир (locutionary act). Агарда бирор бир сабаб билан (тилни билмаслик, гунг бўлиш) мазмундор гап тузилмаса ва у талаффуз этилмаса, локутив ҳаракат юзага

келмайди. Масалан, «*Иссиқ чой дамладим*» гапи фақатгина ёзувда қолса, локуция йўқ. Аммо мазмундор гаплар бекордан бекорга тузилавермайди, уларни тузишдан ва талаффуз этишдан маълум бир мақсад кўзланади (бу мақсад тил соҳиби онгида доимо мавжуд). Ушбу мақсаднинг воқеланиши эса иллокутив акт натижасидир. Иллокуция шахслараро (мулоқот иштирокчилари ўртасидаги) муносабатларнинг ифодаланишидир. Масалан, юқорида келтирилган «*Иссиқ чой дамладим*» гапини талаффуз этиш воситасида шу воқеа ҳақида хабар бериш, чойга таклиф қилиш, суҳбатдошнинг қандай чой ичишини (иссиқ ёки совуқ) билиш каби коммуникатив истакларни ифодалаш имкони бор. Айнан шу коммуникатив мақсаддан қайси бири маълум шароитда воқеланишига нисбатан нутқий тузилманинг *иллокутив кучи* (illocutionary force) аниқланади.

Ҳар қандай мулоқот ҳаракати натижавий (охирги) мақсадни кўзлаб бажарилиши ҳақида юқорида гапирилди. Бу мақсадга эришиш учун сўзловчининг нутқи тингловчига таъсир ўтказмоғи даркор. Нутқий фаолиятнинг таъсир ўтказиш босқичи *перлокутив акт* номини олган. Биз «*Иссиқ чой дамладим*» гапи талаффузининг натижасини тингловчи ушбу нутқий ҳаракатни биз истаган мақсадда (масалан, тингловчи чойнинг иссиқлигини эшитиб, уни ичишга рози бўлишида) қабул қилишда кўрамиз. Демак, перлокуция тингловчи онгига, хис-туйғуларига ва хатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш ҳаракатидир.

«Иллокуция» тушунчаси нутқий акт назариясида энг кенг тарқалган тушунчадир. Нутқий акт структурасининг марказида ҳам иллокутив ҳаракат туради. Ҳатто иллокутив акт тўлигича нутқий ҳаракатнинг муқобили сифатида қаралиш ҳоллари ҳам учрайди ва нутқий актлар таснифи иллокутив мақсад кўрсаткичларига асосланади (Searle 1969: 16; Wunderlich 1976: 75; Почепцов 1986: 27).

«Иллокутив акт» тушунчаси прагмалингвистикада инсон томонидан нутқий жараёнда ва нутқий фаолият воситасида бажариладиган ҳаракат сифатида таърифланади. О.Г.Почепцовнинг таърифича, 1) иллокутив ҳаракатнинг ижросиси (агенти) сўзловчи ёки ёзувчидир; 2) иллокутив акт нутқ яратилиш фаолиятидан фарқ қилади; 3) иллокутив акт нутқ яратилиш фаолияти жараёнида юзага келади; 4) иллокутив акт нутқий фаолият воситасида бажарилади (Почепцов 1986: 24).

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, О.Г.Почепцов иллокуциянинг нутқий фаолиятдан фарқини кўрсатишга қанчалик ҳаракат қилмасин, у ҳеч қачон коммуникатив фаолиятсиз, инсонлараро муносабатни яратиш муҳитисиз юзага келмайди. Иллокутив акт бевосита мулоқот структурасининг иштирокчиси, коммуникацияни мақсадли ва мазмунли кўчишини таъминловчи нутқий фаолият бўлагидир.

Иллокутив акт ҳосил бўлиши учун маълум бир нутқий тузилманинг аниқ кўринишдаги «иллокутив кучи» (illocutunary force) намоён бўлмоғи даркор. Масалан, «*Иссиқ чой дамладим*» калимаси воситасида чойга таклифни изҳор қилиш мақсадини ифодаланаётганда, гап тузилмасининг ушбу мазмун ифода воситаси бўла олиш имконияти, яъни «кучи» воқеланади. Иллокутив мақсад эса фикрий ҳодиса бўлиб, нутқий ҳаракатнинг мазмуни, мундарижасини белгилайди. З.Вендлер талқинича, иллокутив мақсад аслида, «ментал ҳаракат бўлиб, сўзловчи тингловчини ушбу ҳаракатни бажаришга ундайди» (Вендлер 1985: 243). Иллокутив мақсад нутқий ҳаракат кучини намоён қилиш қанчалик муҳим бўлмасин, лекин бу мақсад ушбу кучнинг фақатгина бир қисми, бўлагидир. Зеро, нутқий ҳаракат коммуникатив мазмунининг тўлиқ ҳосил бўлиши учун мақсаддан ташқари, унга эришишни таъминловчи восита ва шарт-шароит ҳам мавжуд бўлиши

талаб қилинади. Шунинг учун ҳам Ж.Сёрль, Д.Вандервекен ва бошқалар нутқий ҳаракат иллокутив кучини етти қисмдан таркиб топувчи ҳодиса сифатида қарайдилар. Булардан биринчиси, албатта, коммуникатив мақсаддир, чунки бусиз нутқий ҳаракатнинг ўзи ҳам бажарилмайди. Кейингилари эса қандайдир даражада ушбу қисмни тўлдирадилар, улар – иллокутив мақсадга эришиш усули (воситаси), иллокутив куч воқеланиши жадаллиги, воқеланишни таъминловчи пропозицион, ҳаққонийлик каби ментал шароитлардир.

Иллокутив куч қисмларининг тузилиши мантиқий тартибга эга. Айнан шу тартиб иллокутив ҳаракатнинг мустақиллигини таъминлайди ва унинг пропозиция актисиз бажарилишига имкон беради. Бинобарин, «Афсуски!», «Вой, худо!», «Тавба қилдим!» каби нутқий бирликлар пропозиция мазмунига эга эмаслар, лекин улар иллокутив жиҳатдан тўлиқ шаклга эгадирлар, яъни улар маълум контекстда коммуникатив мақсад ва мазмунни ифодалайдилар.

Айрим файласуфлар, Ж.Остинга эргашиб, гапларнинг структур-семантик турлари ва булар воситасида бажарилаётган нутқий ҳаракатлар ўртасидаги муносабатни тизимий характерга эга эмас, бу муносабат нутқий ҳаракат иллокутив кучида қарийб намоён бўлмайди деб ҳисоблайдилар. Синтаксиснинг биргина тузилмаси - алоҳида гап турли нутқий муҳитда турли иллокутив кучга эга бўлиши ва бу билан турли коммуникатив мақсадни ифодалаш воситаси бўла олиши бегумон. Аммо ҳар қандай синтактик бирликнинг прагматик захираси чегараланган, унинг иллокутив кучи мулоқот мақсадини ифодалаш имконияти чексиз эмас. Масалан, «*Бугундан бошлаб сизларни эр ва хотин деб эълон қиламан*» ёки «*Бинода чекини таъқиқланган*» каби гаплар мақтов, сўров, розилик, ваъда иллокутив мақсадларини ифодалаш мумкинлигини

тасаввур этиш қийин. Шундай экан, гап структур-семантик мундарижаси ва унинг иллокутив имкониятлари ўртасида тизимий боглиқлик мавжудлигини эътироф этмоқ керак. Агарда шундай боглиқлик бўлмаганда, тингловчига сўзловчининг мулоқот мақсадини, у бажараётган нутқий ҳаракат мазмунини англаш қийин бўлар эди.

Юқорида айтилганидек, нутқий ҳаракат структурасининг учинчи, энг охирги босқичи перлокутив актдир. Нутқий фаолият таъсирининг натижаси сифатида тавсифланадиган перлокутив акт олдингиларидан (локуция ва иллокуция) тубдан фарқ қилади. Нутқий таъсир натижасини олдиндан айтиш қийин, сўзловчи нутқини эшитган (ёки ўқиган) тингловчининг бўлгуси хатти-ҳаракати, жавоби турлича бўлиши мумкин. Прагмалингвистларнинг ўзлари эътироф этганларидек, «перлокутив акт иллокутивдан фарқли ўларок, лисоний ходиса эмас, чунки бирор бир перлокутив натижага ҳеч қандай нутқий ҳаракатни бажармасдан туриб ҳам эришиш имкони бор» (Searle, Vanderveken 1985: 12). Перлокуциянинг лисоний таҳлил доирасига кирмаслигини Ж.Лич ҳам қайд этади: «Перлокутив натижа таҳлили прагматиканинг вазифасига кирмайди, чунки прагматик таъсир кучи (нутқий ҳаракатнинг – Ш.С.) мақсади билан боглиқ, натижа билан эмас» (Leech 1983: 203).

Қизиқ, нутқий ҳаракат таъсирини прагмалингвистик таҳлил доирасидан четга суриб қўйсақ, унда мулоқот тизимини тумтоқ қилиб қўймаймизми?! Мулоқот сўзловчига таъсир ўтказиш, уни бирор жавоб ҳаракатига ундаш учун бажарилади-ку! Нутқий мулоқот мақсади *икки сатҳлидир*, яъни нутқий ҳаракатда ахборот узатиш ва коммуникатив прагматик мақсад вокеланади. Биринчисида сўзловчининг мақсади ахборот етказиш ёки олиш. Аммо ахборот алмашинуви ҳаракатлари фақат бирор хабар бериш ёки сўраш билан чегараланмайди. Бу ҳаракатлар

ижросидан сўзловчи ва тингловчининг талабини, кизиқишини кондириш мақсади ҳам кўзланади. Бу эса прагматик вазифанинг бажарилишидир. Демак, мулоқот жараёнида прагматик вазифалар коммуникатив мақсад доирасида воқеланади. Шунинг учун ҳам нутқий ҳаракат натижасида юзага келадиган перлокутив таъсирни прагмалингвистик таҳлил доирасига киритган маъқул.

Прагматика нутқий таъсир натижасининг ҳосил бўлиши эҳтимолини белгиловчи воситаларни аниқлаш имконини беради. Бундай воситалар қаторига масалан, прагматик мазмунни аниқлаштирувчи иллокутив феъллар кирадилар. Ушбу феъллар нутқий ҳаракат таркибида муҳим рол ўйнайдилар, улар мулоқот мақсади мазмуни ва бажаралаётган нутқий ҳаракатнинг иллокутив кучини аниқ ва очиқ кўрсатиш хизматини ўтайдилар. Масалан, *«Кумушни эртага кинога олиб бораман»* гапининг талаффузи воситасида ваъда бериш нутқий ҳаракати бажарилади, аммо ушбу ҳаракат мазмунини аниқ ифодалаш учун иллокутив феълни қўллаш имкони ҳам бор: *«Кумушни эртага кинога олиб боришга ваъда бераман»*. Худди шунингдек, *«Дарс қилмайсанми?»* синтактик бирлиги сўроқ, талаб, огоҳлантириш, таклиф каби нутқий ҳаракатларни ифодалаш куйидаги йўсинда аниқлаштирилиши мумкин: *«Дарс қилмайсанми, деб сўраяпман (сендан)»; «Дарс қилмайсанми? Буни сендан талаб қиламан»* (ўқитувчининг сўзи); *«Дарс қилмайсанми? Сени огоҳлантиряпман»;* *«Дарс қилмайсанми? (кел, биргаликда қилишга таклиф қиляпман)»*.

Иллокутив феълларнинг маъно таркибида талаффуз этилаётган нутқий birlikнинг (гап ёки матннинг) прагматик-коммуникатив мазмунини ифодаловчи сема асосий ўринни эгаллайди. Масалан, *«Фан номзоди Р.Сувоновага доцентлик унвони берилишига розиман»;* *«Фан номзоди Р.Сувоновага доцентлик унвони берилишига*

қаршиман»; «*Фан номзоди Р.Сувоновага доцентлик унвони берилишини талаб қиламан*» каби тузилмалар бир хил пропозицияга эга, уларнинг фарқи фақатгина прагматик мазмунда, яъни турли нутқий ҳаракатлар ифодаланишида ва коммуникатив мақсадларнинг ҳар хил бўлишига турли иллокутив феъллар (рози бўлмоқ, қарши бўлмоқ, талаб қилмоқ) қўлланиши восита хизматини ўтамоқда. Ж.Сёрл прагматик мазмунининг бу аснода намоён бўлишини «ифодаланиш тамойили» (the principle of expressibility) фаоллашуви натижаси деб ҳисоблайди. Бирок, ушбу тамойил нутқий мулоқот матнларида ҳар доим ҳам бир йўсинда намоён бўлавермайди. Бинобарин, *буюрмоқ, огоҳлантирмоқ, маслаҳат бермоқ, тақиқламоқ, тақлиф қилмоқ* каби бирликлар нутқий тузилма таркибидан жой олиб, унинг мазмунини ойдинлаштириш учун хизмат қила олиши маълум. Лекин, «*Мен мақтана олмайман, сендан ақллироқман*» кабилида мақтаниш нутқий ҳаракатининг қўлланиши эҳтимолдан анча йироқ. Балки, ушбу ҳаракатни бажараётган шахснинг мақтанишга ҳаққи бордир. У ўз суҳбатдошига нисбатан ақллилиги ҳақиқатдир, лекин нутқий мулоқот одоби бунга йўл қўймайди.

Умуман олганда, нутқий акт ва унинг мазмунини ифодаловчи воситалар ўртасида функционал ва мазмуний номутаносиблик пайдо бўлишининг сабаблари турлича. Булардан бири, албатта, айрим иллокутив феълларнинг маъно структурасида сўзловчи ўзи билдираётган фикрнинг ҳақиқат эканлигига ишонмаётганлигига ишора қилувчи сема, бўлак мавжудлигидир. Масалан, *таҳдид қилмоқ, изво қилмо, сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, камситмоқ* каби бирликларни биринчи шахсда қўллаш ва шу йўсинда нутқий ҳаракат мазмунини очиқ баён қилиш мумкин эмас. Чунки «*Мен сенга таҳдид қилаяпман, ўлдираман*» туридаги тузилма нутқий мулоқот маъносига хилоф, бундай бирликлар фақатгина учинчи шахс, яъни мулоқот

жараёнини кузатувчи томонидан қўлланиши мумкин: «*Ўлдираман, деб унга таҳдид қилди*».

Прагматик мақсад ва мазмуннинг экплицит, яъни очик ифода этилишида диққат ахборот алмашинувдидан ушбу ахборотни узатиш мақсадига кўчади ва коммуникация мақсади узатилаётган ахборотнинг предметига айланади. Нутқий ҳаракат мақсадининг очик баёни турли кўринишдаги лисоний бирликлар воситасида бажарилади ва булардан энг асосийси прагматикада *перформатив формула* (қолип) атамасини олган.

Ж.Остиннинг қайдича, ҳар бир нутқий тузилма иллокутив ҳаракатни бажариш учун хизмат қилади ва модал кўрсаткичлар (майл шакли, сўз тартиби, оҳанг ва бошқалар) сўзловчига у қандай иллокутив мақсадни ифодалаш ниятида бўлганлигини билдириш имконини беради. Бундан ташқари, шундай тузилмалар мавжудки, уларнинг прагматик мазмуни доимий, қарийб барча шароитларда бир хил иллокутив кучга эга бўлади ва одатда, бундай тузилмалар таркибида иллокутив феъллар қўлланилади: «*Ишни бажаришингни талаб қиламан*»; «*Ҳомийлик кўрсатишга ваъда қиламан*»; «*Тузилган кунинг билан табриклайман*» ва ҳоказо. Нутқий акт назариясида бундай тузилмалар «аниқ перформатив»лар деб аталади.

Перформативларнинг грамматик тузилиши ҳам ўзига хосдир. Бу гапларда феъл, одатда, биринчи шахс ҳозирги замон шаклида ва ушбу феълнинг биринчи актанти дейктик олмошнинг биринчи шахс бирлиги, иккинчи актант эса дейктик олмошнинг иккинчи шахс бирлик ёки кўплиги воситасида ифодаланади. Ушбу қолипда тузилган перформатив намунавий тузилма бўлиб, унинг тўлиқ кўринишда қўлланиши кам учрайдиган ҳолдир. Кўпинча, биринчи актант тушиб қолади: I thank you for help Thank you for help; ўзбек ва рус тиллари грамматик тизими перформатив тузилмаларнинг иккала актантини ҳам

тушириб қолдириш имконини беради: «*Благодарю за помощь*»; «*Ёрдамингиз учун раҳмат*»; «*Прошу не расходиться*»; «*Тарқалмасликларингизни сўрайман*»; «*Клянусь, что это правда*»; «*Қасам ичаманки, бу ҳақиқат*». Бундан ташқари, учинчи актанти, яъни пропозиция ҳам тушиб қолиши мумкин: «*Раҳмат*»; «*Табриклайман*»; «*Талаб қиламан*».

Перформативнинг биринчи шахс шаклида бўлишининг сабаби лисоннинг фаоллик табиати билан боғлиқдир. Ҳар қандай нутқ турининг ижрочиси сўзловчидир ва нутқ фақатгина сўзланилаётган пайтдаги ҳаракатдир ва бу ҳаракат фақатгина сўзловчи томонидан бажарилади. Перформатив феъллар маъно жиҳатдан ҳам ўзига хосдирлар: уларнинг мазмунида воқеа-ҳодисалар акс топадилар ва бу воқеалар ҳақида хабар берилади.

Демак, агарда прагматик мақсад аниқ ва зоҳиран ифода топса, нутқий тузилма перформатив ҳисобланади. Перформатив тузилмаларда ахборот оддийгина узатилиб қолмасдан, балки тингловчиларга тезда таъсир ўтказиш, уларни жавоб ҳаракатига ундаш мақсадлари аниқ намоён бўлади.

«Нутқий акт» тушунчасининг прагматик таҳлилнинг асосий таянч тушунчаларидан бири эканлиги юқорида айтилган эди, лекин ушбу тушунчани турли муаллифлар турлича талкин этаётганликларини ҳам эслатмоқчиман. Нутқий акт ҳодисасининг моҳияти ҳақидаги фикрларнинг турли-туманлиги тақлиф қилинаётган тасниф тамойилларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳозирги пайтгача тилшунослар нутқий актлар гуруҳларининг сони ва ҳатто уларни номлаш борасида бир тўхтама келишганича йўқ.

Нутқий актларни таснифий гуруҳларга ажратиш истагини Ж.Остин Гарвардда ўқиган маърузаларининг ўн учинчисида билдирган эди. Олим тақлиф қилган тасниф

беш гурухдан иборат ва бу гурухланиш иллокутив феъллар маъносига асосланади:

1. Вердиктивлар; бу турдаги нутқий актлар ҳукм чиқариш (суд, ҳакам кабилар томонидан) мазмунини англатадилар. «Сени айбдор деб ҳисоблайман»; «Жарима тўлайсан», «Ўйиндан ташқари ҳолат», «Огоҳлантираман».

2. Экзерситивлар (лат. *exercitation* – «ижро этмоқ», «бажармоқ»); Бу нутқий ҳаракатлар мазмунида ўз ҳуқуқидан, ҳукмронлигидан фойдаланиб, буйруқ бериш, мажбур қилиш, маслаҳат бериш, огоҳлантириш маънолари ифода топади: «Сени лавозимингдан бўшатаман»; «Яхшиси, телефон қилма»; «Чиқиб кет»; «Мунофиқдан эҳтиёт бўл».

3. Комиссивлар (Қиёсланг: инг. *commitment*- «мажбурият») мазмунида ваъда бериш ва бошқа турдаги мажбуриятлар ифодаланади: «Эртага келишга ваъда бераман»; «Режани албатта бажараман»; «Бурчимни бажаришга қасамёд қиламан»; «Жаримани тўлаш кафолатини бераман»; «Фикрингизни қўллаб-қувватлайман».

4. Беҳабитивлар (икки ўзакнинг – *behave* «ўзини тутмоқ» ва *habit* «одат» - бирикишидан ясалган). Жамоода ўзини тутиш, бирор киши хатти-ҳаракатига муносабат билдириш маъноларига эга бўлган нутқий ҳаракатлардир: «Ёрдаминг учун раҳмат»; «Саломат бўлинг»; «Хафа бўлманг»; «Ой бориб, омон кел» кабилар.

5. Экспозитивлар (инг. *exposition*- «изоҳ, тавсиф, тушунтириш») мулоқот жараёнида сўзловчи ўз фикрини изоҳлаши, тасдиқлаши ва тушунтириш жараёнида юзага келадиган нутқий актлардир: «Касал эканлигингга гумоним бор»; «Касал бўлишим мумкин»; «Қарздорлигингни эслатмоқчиман».

Ж.Остин таснифи бирор бир аниқ тамойилга асосланмаганлиги учун ҳам қатор камчиликлардан холи

эмаслиги тадқиқотчилар томонидан кўп марталаб танқид қилинди. Ж.Серль нутқий ҳаракатларни гуруҳларга ажратишда еттидан ортиқ кўрсаткичларга амал қилишни тавсия қилади, лекин улардан энг асосийлари иллокутив мақсад, унга эришиш услуги, мазмуннинг ҳаққонийлик шарти кабилардир: «таснифий гуруҳлашга асос қилиб иллокутив мақсадни ва ундан келиб чиқадиган тушунчалар: ҳаққонийлик шартини мослаштириш ҳамда ифодалаш усулини олишни таклиф қиламан» (Серль 1986: 180). Ж.Серль ҳам нутқий актларни 5 гуруҳга ажратади, аммо у таклиф қилган гуруҳлар О.Остин таснифидан мазмун жиҳатидан фарқ қилади:

1. Ассертивлар (ахборотнинг ростлигини тасдиқловчи нутқий ҳаракатлар): «Мақолани ёзиб тугатдим»; «Поезд соат 10 да жўнайди»; «Жамшид - талаба».

2. Директивлар (буйруқ, савол, илтимос, огоҳлантириш каби тингловчини фаолиятга ундовчи нутқий актлар).

3. Коммиссивлар (Ж.Остин ажратган гуруҳга мос келади).

4. Декларативлар: «Йигилишни ёпиқ деб эълон қиламан»; «Сизларни эр ва хотин деб эълон қиламан» каби воқеликдаги ҳолатнинг ўзгартирилиши ҳақидаги нутқий актлар.

5. Эспрессивлар (табрик, таъзия билдириш каби нутқий ҳаракатлар).

Ушбу тасниф ҳам албатта, айрим нуқсонлардан холи эмас, лекин Ж.Серль ажратган гуруҳлар нутқий ҳаракатларнинг асосий хусусиятларини умумлаштириш ва истиқболда тасниф меъёрларини янада кенгайтириш йўли билан гуруҳларни аниқлаштириш ва тизимлаштириш имконини беради.

Худди шундай кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган таснифлардан бирини Кейт Алланнинг «Лисоний маъно»

(Lingvistic Meaning) китобида учратиш мумкин. Муаллиф ўз пайтида К.Бах ва Р.Ҳарнешлар таклиф қилган таснифга таяниб (Bach, Harnish 2000), икки асосий синфни, яъни *шахслараро ҳаракатлар* (interpersonal acts) ва *декларатив ҳаракатлар* (declaratory acts) синфларини фарқлаш лозимлигини уқтиради. Таҳлилнинг кейинги босқичларида эса бу синфлар таркибида гуруҳлар ажратилади (Allan 1986: 192-203). Натижада биринчи синфда (шахслараро фаолият актлари) *констатив* (тасдиқ, дарак бериш), *предиктив* (тахмин, башорат қилиш), *комиссив* (ваъда, таклиф қилмоқ), *акнолежмент* (табрик қилмоқ, такаллуф, эҳтиром кабилар), *директив* (илтимос, савол, буйруқ, таъқиб кабилар), *авторитативлар* (ижозат бермоқ, маслаҳат бермоқ) гуруҳлари фарқланади. *Декларативлар* синфида эса *эффектив* (чўқинтириш, уйлантириш, лавозимга тайинлаш фаолиятларига оид нутқий ҳаракатлар) ва *вердиктив* (ҳукм чиқариш фаолиятига оид нутқий ҳаракатлар) актлар гуруҳлари ажратилади.

Барчага таниш бўлган «Прагмалингвистика» рисоласининг муаллифи Ж.Лич нутқий актлар гуруҳларини ажратишда социолингвистик кўрсаткичларга таяниб, уларни мулоқот жараёнида «хушмуомалаликни таъминловчи ва шу муҳитни ўрнатиш мақсади билан қай йўсинда боғлиқлигига» (Leech 1983: 104) нисбатан гуруҳлайди. Бу гуруҳлар қуйидагилар:

1) *комтитив* (иллокутив мақсад ижтимоий мақсадга мос келмайди, масалан, буйруқ, савол, талаб, илтимос каби нутқий ҳаракатлар);

2) *конвиивал* (иллокутив ва ижтимоий мақсад ўзаро мос, масалан, таклиф, қутлов, табрик, ташаккур изҳор қилиниши);

3) *коллаборатив* (иллокутив мақсад ижтимоий мақсадга бефарқ; масалан, тасдиқ, хабар бериш, эълон қилиш, маълумот бериш каби ҳаракатлар);

4) *конфликтив* (иллокутив ва ижтимоий мақсадлар ўзаро қарама-қарши, масалан, таҳдид, айблов, сўқиш, қарғиш ҳаракатлари).

Ж.Личнинг фикрича, ижтимоий мақсад юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этишдан иборатдир ва бу мақсадни таъминловчи восита *хушмуомалалик категориясидир*.

Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи ўз таснифларида феъл предикатларининг маъновий хусусиятларига асосладилар. Улар феълларни у ёки бу турдаги иллокутив мақсадни ифодалаш хусусиятларига нисбатан гуруҳларга ажратадилар ва бу гуруҳларни махсус лугатлар воситасида изоҳлашга ҳаракат қиладилар. «Нутқий акт феъллари» деб номланган шундай лугатлардан иккитаси ҳақида тўхталмоқчиман. Шахсий кутубхонамда мавжуд бўлган ана шу лугатлардан биринчиси машҳур семасиолог ва прагматик Анна Вежбицканинг қаламига мансуб бўлиб, «English Speech Act Verbs: A Semantic Dictionary» лугатидир (Wierzbicka 1987). Бу лугатда 270 га яқин юқори частотали инглиз тили феълларининг синтактик, семантик ва прагматик хусусиятлари тавсифланган. Тавсифни тизимлаштириш мақсадида муаллиф ушбу феълларни 37 гуруҳга тақсимлайди ва ушбу гуруҳларга кирувчи ҳар бир феълнинг маъно таркиби изоҳланади. Изоҳлаш усули сифатида эса у ёки бу маъно бўлаги намоён бўлишини таъминловчи нутқий тузилмалар, гаплар келтирилади. Масалан, ask «сўрамоқ» феълининг илтимос нутқий ҳаракатини ифодалаш хусусиятини изоҳлаш учун кўйидаги гаплар қатори келтирилади (Ўша асар, 19-50 бетлар):

I say: I want you to do X.

I think of it as some thing that will be good for me.

I don't know whether you well do it.

I say this because I want to cause you to do it.

Таржимаси:

*Мен демоқчиман: Мен сенинг X ни бажаришингни
истайман.*

*Мен ўйлайманки, бунинг бажарилиши менинг учун
яхши.*

Мен билмайманки, сен буни бажарасанми?!

*Мен буни айтаётибманки, сени ушбуни бажаришга
мажбур қилмоқчиман.*

Ушбу лугатнинг А.Вежбицкага хос бўлган услубда, яъни лисоний бирликларнинг маъносини мукамалтирилган кичик семасиологик хусусиятларни тавсифлаш асосида (бу усул муаллиф томонидан ўз пайтида «семантик примитивлар» га ажратиш усули деб номланган эди) яратилганлиги кўриниб турибди.

Иккинчи лугат олмон прагмалингвистлари Т.Баллмер ва В. Бренненштуллар томонидан яратилган бўлиб, Германиянинг машҳур «Шпрингер» нашриёти томонидан «Тил ва коммуникация» сериясида нашр қилинган (Ballmer, Brennenstuhl 1981) ушбу лугатнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда нафақат перформатив қўлланиши мумкин бўлган, балки инглиз тили лугат захирасидаги барча нутқий фаолиятга оид феъллар қамраб олинган (бу феълларнинг умумий сони 4800та). Муаллифлар лугатнинг тагсарлавҳасида «Лексик таҳлил» (Lexical analysis) иборасини ишлатишган бўлсалар ҳам, ушбу асарда ёритилаётган материал лексикологиядан ташқари, нутқий акт таълимоти ва маъно назарияси ривожини учун муҳим ўрин эгаллайди. Ишда «нутқий акт» тушунчаси бир мунча кенг талқин қилинади ва «нутқий актлар кетма-кетлиги (бирикмаси)» мулоқот фаолиятини ташкил қилувчи асосий тушунча сифатида қаралади. Айнан нутқий ҳаракатларнинг семантик муносабатлари асосида ҳосил бўладиган мажмуалар энг юқори поғонадаги бирликлар бўлиб, сўнгги (қуйи) босқичларда модел гуруҳлари ва иккинчи даражали гуруҳлар ажраладилар. Лугатда 4 модел гуруҳи, яъни

экспрессия (expression), *апелляция* (appeal -муурожаат), *интеракция* (interaction – ўзаро мулоқот) ва *дискурс* (discourse - мулоқот) моделлари ажратилиб, кейин улар таркибида нутқий ҳаракатлар мазмунини янада аниқлаштирувчи 8 та иккинчи даражали гуруҳлар мавжудлиги қайд қилинади. Умуман, Баллмер ва Бренненштул лугати нутқий ҳаракат феълларининг батафсил таснифи ва тавсифи намунасиدير. Таснифнинг кўп босқичлилиги яна шунда намоён бўладики, 4800 та феъл 24 турга ажратилади, кейин эса ушбу турлар 600 категорияга тақсимланадилар. Бу кўринишдаги кўп босқичли таҳлил нутқий ҳаракат феълларини лексик майдон назарияси нуқтаи назаридан таснифлаш имконини ҳам яратади. Бундан ташқари, муаллифлар томонидан таклиф қилинган таҳлил усулини мураккаб тузилишдаги лисоний бирликлар, масалан, тургун бирикмалар, метафоралар ва ҳатто матн қурилмалари тадқиқига тадбиқ қилинса, лисоний фаолиятга оид тадқиқотлар самарадорлиги ошишига ҳеч қандай гумон йўқ. Бу йўналишдаги тадқиқотларнинг қиёсий тилшунослик, амалий лугатшунослик соҳаларидаги аҳамияти ҳақида алоҳида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Прагмалингвистик адабиётларда юқоридагилар-дан ташқари, яна қатор бошқа тамойилларга асосланган нутқий актларнинг таснифий гуруҳлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу таснифлар у ёки бу турдаги нутқий актлар гуруҳининг хусусиятлари, уларнинг бир-биридан фарқловчи белгиларини аниқлашга йўналтирилган. Масалан, Д.Вундерлих *оддий* ва *кўп маъноли* актларни фарқлашни таклиф қилади: васият, инъом қилиш акти мазмунида комиссив (ваъда) ва декларатив (эълон қилиш) маънолари бирикади: «*Мол-мулкимни сенга қолдираман*» тузилмаси васият билан бир қаторда, ушбу васият ҳақидаги ваъда ҳамдир.

Бундан ташқари, нутқий ҳаракат бирликларини структуравий тузилишига нисбатан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Структуравий хусусиятлардаги фарқига биноан *содда ва қўшма (мураккаб) нутқий ҳаракатлар* ажраладилар. Содда нутқий ҳаракат нутқий фаолиятнинг энг кичик бирлигидир. Қўшма нутқий акт эса содда ҳаракатларнинг бирлашишидан ҳосил бўлади. Қисмлари ўртасида тенглик, эргашганлик муносабатлари мавжуд бўлган қўшма нутқий ҳаракатлар мантиқий ва коммуникатив яхлитликни ташкил қиладилар ва сўзловчи томонидан яхлит бирлик сифатида қўлланилади (Қарабан 1989).

Шундай қилиб, нутқий фаолиятнинг умумий фаолият назарияси нуқтаи назаридан талқин қилиниши ва шу йўсинда нутқий актлар таснифий тамойилларининг ажратилиши нутқ ҳодисасининг тизимий хусусиятга эга эканлигини ва уни яхлит тизим сифатида ўрганиш имкониятлари мавжудлигини тасдиқловчи далиллар топиш имконини яратди. Бу анча пайтгача тилшуносликда ҳукмрон бўлган нутқнинг фақат индивидуал шахсга оид томонларини ўрганиш гоёси ўзини оқламаганлигидан далолатдир.

Нутқий акт назариясининг прагматингвистик таълимотда тутган ўрни, уни нутқ ҳодисасининг тизимий хусусиятларини далилловчи ва исботловчи назария сифатида эътироф этиш билан бир қаторда мавжуд бўлган нуқсонлари ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Ушбу назариянинг камчиликлари тадқиқотчилар томонидан қайд этилиб келинмоқда (Allwood 1977; Сусов 1980; Лазаров 1986; Сафаров 1983 ва бошқалар).

Олмон тилшуноси Доротея Франк 1980 йилда Урбино шаҳрида ўтказилган анжуманда ўқиган маърузасига «Прагматиканинг етти айби» (Seven sins of pragmatics) деган жарангдор сарлавҳани танлаб, нутқий акт

назариясининг нутқий мулоқот прагматикаси таҳлилий асосларини яратиш учун етарли даражадаги методологик имкониятга эга эмаслигини исботлашни режалаштирди. Олима қайд қилган (Франк 1986) етти айб -нуқсонларнинг айримларини қисқагина бўлса ҳам шарҳламоқчиман.

Биринчи нуқсон нутқий актни умумий нутқий жараёндан, «оқим»дан ажратиб олиш билан боғлиқдир, чунки ажратилаётган бўлак нимадан иборат бўлиши (алоҳида бир гапми ёки гаплар катори) номаълум. Бундан ташқари, ягона бир нутқий бўлак – гап бирваракайига бир неча актлар, яъни «локуция», «референция», «предикация» каби ҳаракатларни қамраб олишини ҳам унутмаслик лозим.

Нутқий акт назариясининг иккинчи «камчилиги» мулоқот жараёнида кечадиган ўзаро муносабат ҳаракатларини тўлигича ёрита олмаслигида кўринади. Нутқий ҳаракатларнинг перформатив ибораларга таянган ҳолда таснифланиши ва номланиши таҳлил доирасини бир оз чегаралаб қўяди, натижада суҳбатдошлар қўллайдиган *луқма*, *киритма* каби кичик бирликлар таҳлилсиз қолади.

Олима назариянинг энг катта ва учинчи «гуноҳи»ни унинг нутқий мулоқот тизими таҳлилининг асосий гоясини ташкил қилувчи ўзаро фаолият назариясига мос келмаслигида, деб ҳисоблайди. Менимча, Д.Франкнинг ушбу фикрига тўлигича қўшилмоқ керак. Зеро, мулоқот унинг иштирокчилари – коммуникантларнинг ўзаро фаолиятини тақозо этади. Ажратилаётган нутқий актлар эса бир томонлама фаолият, аниқроғи, сўзловчи бажараётган нутқий ҳаракатидан иборат бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, нутқий бирликлар мазмуни «ҳамкорликда шакллантирилаётган мазмундир» ва бу ҳамкорликсиз ўзаро бир-бирини англаш ва мулоқот натижасига эришишнинг ўзи ҳам мумкин эмас.

Навбатдаги – тўртинчи нуқсон бевосита олдингиси билан боғлиқ ҳолда юзага келади, чунки нутқий акт ўзаро

фаолият доирасида таҳлил қилинмаслиги сабабли ажратилаётган бирликлар ҳам статик ёки тургун хусусиятли бўлиб қолади. Натижада, нутқий мулоқотнинг табиатдан ҳаракатчанлиги, стратегик тузилиши назардан четда қолади. Мулоқот бирликларининг тугалланган жараён сифатида ажратилиши ва таҳлил қилиниши унчалик маъқул эмас, мулоқот доимий ҳаракатдаги жараёндир ва бу жараёнда коммуникантларнинг мақсад, мулоҳазалари ҳам ҳаракатда бўлиб, ўзгариб туради.

Кейинги уч (5-7) нуксон нутқий ҳаракат назариясида мулоқот муҳити ёки контексти муаммоси тўлигича ҳал этилмаганлиги билан боғлиқдир. Нутқий акт назариясининг тарғиботчилари контекстда ҳосил бўладиган маъно ва мазмуннинг моҳиятини аниқлаш йўлидан бормасдан, ушбу ҳодисага иккинчи даражали тушунча сифатида қарайдилар, улар учун контекст «қутқарувчи лангар» вазифасинигина ўтайди. Контекст ҳодисасига бўлган бундай муносабат натижасида яна бир муҳим масала – семантик ва прагматик мазмун муносабати масаласи ўз ечимини топмай қолди. Албатта, пропозициянинг лисоний бирлик мазмуни учун ягона таянч эмаслигини таъкидлаш муҳим, аммо пропозитив ва иллокутив маъно ягона бир тузилма таркибида бирикиб, яхлит мазмун ҳосил қилиши муаммосини ҳал қилмасдан туриб, лисоний мазмун ҳодисаси моҳиятини билиш ёки ёритишнинг имкони йўқ. Лисоний таҳлил эса у ёки бу ҳодисанинг мавжудлигини қайд этиб қолмасдан, балки ушбу ҳодисанинг тавсифини бериш, хусусиятларини ёритиши, тушунтириши лозимдир.

У боб. Билвосита путқий акт ёхуд семаптика ва прагматика мупосабати

Рисоланинг олдинги қисмида нутқий актларнинг турлари ҳақида гапирилди, аммо нутқий бирликларнинг структуравий тузилиши ҳамда ифодаланаётган иллокутив (коммуникатив) мазмуни ўртасида мавжуд бўладиган фарқига нисбатан яна бир турдаги нутқий актлар гуруҳини ажратиш мумкин. Масалан, «*Ташиқарида ҳаво совуқ*» гапи ҳар хил мулоқот муҳитида ёки контекстда қўлланишига нисбатан бир ҳолатда хабар (дарак) берувчи нутқий акт («*Мен сенга об-ҳаво ҳақида гапирмоқдаман*») иккинчисида эса буйруқ ёки илтимос мазмунидаги («*Мен сендан эшикни ёттишни сўрайман*») нутқий акт сифатида идрок этилади. Биринчи нутқий актнинг (ассертивнинг) лисоний тузилиши ифодаланаётган коммуникатив маънога мос келганлиги сабабли, у *воситасиз, бирламчи акт* ҳисобланади. Ушбу тузилма воситасида реквестив (илтимос) нутқий акт ифодаланганда эса *билвосита (воситали), иккиламчи акт* ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, лисоний структура ва коммуникатив мақсад ўртасидаги номуносивблик билвосита нутқий ҳаракатни юзага келтирувчи кўрсаткичдир.

Билвосита нутқий актларнинг ифода ва мазмун доиралари ўртасидаги муносабат масаласи тилшуносларнинг диққат-эътиборини анчадан буён тортиб келмоқда. Улардан бири – олмон прагмалингвисти В.Зёкеланд ушбу турдаги нутқий актларни икки йўналишда, яъни коммуникатив - иллокутив вазифадан лисоний структурага ёки аксинча, лисоний структурадан коммуникатив вазифага йўл олган тарзда таҳлил қилиш мумкинлигини қайд этади. Унинг фикрича, ҳар бир нутқий тузилма асосий (таянч) иллокуцияга эга ва шу асос бир нечта билвосита нутқий ҳаракатларни бажариш имконини

беради (S'a'keland 1980). Менимча, Киев чет тиллар институти профессори Г.Г.Почепцовнинг «гапларнинг уларга хос бўлмаган турли прагматик вазифада қўлланиши масаласи турлича ёндашувни талаб қилади» (Почепцов 1981: 278), деган фикри ҳануз ўз муҳимлигини сақлаб турибди. Бинобарин, дарак мазмунидаги «*Ёруғни тўсайсан!*» гапининг «*Илтимос, ёруғни тўсма!*» мазмунини ифодалашни нутқий ҳаракатлар транспозицияси – ўзаро бир-бирига кўчиши ҳодисасидан бошқа нарса эмас. Дарак, сўроқ, ундов гапларнинг ягона бир прагматик вазифа ижро этиш қобиляти эса (қиёсланг: «*Эшикни ёп!*», «*Эшикни ёпмайсанми?*», «*Эшик очиқ!*») бошқа ҳолат намунасидир.

Ж.Сёрль ва унинг издошлари билвосита нутқий актда бир пайтнинг ўзида икки иллокутив ҳаракат бажарилади деб ҳисоблайдилар. Ҳамма учун таниш бўлиб қолган *Can you pass me salt?* «*Тузни менга олиб бермайсизми?*» гапи талаффуз қилинганда, бирламчи иллокуция савол бўлса, иккиламчи ёки билвосита ифодаланаётган иллокуция илтимосдир (Searle 1979: 42; Recanaty 1980: 210). Бу турдаги нутқий тузилмаларда бирламчи мазмун сақланишининг тасдиғини *Can you open the door?* «*Эшикни очиб қўя олмайсизми?*» каби гапларга ҳар қандай ҳолда ҳам «*Ҳа*» ёки «*Йўқ*» деб жавоб бериш имкони борлигида кўриш мумкин. Демак, прагматик маъно кўчиши ва шу йўсинда билвосита нутқий акт ҳосил бўлишида бирламчи маъно йўқолмасдан, балки кўшимча, иккиламчи маъно билан битишади. Бу битишув прагматик маъноларнинг ўзаро муносабати ҳам мавжудлигини таъминлайди.

Билвосита ёки иккиламчи нутқий актларнинг юзага келиши шакл ва мазмун муносабатида намоён бўладиган ҳодисадир. Лисоний белгининг дуаллик (иккитомонламалик) хусусиятида кўринадиган шакл ва мазмун номуносаблигига таянадиган иккиламчи маъно

кўпгина ҳолларда билвосита нутқий ҳаракатлар ҳосил бўлиши учун ўзига хос туртки яратади. Бироқ кўпчилик икки турдаги, яъни тизимий ва нутқий прагматик маънони фарқлаш тарафдоридир. Гарб тилшунослигида бундай фарқлаш атамаларда ҳам ўз аксини топган: «Гап» (sentence, предложение) атамаси тил тизими бирлигига нисбатан кўлланса, гапнинг нутқда фаоллашуви натижасида юзага келадиган бирликни бошқача аташ (масалан, инглиз тилида *utterance*, рус тилида «высказывание») аънанаси мавжуд. Тил ва нутқ тизимлари бирликларининг бу йўсиндаги кескин фарқланиши, сўзсиз, семиотика ва прагматикани қарама-қарши қўйишга сабаб бўлади. Нидерланд тилшуноси Й. ван- дер Ауверанинг фикрича, лисоний семантиканинг объекти пропозитив маъно бўлса, лисоний прагматика эса нутқий ҳаракатлар мазмунини ўрганиш билан машғул бўлиши лозим (Auwera 1979: 252).

Гап маъносининг асосини ташкил қилувчи пропозиция воқеликда ёки тасаввурда кечаётган ҳодиса-фактнинг семантик рамзидир. Пропозиция ва воқеликдаги ҳодиса ўртасидаги мутаносиблик гап структурасида ўз аксини топади. Гап структурасида аргументлар ва партиципантлар билан бир қаторда белги-хусусиятлар ҳам ўрин олади. Шу сабабли «пропозиция» тушунчасига тавсиф берувчи олимлар ушбу ҳодисани «лексик номлар»нинг семантик-синтактик муносабатлар асосида яхлит мазмун ифодаси мақсадида бирикишида кўрадилар. Бу яхлит мазмун заминида эса бирор бир воқелик фактининг (денотатив ҳолатнинг) номланиши ётади (П.Адамец, В.В.Богданов, И.П.Сусов, В.Г.Гак ва бошқалар. Қаранг: Богданов 1998; Кузнецов 2000). Пропозиция қисмларининг онтологик хусусиятга эга эканлигини унутмаган ҳолда партиципантларни категориал ва релятив хусусиятларига нисбатан таснифланишини эслатмоқчиман (Сусов 1980: 20). Белги-хусусиятни ифодаловчилар ҳам, ўз

навбатида, сифат, ҳолат, жараён, ҳаракат каби мазмуний таснифга эга бўладилар.

Пропозиция ва воқеликдаги ҳолат, ҳодиса қанчалик мутаносиб бўлишмасин, ҳар ҳолда улар бир-бирини айнан такрорламайдилар. Зеро, *воқелик ҳолати онтологияга оид, пропозиция эса лисоний-мантиқий ҳодисадир*. Лисон пропозиция ва воқелик ҳолатини мослаштириш нутқий бирликнинг мазмунини шакллантириш имконини яратади, аммо бундай мослашув икки йўналишда кечиши мумкин, яъни пропозициянинг воқеликка мувофиқлашишидан ташқари, воқеликдаги ҳолатнинг пропозицияга мослашиши ҳам кузатилади. Бу кўринишдаги мослаштиришнинг вазифасини нутқий тузилма мазмуний мундарижаси таркибидаги прагматик бўлак бажаради. Бинобарин, тасдиқ, дарак мазмунига эга бўлган ассертив нутқий актларида пропозиция воқелик ҳолатига мослашади, чунки «ассертив иллокуциянинг мақсади – воқелик қандай эканлигини тасвирлашдир» (Searle, Vanderveken 1985: 94). Ҳаракатга ундовчи буйруқ, ваъда мазмунидаги нутқий актлар (комиссив, директив) бажарилишида эса воқеликдаги ҳолат пропозицияга мослашади, чунки пропозицияда тингловчи ёки сўзловчининг ўзи бажариши лозим бўлган вазифага ишора мавжуд. Масалан: *«Китобни келтиришингни сўрайман»*; *«Китобни вақтида топширишга ваъда бераман»*.

Нутқий тузилмалар мазмунидаги семантика ва прагматика муносабатини ҳосил қилувчи омиллар ҳақида гап кетганда, одатда, лугавий бирликларнинг, (масалан, перформатив бирликлар, иллокутив феъллар) вазифаси муҳокама қилиниб, грамматик воситалар назардан четда қолади. Аслини олганда, грамматик воситаларнинг ҳам семантика ва прагматика худудларидаги вазифавий тақсимооти ўзига хос кўринишга эга. Прагматика «хизматида» бўлган грамматик категорияларни (замон,

шахс, майл) *шифтерлар* деб аташади, улар нутқий актнинг пропозицияси ва прагматик мазмунини ўзаро боғлаш хизматини ўтайдилар. Бошқа грамматик категориялар эса (масалан, келишик, род, аспект, сон, таксис, даража кабилар) пропозиция доирасига киришади, улар нутқий актнинг шаклланишида аниқ бир вазифани ўтамайдилар.

Хуллас, грамматиканинг нутқий тузилмалар таркибида бажарадиган вазифаси асосан мазмуний хусусиятга эга бўлиб, ушбу тузилмаларнинг семантик ва прагматик маъно бўлаклари шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди. Семантика ва прагматика соҳалари бир йўсинда ва айтилган бир пайтнинг ўзида коммуникатив мақсадга эришиш учун хизмат қилишади, уларнинг ҳар бирининг яхлит мазмун – коммуникатив маъно шаклланишида ўз ўрни бор. Шунинг учун айримлар ўйлаганидек, «қўйилган мақсадга эришиш йўлида лисоний воситалардан фойдаланишни таъминловчи инсонга хос бўлган қобилиятни тавсифлаш» (Kasher 1979: 38) нафақат прагматиканинг вазифаси бўлиб қолади, балки бу вазифа семантика учун ҳам муҳимдир.

Умуман, менинг нутқий тузилма мазмунида семантик ва прагматик қисмларни кескин ажратиш имконининг борлигига гумоним йўқ эмас. Ушбу фикримнинг исботини излаш мақсадида эътиборни яна бир қарра билвосита нутқий актлар мазмунининг таҳлили масаласига қаратмоқчиман.

Қизиқ, нутқий мулоқот жараёнида тез-тез кузатиладиган маъно қўчиши ҳолатлари ҳар доим бир хил хусусият ва аҳамиятга эга бўлармикан? Бу масала билан махсус шугулланган Д.Гордон ва Г. Лакофф «қундалик мулоқотда биз бир гапни бошқасининг маъносини ифодалаш учун ишлатамиз» (Gordon, Lakoff 1975: 83) деган даъво билан чиқишган эди. Ахир, биз Can you pass the salt? «*Тузни узатиб юбора олмайсизми?*» гапини

кўллаш билан ҳеч қачон «*Тузни узатиб юборишга имконингиз (қобилиятингиз) борми?*» мазмунидаги саволни назарда тутмаймиз-ку! Ягона англашиладиган маъно «*Илтимос, тузни узатиб юборинг!*» бўлса керак. Хўш, унда қандай лисоний ҳодиса кузатиляпти? Гап маъносининг кўчишими ёки нутқий актнинг билвосита ифодаланишими? Агарда барча тил соҳиблари ушбу гап маъносини бир хилда, яъни илтимос ёки ҳеч бўлмаганда, буйруқ мазмунида идрок этсалар, унда қандай билвосита нутқий ҳаракат тўғрисида сўз бўлиши мумкин?! «*Тузни узатиб юбора олмайсизми?*» илтимосни ифода этишнинг умумий қабул қилинган усулидир. Аммо «*Тузни узатиб юборишга имконингиз борми?*» дейиш гайритабiiй туюлади. Демак, келтириляётган ҳолатда билвоситалилик ёки маъно кўчиш ҳодисаси кузатилмайди. Бу синтактик курилманинг оддий, нормага хос кўлланиши бўлиб, ушбу кўлланиш ҳақиқий маъно кўчиши ҳамда билвосита нутқий ҳаракат бажарилиши ҳолатларидан, масалан, ирония ва метафорадан тубдан фарқ қилади. Ҳақиқий билвосита мазмун ифодаланиши учун сўзловчи бирор нарсага таъма ёки ишора қилиши керак бўлади. Масалан, «*Муқимий театрига қандай боришни билмайсизми?*» гапини талаффуз қилаётган шахснинг тингловчидан театр қаерда жойлашганини сўраш нияти йўқ. Асл мақсад – тингловчи унга театрга қандай боришни тушунтирсин. Сўзловчи кўзляётган маъно аслида бирламчи нутқий акт мазмунидир ва бу мазмун гап семантик таркибининг кенгайиши асосида юзага келади.

Сўзловчи ифодалаётган маъно ва гап семантикасининг карама-қаршилиги, айниқса, ирония ифодаланишида яққол кўзга ташланади, зеро, иронияли ибораларда сўзловчи ҳеч қачон бевосита мазмундаги нутқий акт ижросини кўзламайди. Масалан, «*Ақлли боласан-да, Рафиқжон!*» нутқий тузилмасининг мазмуни

Рафиқнинг ақлли эканлигини тасдиқлаш ёки уни мақташ билан боглиқ эмас. Мазмундаги бундай карама-қаршилиқ борлигини сезиш ва бу тузилмани киноя сифатида идрок этиш эса тингловчининг лисоний қобилияти билан боглиқ.

Тўғри, ҳар қандай билвосита нутқий актнинг мазмунини англаш учун тузилмаларнинг бирламчи маъносини билмоқ керак. «Қаламни олиб бера олмайсизми?» ёки «Ақлли боласан-да, Рафиқжон!» каби тузилмаларнинг илтимос ва киноя мазмунли нутқий акт эканлигини билиш учун тингловчи (сўзловчи қаторида) ушбу турдаги гапларнинг дастлабки маъносини олдиндан ўзлаштирган бўлиши шарт (Бу шарт, айниқса, хорижий тилни ўзлаштириш жараёнида муҳимдир). Шунинг учун формал мантиқшуносликда прагматика сўзловчи кўзлаётган маъно назарияси сифатида талқин қилиниб, гап маъноси, яъни семантика ушбу назария таркибига киритилади (Вандервекен 1990: 350).

Бундан ташқари, формал прагматикада нутқий тузилмалар мазмунидан ҳосил бўладиган турли хилдаги маъно кўчимларини тушунтиришда лисоний ўйин усулидан (Сафаров 2002) фойдаланиш ҳаракати ҳам сезилади. Швед файласуфи Пар Сегердал инглиз тилидаги «*The prices went up*», яъни «*Нарх-наво кўтарилиб кетди*» ва «*Can you open the door?*», яъни «*Эшикни ётиб қўя олмайсизми?*» тузилмаларида мазмуний чекиниш бор ёки йўқлигини аниқлаш учун лисоний ўйин қатнашчилари бир неча босқичдан иборат фаолиятни бажаришлари лозимлигини айтади. Биринчи навбатда, ушбу тузилмалар бўлақларга ажратилади, кейин эса бу бўлақларнинг бошқа тузилмаларда қўлланиш ҳолатлари эсланади. Ниҳоят, охириги босқичда бу қўлланиш ҳолатлари биринчи тузилма билан мослаштирилади. Масалан, «*The prices went up*» яъни «*Нарх-наво кўтарилиб кетди*» тузилмаси таркибдаги «*went up*» «*кўтарилди*» бўлаги бошқа

кўлланиш ҳолатида физик майдондаги ҳаракатни ифодалайди: *I went up the top floor* яъни «*Юқори қаватга кўтарилдим*». Худди шу маъно нарх-наво кўтарилишига муқојаса қилинади (Segerdahl 2000: 172-173).

Тасаввур қилинаётган ўйин фаолияти тил бирликлари маъноси муқојасасида ва кўлланишида ҳеч қандай чекланишни назарда тутмайди. Шу сабабли ҳар қандай нутқий тузилма билвосита ёки метафорик кўлланиш доирасида идрок этилиши мумкин. Бу прагматик талқин намунасидир. Аммо семантик таҳлилда эса лисоний тузилманинг маъносини бу йўсинда талқин қилиш тақиқланади, чунки бу ҳолда лисоний таҳлилни фалсафий (аниқроғи, мантиқий) таҳлил билан уйғунлаштириш эҳтиёжи мавжуддир.

Мантиқий таҳлилга нутқий акт назариясига формал рух бериш мақсадида мурожаат қилинади. Бу йўналишга Ж.Остин ва Ж.Серль ҳали нутқий акт назарияси ривожининг илк давридаёқ асос солишган эди. Уларнинг Нидерландияда тугилиб ўсган шогирдлари Даниэл Вандервекиннинг ишларида интенционал (иллокутив) мантиқ алоҳида тадқиқот соҳаси сифатида шаклланди. Олимнинг 1990-91 йилларда нашр қилдирган икки жилдли «Маъно ва нутқий актлар» (Meaning and Speech Acts) номли асарида бу йўналишнинг асосий гоёлари ёритилган (Vanderveken 1990; Vanderveken 1991). Ушбу асарнинг биринчи жилдида нутқий тузилма иллокутив кучининг пропозиция мазмунига мутаносиблиги иллокутив актда қандай акс этиши масаласи алоҳида ўрганилади. Муаллиф бундай мутаносибликни «умумий семантика» (general semantics) доирасида ўрганиш мумкинлигини уқтиради. Унингча, иллокутив актлар «фалсафий (мантиқий – Ш.С.) семантика нуктаи назаридан муҳимдир, чунки улар тил кўлланиши ҳамда тушунилишида муҳим ўрин

эгаллайдиган энг бирламчи маъно бирликларидир» (Vanderveken 1990:1).

«Умумий семантика» гоясини асослаш йўлини излаган Д. Вандервекен пропозиция билан боглиқ интенционал мантиқни нутқий ҳаракат билан боглиқ бўлган иллокутив мантиқ билан қориштириш ниятида. Биринчисида, мазмуннинг ҳаққонийлик шарти қўйилса, иккинчиси эса мулоқот мақсадига эришишни (success-conditional) тақозо этади. Нутқий тузилма маъносининг мулоқотда мақсадга эришиш билан боглиқ томонларини аниқлашда иллокутив кучнинг юзага келишини инобатга олиш талаб этилади. Муаллиф ҳар қандай иллокутив куч олти қисмдан иборат эканлигини таъкидлайди. Булар: (1) иллокутив мақсад; (2) иллокутив мақсадга эришиш усули; (3) пропозитив мазмун; (4) тайёргарлик шароити; (5) самимийлик шароити (sincerity conditions) ва (6) кучлилиқ даражаси (Vanderveken 1990: 105-110).

Ушбу қисмларнинг намоён бўлиши турли хусусиятларга эгадир. Бинобарин, Д.Вандервекин 5 турдаги асосий иллокутив мақсадни ажратади ва бу билан ўз устозлари Ж.Остин, Ж.Серллар келтирган нутқий актлар таснифини такрорлагандек туюлади: (1) ассертив (тасдиқ) мақсади; (2) комиссив (ваъда) мақсади; (3) директив (буйруқ) мақсади; (4) декларатив (эълон, хабар қилиш) мақсади ва (5) экспрессив, яъни сўзловчининг воқеликка нисбатан муносабатини ифодалаш мақсади. Бу қаторни муаллиф тўлиқ деб ҳисоблайди, чунки улар «лисон ва воқелик ўртасидаги муносабатларнинг турли кўринишларини тўлигича қониқтиради» (Ўша асар, 105-б). Мақсадга эришиш усули эса маълум пропозиция воситасида нутқий акт муваффақиятли ижро этилиши йўлини танлашдир (Ўша асар, 110-б). Худди шунингдек, тайёргарлик ва самимийлик шароитлари ҳам, бир томондан, иллокутив куч ва пропозиция мазмуни

муносабати билан аниқланса, иккинчи томондан, сўзловчининг руҳий ва идрокий ҳолати билан ҳам боғлиқдир. Зеро, сўзловчи бажарилаётган нутқий ҳаракатнинг самарасига, кўзланган мақсадга эриша олишига ишонмоғи лозим. Масалан, ассертив (дарак) ҳаракати ижросида сўзловчи хабарнинг ҳаққонийлигига ишонса, комиссив (ваъда) ҳаракати бажарилаётганда эса берилаётган ваъданинг ижроси сўзловчининг вазифаси эканлиги унутилмаслиги керак.

Албатта, Д.Вандервекин таклиф қилаётган формаллаштириш усули нуқсонлардан холи эмас. Фикримча, у охирига етказилмаган назарий усулдир. Иллокутив кучни бўлақларга ажратиш билан формаллаштириш амалига тўлиқ эришиб бўлмайди, яхшиси, ушбу бўлақларнинг ўзаро муносабатига кўпроқ эътибор қаратиш лозимдир. Боз устига, файласуф таҳлили асосан *It is snowing* «Қор ёғяпти»; *Is he coming?* «У келяптими?»; *How nice of you to come* «Келганинг қанчалик яхши бўлди!»; *Long live the republic!* «Яшасин республика!»; *John will do it* «Жон буни бажаради» каби содда (элементар) нутқий бирликлари билан чегараланган. Ҳолбуки, ҳақиқий мулоқот тизимида ҳосил бўладиган нутқий тузилмалар таркиб ва мазмун жиҳатидан мураккаб структурага эга бўлиши мумкинлиги барчамизга маълум воқелиқдир. Бундан ташқари, ягона бир пропозиция мазмуни ва структурасига эга бўлган гап турли шароитда турли иллокутив мақсадни ифодалаши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим. Масалан, «*Сенинг ноҳақ эканлигингни айтсам майлими?*» гапи воситасида савол (ижозат сўраш) ва тасдиқ яъни суҳбатдошнинг ноҳақлиги ҳақида хабар бериш мақсадлари ифода топади. Бундай *полиинтенционаллик* (*кўп мақсадлилиқ*) ифодаланадиган нутқий ҳаракатлар (Поспелова 1988: 149) формал талқини

учун кўшимча формаллаштириш амалларига мурожаат қилиш эҳтиёжи тугилиш муқаррардир.

Шундай қилиб, Даниэл Вандервекиннинг нутқий акт назарияси ва формал семантикани умумлаштириш борасидаги ҳаракатлари (яна қаранг: Vanderveken 1990) прагматика ва семантика соҳалари муносабатини ёритиш борасидаги уринишлардан биригина бўлиб қолади.

Семантика ва прагматика муносабати масаласи долзарблигича қолмоқда. Бу масала ечимини излашда тадқиқотчилар «бир қирғоқдан иккинчисига сузишни» давом эттирмоқдалар. Бир қирғоқдагилар лисоний иборалар контекстдан ташқарида ҳеч қандай маънога эга эмас деган гоя тарафдоридирлар. Лекин ибора бирор нарсани ифодаламаса ёки маълум бир маънога эга бўлмаса, у қандай қилиб матнда қўлланади ва матн мазмуни билан мувофиқлашади? Ҳар қандай лисоний ибора маъносини фақатгина матнга таянган ҳолда аниқлаш лозимлиги ҳақидаги фикр унчалик даражада ҳақиқатга яқин эмас. Бошқа гуруҳдаги тадқиқотчилар нутқий ибора мазмунининг ўзига хос «ижтимоий қурилма» эканлигини ва унинг мулоқотдошлар ўртасидаги ўзаро «қелишув» маҳсули сифатида талқин қилишни маъқул кўришади. Ҳақиқатда ҳам лисоний мулоқот ижтимоий ҳамкорликнинг бир туридир ва нутқий тузилмалар мазмуни шу ҳамкорлик жараёнида шакл топади. Аммо Ҳ.Дурфа ва М. Лахтинмакилар ўйлаганларидек, ўзаро мулоқот қандайдир бир «гавдасиз», аниқ бир шаклга эга бўлмаган маъно билан тугайди деган фикрга (Durfa, La`hteenma`ki 1996) қўшилишнинг иложи йўқ. Эътирозим асосли деб ўйлайман. Биринчидан, лисоний мулоқот натижасида сўзловчи ва тингловчи онгида янги фикр, тушунча пайдо бўлиши, бошқача айтганда, *мантиқий-маъно кўчими* юзага келиши муқаррар. Иккинчидан эса, ушбу мазмуний ҳосилалар

юзага келиши учун олдиндан «хомашё»га эга бўлиш ва ушбу «хомашё»ни «қайта ишлаш» лозим.

Ҳар қандай лисоний бирликнинг ижтимоий-маданий мазмунининг шаклланиши, албатта, мантиқий-ментал жараёни босиб ўтади. Шунингдек, маънонинг концептуал қисмини инкор этиб бўлмайди. Концепт эса дастлабки ўринда шахснинг лисоний-мантиқий фаолияти самарасидир (Сафаров 2006: 21-25). Концептуал билимнинг муҳимлиги лисоний белгилар маъносини идрок этишда намоён бўлади. Оддий тил сохиби сифатида мен қайрагочни ёғочи қаттиқ, майда баргли дарахт сифатида биламан, лекин бу дарахтнинг икки турини («садақайрагоч» ва «тўпқайрагоч»)ни фарқлаш учун махсус билимга эга бўлишим ёки соҳа билимдонига, лугатларга мурожаат қилишим лозим бўлади. Бу ўзига хос «*лисоний меҳнат тақсимоти*»дир ва ана шу тақсимотни амалга ошириш учун лисоний семантикага оид билимнинг ўзи етарли эмас. Бу фаолият самарадор бўлиши учун лисоний маъно ва қомусий билимга таянувчи мазмун билан бойитилади.

Ушбунини эътироф этиш билан биз беихтиёр лисоний семантикани нолисоний контекст билан боғлиқ маъно қобилиятидан қай йўсинда ажратиш мумкин, деган саволга жавоб излашга мажбур бўламиз. АҚШ файласуфлари ва психологлари жамиятининг президенти Рей Жакендофф лисоний (лингвистик) семантика алоҳида соҳа сифатида мавжудлигини қуйидагиларга асосланиб исботлаш зарур, деб ҳисоблайди (Jackendoff 2004: 282):

а) лисоний бирликларнинг «лугавий» ва «қомусий» маъноларини фарқлаш керак ва фақат булардан биринчисигина лингвистик семантика қамровидадир;


б) мазмуний структуралардан бўлган аргументация (асослаш, изохлаш) таркиби, аспект, иллокутив куч, сон категорияси кабилар грамматик кўрсаткичларга эга

эканликлари сабабли лисоний семантикага доирдирлар. Ранг, ҳажм кабиларни ифодаловчи маъно бўлаклари грамматик шаклга эга эмаслиги сабабли семантика доирасига кирмайди, улар умумий билим доирасига оиддир;

с) мантикий чегараланганлик, аналитик таркибга эга бўлиш, мазмундаги ҳаққонийлик шарти кабилар ҳам лисоний семантикага оиддирлар;

д) ҳар бир тил ўз грамматик ва лугавий тизимига эга бўлганлиги сабабли лисоний семантика ҳам тиллараро фарққа эга.

Лисоний семантиканинг бу ҳолатда тавсифланиши лисоний маънонинг алоҳида бир ҳудуд, матн билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган ҳодиса сифатида талкин қилинишига олиб келиши турган гап. Гўё лисоний семантика олдиндан мавжуд, тургун ҳодиса-ю, матнда юзага келадиган мазмун эса қандайдир семантикадан ташқаридаги маъновий структурадир. Натижада маъно структурасини икки ҳудуд ўртасида тақсимлаш ҳаракати бошланади ва маънонинг лисоний бўлаклари семантика, нолисоний бўлаклари эса прагматика ҳудудига киритилади. Бундай ҳудудий тақсимот куйидаги кўринишга эга бўлади:



Бу шакл «семантика бирламчи, прагматика иккиламчи» гоёсининг эътирофидан бошқа нарса эмас. Наҳотки семантика ва прагматика ҳудудлари ўртасида катта гов бўлса?! Аслида, лисоний бирликлар мазмунига

оид бу икки худудни бир-бирига яқин, бири иккинчисини тўлдириб, бойитиб турувчи соҳалар сифатида талқин қилган маъқулроқ. Зеро, умумий маъно доим матнда конкретлашади, сўзловчи (ёзувчи)нинг кўзлаган мақсадига мос мазмунни ифодалайди, ушбу мазмун, ўз навбатида, тингловчи (ўқувчи)нинг идроки жараёнида янги маъно бўлаклари билан бойитилади. Натижа ягона – лисоний мулоқот иштирокчилари учун *ўзаро англаш, коммуникатив ҳамфикрликка эришиши* шароити яратилади. Семантикани «лугавий маъно», прагматикани эса «комусий маъно» сифатида чегаралаб ташласак ёки бошқа бир талқинда семантика – мантиқий маъно, прагматика – номантиқий мазмун деб таърифланса, улар ўртасидаги муносабатни аниқлаш қийинлашади. Зеро, коммуникатив бирликлар мазмуни барча маъновий элементларнинг уйғунлашуви, ягона бир мазмун, мулоқот мақсадининг ифодаланишини талаб қилади.

Инглиз файласуфи Майкл Даммет 1975 йилда эълон қилган «Маъно назарияси нимадан иборат?» (What is a Theory of Meaning?) номли мақоласида сўз ва иборалар (гаплар)нинг маъносини англаш, бу бирликларнинг лисондаги ролини билмоқдир, деб ёзган эди. Демак, маъно назарияси тилнинг қандай фаолият кўрсатиши ҳақидаги билимдан иборат бўлиши лозим. Бундай назария айни пайтнинг ўзида билиш ва идрок этиш назарияси ҳам бўлади, чунки унинг воситасида ҳар бир шахс ўз она тилидаги лисоний бирликлар мазмунини идрок этиш учун олдиндан қандай тур ва ҳажмдаги билим захирасига эга бўлиши лозимлигини изоҳлаш мумкин.

Рей Жакендофф маъно тадқиқини «тубсиз хум»га ўхшатган бўлса, немис психологи Фридрих Георг Юнгер бундай тадқиқни маъно элементларининг «денгиздаги кумдек чексиз» эканлигини ва уларнинг илмий тадқиқи «мантиқий – рухий жиҳатдан ҳис қилиш, тавсифлаш,

тушунтиришдан» иборат бўлишини қайд этади (Юнгер 2005: 162). Ҳақиқатдан ҳам лисоний бирликлар мазмуний таркиб жиҳатидан пиёздек кўп қобикли тузилишга эга, ҳар бир қобик умумий маънога янги мазмун олиб келади ва ушбу бирликнинг лисоний мулоқот матнларида кўлланишига туртки беради.

Маълумки, семасиологияда кўп йиллар давомида номиналистик гоя ҳукмронлик қилиб келди. Бу гоя тарафдорларининг (Г.Фреге, Б.Рассел ва бошқалар)галқинида барча лисоний белгилар (сўз ва гап) фақатгина ном (атама, ёрлик) тавсифини олишади, уларнинг контекстуал (мулоқот матнидаги) кўлланиши эса назардан четда қолди. Номиналистларнинг бу хатосини тўғрилашга аҳд қилганлардан бири Австрияда тугилиб ўсган ва кейинчалик Кембрижда ижод қилган файласуф Людвиг Витгенштейн (1889-1951) эди. XX асрнинг «носистематик файласуфи» номини олган Л.Витгенштейн лисоний фалсафа тараққиётига катта улуш қўшган олимдир. Файласуфнинг *фаолиятдаги тил*, *амалиётдаги тил* ҳақида билдирган фикрлари лисоннинг жамиятда тутган ўрнини тўлиқроқ ва батафсилроқ англашга замин яратди. Унинг лисоний фаолият ҳақидаги гоялари прагматингвистиканнинг муҳим қисми – нутқий акт назариясининг шаклланишида гоявий таянч ролини ўйнади.

Лисоний фалсафа оқимининг асосчиларидан бўлган Л.Витгенштейн учун асосий таҳлил объекти гапдир. Гап ходисасининг моҳиятини англаш олимнинг ягона вазифасига айланади. «Гаплар умумлашмаси, мажмуаси лисондир» деган шиорни кўтарган муаллиф айни пайтнинг ўзида бундай мажмуа бизга ҳеч қачон ва ҳеч қаерда яққол кўринмаслигини таъкидлайди, чунки бу мажмуа олдиндан берилган бўлса, лисоннинг ўзи ҳам мавжуд бўлмасди ва бирор бир гап ҳам нутқий кўринишни ола олмасди. Шу

сабабли бўлса керакки, гапнинг формал мантиқ нуктаи назаридан ўрганилиши унинг табиатини тавсифлаш учун етарли эмас. Мантиқшунос гапнинг майин ёки қатъиятли, кўпол, фармойишона, талабли, ўтинчнамо, насиҳатомуз, қахрли ёки илтифотли бўлиши мумкинлигини эътиборга олмайди. Уни гапнинг асл табиати, қачон ва қаерда юзага келганлиги, тарихий муҳити қизиқтирмайди. Мантиқий таҳлил учун ягона бир тузилишдаги гапнинг севги изҳори, об-ҳаво ҳақидаги хабар ёки санъат асари бўлиши бефарқдир. Мантиқшунос ҳам худди грамматист каби гапни умумий матндан ажратиб олиб, лисоний фаолиятдан ташқарида тадқиқ қилади. Л.Витгенштейнни бундай «иҳотали», тургун ёндашув қониқтирмайди. Олим лисоний фаолиятни ўйин фаолиятининг тури сифатида талқин қилишни маъқул кўради. Аммо лисоний фаолият ўйини оддий ўйинчоқли ўйиндан тубдан фарқ қилади. Лисоний фаолият ўйинининг ўзига хос амаллари бор ва бу амаллар нутқий мулоқот жараёнида унинг турли кўринишларида ҳосил бўлгуси услубларда намоён бўлади. Домино, шахмат каби ўйинлардаги ҳолат тамоман бошқачадир. Шахмат ёки домино тошларидан фойдаланиш мантиқий боғлиқликни талаб қилмайди, ўйин қоидалари қатъийдир. Ўйинчилар уларни ўзгартира олмайдилар, унда ўйин тўхтайтиди. Шунингдек, ушбу қоидаларга риоя қилиш мантиқий муносабатлар натижаси бўлмасдан, балки ҳисоб амалларини бажариш билан боғлиқдир. Кимки ушбу ҳисоб амалларини моҳирона бажарса ва белгиланган қоидаларга амал қилса, ўша ўйинда голиб чиқади. Бунинг исботини шахматни кўрмасдан (сиртдан) ва компьютер ёрдамида ўйнаш мумкинлигида кўрамиз. Л.Витгенштейн тавсифидаги лисоний фаолият ўйини, унинг ўзи «Фалсафий тадқиқотлар» асарида ёзганидек (Wittgenstein 1953), домино ёки шахмат ўйинларини эслатмайди. Бу ўйинни муаллифнинг таъбирича, инглиз тилидаги puzzle

«бошқотирма, топишмоқ» сўзи билан аташ маъқулдир. Бу бошқотирмада, масалан, турли рангга бўялган сурат қисмларга бўлакланиб ташланади ва сўнг ушбу бўлақлардан сурат қайта терилади. Ўйин суратнинг йиртиб ташланиши эмас, аксинча, унинг қайта терилишидир. Бу вазифани бажариш қоидалари ўта содда бўлса ҳам унинг ижроси ўйинчидан сабр-тоқат ва аклий энергия сарфини талаб қилади. Лисоний фаолият ҳам худди шундай ходисадир, гап тузиш қанчалик оддий амалдек туюлса-да, унинг турли мулоқот шароитларида фаоллашувини таъминлаш мушкул вазифадир, чунки ҳар қандай «лисоний истеъмолни» муҳитга, аниқ шароитга мослаштирмасак, ҳаракат зое кетади. Мулоқотда англашилмовчилик юзага келади, нутқий бирликлар мазмун-маъноси ноаниқ бўлиб қолади. Бу эса, айниқса, бевосита нутқий актлар ижросида яққол кўринади. Зеро, бу турдаги нутқий актлар воситасида мулоқот интенцияси (мақсади)ни ифодалаш лисоний ўйин фаолиятининг ҳақиқий намунаси.

Лисоний ходисаларни мулоқот матни, муҳити билан боғлаб ўрганиш методологик жиҳатдан муҳимдир. Кўпчилик тадқиқотчилар тил тизимини қатъий тартибли тузилма сифатида тасаввур қилишга ҳаракат қиладилар, Балки бундай регламентлилик грамматика учун (айниқса, синтаксис ё морфология учун) кўпроқ хосдир, лекин тилнинг умумий табиати қатъий қоидалар билан чекланиб қолмайди. Тил ва лисоний фаолиятда ноаниқлик, кўпмаънолилик, муҳит (матн) билан боғлиқ ҳамда идиоматизм ҳолатлари тез-тез учраб туради. Айнан шу хусусиятлар лисоннинг табиатига оиддир. Шу сабабли ҳар қандай лисоний бирлик мазмунини мулоқот контекстида юзага келадиган семантик ва прагматик маъно муносабатлари ҳосиласи сифатида эътироф этиш маъқулдир. Мулоқот матни эса ўз тамойиллари ва қоидалар тўпламига эга.

VI боб. Прагматик мазмунни шакллантирувчи ходисалар

Коммуникатив семантика муаммосини докторлик диссертациясининг мавзуси этиб танлаган кичик Г.Г.Почепцов бундан 20 йил олдин «Коммуникатив маъно тахлилининг моҳияти нимадан иборат?» деган саволга жавоб излаб, анъанага биноан прагматика худудига лисоний белги доирасига кирмайдиган барча ходисаларни, масалан, паралингвистик (нолисоний) факторлар жойлаштириб келинаётганлигидан ҳайратланган эди «Ахир ҳар қандай ҳолатда ҳам лисоний белги диққат марказида бўлмоғи даркор. Шу сабабли, коммуникатив семантика соҳасида бизни белгидан ташқаридаги муносабатлар эмас, балки бу муносабатларнинг белги ботинида нутқий тузилмада намоён бўлиши қизиқтиради. Тилшунослик лисоний контекстни кенг маънода ўрганганлиги учун коммуникатив семантика ҳам ушбу билан машғул бўлиши керак ва албатта, у (лисоний контекст – Ш.С.) новербал контекст билан боғлиқ ҳолда ўрганилади» (Почепцов 1987: 11). Олим ушбу хулосасида ўз отаси –Киев чет тиллар институтининг профессори Г.Г.Почепцовнинг бир оз олдинроқ билдирган фикрига таянган бўлса ажаб эмас. Ота –Почепцов 1985 йилда семантика ва прагматика фарқини шундай изоҳлаган эди: «семантика – тил тизими бирликларининг доимий «мулкидир». Прагматик хусусиятлар кўплаб, қатор қўлланишлар маҳсули сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади» (Почепцов 1985: 17).

Демак, лисоний бирликларнинг аниқ ва воқеий мулоқот шароитида қўлланиши прагматик тахлил объектидир. Сўзловчи ва тингловчи муносабати нутқий мулоқот шароитида юзага келади, нутқий ҳаракат мулоқот матнини талаб қилади ва шу мулоқот контекстида мазмунга эга бўлади. Мулоқот юзага келиши учун муҳит

бўлиши даркор. Муҳит, ўз навбатида, ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, у ижтимоий қатлам, гуруҳнинг маданияти билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ушбу гуруҳдагилар ҳар хил англашилмовчиликлар, маъновий иккиёкламалик, ноаниқликларни бартараф этиш имконини берадиган умумий билим захирасига ҳамда мулоқотнинг маваффақиятини таъминловчи қоидалардан фойдаланиш малакасига эга бўлишади. Шундай малакага эга бўлмаган шахс мулоқотда ҳеч қандай самарага эриша олмайди. Нутқий мулоқотда ахборот узатиш «юки», сўзсиз, лисоний бирликлар «елкаси»га тушади, аммо шахслараро муносабат нормасини, миллий- маданий қадриятлар тизимини эгалламасдан туриб, тўлақонли мулоқотга киришишнинг имкони йўқ.

Хуллас, коммуникатив фаолият турли хилдаги билимларга эга бўлишни талаб қилади, булардан, масалан, *лисоний билим* тил тизими тузилиши билан боғлиқ бўлса, *қомусий билим* эса воқеликни акс эттиради ва ниҳоят, *интерактив билим* ўзаро муносабат асосида турган, ижтимоий гуруҳ учун умумий бўлган қоидалар тўпламини билишни такозо этади. «Лисоний мулоқот қобилияти» дейилганда, худди шу билимлар назарда тутилади. Интерактив билим мулоқот иштирокчилари учун асосан бир хил даражада бўлгани маъқулроқ, чунки факатгина шу ҳолатдагина яқдилликка, ўзаро бир-бирини англашга эришиб бўлади.

Мулоқотдошларнинг бир-бирини тушуниши лисоний коммуникациянинг асосий шартидир. Масалан, «*Чой тугабди*», «*Совуқ*» жумлаларини «*Чой дамла*», «*Иссиқроқ кийин*» ёки «*Эшикни ёп*» каби мазмунларида англаш учун Ж.Серль айтган shared background information (Searle 1979: 48), яъни «ўзаро умумий ва олдиндан маълум бўлган маълумотга» эга бўлиш керак. Аммо бундай ҳолатда ва «орқа фон»да турадиган маъно ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Асосий мулоқот бирлиги бўлган матннинг умумий тузилиши, мазмуний мундарижаси лисоний бирликлар коммуникатив маъносини шакллантирувчи тажриба майдонидир. Яхлит коммуникатив лисоний тузилма бўлган матннинг семантик мундарижаси денотатив ва сигнификатив қисмлардан таркиб топади. Булардан биринчиси матн мазмунининг воқеликда кечаётган ҳодисалар билан боғлиқ томонларига ишора қилса, иккинчиси эса, матн ёки нутқ ижодкорининг нутқий тафаккур фаолияти билан боғлиқдир. Тверь (Калинин) прагмалингвистик мактабининг вакили М.Л.Макаров матн мазмуни тавсифига «коммуникатороцентрик» ёндашув тарафдорларидан биридир. Михаил Львович ўз устози профессор И.П. Сусов изидан бориб (Сусов 1979), матн мазмунининг денотатив ва сигнификатив хусусиятлари каторига *пропозиция, референция, экспликатура, инференция, импликатура, релевантлик, пресуппозиция* қабилирни киритади (Макаров 2003: 119-137).

Матн мазмунининг денотатив қисмини ташкил қилувчи пропозиция ва референция ҳодисалари илмий адабиётларда анча батафсил ёритилганлигини эътиборга олиб (масалан, қаранг: Нурмонов ва бошқалар 1992: 31-80; Махмудов 1984), уларга янада тўлиқроқ изоҳ бериш эҳтиёжини сезмаяпман. Фақатгина шуни эслатмоқчиманки, пропозиция билимни етказишнинг ўзига хос шакли бўлиб, у ахборотни тўплаш ва сақлашнинг когнитив структуралари каторига киради (Панкрац 1992: 15). Аммо пропозиция ҳодисаси таҳлилида унинг ахборот ташиш хусусияти билангина чегараланиб қолмаслик даркор. Зеро, бу ҳолда ушбу ҳодисанинг коммуникатив белгилари назардан четда қолади. Масалан, қуйидаги нутқий тузилмаларни олайлик:

- а) *Анвар менга китобни берди*
- б) *Анвар менга китобни берадими?*

в) *Анвар, менга китобни бер!*

г) *Ишонаманки, Анвар менга шу китобни беради (берган).*

д) *Анвар менга шу китобни берган бўлиши керак.*

Бу қатордаги тузилмалар (қаторни яна давом эттириш мумкин) ягона пропозицияга эга, яъни «китоб», «Анвар», «мен» терм ва актантлари ҳамда «бермоқ» предикати воситасида тузилаётган ушбу тузилмаларнинг семантик структураси ягона, аммо ушбу пропозиция мулоқот матнида фаоллашиб турли прагматик мазмун билан бойийди. Мазмуннинг коммуникатив мақсадига биноан бундай кенгайтирувчи воситалар қаторига модаллик ва замон-аспект кўрсаткичлари ҳам киради.

Худди шунингдек, *референция* ходисаси ҳам денотатив семантика доирасида талқин қилинади ва анъанага биноан номловчи лисоний бирликларнинг борликдаги объектга муносабати, унинг билан боғлиқлиги сифатида тавсифланиб келинмоқда. Аслида, лисоний номни воқелик билан боғлашда сўзловчининг (ёки лисондан фойдаланувчи шахснинг) мақсади, лисоний фаолият нияти муҳим ўрин эгаллайди. Семасиологлар доирасида машхур бўлган «Семантика» (Semantics) рисоласининг муаллифи Ж.Лайонзнинг қайдича, сўзловчи, референция ҳаракатини бажараётиб, лисоний иборани мақсадли танлайди ва «референцияни айнан шу ибора мундарижасида ифодалайди» (Lyons 1977: 177). Дискурсив таҳлил назарияси тараққиёти эса референцияни сўзловчи ёки ёзувчи ижросидаги бир томонлама ҳаракат натижаси сифатида эмас, балки иккитомонлама, яъни сўзловчи ва тингловчи иштирокидаги «шахслараро ҳаракат» асосида ҳосил бўладиган лисоний фаолият тури сифатида талқин қилишга сабаб бўлди (Макаров 2003: 122). Менга ҳам бундай ёндашув маъқул, чунки ҳар қандай лисоний фаолият мулоқот муҳитини талаб қилади, лисоний мулоқот

эса қандай кўринишда кечишидан қатъий назар, шахслараро муносабатнинг намоён бўлишидир.

Нутқий мулоқот матнининг когнитив хусусиятга эга бўлган ходисаларидан яна бири *релевантлик* (*ўринли, жўяли бўлиш*) ходисасидир. Психологлар Дэн Шпербер ва Дьер Дре Уилсонлар ушбу тамойилни нутқий мулоқотнинг муваффақиятли кечишини ҳамда мулоқот матнининг мазмундор шаклланишини таъминловчи ҳодиса сифатида қарашни таклиф қилишади (Шпербер, Уилсон 1988). Релевантлик, биринчидан, ўзига хос мазмуний когерентлик бўлиб, нутқий ҳаракат маъносининг матндан олдинги ҳаракатлар маъносига мос келишини талаб қилади. Иккинчидан, маълум нутқий тузилма мулоқот муҳити ва матнига мос, ўринли бўлмағи даркор ва фақат шу ҳолдагина тингловчи узатилаётган ахборотни тез ва осон «ҳазм қила олади». Шунга биноан тамойил муаллифлари ўринлик, жўялик даражасини эришиладиган контекстуал натижа билан ўлчашни таклиф қиладилар: «У ёки бу эҳтимолнинг маълум матнда ўринли эканлиги унинг ушбу матнда контекстуал натижага (самарага) эгаллиги билан белгиланади» (Ўша асар, 216-б).

Куйидаги мулоқот матнларини солиштирайлик:

1.а) *Меҳмон: чарчадим, энди турсак.*

1.б) *Мезбон: чарчаган бўлсангиз ош тайёр бўлади.*

2.а) *Меҳмон: чарчадим, энди турсак.*

2.б) *Мезбон: Ош тайёр бўлаяпти, сузамиз.*

Тасаввур қилинг (1.б) гапи воситасида мулоқотда қандай натижага, ўзаро ҳурмат билан боғлиқ қандай самарага эришиб бўлди?! Кейинги гап (2б) эса мулоқот матни мазмунига мос оҳангда тузилган, шу сабабли унинг кўлланиши коммуникатив натижага олиб келишига ишониш мумкин.

Келтирилган мисолдан релевантликнинг мантиқий таҳлил воситасида аниқланиши кўришиб турибди. Аммо

бундай таҳлил ўта формал – дедуктив кўринишга эга бўлиши ҳаммага ҳам маъкул келавермайди, чунки матн пропозицияларини индуктив таҳлил йўли билан, эҳтимоллар асосида ҳам ажратиб олиш мумкинлигини унутмаслик лозим.

Турли мантикий-семантик амаллар асосида мазмуний хулосаларга эришишнинг яна бир йўли сўзловчи «нимани назарда тутаётганлигини» эҳтимол қилиш ва англашдир. Бундай усул *инференция таҳлили (conversational inference)* деб аталади. Масалан, «*Қиш келди*» гапини эшитиб, сўзловчи «*Ҳаво совуқ, иссиқ кийимларингни тайёрла*» мазмунидаги маслаҳатини бермоқчи деган хулосага келиш мумкин. Аммо бу хулоса бор-йўги эҳтимол, балки сўзловчи «*Уйни исит*» демоқчидир. Шунинг учун бўлса керакки, М.Макаров инференциянинг дедуктив ва индуктив мантикий амаллар асосида бажарилиши мумкин бўлган икки турини фарқлаш лозимлигини уқтиради (Макаров 2003: 125-127).

Дедуктив амал асосида эришиладиган хулоса куйидаги кўринишда бўлади:

- 1) *Қўнғироққа ҳеч ким жавоб бермаётган бўлса, демак, уйда ҳеч ким йўқ.*
- 2) *Қўнғироққа ҳеч қандай жавоб йўқ.*
- 3) *Уйда ҳеч ким йўқ.*

Индуктив инференцияни ва эҳтимолдаги хулосанинг мисоли:

- 4) *Аббос мактабга кетди.*
- 5) *Аббос – мактаб ўқувчиси.*

Дедуктив ва индуктив амаллар асосида фаркланадиган мазмуний инференцияларни фарқлашда Ҳ.П.Грайс эҳтимол қилинаётган хулосани инкор қилиш мумкин эмаслиги амалига таянишни маслаҳат беради (Grice 1975; Грайс 1985).

Дедукция асосида аниқланган хулосани инкор этиш кийинлигини Х.П.Грайс куйидаги мисолда изоҳлайди:

6) *If Socrates is a man, he is mortal; Агарда Сукрот инсон бўлса, унинг умри абадий эмас.*

7) *Socrates is a man; Сукрот – инсон.*

8) *There for Socrates is mortal. Шу сабабли Сукротнинг умри абадий эмас.*

Бу ерда 6 ва 7 гаплардаги далилий ҳукмлар рост бўлгани учун ҳам 8- ҳукм ҳақиқат. Индуктив йўл билан келтириладиган далилларни эса инкор этиш имконияти йўқ эмас:

9. *I have dug up 1001 carrots; (Men) 1001 та сабзини қазиб олдим.*

10. *Every one of the 1001 carots is orange; 1001 та сабзининг ҳар бири апельсиндир.*

11. *Therefore, all carrots are orange. Шу сабабли барча сабзилар апельсиндир.*

Аммо бу қаторга яна бир далилий ҳукм киритилса, хулоса ноўрин, нотўғри бўлади (Levinson 1983: 114):

9б. *I have dug up 1001 carrots*

10б. *Every one of the 1001 carrots is orange.*

12б. *The 1002 nd carrot is green. 1002- сабзи яшил.*

13. *Нотўғри: Therefore, all carrots are orange. Шу сабабли барча сабзилар апельсиндир.*

Матнга қўшимча киритилган гап (12б) ҳукмнинг ва ундан келиб чиқадиган хулосанинг гализ ва нотўғри шаклланишига сабаб бўлади. Мулоқот матни ривожини учун тингловчи томонидан бажарилаётган эҳтимолли-индуктив инференция амаллари муҳимдир, нутқий тузилмалар мазмунини тушуниш ва ўзаро фикр алмашинувини давом эттириш учун доимий равишда хулосаларни қиёслаш ҳамда уларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириб бориш эҳтиёжи туғилади.

Матннинг ва умуман турли кўринишдаги нутқий тузилмаларнинг мазмунини белгиловчи ҳодисалардан яна бири *пресуппозиция*дир.

Пресуппозиция махсус адабиётларда инференциянинг хусусий кўринишларидан бири сифатида қаралади ва бунда ифодаланётган фикр – ҳукмнинг ҳақиқий ёки ўринли эканлиги эътиборга олинади. Бунинг учун эса мулоқот иштирокчилари воқелик, кечаётган ёки хабар қилинаётган ҳодиса ҳақида бирор бир умумий маълумотга эга бўлишлари керак. Р.Столнейкер таъбирича, «пресуппозиция талаб қилинаётган лисоний фаолият ижросидан олдин имплицит назарда тutilган пропозициядир» (Stalnaker 1972: 387-388; Столнейкер 1985). Масалан, «*Аҳмад икки бошли илонни ушлади*» ва «*Аҳмад икки бошли илонни ушламади*» қабилидаги гапларни матнда қўллаш ва уларни тушуниш учун сўзловчи ҳамда тингловчига икки бошли илоннинг мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги) бир хилда маълум бўлиши керак.

Пресуппозициянинг *яширин ҳукм, тағмаъно* билан боғлиқ эканлигини бундан юз йиллар олдин олмон мантиқшуноси Х.Фреге айтган эди. Ҳақиқатдан ҳам «*Кумушнинг акаси учта от сотиб олди*» калимасини айтиш учун сўзловчи «*Кумуш*» исмли қизнинг акаси борлигини билиши керак. Бундан ташқари, сўзловчи Кумушнинг фақат биргина акаси борлигини ва у от сотиб олишга етарли маблагга эга эканлигини ҳам билиши мумкин. Бу маълумотларни берувчи пресуппозициялар соҳиби сўзловчидир. Гап эса Кумушнинг акаси ниманидир сотиб олганлиги, учта ҳайвон сотиб олинганлиги, харид қилинган ҳайвон от ва бу отлар иккита эмас, балки учта эканлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради. Бу турдаги маълумотлар асосида *хулосавий ҳукм (intailment)* чикарилади. Пресуппозицияга оид ҳукмлар эса

гап мантикий мундарижаси билан боглик эмас, деган фикр хам йўқ эмас (Yule 1996: 25).

Ҳозирги кунда Ҳавайда яшаб ижод қилаётган прагмалингвист Георг Юлнинг ушбу фикрини тўлигича қувватлаш маъқулмикан? Пресуппозициянинг инсон билан, унинг билим даражаси билан боглик эканлигига шубҳа йўқ. Аммо ушбу пресуппозициянинг шаклланиши ва ҳукмнинг мантикий қаторлари пайдо бўлишида лисоний бирликларнинг ҳеч қандай таъсири йўқ, дейишга журъатим етмайди. Нутқий тузилма таркибидаги бирликлар ва ушбу тузилманинг структуравий белгилари пресуппозицияга оид маълумотни ифодаловчи воситалар хизматини ўташини ҳам ҳеч ким инкор қилгани йўқ. Г.Юлнинг ўзи ҳам пресуппозициянинг гап таркибидаги маълум лугавий бирликлар ва синтактик тузилмалар билан боглик эканлигига таянган ҳолда *лексик ва структуравий пресуппозицияларни* фарқлашни таклиф қилади (Yule 1996: 28).

Бинобарин, (а) «У чекишни ташлади», (б) «У *шикоят қила бошлади*», (в) «У *яна кечикди*» гапларининг пресуппозициялари (а) «У *чекар эди*», (б) «*Илгари у шикоят қилмас эди*», (в) «У *олдин ҳам кечиккан эди*» тарзида эканлигини биз фақатгина «ташламоқ», «бошламоқ», «яна» лугавий бирликлари қўлланишига таяниб аниқлаймиз. Структавий пресуппозиция (structural presupposition) эса масалан, куйидаги сўроқ гапларда намоён бўлади: (г) «У *қачон кетди?*» = «У *кетган*»; (д) «*Велосипедни қаердан сотиб олдинг?*» = «*Сен велосипед сотиб олгансан*». Ушбу ҳукмларнинг шаклланиши сўроқ олмошли структура қўлланиши билан богликдир. А. Нурмонов ва унинг ҳаммуаллифлари ҳам пресуппозициянинг лисоний ифодаланиш шаклига – моддий воситага, ташқи сигналларга эга эканлигини эътироф этишади (Нурмонов ва бошқалар 1992: 115-116) ва

бундай моддий воситалар қаторига турли лугавий бирликлар, юклама ва кўмакчи кабиларни киритишади. Прагмалингвистик адабиётларда «пресуппозицияни фаоллаштирувчилар» (presupposition triggers) деб аталаётган (Yule 1996: 27; Levinson 1983: 179) ушбу воситалар пресуппозициянинг «лисоний либоси»дир, улар воситасида яширин маъно янада ботинлашади.

Умуман, семантик пресуппозициянинг қарийб барча турлари аниқ лисоний кўрсаткичларга (индикаторларга) эгадир. Буни Г.Юл келтирган жадвал мисолида ҳам кўриш мумкин (Yule 1996: 30):

Пресуппозиция тури	Мисол	Пресуппозиция
Экзистенциал	Ann sings «Эн куйлаяпти»	Ann exists «Эн мавжуд»
фактив	I regret leaving «Кетганимдан афсусланаман»	I left «Кетдим»
нофактив	He pretended to be happy «У ўзини хурсанд қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди»	He wasn't happy «У хурсанд эмас эди»
лексик	He managed to escape «У қочиб кета олди»	He tried to escape «У қочишга ҳаракат қилди»
структуравий	When did she die? «У қачон ўлган?»	She died «У ўлди»
контрфактив	If I weren't ill, «Касал бўлмаганимда (эди)»	I am ill «Мен касалман»

Жадвал гувоҳлик беришича, фактив ва нофактив пресуппозицияларда хулосавий ҳукм воқеанинг ҳақиқатдан содир бўлаётганлиги ёки бўлганлиги факт эканлигига асосланади ҳамда ушбу хулосанинг ифодаланишида «билмоқ», «англамоқ», «афсусланмоқ», «хабардор бўлмоқ» каби бирликларнинг тасдиқ ва инкор шакллари иштирок этишади. Контрфактив пресуппозиция эса билдирилаётган маълумотнинг ҳақиқатга мос эмаслигига ишорадир: *«Агарда сен менинг дўстим бўлганигда, менга ёрдам қилган бўлар эдинг»* = *«Сен менинг дўстим эмассан»*. Бу турдаги пресуппозиция асосан мураккаб таркибли нутқий тузилмаларда намоён бўлади ва «мантикӣ мерос» (inheritance) қоидаларига амал қилади. Пресуппозиция маъносининг бўлақдан яхлитга, эргаш гапдан бош гапга, диалогик тузилма бошланишидан кейинги бўлақларига ўтиши умумий кузатилган ҳолдир.

Тилшунослар «прессупозиция» тушунчасини файласуфлардан ўзлаштирганликлари маълум ва фалсафадан атаманинг кўпмаънолилиги, тавсифий ноаниқликларининг тилшуносликка ҳам кўчиши табиийдир. Натижада ушбу ҳодиса турли кўрсаткичларга нисбатан турлича таснифий гуруҳларга ажратилиб келинмоқда. Буни ҳатто ушбу тушунчани тилшуносликка биринчилардан бўлиб тадбиқ қилган Пётр Стросоннинг қарашларида ҳам кўриш мумкин. Олим ўтган асрнинг ўрталарида (Strawson 1950; Стросон 1989) мантиқшунос Б.Расселнинг лисоний бирликларнинг маъносини тавсифловчи дескриптив назариясини тафтиш қилаётиб, гап маъноси ва унинг нутқий қўлланишидаги мазмуни ўртасидаги муносабатга эътиборни қаратди. Шу тахлит семантик ва прагматик пресуппозицияни фарқлаш йўлидаги уринишлар бошланди.

Олмон тилшуноси К.В.Хемпфернинг (Hempfer 1977) гап маъносида контекстдан ташқари, ҳеч қандай нутқий

вазият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган хулосавий ҳукми семантик пресуппозиция сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги фикри бошқалар томонидан ҳам қўллаб –қувватланди (В.В.Богданов, В.А. Звегинцев, Е.В. Падучева, М.Л.Макаров, Н.Махмудов, А Нурмонов ва бошқалар). Дарҳақиқат, пресуппозициянинг лисоний бирлик маъноси билан боғлиқлиги ҳақида олдинги саҳифаларда гапирилди. Гапнинг семантик тузилиши пресуппозицион пойдеворга эга эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Шунинг учун ҳам «*Аббос менга китобни берди*» гапи «*Аббос деган йигитнинг борлиги*» (экзистенционал пресуппозиция) ва «*унинг менга китобни берганлиги*» (фактив пресуппозиция) ёки бермаганлиги (нофактив пресуппозиция) ҳақида хулосавий ҳукмларнинг юзага келиши табиийдир. Булар оддий мантиқий хулосалардир.

Аммо лисон фақат тургун, ягона бир қолипга солинган, доимий мазмунга эга бўлган бирликлар тўплами эмаслигини яхши биламиз. Лисоний фаолиятда шундай ҳолатлар юзага келадик, уларни бевосита, олдиндан берилган ягона бир андозага биноан тавсифлаб бўлмайди. Хусусан, «*Менинг онам мендан ёшироқ*» нутқий бирлигини олайлик. Ҳар қандай кишидан сўрасанг, уни маъно жиҳатидан галати туюлишини, мантиқий нормадан чекиниш эканлигини айтади. Бундай баҳо билан гапнинг семантик пресуппозициясини аниқлаб бўлмайди, фақатгина у «*X У га нисабан ёш*» қолипга тушади:

- а) *Барно Шалолдан ёш;*
- б) *Менинг онам Барнодан ёш;*
- в) *Барно мендан ёш;*
- г) *Менинг онам мендан ёш.*

Албатта, онанинг ўз фарзандидан ёш бўлиши мумкин эмас. Мазмуний ва пресуппозицион гайритабиийликни йўқотиш учун гапнинг махсус (алоҳида турдаги) қўлланиш матнига муружаат қилишга мажбурмиз. Нутқий

курулмаларнинг бундай кўлланиши билан қизиққан Жон Лайонз *My mother is younger than I am* – «Менинг онам мендан ёш» кўринишидаги гапларнинг мазмундорлигини таъминловчи ягона восита нутқ вазияти, контекст эканлигини алоҳида таъкидлаган эди (Lyons 1977: 419). Ўз тиббий кўрсатмаларини онасининг тиббий варақаси билан қиёслаётган одамнинг ҳайратли гаплари: «*Ё тавба! Менинг онам мендан ёш! Албатта, гап ёшда эмас, лекин у ҳақиқатдан ҳам мендан ёш, тиббий кўрсаткичларга қаранг!*»

Диққат қилинг: сўзлаётган шахс айтаётган гапининг маъносиз туюлишини сезиб, изоҳ бермоқда, яъни онасининг ундан ёш кўриниши тиббий кўрсаткичларга боглиқ эканлигини уқтирмоқда. Демак, пресуппозиция ва ҳар қандай маъно ифодаси билан боглиқ бўлган бошқа ходисаларнинг воқеланиши, лисоний тус олиши учун маълум миқдорда нутқий вазият контексти талаб қилинади.

Семантик ва прагматик пресуппозицияни фарқлаш, уларни ягона бир лисоний-мантикий фаолиятнинг икки мустақил қисмларига ажратишга сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, лисоний ва мантикий ҳаракатлар ягона бир фаолият доирасида ижро этиладиган, бири иккинчисини тақозо этувчи ходисалардир. Семантикани, лисоний бирликлар маъносини ушбу лисондан фойдаланувчининг дунё ҳақидаги билимидан холи ҳолда қараш хатодир. Доимий ҳамкорликда ижод қилишаётган америкалик семасиологлар Ж.Катц ва Ж.Фодор ҳамда уларнинг шогирдлари семантикани контекстдан холи, сўз ва гапларнинг қандайдир доимий, тургун маъноси билан шугулланувчи соҳа деган гоъни сингдиришга қилган ҳаракатлари бундай «атомистик» ёндашувнинг салбий натижа билан тугашини кўрсатди. Ажратувчилик, чексиз бўлақларга бўлиб ташлаш амали методологик жиҳатдан ҳар доим ҳам кутилган самарага олиб келамвермаслиги илмий тафаккурда ўз

тасдигини топган. Жаҳон руҳшунослигининг энг катта «вакил»ларидан бири бўлган Л.С.Выготский 1934 йилда нашр эттирган «Тафаккур ва нутқ» номли рисоласида нутқнинг инсон психологик-мантикий фаолияти билан боғлиқ томонларини ўрганаётиб, психологик фаолиятни *элементларга* эмас, балки *бирликларга* ажратиш методидан фойдаланиш лозимлигини уқтиради.

Олимнинг тавсифича, «бирлик, таҳлилнинг (илмий-мантикий таҳлилнинг – Ш.С.) шундай ҳосиласики, у элементлардан фарқли равишда, яхлитга хос бўлган барча хусусиятларга эгадир ҳамда бу хусусиятлар қайта бўлинмайдиган бирликнинг «тирик» таркибини ташкил қилади» (Выготский 1934: 9; қиёсланг: Фам 2003: 114).

Яхлит таркибидаги бирликлар унга (яхлитга) хос хусусиятларга тўлиқ эга бўлишига қай даражада ишонишни билмайман, лекин руҳшунос таклиф қилган метод лисоний таҳлил учун ҳам муҳим эканлигини таъкидламоқчиман.

Умуман олганда, пресуппозициянинг семантикага оид бўлишига, унинг матндан ажралган ҳолда мавжуд бўлишига гумоним йўқ эмас. Бу гумон тасдигини кўйидаги гаплар таҳлилида кўриш мумкин:

а) *Муаллиф ушбу рисола ни тугатмасдан олдин уйланди.*

б) *Муаллиф ушбу рисола ни тугатмасдан олдин вафот этди.*

в) *Муаллиф ушбу рисола ни тугатди.*

Келтирилган гаплар қиёсидан кўринадики, «*Муаллиф рисола ни тугатди*» пресуппозиция хулосаси фақатгина (а) га мос келади. Олам ҳақидаги билимимиз эса ушбу пресуппозициянинг (б) туридаги гапларга мос эмаслигини исботлайди, чунки пресуппозицияда маълум («ушбу») рисола тугатилганлиги ҳақидаги хулоса мавжуд. Демак, рисола муаллиф вафотидан олдин тугаган бўлиши шарт.

Маълумки, семантик таҳлилда маъно лисоний бирликларнинг доимий, инвариант мундарижаси сифатида ажратилади. Прессупозиция эса инвариантлик хусусиятига эга эмас, у доимий мундарижавий хулоса бўла олмайди, унинг вокеланиши матнда, мулоқот контекстида кечади. Шу сабабли бўлса керакки, кейинги йилларда олимлар прессупозицияни асосан прагматик ҳодиса сифатида талқин қилиш йўлидан боришмоқда.

Прагматик прессупозиция ҳодисаси талқинида икки йўналиш мавжуд: уларнинг биринчисидан нутқий ҳаракатнинг жўялилиги ва самарадорлиги асосий мезон сифатида қабул қилинган. Ижро этилаётган нутқий фаолият ва қўлланилаётган лисоний тузилмалар жўяли, ўринли бўлган тақдирдагина мулоқот натижалари кўчишини биламиз (Маҳмудов 2007). Шунинг учун ҳам нутқий жўялилик ва самарадорлик шартлари (appropriateness and felicity conditions – Brown, Yule 1983: 27) прагматик прессупозициянинг асосий тамойилига айланади.

Иккинчи йўналишдаги талқинда прагматик прессупозиция мулоқот иштирокчиларининг ахборот мавзуси, предмети ҳақидаги умумий билими, ишончи (common knowledge, shared beliefs) сифатида қаралади. Бунда коммуникатив фаолиятнинг ички ва ташқи шарт-шароитларининг когнитив идроки асосий ўринни эгаллайди. Бу кўринишдаги талқинда прагматик прессупозиция бевосита матн таркиби, унинг қисмларининг ўзаро муносабати билан боглиқ эканлиги аён бўлади.

Менимча, эслатилган икки йўналишдаги талқинни ҳеч тортинмасдан *умумий махражга* келтириш мумкин, зеро, жўялилик ва самаралилик шартлари матнда фаоллашадиган пропозицияни бевосита контекст, мулоқот вазияти билан боглайди. Мулоқот бирлигининг жўяли,

ўринли эканлигини фақатгина контекстда, унинг бўлаклари таркибида аниқлаш имкони бор.

С. Левинсон келтирган таърифни олайлик: «А нутқий бирлиги (гап) В пропозициясини прагматик жиҳатдан назарда тутиши учун А жўяли бўлиши ва В нинг мулоқот иштирокчилари учун умумий маълумлиги шarti бажарилиши лозим» (Levinson 1983: 205). Ахир бу Р.С.Столнекер берган таърифнинг айнан муқобили эмасмикан: «Пропозициянинг прагматик маънода пресуппозиция бўлиши сўзловчи унинг (ҳукмнинг –Ш.С.) ҳаққоний эканлигини ўз-ўзидан маълум деб ҳисоблаши билан боғлиқ... балки пресуппозицияни нутқий фаолиятда намоён бўладиган мураккаб мойилликлар, мослашувчанлик сифатида қараган маъқулдир» (Столнекер 1985: 427). Иккала таърифда ҳам ургу мулоқот вазияти, матнига берилмоқда. Мулоқот самарали бўлиши учун унинг иштирокчилари маълум даражада умумий когнитив захирага эга бўлишлари лозим, уларнинг пропозицияга оид билимларида умумийлик бўлмаса, англашилмовчилик юзага келиши муқаррар.

Прагматик пресуппозициянинг матнга хослиги, контекстга оидлигини эътироф этган ҳолда лисоний бирликларнинг кўп маънолилиги, уларнинг турли матн муҳитларида (нутқий вазиятларда) турлича мазмун ифодалаш имкониятига эга бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Худди шунингдек, нутқий тузилмалар ҳам турли мазмундаги умумий билим (ахборот) ни ифодалаш қудратидан маҳрум эмасдирлар. Шунинг учун ҳам айрим тилшуносларнинг нутқий бирлик сифатида қаралаётган гап имкониятидаги пресуппозициялар (potential presupposition) тўпламига эга ва контекстда намоён бўлаётгани эса фаоллашган пресуппозициядир (actual presupposition) деган фикрига (Gazdar 1980) қўшилмоқ керак. Бу ҳолда контекст мулоқот иштирокчилари учун маълум бўлган имкониятлар

тўпламидан фақатгина бирини танлаб олиш имконини беради ва бу пропозиция барча учун умумий, мазмуний қарама-қаршиликка йўл қўймайдиган (noncontroversial-Levinson 1983: 212) ахборотни ифодалаши лозим. Масалан, «Франция қироли Версалда яшамайди» гапи сўзловчи ва тингловчи учун умумий бўлган «Францияда қирол йўқ» прессупозиция билимини акс эттириши кутилади. Аммо бундай прессупозицияга эга бўлиш учун суҳбатдошлар иккаласи ҳам Франция сиёсий тизими билан таниш бўлмоқлари керак, акс ҳолда кулгули ҳолат юзага келиши ҳеч гап эмас. Сўз ўйини билан боглиқ ҳазил ва юморли матнлар кўпинча худди шу ҳолатларга асосланади.

Прагматик прессупозиция ҳодисаси лисоний мулоқотнинг рамзий, маросимий, анъанага айланадиган расмий томонлари билан боглиқдир. Масалан, «ҳазрат», «ҳазрати олийлари» ибораларининг қўлланиши бажарилаётган мулоқот фаолиятининг расмийлиги прессупозициясидан дарак беради. Бунда мулоқот адресати худди шу турдаги мурожаатни талаб қилувчи лавозим, даража соҳиби бўлмоғи даркор (Бинобарин, «ҳазрат» юқори диний лавозимдаги шахс бўлиши мумкин.). Мулоқот жараёнида бундай талаб ва қоидаларга риоя қилинишини ўрганиш натижасида *риторик прагматика* йўналиши шаклланди. Ушбу турдаги прагматик таълимотнинг асосий мақсади мулоқот тамойиллари ва категорияларини аниқлашдир.

Ушбу тамойиллар ва мулоқот самарасини таъминловчи категориялар ҳақида рисоланинг навбатдаги қисмида батафсилроқ фикр юритишга ҳаракат қиламан, ҳозир эса *матн имплицатураси* масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Имплицатурани матн прагматикасига оид ҳодиса сифатида қарашни биринчилардан бўлиб Х. Грайс таклиф қилди. У ҳам ўз устози Ж.Остиндек Ҳарвард университетиде ўтказиладиган «Уильям Жеймс ўқишлари»

дастурида 1967 йилда ўқиган маърузаларида ушбу тушунчани кўллади. Юқорида айтилганидек, мулоқот жараёнида лисоний бирликларнинг ишлатилиши маълум тамойиллар, қоидаларга асосланади, маълум шароитларда сўзловчи атайлаб ушбу тамойилларга амал қилмаслиги мумкин. Бундай мақсадли «қоида бузилиши» натижасида семантик хулоса ва пресуппозицияга мос келмайдиган мазмун, маъно ҳосил бўлади. Х.Грайс матнда ҳосил бўладиган кўчирма, яширин маънони импликатура ҳодисасига қарам деб ҳисоблайди (Grice 1975: 1981; Грайс 1985).

Эр ва хотин ўртасидаги куйидаги микродиалогни олайлик:

-Заргарлик дўконига кириб ўтайлик, кеча ёқут кўзли узук кўргандим.

-Пулим камроқ.

Мулоқот жараёнида англашиладиган импликатура мазмуни – «*Ҳозир дўконга бора олмайман*» ёки «*Дўконга бориши устагим йўқ*».

Ушбу мисолдаги коммуникатив импликатуранинг пресуппозиция ҳодисасига яқин туриши кўриниб турибди. Аммо бу ҳодисалар ўзаро фарқ қилади. Импликатура доимий бўлмаган, матнда тез ўзгариб турадиган, ҳатто йўқолиши мумкин бўлган маъно, мазмун элементиدير. Пресуппозиция эса, аксинча, матнда йўқолмайдиган, доимийлик хусусиятига эга бўлган мазмуний ҳодисади. Бу икки ҳодисанинг яна бир фарқи шундаки, пресуппозиция кўпинча лисоний шакл билан боғлиқдир, импликатура бутунлай маъно доирасига киради ва лисоний шаклнинг ўзгариши унга қарийб таъсир ўтказмайди.

Шундай қилиб, мулоқот матнида лисоний-коммуникатив мазмунни шакллантиришда пропозиция, референция, экспликатура, импликатура, пресуппозиция, инференция каби турли категориялар иштирок этадилар.

Албатта, ушбу категорияларнинг матн мазмуний тўқимасида тутган ўрни турлича, аммо уларнинг барчаси бир хилда мулоқотнинг самарали кечишини таъминлаш учун хизмат қиладилар. Мулоқот самарасини таъминловчи прагматик қоидалар турли-туманлигини эътиборга олиб, навбатдаги саҳифаларда уларнинг айримларини батафсилроқ ёритиш ниятидаман.

VII боб. Самарали мулоқотнинг тамойил ва қоидалари ёхуд социопрагматик таҳлил асослари

Мулоқотнинг самарали кечиши маълум қоидалар, муомала тамойилларига амал қилиш билан боғлиқ. Дунё халқлари мулоқот одоби, муомала масъулиятига оид минглаб мақол-маталлар яратганлар, бу борада беҳисоб нодир асарлар битилган. Жумладан, шарқ миллий маданияти дурдоналари бўлмиш «Қутадгу билиг», «Қобуснома», «Ҳиббатул ҳақойиқ» каби маданий ёдгорликлар, буюк мутафаккирлар Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр кабиларнинг асарлари бунга мисолдир. Кайковуснинг «Қобуснома»да келтирган куйидаги пандларини эслайлик: «Гар сўзни ва ҳунарни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни синдирмагил, тўғри таъриф қилгил ва уни бир рангда айтгил: хосга хос сўз, омийга омий сўз дегил, токи у ҳикматга мувофиқ бўлсун ва эшитгон кишига огир келмасин, йўқса сўзингни далил ва хужжат била ҳам эшитмагайлар. Ундин сўнг уларнинг ризосига қараб сўзлагил, то саломат бўлгайсан» (Кайковус 1994: 40). Энг асосийси, бу анъаналар ҳозиргача давом этмоқда ва нутқ масъулияти, мулоқот одоби, сўзлашиш маданияти каби масалалар доимий равишда ўзбек олимларининг диққат марказида бўлиб келмоқда (Бегматов 1980; Ўринбоев, Солиев 1984; Мўминов 1997; Искандарова 1993 ва бошқалар).

Прагмалингвистикада лисоний мулоқотнинг самарали кечишини тизимли равишда тадқиқ қилиш лозимлигини асослашга ҳаракат қилганлардан бири Ҳ.Грайсдир. У 1967 йилда Ҳарвардда ўқиган маърузаларида лисоний мулоқот оқилона ва умумқабул қилинган тамойилларга риоя қилингандагина самарали

кечиши мумкинлигини уқтирди. Ҳ.Грайс таълимотига биноан коммуникатив фаолият асосини ўзаро ҳамкорлик тамойили ташкил қилади. Бу умумий тамойил куйидагича таърифланади: «Мулоқот диалогининг ушбу босқичида сенинг коммуникатив улушинг мулоқот мақсади ва вазияти талабига жавоб бериши керак» (Grice 1975: 45). Ҳамкорлик (cooperation) ҳосил бўлиши учун мулоқот иштирокчилари тўрт асосий тамойилга (Ҳ.Грайс ибораси билан айтганда, maxim - максималарга) амал қилмоқлари даркор. Ушбу тамойилларнинг ўзаро фарқи ахборотнинг қай йўсинда узатилиши билан боғлиқ. Маълумки, ахборот алмашилиши жараёнида миқдор, сифат, муқобиллик ва муомала тарзи муҳим роль ўйнайди. Худди шунга биноан куйидаги максима-тамойиллар ажратилади (Грайс 1985):

1. Миқдор тамойили (маълум қилинаётган ахборотнинг миқдорини белгилаш ёки чегаралаш):

а) маълум қилинаётган ахборот талаб даражасида бўлмоғи даркор;

б) ортиқча маълумотни беришга ҳаракат қилма.

2. Сифат тамойили, яъни «берилаётган ахборот ҳақиқат бўлишига ҳаракат қил»:

а) ёлгон ахборотни узатишга ҳаракат қилма;

б) ўзинг тўлиқ маълумотга эга бўлмаган ҳодиса ҳақида гапирма.

3. Мавзуга оидлик тамойили – мавзудан узоқлашма, керак бўлган маълумотни беришга ҳаракат қил.

4. Мулоқот услуби (тарзи) тамойили, яъни «аниқ ва тушунарли сўзлашга ҳаракат қил»:

а) нотаниш, тушунилиши қийин бўлган ибораларни қўллашдан қоч;

б) дудмалликдан узоқ тур;

в) баёнинг қисқа бўлсин;

г) нутқинг мантиқий узвийлик, тартибда бўлиши лозим.

Санаб ўтилган тамойиллар нутқий хатти-харакатларнинг умумий йўналиш- моделларини белгилаб беради, уларнинг бевосита тадбиқи эса мулоқот шароитида ўзаро ҳамкорлик мақсади каби қатор контекст категориялари билан боғлиқдир. Кейинги йиллар давомида Х.Грайс таклиф қилган тамойиллар қатори тадқиқотчилар томонидан қайта таҳлил қилиниб, айрим ўзгартиришлар киритилиб, кенгайтирилиб борилмоқда. Бундай «янгилаш» илмий таҳлил тараққиёти талабидир. Бинобарин, табиий нутқ, мулоқот жараёнида кўрсатилган тамойилларга доимий равишда ва бир хилда амал қилиш қийинлиги сезилиб туради. Маълумки, умумий тамойил талаби – ўзаро ҳамкорликка фақатгина мулоқотдошлар бир-бирларини тушунишга интилганларидагина эришиш мумкин. Агарда бундай мақсад бўлмаса, суҳбатдошлардан бири иккинчисини чалкаштиришга, умумий мавзудан узоқлаштиришга, сездирмасдан мавзуни ўзгартириб, аҳамиятсиз нарсалар ҳақида сўзлашга ҳаракат қилади. Ўз яширин мақсадини амалга оширади, яъни суҳбатдошни алдашга аҳд қилган суҳбатдош қасддан нотўғри ахборотни маълум қилади. Бундан ташқари, айрим мақсадлар учун мулоқот тамойилларига амал қилмасликнинг бошқа кўринишлари ҳам учраб туради. Масалан, суд-тергов жараёнларида гувоҳлар, жабрланувчилар, тингловчиларга аллақачон маълум бўлган ахборотни қайта-қайта такрорлашга мажбур. Миқдор тамойилининг бу хилдаги бажарилмаслиги йўли билан юзага келадиган мулоқот матнлари бошқа турдаги матнлардан тамоман фарқ қиладилар.

Худди шунингдек, миқдор ва сифат тамойилларига амал қилмаслик ҳолатлари ҳам тез-тез учраб туради. Сўзловчи айрим саволларига *«Изоҳга ҳожат йўқ»*, *«Тилимда қулф»* йўсинидаги жавоб олиши мумкин. Шу турдаги иборалар ифодаляйдиган маълумот, албатта,

етарли даражада эмас. Аммо тингловчининг ушбу контекстдан етарли ахборотга эга бўлиши, жавобни олдиндан билиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Демак, айрим тамойиллардан чекиниш мулоқот ҳамкорлигини тўлигича йўқотмайди, чунки бундай ҳолларда ахборотнинг маълум қисми тагмаъно (яширин мазмун) кўринишига эга бўлади. Мулоқот тамойилларидан чекиниш ва тагмаънони излаш бевосита матн имплицатурасини ўрганишга ундайди.

Дарҳақиқат, ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушунишга интилиш мулоқот самарасининг асосий талабидир. Ҳатто «девор орқасидан туриб» сўзлашув шароитида ҳам мулоқотдошлар «даврий (шу ҳолатга хос) мулоқот мақсадига, қизиқишга» (transitory conversational interests – Grice 1975:48) эга бўлишлари талаб қилинади. Шунинг билан биргаликда, кундалик ҳаётда ушбу талабга тўлигича мос келмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд, Масалан, сўкишиш, жанжаллашиш вазиятларида қайси турдаги мулоқот ҳамкорлиги тамойилига амал қилинади, деган саволга жавоб топиш қийин.

Ҳар ҳолда мулоқотнинг айрим максима – тамойилларидан чекиниш кузатиладиган ҳолатларда ҳам умумий принцип – ўзаро ҳамкорлик маълум даражада сақланмоғи даркор. Бу тамойилдан чекиниш фақатгина юзаки, шаклан бўлиб, ҳақиқатда эса, яширин бўлса ҳам, мавжуд бўлади. Чунки сўзловчи ҳамсуҳбатига аниқ мазмундаги ахборотни етказиш мақсадини кўзлайди. Буни, масалан, буддизм гояларини тарғиб қилувчи дзэн таълимотига оид пандлар тўплами «Би янь лу» (юнонча – «Хэкиган року») матнида учрайдиган «*Тўғри – бу тўғри. Афсусдаман*» (23-коан) каби мисра изоҳида кўришимиз мумкин. Дастлабки ўқишда сифат ва сон тамойилларидан чекиниш бордек (сўзлар такрори, мантикий богликлик талаби бузилган), аммо фикрни бу усулда ифодалаш дзэн таълимоти учун умумий ҳолат: устоз шогирди саволларига

жавоб беришда ўзини саволни эшитмагандек, шогирд истагини сезмагандек тутади. Шогирддан бундай «сўз ўйини»га иштирок этиб, мулоқот санъати мўъжизаси сирларини эгаллаши талаб қилинади (Юнгер 2005: 296-297).

Буюк Конфуций Ци вилояти князи Цзяннинг давлат бошқаруви сирлари ҳақидаги саволига қуйидаги жавобни беради: «Факатгина подшоҳ – подшоҳ, вазир-вазир, ота-ота, ўгил-ўгил бўлган жойдагина ҳукумат (бошқарув) мавжуддир». Нукул тавтолик жуфтликлардан иборат бўлган бундай нутқий тузилмада миқдор тамойили нутилангандек. Аслида, Конфуций ифода қилаётган фикрини мазмундор ифодалаш тарафдори. Тўғрида, мамлакатни тўғри идора қилиш учун подшоҳ подшоҳлик қилмоғи, вазир ўз вазифасини ижро этиш сифатига эга бўлмоғи, ота оиланинг ҳақиқий бошлиғи эканлигини исботлаши, ўгил эса ота-она ҳурматини бажо келтириши зарур. Бундай мазмун, тағмаънони имплицит, яъни ботиний ифодалаш Конфуций таълимоти маънавий-этик гоёлари тарғиботининг асосий услубларидандир (Сорокин 1985: 107-108).

Фикрни бу йўсинда ифода этиш услуги Шарқ фалсафасида, пандномаларида кенг қўлланиши барчага маълум. Алишер Навоийнинг мухлиси ва дўсти, футувват илмининг тарғиботчиларидан бўлган Ҳусайн Воиз Кошифийнинг шогирд тушишнинг шарт-шароитлари ҳақидаги фикрини олайлик: «Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига қурилади, деб жавоб бергин. Агар иродат нимадир деб сўрасалар, самоъ ва тоатдир деб айтгин. Агар самоъ (эшитиш) ва тоат нимадир деб сўрасалар, нимаики устоз айтса, уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишдир, деб айт. Агар шогирд учун нима яхши деб

сўрасалар, пок эътиқод деб айт, чунки фақат эътиқод кишини муродига етказади» (Кошифий 1997: 198).

Алишер Навоий авлиёларнинг энг комил раҳнамоларидан бири деб билган Фаридуддин Аттор «Мантиқ -ут тайр» («Куш тили мантиги») асарини тугатгач, ўз ўқувчисига хитоб қилади: «Эй ўқувчим, дардли дил билан бу девонга кир (китобни варақла), жондан кечиб бу айвонга қадам қўй. Жон кўринмай қолган ана шундай майдонда, балки майдон ҳам кўринмай қолган (вақтда), агар дард билан унга кирмасанг, унда бир гард-губор ҳам сенга юз кўрсатмайди. Кўнглинда агар дард кўзголиб, мақсад сари интилсанг, агар қадам ташламоқчи бўлсанг – мақсад сари қадам қўй. Ноумидлик – бахтсизлик озуқанг бўлмай туриб, хайрон қалбинг қайта тирилармидир? Сен дард ҳосил қил, чунки дармону давойинг шу дарддир. Икки оламда жоннинг дориси ҳам шу дарддир. Эй йўловчи, менинг китобимга шоирлик ва кибру хаво билан боқма. Дафтаримга ишқ дарди юзасидан қара, шунда юздан бир дардимга ишончинг ортар балки. Бу йўлга кирганларга дард юзасидан боққан кишигина бизни тушунади, ҳамдард бўлади, ишқ давлатига эришади» (Фаридуддин Аттор 2006: 219).

Атторни бу сатрлар битигида миқдорий сифат тамойилига амал қилмасликда айблаб бўлармикан?! Йўқ. Бу, биринчидан, жанр услуби, иккинчидан, муаллифлик интециясини (нутқий мулоқот мақсадини) амалга ошириш йўли. Тавтологик такрорлар, кўп маъноли сўзлар, киритма ибораларини кенг қўллаш воситасида муаллиф ўз мақсадини ўқувчига нафақат тушунарли қилиб етказиш, балки уни шу мақсадни қабул қилиш ва бевосита ижро этишга ундаш ниятидадир. Бу ниятни рўёбга чиқариш учун лисоннинг зоҳирий ва ботиний имкониятлари уйғунлашуви лозимдир.

Мулоқот тамойилларидан четга чиқмасдан туриб, стилистик троп ва фигураларни шакллантириш кийин вазифа. Бинобарин, сифат тамойилининг бузилиши сарказм, киноя каби нутқий баён амалларини шакллантиришга олиб келади (Шомаксудов ва бошқалар 1983: 241-243):

1) *Навоий: Қўрқма! (Узукни олиб томоша қилади.) Қимматбаҳо узук. Катталар хизмати эвазига мукофот қилиб берса арзийдиган узук. Ма!*

2) *Хусайн: Кошки, бошқа амирлар ҳам авомнинг тилини билса? Кошки ўзгаларни зийбат қилувчилар ўз нуқсонларини ҳам билсалар! (Мажидиддинга киноя)*

Хуллас, мулоқот самарасини таъминловчи қоидалар турлича, уларнинг сони Х. Грайс ажратган икки жуфт максима билан чегараланмайди. Шу ўринда Хусайн воиз Кошифий суҳбат, гапириш одоби ўн олти (мартабага етганлар учун – саккизта ва мартабага етмаганлар учун – саккизта) тамойилга амал қилишни талаб этишини қайд қилиб кетганлигини эслатмоқчиман: «Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги саккиз қоидали эсда сақлашлари керак: биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дагаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапираётганда, табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қиммат-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улугларнинг сўзи бамисоли уругдир, агар уруг пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг, униб чиқмайди» (Кошифий 1997: 227).

Мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби ҳам саккизта: «биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин.

Иккинчидан, гапираётганда овозини баланд кўтармасин. Учинчидан, гапираётганда ўнгу сўлга қарамасин. Тўртинчидан, гаразли ва кинояли гапларни гапирмасин. Бешинчидан, қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб, сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор этсин» (Ўша асар, 227-228 бетлар).

Гарб прагмалингвистлари ҳам Х. Грайс таснифидан охиригача қоникмадилар. Жеоффри Лич (Geoffry Leech 1988) самарали мулоқот қоидаларини шахслараро муносабат доирасида ва матн сатҳида алоҳида кўринишда намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Биринчи гуруҳга оид қоидалар ботиний нутқ жараёнида, яъни мулоқот бирлигининг мақсади (интенционал қисми) шаклланаётганда, когнитив фаолият босқичида амалда бўлади. Иккинчи гуруҳ қоидалари эса концептуал мазмуннинг лисоний воқеланиши жараёнида фаоллашиб, нутқий тузилмаларнинг ҳосил бўлишида ўзига хос тартибга солувчи механизм –регулятор вазифасини ўтайди. Натижада, мулоқот риторикаси икки турга ажралади:

1. Шахслараро муносабат риторикаси: ҳурмат, ҳамкорлик ва киноя тамойиллари асосида амалга ошади;

2. Матн риторикаси: ахборотни идрок этиш ва англаш тамойили, тежамкорлик тамойили, аниқлик ёки яққоллик тамойили, маънодорлик ёки ифодадорлик тамойили.

Маълумки, нутқ шаклланиши дастлаб когнитив фаолият босқичидан ўтади, яъни ботиний (ички) нутқ жараёнида бўлгуси нутқий тузилмаларнинг намунавий қолиплари шаклланади. Бундай намуналар турли кўринишда бўлади. Сўзловчининг вазифаси – ушбу намуналардан бирортасини танлаш. Танловни бошқариш

шахслараро муносабатлар доирасида фаоллашувчи қоидалар зиммасига тушади. Сўзловчи онгида мавжуд бўлган ва кўзланган коммуникатив мақсадга эришиш имконини берадиган нутқий тузилмалар мажмуаси ушбу шахснинг прагматик заҳираси ва имкониятидир. Ушбу мажмуанинг миқёси кенг ёки торлигига нисбатан танлов имконияти ҳам эркинлашади ёки чегараланади.

Баён ва ифода усули танлови эса матн риторикаси қоидалари билан боғлиқ. Сўзловчи мавжуд бўлган риторик заҳира имкониятларидан фойдаланган ҳолда тафаккурда юзага келган ва маълум иллокутив мазмунга эга бўлган концептни матнга кўчиради. Концептнинг нутқий вазият матнида вокеланиши аниқ бир ифода шаклини танлаш воситасида амалга оширилади.

Ж.Лич, С.Левинсон, П.Браун, Р.Лакофф, Г.Каспер ва бошқалар мулоқот бошқарувида *хурмат тамойили* унинг самарали кечишини таъминловчи асосий манба эканлигини таъкидлайдилар. Тилшунослик фанида хурмат категориясининг турли тилларда ифодаланиши, мазмун-маъно майдони ҳақида қатор тадқиқотлар бажарилган (Алпатов 1973; Зикриллаев 1990; Ҳожиева 2001 ва бошқалар). Прагмалингвистик талқинда эса хурмат тамойили ижтимоий муносабат тамойилидир. Ҳамкор – суҳбатдош шахсига эҳтиром мазмунидаги ушбу тамойил лисоний ва нолисоний мулоқотнинг барча турларига хосдир. Хурмат тамойилига амал қилган ҳолдагина ижтимоий муносабатлар самарадорлигига эришиш мумкин, чунки «ижтимоий мувозанат ва дўстона муносабатни сақлаш» (Leech 1983: 82) мулоқотда муваффақият омилидир.

Ж.Лич хурмат тамойилини қуйидагича таърифлайди: «Қўпол фикр ва ҳукм ифодасини имкони борича (мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда) камайтириш» (Leech 1983: 81). Ушбу тавсифнинг Кайковус «Қобуснома»сидаги

пандга қанчалик мос келишини қаранг: «Совуқ сўзлик бўлмагил. Совуқ сўз бир тухумдир, ундан душманлик ҳосил бўлур». Ҳурмат –эҳтиромнинг нутқий мулоқотда нечоғлик аҳамиятга моликлигини Алишер навоий сатрларида ҳам кўрамиз:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,

Ҳар нечаки азёр дурур ёр айлар.

Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,

Юмиоғи кўнгиллари гирифторм айлар.

Прагматингвист Ж.Лич, ўз тавсифини янада ойдинлаштириш мақсадида, ҳурмат тамойилининг воқеланиши олтига ҳеч қандай исботни талаб қилмайдиган қоидалар (постулатлар) фаоллашувидан иборат эканлигини уқтиради. Бу қоидалар қуйидагилар (Leech 1983: 104-142):

1. Хушмуомалалилик, назокат, одоб қоидаси (суҳбатдош уринишлари «сарфи»ни камайтир; унинг фойдасини кўпайтиришга ҳаракат қил);

2. Ҳиммат, олижаноблик қоидаси (ўз фойдангни камроқ кўзла, барча «сарф»ни ўз зимманга ол);

3. Маъқуллаш, таҳсин қоидаси (ўзгаларни ёмонлама, гийбат қилма, койима);

4. Камтарлик, камсуқумлик, оддийлик қоидаси (ўз-ўзингни мақташни кескин камайтир);

5. Ризолик, мурасасозлик қоидаси (тортишувлардан коч, мурасага урин);

6. Хуш кўриш, майл, ёқтириш қоидаси (хайрихоҳ, оқкўнгил бўл).

Дастлабки икки қоидани таърифлашда муаллиф кўллаган савдо соҳасига оид «сарф» ва «харажат» (benefits and costs) атамалари тахминан «кулайлик» ва «нокулайлик» тушунчаларига мос келади. Сўзловчи олижаноблик тамойилига амал қилаётиб, тингловчи учун кулайлик яратишга ва иложи борича нокулайлик ҳолатига йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Санаб ўтилган тамойилларга амал қилинса, ҳатто мажбуран юз берадиган ҳурматсизлик ҳолатларида фаоллашадиган нутқий тузилмалар ҳам мазмунан «юмшоқлашади». Албатта, бундай вазиятларда ҳурмат тамойили қоидаларига риоя қилиш учун маълум турдаги лисоний воситаларга мурожаат қиламиз. Бу воситаларнинг қўлланиш миқёси ва ўрни турлича. Тил тизимида мавжуд бўлган воситаларнинг танлови кўпинча мулоқотнинг нолисоний (экстралингвистик) хусусиятлари билан боглик бўлади.

Ж.Лич келтирган ҳурмат тамойили қоидаларининг асосий мазмунини қуйидагича тавсифлаш мумкин: агарда хушмуомала бўлишни истасанг ёки шундай кўриниш ниятинг бўлса, хатти-ҳаракатда ва нутқда одобли, ҳимматли ва камтарин бўл, суҳбатдошинга салбий муносабатда бўлма ва имкони борича унинг фикрини қўлла.

Ўқоридагилардан ташқари, муаллиф кейинчалик ҳурмат тамойили қоидалари қаторига яна икки қоидани киритади. Булардан бирини у *Поллиани тамойили* деб атайти ва унинг асосида «суҳбатдошинг билан иложи борича унга хуш келадиган мавзуда сўзлаш, нохуш, ёқимсиз мавзудан узоқ тур» панди туради. Албатта, суҳбатдош ҳар доим ҳам сўзловчига маъқул бўлавермайди ва агарда буни унга англатиш эҳтиёжи бўлса, уни хафа қилмасдан, шаклан бегараз иборалардан фойдаланган маъқул (киноя тамойили).

Ҳурмат тамойили максима – қоидаларини умумлаштириш, уларнинг тавсифини ихчамлаштириш ҳаракати ҳам йўқ эмас. масалан, Робин Лакофф ушбу тамойилни уч қоидадан иборат деб ҳисоблайди (Lakoff 1973):

1) суҳбатдошга фикрингни мажбуран уқтиришга ҳаракат қилма;

- 2) суҳбатдошингга танлаш имконини бер;
- 3) олижаноб бўлишга ҳаракат қил.

Ушбу қисқа тавсифдан кўринадики, муаллиф ҳурмат тамойилига фақатгина тингловчига нисбатан йўналтирилган нутқий хатти-ҳаракатни белгиловчи категория сифатида қарайди. Холбуки, ижтимоий муносабат фаоллашувининг намунаси бўлган нутқий ҳамкорлик иккала томоннинг ҳам ўзаро ҳурмат-эҳтиром қондаларига риоя этишини талаб қилади. Акс ҳолда, мулоқот жараёнида турли зиддиятлар юзага келиши ва ҳатто муносабатлар бузилиши натижасида мулоқотнинг умуман тўхтаб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Муаллифнинг ўзи айтганидек, «ҳурмат лисоний муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган зиддият ва англашилмовчиликларни имкони борича камайтириш йўли билан мулоқотнинг намунавий кечишини таъминлашга мўлжалланган тизимдир» (Lakoff 1990: 34). Ҳақиқатдан ҳам биз мулоқот жараёнида бир-биримизни қадрлашга, истакларимизни қондиришга ҳаракат қиламиз. Аммо истак ҳар доим ҳам ҳақиқатга айланавермайди, чунки ҳар қандай муносабат, ҳамкорлик жараёнида томонлар ютуғи бир хилда бўлиши қийин масаладир. Биров ютиши учун иккинчи томон оз миқдорда бўлса ҳам ютқазмоғи даркор. Суҳбатдошларнинг бири унчалик истамаётган маълумотни, хабарни эшитишга тўғри келади; бири иккинчисининг илтимосини (талабини) рад этишга мажбур бўлади ва ҳоказо. Бундай шароитларда юзага келиши мумкин бўлган хафачилик, зиддиятларни бартараф этиш учун ҳурмат тамойилини воқеланти-рувчи воситаларга мурожаат қилиш эҳтиёжи тугилади.

Ҳурмат тамойилининг кенг миқёсда ўрганилиши натижасида *социопрагматика* мустақил тадқиқ соҳаси сифатида шаклланди. Социопрагматикада ҳурмат категорияси тамоман ўзгача талқинга эга. Маълумки,

одатий талқинда «хурмат» тушунчаси этикет, одоб нормалари билан боғланади ва бир шахснинг иккинчисига нисбатан эътиборли бўлиши англашилади. Социопрагматикада эса бу ҳодиса лисоний мулоқот жараёнида фаоллашувчи коммуникатив режа-стратегиялар тўплами сифатида қаралади. Бу йўсиндаги таҳлилда эътибор у ёки бу вазиятга мос тушадиган коммуникатив ҳаракатлар танловига қаратилади. Танлов эса, лисоний воситаларнинг этикет нормаларидан ташқари, нормага зид томонларини ҳам қамраб олади.

Социопрагматиканинг шаклланиши Ж.Лич, Г.Каспер, П.Браун, С.Левинсон, Ж.Юл кабилар номи билан боғлиқ. Пенелор Браун ва Стефен Левинсон 1987 йилда нашр этишган хурмат тамойилига бағишланган махсус рисолада «Социолингвистика прагматикага тадбиқ этилиши лозим» деган шиорни олга суришди (Brown, Levinson 1987: 281). Лисоннинг тизимий равишда контекст билан боғлиқлигини ўрганиш прагматиканинг вазифасидир. Турли ижтимоий мақомга эга бўлган шахсларнинг турли вазиятларда маълум прагматик манбалардан фойдаланиши социолингвистик таҳлил учун ҳам муҳимдир.

Ушбу муаллифлар хурмат тамойилини зиддиятли вазиятларни бартараф этишга йўналтирилган нутқий хатти-ҳаракат, фаолият стратегияси сифатида таърифлашади. Бундай стратегиянинг фаоллашувидан мақсад шахс кадриятини, хурматини сақлашдир. Ҳар бир инсон ижтимоий шахсдир, унинг жамоадаги ўрнига нисбатан шахсияти, ижтимоий образи белгиланади. Мулоқот актларида адресатнинг ижтимоий образини (face) эътиборга олиш лозим, акс ҳолда, «шахс образига таҳдид» (face threatening act) юзага келади. Яхшиси, ушбу образни сақлашга, қадрлашга (face saving act) ҳаракат қилган маъқул (Yule 1996: 61). Масалан, кўшни эр-хотинларнинг жанжали жонга текканда, «*Эй, овозларингни ўчиринглар,*

сизларнинг дастингиздан уйқу борми, йўқми?» десангиз, уларнинг шахсиятига тегишингиз аниқ. Бундай ҳолда *«Кўинилар, илтимос, кўп жанжаллашаверманлар, бир оз ҳордиқ чиқаришга имкон бермаяпсизлар!»* дейиш маъқулроқмикан? Чунки ҳар бир инсон ўз шахсиятини ҳурмат қилади ва шу кадрни бошқалардан ҳам кутади.

Биз ўзгаларнинг ҳурматиини сақламоқчи бўлсак, уларнинг ижтимоий кадрини, имиджини сақлашга ҳаракат қилишимиз керак. Прагмалингвистлар «салбий» ва «ижобий» образларни (negative face and positive face) фарқлайдилар. «Салбий образ» инсоннинг мустақил бўлишга, эркин ҳаракат қилишга, ҳеч қандай мажбурийликка бўйин эгмасликка интилишидир. Айтиш жоизки, инглиз тилидаги negative сўзи бу атамада ҳеч қандай «ёмон» маъносини англамайди, у ушбу кўлланишда positive face атамаси таркибда positive «ижобий» тушунчасига қарама-қарши кўйилмоқда. Positive face «ижобий образ», ўз навбатида, бошқаларга маъқул бўлишга, ёқишга, уларнинг ҳурматига эришишга бўлган истакдир (Yule 1996: 62). Бошқача айтсак, «негатив образ» алоҳидаликка, мустақилликка интилиш, «ижобий образ» эса жамоада бўлиш эҳтиёжидир.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар ўзаро муносабатлар тенглигини таъминлаш учун коммуникатив мақсадга мос келадиган ҳаракатлар режасини тузадилар ва ушбу режани амалга ошириш имконини берадиган лисоний воситаларни танлайдилар. Коммуникатив мақсад ифодаси икки йўсинда кечиши маълум. Буларнинг бири интенциянинг яширин ифодаси бўлса, иккинчиси фикрни очик изҳор қилишдир. Яқинда ўқитувчиларимиздан бири қизиқ бир воқеани ҳикоя қилиб берди: Самарқандда ўтказилган анжуманда иштирок этиш учун келган пойтахтлик йирик бир профессор шаҳар марказий универмагини айланиш истагини билдиради-ю, яқинда

номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, лекин ҳозирча ОАКдан тасдиқ олмаган ҳалиги ўқитувчимиз унга ҳамроҳлик қилади. Универмагда пойтахтлик меҳмон чарм курткани ёқтиради ва уни кийиб, «Эҳ, аттанг, етарлича пул олиб келмабман-ку», деб ҳамроҳига мурожаат қилади. Тағмаънони англаган суҳбатдош тўғриси айтиб қўя қолибди: «Домла, кечирасиз, менинг ҳам пулим йўқ».

П.Браун ва С.Левинсонлар, коммуникатив мақсадни ифодалаш йўлларининг фарқига нисбатан «салбий ва ижобий ҳурмат»ни (negative and positive politeness) фарқлашни таклиф этадилар. Уларнинг биринчисида ўзгаларнинг вақтини олаётганлиги, эътиборни жалб қилаётганлиги учун, уларга етказилаётган «зарар»нинг ўрнини тўлдириш эҳтиёжи бажарилади. Бинобарин, *«Кечирасиз, банд эканлигингизни биламан, лекин менга мақолани ёзингиз ёрдам бера олмайсизми?»* Лекин худди шу илтимос интенцияси дўстона вазиятда, ижобий ҳурмат шароитида бошқа кўриниш олади: *«Менга ушбу мақолани тугатишга ёрдамлашиб юбор!»*

Икки турдаги ҳурмат стратегияларини фаоллаштирувчи лисоний воситалар тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқ қиладилар. Масалан, салбий ҳурмат стратегиясини (negative politeness strategy) фаоллаштирувчи нутқий тузилмалар структура жиҳатидан мукамалроқ кўринишга эга бўлиб, улар кўпинча билвосита нутқий актларни ифодаловчи тузилмалар (сўрок гап, шарт майли ва ҳоказо) воситасида ҳосил бўлади. Билвосита ифодаланаётган, мазмунан унчалик аниқ бўлмаган, одатда шаклий жиҳатдан узун нутқий тузилмаларнинг қўлланиши сўзловчи ҳурмат ва қадриятни сақлашга уринаётганидан дарак беради.

Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар ҳурмат тамойили прагматик таҳлилини назарий жиҳатдан асослаб беришдан ташқари, ушбу тамойилни фаоллаштирувчи

воситалар, уларни қўллаш механизмларини тизимлаштирган ҳолда тавсифлашга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Энг асосийси, бу мавзудаги изланишлар узлуксиз давом этмоқда, илмий нашрлар сони тобора ўсиб бормоқда (охирги библиографик кўрсаткичлардан бири: Dufon, et al 1994).

Сўзсиз, ҳурмат тамойили қоидаларининг мулоқот жараёнида фаоллашуви бошқа қатор социопрагматик ҳодисалар куршовида кечади. Турли тамойил ва қоидаларнинг «учрашуви» одатда, мулоқот самарасига ижобий таъсир ўтказиши, аммо бундай «учрашув»лар баъзан зиддиятли кечиши ҳам мумкин. Бинобарин, олижаноблик ва камтарлик қоидалари доимо ҳам ўзаро ҳамроҳ бўла олмайди, зеро, ўта олижаноблик мақтанчоқликка олиб келади. Мақтанчоқлик ва камтарлик бир-бирини инкор этувчи хусусиятлардир.

Худди шунингдек, ҳамкорлик тамойилига оид бўлган сифат қоидаси ҳурмат тамойилининг маъқуллаш, таҳсин қоидасига мос келмаслиги ҳолатлари учрайди. Бирор киши ёки нарсани мақтаётиб, ҳақиқатдан узоқлашишимиз, яъни ушбу шахсга (нарсасига) унга хос бўлмаган сифатларни «тақаб» қўйишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Боз устига, ўта камтарлик, ҳар қандай изоҳга ризолик ҳам сифат тамойилидан четлашишга, ҳақиқатдан узоқлашишга олиб келади.

Хуллас, социопрагматик тамойил ва қоидаларнинг матнда фаоллашуви мулоқот мақсадига эришиш учун хизмат қилади. Ушбу тамойил ва қоидаларга амал қилишда ижтимоий муҳит ва нутқ вазияти ҳолатидан, уларни белгиловчи хусусиятдан келиб чиқмоқ даркор. Мулоқот вазияти эса бевосита маълум ижтимоий гуруҳ, маданият учун хос бўлган норма нуқтаи назаридан баҳоланади. *Норма* маълум социумда қабул қилинган ижтимоий хатти-ҳаракатлар намуналарини белгилаб беради, у умумий

қабул қилинган қоидалар асосида лисоний воситалар танловини бошқаради. Норма ҳурмат тамойили амалиёти учун таянч нуктадир ва коммуникатив мақсад ифодаси шаклни белгилаб беради. Энг қизиги, тил бирликлари қўлланишини белгиловчи нормаларнинг ўзлари ҳам умумий аксиологик кўрсатмаларга амал қиладилар. Баҳоловчи кўрсатмалар эса кўпинча у ёки бу маданиятга хос бўлишади. Масалан, Америка маданиятида бирор киши тўсатдан йиқилиб тушса, унинг аҳволини сўраш учун *Are you all right?* саволини бериш мумкин. Аммо ушбу иборани ўзбек тилига «Ҳаммаси жойидами?» қабилида таржима қилсак, йиқилган одамнинг устидан кулган, уни ҳақоратлаган бўламиз. Бизнинг маданиятимиз нормасига биноан «*Ҳеч нарса бўлмадимми? Оғримаяптими? Ёрдам берайми?*» қабилидаги саволлар бериш ўринлидир.

Норма – ижтимоий ходиса, у ҳудудларда фаркланади ва тарихан ўзгариб туради. Маълумки, XIX асрда Америка ва Британия хонимлари физиологик атамалар қўлланишида жуда эҳтиёткор бўлишган, улар *breast* «кўкрак», *leg* «сон», «оёқ», *thigh* «тос» каби сўзларни қўллашдан тортинганлар. Ўша даврда Америка ёзувчилари Ҳенри Жеймс ва Эдит Вартонлар *making love* иборасини *courting* «хушомад қилмоқ (хонимларга)», *wooing* «қизиқтирмоқ, йўлдан урмоқ» маъносида қўллашгани кўпол туюлган эди. Ҳозирги кунда эса *making love* жинсий алоқани романтик руҳда ифодаловчи иборага айланган. Шунингдек, япон тилида «ши» талаффузидаги икки лексема мавжуд, уларнинг бири «ўлим» маъносини англатса, иккинчиси эса «4» сонини билдиради. Бундай ўхшашлик кўплиги лисоний ноқулайликларга сабаб бўлади: бечора японлар сонлар ёки бирор маҳсулот баҳоси ҳақида гап кетганда, «ши» сўзи ўрнига тамоман бошқа манбага эга бўлган «ён» калимасини ишлатадилар.

Энг кизиги, лисоний воситалар танлови ва мулоқот тамойилларининг фаоллашуви сўзловчининг сиёсий қарашлари, қайси партия ва оқимга мансублиги билан ҳам боглиқ экан. Бундай ҳолатларда лисоннинг сиёсий ўйинлар, жанглар куролига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Адольф Ҳитлер ҳукмронлиги даврида воқеликдаги барча предметлар, ходисалар фашизм гоёларига нисбатан тавсифланганлиги маълум. Бу гоёга мослари эътироф этилиб, уларга «орий» сифати берилган, номаъқулларини эса «ноорий»лар қаторига қўшишган. Шу йўсиндаги лисоний воситалар ва нутқий мулоқот стратегияси танлови сиёсий либосдаги норма таъсиридан бошқа нарса эмас. Бунинг исботини биз С.Ҳайакаванинг «Нацистлар партияси янгилик агентлиги» газетасининг 1937 йил 3 апрель сонидан келтирган матн парчаси мисолида кўришимиз мумкин (Науакawa 1976: 132): «Биз ҳар бир товук бир йилда 130140 тагача тухум беришини талаб қиламиз. Аммо бундай ўсиш натижасига ҳозирги пайтда Германия фермаларида боқилаётган баттол товуклар (non – Агуап- ноорий) билан эришиб бўлмайди. Бу номаъқулларни киринг ва алмаштиринг» (Таржима меники –Ш.С.).

Кулгули эмасми?! Нима ҳам қилардик, лисон барчага бир хилда инъом этилган, аммо ундан фойдаланувчи шахслар турли-туман.

Шу сабабли ҳам лисоний фаолиятни кенг миқёсда, турли омилларга боглиқ ҳолда ўрганган маъқулдир. Афсуски, ҳозиргача айрим тадқиқотларда (айниқса, номзодлик диссертацияларида) лисон фаолиятининг у ёки бу томонларини ўрганишдан қочиш, «бу соҳа лингвистик таҳлил объекти бўла олмайди» деган баҳоналарни қидириш ҳоллари учраб туради. Лисон жамиятда мавжуд бўлади ва маълум ижтимоий муҳитда алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳи томонидан қўлланилади. Демак, лисоний фаолиятнинг барча турлари ва бу фаолиятни таъминловчи

ҳар қандай омил лингвистик таҳлил объекти бўлиши мумкин. Бундан, ушбу фаолият ижрочилари бўлмиш коммуникантлар – мулоқот шахслари ҳам истисно эмас.

Нутқий мулоқотда инсон фактори муҳим роль ўйнайди ва бу фактор мулоқот фаолиятини режалаштириш, уни воқелантириш, унинг стратегиясини амалга ошириш каби амалларини бошқарувчи кўрсаткичлардан биридир. Структур тилшуносликда ҳам «инсон фактори» тушунчаси амалда бўлганлигини биламиз, аммо структуралистлар ушбу тушунчани «бир хил нутқий шароитдаги идеал сўзловчи»га нисбатан талқин қиладилар ва уни «лисоний қобилият» тушунчаси таърифи билан боғлайдилар. Прагмалингвистик талқинда эса «инсон фактори» тушунчаси батамом ўзга кўриниш олади. Мулоқотнинг шарт-шароити турлича бўлганлиги каби унда «сўзловчи ва тингловчининг идроки, мақсад, асос, алоқа воситалари, хулқ-атворнинг махсус белгиланган шакллари, ифода мавзуси, сўзлашувчиларнинг ўзаро муносабатларига хос хусусиятлар» (Искандарова 1993: 9) бир хилда бўлмайди. Боз устига, бу турдаги ижтимоий белгилар барқарор (доимий) ва ўзгарувчан гуруҳларга ажралади. Айнан шу хусусиятларга нисбатан прагмалингвистик таҳлил учун «идеал тил соҳиби - сўзловчи» тушунчасига таянишдан кўра, сўзловчининг шахсий-ижтимоий тавсифи муҳимдир.

Нутқий мулоқот жараёнида фаоллашувчи инсон фактори билан боғлиқ доимий ва ўзгарувчан хусусиятлар қаторига профессор В.В.Богданов қуйидагиларни киритади (Богданов 1990: 28-29): 1) лисоний қобилият; 2) маълум миллатга мансублик; 3) ижтимоий –маданий статуси (маълум ижтимоий гуруҳга оидлик, касби, лавозими, маълумоти, яшаш жойи, оилавий аҳволи); 4) биологик-физиологик кўрсаткичлари (жинси, ёши, соғлиги, жисмоний нуқсонлар мавжудлиги ёки йўқлиги); 5) руҳий-психологик тури (темперамент, патологик кўрсаткичлари);

6) вазиятга нисбатан ўзгарувчан руҳий ҳолати (кайфият, муваққат билим, мақсади ва қизиқиши); 7) доимий диди, қизиқиш ва одатлари; 8) ташқи кўриниши (кийиниши, ўзини тутиши, хулқ-атвори).

Ушбу қаторга киритилган белгиларнинг ўз мазмуни ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир хилда эмаслиги кўриниб турибди. Уларнинг нутқий мулоқот мундарижасига таъсир кучи ҳам ҳар хил. Жумладан, лисоний қобилият белгисини олсак, у мазмундор нутқий фаолиятнинг асосий омилидир. Тилни билмаган шахс ушбу фаолиятни ижро эта олмаслиги аниқ, аммо турли шахсларнинг тил билиш даражаси ҳар хил. Мулоқотнинг текис кўчиши ва суҳбатдошлар ҳамкорлиги юзага келиши учун уларнинг тил билиш даражаси нисбатан бир хилда бўлгани маъқул. Бундан ташқари, мулоқотнинг самараси учун лисоний кодлар тизимини юқори даражада билиш етарли эмаслигини унутмайлик. Бу самарага фақат юқорида эслатилган социопрагматик тамойиллар ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолдагина эришиш мумкин. Шу сабабли «лисоний қобилият» тушунчасини кенг маънода талқин қилиш, уни «лисоний код ва мулоқот тамойиллари, қоидаларидан ижтимоий фаолиятда фойдалана олиш кўникмаси, малакаси» сифатида таърифласак, маъқул бўлар? Менимча, «лисоний қобилият» ва кейинги йилларда қўлланилаётган «прагмалингвистик қобилият» тушунчаларини алоҳида тавсифлаш ҳамда уларнинг асосида ўзаро фарқланадиган ходисалар туради, деган фикрнинг тугилиши нотўғридир. Лисоний қобилият – лисоний мулоқотни таъминловчи ходисадир, бас, шундай экан, ушбу тушунча тил тизими ва мулоқот тизими қонунуниятларини билиш, улардан амалиётда фойдаланиш имкониятларини қамраб олади.

Проф. В.В.Богданов санаб ўтган белгиларнинг кўпчилиги коммуникантларнинг шахсий сифати бўлиб,

улар биофизиологик ва руҳий характерга эгадирлар. Масалан, сергап, тезда мулоқотга киришиб кетадиган кишилар камгаплардан фарқ қиладилар. Одатда, холерик ва сангвиниклар маҳмадона, мулоқотга интилувчан бўлишади, меланхолик ва флегматиклар эса камсуханликлари билан ажралиб туришади, улар нотаниш кишилар билан мулоқотга киришишга қийналадилар.

Коммуникантларнинг сифатлари мулоқот тизимида қанчалик муҳим ўринни эгалламасин, ҳар ҳолда бу тизимнинг марказида коммуникантларнинг *ижтимоий роли* туради. Мулоқот иштирокчиларининг айнан шу характеристикаси нутқий фаолиятнинг «қай даражада жорийланишига объектив ва субъектив равишда ўз таъсирини кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади» (Мўминов, Расулов 2007: 71). Инсонларни маълум гуруҳларга бўлиш, ижтимоий табақалаштириш муаммоси билан социологлар муқаддам шугулланиб келишмоқдалар. Россияда тугилиб ўсган ва шўролар даврида Америкага қувгин қилинган жамиятшунос П.Сорокин «ижтимоий табақалаштириш» тушунчасини инсонларнинг алоҳида гуруҳларини қуйи ва юқори табақали синфларга ажратиш мазмунида талқин қилади: «Ушбунинг (табақалаштиришнинг – Ш.С.) моҳияти, деб ёзади П.Сорокин, - ҳуқуқ ва имтиёзлар, жавобгарлик ва вазифалар, ҳукм ва нуфузнинг у ёки бу жамоада нотекис тақсимланишидир» (Сорокин 1992: 302).

Ижтимоий табақалаштириш муаммоси билан батафсил шугулланган Г.Мейн, М.Вебер, Т.Парсонс, Т.Шибутани, Р.Тернер каби олимларнинг ушбу ҳодисани назарий жиҳатдан ўрганиш борасидаги хизматлари алоҳида. Худди шу олимлар *ижтимоий статус* (мақом) ва *ижтимоий роль* тушунчаларини фарқлашни таклиф қилишади. Санкт-Петербург университетининг профессори В.Ф. Сержантов (1990:187) ижтимоий статус «ҳар бир

алоҳида шахснинг жамият умумий структурасида эгаллаган ўрни» билан белгиланади деб ҳисоблайди. Шахснинг ижтимоий статусига нисбатан унинг жамиятда ва жамоада тутган ўрни белгиланади. *Ижтимоий ўринни* фарқловчи кўрсаткичлар эса шахснинг касб-ҳунари, даромад манбаи, бойлиги, маълумоти кабилардир. Ана шу кўрсаткичларнинг нотекислиги жамоа тузилишидаги босқичлилики таъминловчи шахслар (ёки гуруҳлар) ўртасидаги ижтимоий масофани шакллантиради. *Ижтимоий масофанинг* у ёки бу сарҳадидаги шахсларнинг табақаланиши жамиятдаги имтиёзлар тақсмотининг нотекислигидир (ҳукмдор-хизматкор, бошлиқ-хизматчи, зиёли – саводсиз ва ҳоказо).

Юқорида айтилганидек, ижтимоий статус шахснинг жамиятда тутган ижтимоий ўрни билан белгиланса, ижтимоий ролнинг мундарижаси эса унга ушбу жамиятда ажратилган талаблар мажмуасидан иборатдир. Поляк социологи Ян Шемпанскийнинг таърифича (1969: 71), роль «нисбатан доимий ва ўзаро боглиқ ҳаракатлар тизимидир ва бу ҳаракатлар гуруҳ аъзолари учун хос бўлган у ёки бу тарздаги намуналар асосида бажарилган бошқалар ҳаракатларига жавобдир».

Ижтимоий статус ва ижтимоий роль тушунчалари ўзаро бир-бирини тўлдиришлари ҳақида ёзган эдим (Сафаров 1991: 131). Социолингвист Л.П.Крысин қиёси билан айтганда, статус «у ким?» саволига жавоб берса, шахснинг ролини аниқлаш учун «у нима қилапти ёки қандай фаолият билан банд?» саволига жавоб излаш керак (Крысин 1989: 134). Энг асосийси, шахснинг ижтимоий мавқеига оид ушбу тушунчалар тил тизимида бевосита ўз аксини топади. Лисоний birlikларнинг маъносида ижтимоий бўлақларнинг мавжудлиги масаласи семасиологларни анчадан буён қизиқтириб келаётган бўлса, социолингвистика ва прагмалингвистикада асосий

эътибор ижтимоий мавқега оид ходисаларнинг мулоқот тизимидаги ўрнига қаратилмоқда. Кейинги йилларда изчил тараққий этаётган гендер тилшунослигининг асосий тадқиқ объекти айнан ижтимоий белги бўлмиш жинс ходисасининг лисоний фаолиятда акс этиши муаммосидир.

Воқелик тил тизимининг барча сатҳларида, лисоний фаолиятнинг турли босқичларида турлича акс этади. Воқеликнинг лисоний акси, нафақат, инсоннинг лисонда ифода топадиган тажрибасидан иборат, балки унинг шахсининг мулоқот жараёнидаги ифодаси ҳамдир. Ҳар бир шахснинг мулоқот жараёнидаги иштироки унинг ижтимоий мавқеига, бажараётган вазифаси, эгаллаган ўрнига нисбатан кечади. Демак, коммуникантларнинг ижтимоий мавқеи ва шахсий психофизиологик хусусиятлари билан боғлиқ белги-ларнинг мулоқот жараёнидаги ифодасини ўрганиш лисон ва воқелик муносабати муаммоси илмий таҳлил учун муҳимдир. Ушбу мавзу у ёки бу даражада Ю.Н.Караулов (1987), И.П.Сусов (1989), Е.В.Сидоров (1989), Г.Г.Почепцов (1986), Ш.Искандарова (1993), С.Мўминов (1997), У.Лабов (Labov 1974), Д.Ҳаймс (Hymes 1964), В. Ниполд (Niepold 1970) кабиларнинг тадқиқотларида ёритилган. Айниқса, Волгоград педагогика университетининг профессори В.И.Карасикнинг бу мавзу тадқиқига қўшган ҳиссаси алоҳидадир (Карасик 1989; 1992).

Шахс ижтимоий мавқеини фарқлаш унинг коммуникатив фаолиятини ўрганиш учун муҳимдир. Ижтимоий статус ва роллардаги фарқлар албатта мулоқот бирликларининг социопрагматик хусусиятларида «из» колдиради. Дунёдаги барча тилларда бевосита мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мақомига ишора қиладиган нутқий мулоқот шакллари мавжудлигини биламиз. Бу шаклларда юқори даражада ифодаланган ижтимоий-дейктик ахборот мавжуд ва улар қатъий тартибли

тизимларда (парламаент, суд, армия, дипломатия, кабилар) фаоллашадилар. Масалан, дипломатия мулоқоти асосан халқаро муносабатлар нормалари кўрсатмалари доирасидаги роллар ижросидан иборат. Шунинг учун ҳам дипломатлар, ягона бир «ижтимоий майдон» вакиллари сифатида қатъий регламентдаги ижтимоий статусли муносабат талабларига жавоб берадиган нутқий ҳаракатларни бажарадилар (Сафаров 2000: 13). Сиёсий мулоқот доирасида эса қатъий норма талаблари билан бир қаторда, нутқий шакллар танловида бир оз бўлса-да, эркинлик сезилади. Чунки сиёсий арбоб адресант – тингловчиларга тезкор таъсир ўтказиш учун, мулоқот стратегиясини саклаган ҳолда, унинг ижросини таъминловчи турли воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади, лисоний фаолият амаллари шаклларини ўзгартириб туради (Шенгал 2000; Омен 2000; Loseph 2006).

Лисоний фаолият жараёнида мулоқот шакли ва тил бирликларининг танловида суҳбатдошнинг ижтимоий табақаси инобатга олинади. Аммо бундай табақалаштириш кўп ҳолларда нутқ вазияти билан боғлиқдир. Иштирокчиларнинг ижтимоий табақаланишига нисбатан симметрик ва носимметрик вазиятлар фарқланади (Крысин 1989: 137). Айрим олимлар бу ҳолларда «горизонтал ва вертикал вазиятлар» тушунчаларини қўллашни маъқул кўришади ва бунда ҳукмдорлик, нуфуз инобатга олинса, табақалаштириш вертикал тус олади, ижтимоий мавқе масофаси назарга тутилганда, горизонтал табақалаштириш юзага келади (қаранг: Грайс 1985; Карасик 1992; Третьякова 1995; Winter and gardenfors 1995). Менимча, ушбу вазиятларнинг бу турдаги фарқланиши уларнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Зеро, мулоқот муҳити ўз-ўзидан, мавҳум ҳолда симметрик ёки носимметрик кўриниш ололмайди.

Мулоқот иштирокчиларининг муносабати, улар бажараётган ижтимоий рол асимметрик (нотекис) бўлса, одатда, коммуникация тамойили қоидаларига қатъий амал қилиш талаб қилинади. Тобе ўриндаги коммуникант нутқий ҳаракат танлови қоидаларига сўзсиз амал қилиши лозим. Масалан, тобе шахс ўз хўжайини ёки бошлигига илтимос, шикоятини аниқ етказиши лозим. Акс ҳолда, *«Нега бунча гулдирайсан, аниқроқ гапирсанг-чи!»* кабилидаги танбеҳни олиши ҳеч гап эмас. Худди шунингдек, бошлиққа сўз қайтариш, унинг гапини бўлиш нималарга олиб келиши ҳам маълум. Умуман, бировга бўйсунуши керак бўлган шахснинг сергап бўлиши мулоқотда ҳурмат тамойилидан чекинишдан бошқа нарса эмас. Бекорга «таъби гапирган яхши, индамаган – ундан яхши» ёки «Гап билан шошма, иш билан шош» ҳикматлари пайдо бўлмаган (Шомақсудов, Шорахмедов 1990: 81-82). Кўп сўзлаш, ахборотни батафсил баён қилиш юқори табақадагилар ҳуқуқи, тобе шахс эса «қулоқ осгани» маъқулроқ. Шунинг учун ҳам сукутни алоҳида нутқий акт сифатида ажратиш ва унинг воситасида бир қатор коммуникатив мақсад-мазмунни ифодалаш мумкин (Крестинский 1990). Сукут сақлаш мулоқотда ўзига хос лисоний белги вазифасини ўтайди ва турли нутқий ҳаракатларни ифодалаш воситаси бўла олади. Мулоқотда сукут сақлаш билан бир қаторда, мақсадли ҳаракат намунаси ҳамдир. Бунинг изоҳи сифатида «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамонларининг ўзаро суҳбатидан мисол келтириш мумкин:

*...Раъно отасининг тўйга кетгани ва сўзини айтди.
Анвар кулимсиради.*

-Уч қават ҳовлида иккимиз ёлғиз қолсак қандай бахт бу?.. Бўлмаса мен дарбозани занжирлаб келай.

-Ҳа... занжирлаб келинг...

-Нега аччиеланасан, яхши қиз, мен ичкари кирсам, меҳмонхонанинг ёлғиз қолишини ўйламайсанми?

Раъно истигноланди.

-Мен сизни ичкари таклиф қилгани чиқмадим, нима ош қилишни сўрагали чиқдим.

-Мақсадинга тушуниб турибман, аммо сен ёлғиз зерикмагил деяпман.

-Мен.... зерикмайман..... қандай ош қилай?

-Қайси хилини буюрсам экан? – деб ўз-ўзига савол берди Анвар. – Убрага уқувинг йўқ, паловни ланж қиласан, сомсани ёполмайсан, туптани кесолмайсан, сенга қайла буюргандан, атала қил деган яхши, чунки эзилтириб юборасан, манти тўғрисида ўйлаш ҳам ортиқча... Яна шу ҳолда қандай ош қилай, деб дўқ урганнинг қизиқ.

-Мен уқувсиз бўлсам, ўзингиз ош қилинг.

-Мен ҳам ош қилишни яхши билмайман, шунинг билан бирга дўқ ҳам урмайман,- деди Анвар. – Лекин икки ёрти бир бутун бўлсақ, эҳтимол яхши ош қилармиз... Сен бориб ўчоқ ҳаракатини кўрабер, сабзи-пиёз тўғрашини менга қўй, хўбми, яхши қиз?

Раъно жавоб бермади, ўпка намоёниши остида ичкари жўнади. Анвар кулги ораси ташиқарига чиқди... (Меҳробдан чаён. 1992. 445-б)

Анвар ва Раъно ўртасидаги муносабат асимметрик хусусиятга эга бўлса-да, мулоқот ҳаракатларида бу тенглик ўз аксини тўлиқ топмайди. Ўзбек нутқ одоби коидалари ўзига хос (Искандарова 1993; Мўминов 1997): қизлар нутқи ифбат, ибо этикаси доирасида шакл топади ва вокеланади. Шу сабабли, катталар ва йигитлар берадиган саволларга қизлар билвосита жавоб бериш йўлини излайдилар, баъзан сукут сақлаб кўя қолишади.

Нутқий вазият симметрик муносабат доирасида юзага келса, фикр изҳори анча очиқ, коммуникатив мақсадлар аниқ ифодаланаётган нутқий ҳаракатлар ижросида кечади:

-Бугун қандай баҳонани ўйлаб келаяпсиз? – дея қарши олди у (хотин).

-Оббо!-Тоҳирнинг тишилари гижирлаб кетди. – Яхши гап йўқ эканда бу уйда. Қачон қараса, тергагани тергаган.

-Тергашимга асос бор, - деди Гўзал тап тортмай. – Қолаверса, яхши гапга қорин тўймайди (Зулфия Қуролбой кизи. Ёвузлик фариштаси. Т., 2005. -47 б).

Аммо симметрик вазиятда ҳам мулоқот тағмаёноли, тумтоқ иборалар воситасида, лўнда ифодада кечиши ҳеч ҳам истисно эмас:

-Овқатинг тайёрми?

-Йўқ.

-Нима сабабдан?

-Билмайман.

-Истамадингми?

-Ҳа.

-Нега?

-Шундай.

Нуткий мулоқотнинг юқорида эслатилган ҳамкорлик ва ҳурмат тамойиллари асосан тингловчи - адресантнинг «фойдаси»ни кўзловчи тамойиллардир. Бу тамойиллар симметрик ва носимметрик нуткий вазиятларда бир хилда фаоллашадилар. Шахслараро мулоқот жараёнида сўзловчи ўз фойдасини ҳам унутмайди, у ўз шахсиятининг қимматини кўрсатишга, ўз ҳурматини сақлашга уринади. Шахсий кадрини сақлашга йўналтирилган тамойил кўпинча носимметрик муносабатлар вазиятида намоён бўлади. Ушбу тамойил, масалан, киноя мазмунидаги нуткий ҳаракатлар ижросида фаоллашади, чунки табақа пиллапоясида юқорироқ ўрин эгаллаган шахс – сўзловчи пастки поғонада турган тингловчига киноя воситасида таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Киноя кўполлик ва қатъиятни бир оз бўлса-да, юмшатиш имконини беради (Leech 1983: 142).

Маслаҳат мазмунидаги нутқий акт ҳам кўпинча мулоқот асимметрик шароитда кўчаётганда ҳосил бўлади. Т.Ҳадсоннинг таъкидича, маслаҳатга эҳтиёж суҳбатдошлардан бири қийин ҳолатга тушганда тугилади ва маслаҳат берувчи шахс уни қўллаб-қувватлашга уринади (Hadson 1990: 286). Демак, маслаҳат бериш ҳуқуқига ижтимоий мавқеи юқори бўлган (бу мавқе доимий ёки турли шароитларга нисбатан ўзгарувчан бўлишини ҳам унутмайлик) шахс эгадир. Маслаҳат вазиятининг ўзгариб туриши сабабли бўлса керакки, сўзловчи ўз фикрини етказишда унчалик қатъият билдирмасдан, ўзини холисона тутишга, бетарафдек кўрсатишга ҳаракат қилади. Агарда қатъийлик кўрсатилса, холисликдан йироқлашилса, авторитар вазият юзага келиб, муносабатларнинг носимметриклиги кучаяди. Буйруқ, фармойиш, кўрсатма каби авторитар хусусиятга эга бўлган нутқий фаолият жараёнида тингловчи бўлгуси ҳаракатни танлаш ихтиёридан қарийб маҳрум, у, сўзсиз, ижрога маҳкум. Бундай шароитда мулоқот ҳамкорлиги бузилади, у бир томонлама ҳамкорлик тусини олади. Директив нутқий ҳаракатларнинг қатъийлиги «талаб ижроси учун ажратилган вақтни чегаралаш йўли билан белгиланиши мумкин (Пушкин 1990: 29). Масалан, «Зудлик билан етиб келинг!», «Ҳозироқ жавоб қайтаринг!», «Бир ҳафта муддатда ижроси таъминлансин!» каби фармойишлар кўрсатилган вақтда бажарилиши лозим.

Хуллас, оламнинг ранг-баранг ва унда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг турли-туман бўлгани каби мулоқот вазиятлари ҳам турли хусусиятларга эгадир. Улар ҳар хил шароит, муҳитларда ҳосил бўладилар, мулоқот иштирокчиларининг муносабатлари ижтимоий мавқега бир хилда эга бўла олмайди. Айнан шу турли-туманлик мулоқот тизимининг социопрагматик кўрсаткичларини, ижтимоий дейкисис қобигини ташкил қилади.

Социопрагматик белгиларни эътиборга олмаслик нутқий ҳаракатлар жўялилиги тамойилининг талаблари бузилишига олиб келади. Профессор Н.Маҳмудов яқинда эълон қилган мақоласида нутқнинг жўялилик сифатини таъминлаш учун сўзловчи, ифодаламоқчи бўлган мазмундан ташқари, нутқий вазиятни, тингловчи хусусиятларини, унинг ижтимоий мақоми, маданий-маърифий савияси каби факторларни назардан қочирмаслиги лозимлигини яна бир карра уқтирди. Олим жўялилик тамойили талаби қондирилмаганлиги қандай оқибатга сабаб бўлишини кичкинтойларга *«Созликда кўришайлик! Омон бўлсак, албатта, кўришамиз!»* каби расмий мулоқот шаклидаги жумлаларни ўргатишга интилиш мавжудлиги мисолида изоҳлаб берди (Маҳмудов 2007: 16).

Ҳақиқатдан ҳам, нутқ вазияти, суҳбатдошларнинг ижтимоий мавқеи, улар бажарадиган нутқий ҳаракатларнинг ахлоқий-маънавий нормаларга оид хусусиятлари кабилар мулоқот тизимининг муҳим белгиларидир. Уларни тўлиқ бир мажмуа сифатида тадқиқ қилиш прагмалингвистиканинг долзарб вазифаларидандир.

VIII-боб. Дейксис ва нутқий мулоқот матни ёхуд матнда мазмуннинг ифода тониши

Исроиллик профессор Йехошуа Бар-Хиллел инглиз тилида тузилган гапларнинг мазмунини қай йўсинда аниқлаш ва улар воситасида узатилаётган ахборотнинг тўлиқ англаш муаммоси ҳақида тўхталиб, куйидаги мисолларни келтирган эди (Bar-Hiller 1970:69):

- 1) *Ice floats on water* - *Муз сувда сузиб юрибди.*
- 2) *It's raining* - *Ёмғир ёғаяпти.*
- 3) *I am hungry* - *Оч қолдим.*

Биринчи гап мазмунини қарийб барча инглиз тили сохиблари бир хилда тушунишади, чунки муз қаерда сузаётганлиги (сувда)аниқ. (Лекин мазмун идрокининг кейинги босқичларида «Қайси сувда: дарёдами, денгиздами?» каби саволнинг тугилиши эҳтимолдан холи эмас.) Кейинги (2) гапнинг мазмунини англаш учун ушбу воқеа (ёмғир ёғиши) қачон ва қаерда кечаётганлигини билиш зарур. Ёки бу гап талаффуз этилаётган вақт ва жойни аниқлаш керак. Шунингдек, (3) гап мазмунининг тўлиқ идроки уни ким ва қаерда айтаётгани билан боғлиқ.

Мулоқот фаолияти учун макон ва замон ходисаларининг муҳимлигини унутмаслик керак. Ҳар бир воқеа маълум макон ва замонда кечади ҳамда у ёки бу ходиса ҳақидаги ахборотни қабул қилаётган тингловчи унинг қачон, қаерда содир бўлганлигини билишга интилади. Бундан ташқари, ахборотнинг тўлиқ идроки учун, ҳар қандай фаолият маълум шахс (шахслар) томонидан бажарилиши сабабли, ушбу фаолият амалининг субъекти ҳақидаги маълумот ҳам талаб қилинади. Демак, «қачон» ва «қаерда» саволлари «ким» саволининг ҳамроҳлигида нутқий тузилма мундарижасини белгилайди.

Идеал лисоний фаолият нутқий тузилмалар таркибида айнан шу саволларга жавоб берувчи

бирликларнинг тўлиқ тартибда мавжуд бўлишини такозо этади. Масалан, «15 август 2007 йил соат 17⁰⁰ да СН 5050 рақамли «Нексия» русумли ва СН 3737 рақамлидаги «Дамас» русумли автомашиналар Бўстонсарой кўчасида тўқнашганлар» туридаги гапнинг мазмуни аниқ, чунки содир бўлган воқеа ҳақидаги маълумот анчагина батафсил: «качон», «каерда», «ким» ёки «нима» саволларига жавоб бор. Худди шу гапни бошқача шаклда ҳам тузиш мумкин: «Кеча кечқурун шу ерда ўша икки машина тўқнашган». Аммо бу икки тузилма мазмун мундарижаси жиҳатидан тенг эмас. Менимча, кейинги гапда ифодаланаётган маълумот ДАН ходимларини ҳеч ҳам қониқтирмаса керак.

Кейинги гапдаги «кеча», «кечқурун», «ўша», «шу ерда» бирликларининг қўлланиши воқеанинг содир бўлиши ҳақидаги умумлашган маълумотни беради: каердадир қандайдир икки машина тўқнашган. Лекин бу ҳолда макон, замон ва субъект-объектлар ҳақидаги аниқ маълумотни ола олмаймиз. *Умумлаштириши*, кечаётган ходисалар, предметлар сифат-хусусиятлари кабилар ҳақидаги маълумотни мужассамлаштирган ҳолда концептуал қолиплар воситасида идрок этиш когнитив фаолиятнинг самарасидир. Бундай қолиплар концептуал бирликларнинг лисоний воқеланишида ўз аксини топади (Сафаров 2006: 19). Албатта, ташқи дунёдаги воқеалар, предметлар хусусий кўринишдаги белги, хусусиятларга эгадирлар. Лисоний тафаккур фаолиятининг когнитив босқичидан лисоний воқеланиш босқичига ўтишда қиёслаш, анализ ва синтез амаллари муҳим роль ўйнайди. Шу амаллар воситасида умумийлик ва хусусийлик фаркланади. Шунингдек, когнитив фаолият бевосита *мавхумлаштириши амалини* ҳам қамраб олади, чунки ушбу амал умумлаштиришнинг муҳим босқичини ташкил этиб, идрок этилаётган объектларнинг алоҳида муҳим

хусусиятларини ажратиб олиб, уларни қиёслаш ҳамда ягона «махражга келтириш» имконини беради.

Лисоний-тафаккур фаолияти жараёнида кузатиладиган яна бир амал – *тизимлаштириш*, *таснифлаш* амалидир. Тил маълумотни тўплаш ва узатишдан ташқари, уни тартибга келтириш вазифасини ҳам бажаришини унутмаслигимиз лозим. Фаранг файласуфи Лилл университетининг профессори Ноэл Мулуд (Noel Mouloud) нутқий бирликлар мазмуни ифодасининг мантиқий асоси ҳақида фикр юритаётиб, «нутқий ибора маълум бир маънони оддийгина белгилаб, умумлаштириб ва ифодалаб қолмасдан, балки у (ибора) буларнинг барчасини қандай тартиблаштира, худди шу тартибда бажаради», деган хулосага келган (Мулуд 1979: 284). Мантиқшунос олимнинг мазмуннинг шаклланиши ва нутқий воқеланиши лисоний тартиблаштириш ва умумлаштириш фаолиятлари натижаси эканлиги ҳақидаги фикри диққатга сазовордир.

Мантиқий ва лисоний умумлаштириш бир-бирини тақозо этади ва яхлит йўналишда кечади. Мавҳумлаштирилиб, тартибга келтирилган тушунчалар умумлаштирилган ҳолда лисоний қобикқа кўчади ҳам лисоний бирликка айланади. Бундай умумлашмалар нутқий фаолиятнинг мазмундорлигини таъминлаб, маълум қилинаётган ахборотнинг уни қабул қилувчи шахслар томонидан идрок қилиниши учун имкон яратадилар. Шу аснода юқорида келтирилган «*Кеча кечқурун шу ерда ўша икки машина тўқнашган*» шаклидаги тузилмалар мазмун ифодалаш қобилятига эга бўлишади. Аммо семантик структура жиҳатидан етарли даражада тўлиқ бўлган ушбу гапнинг аниқ мазмуни ёки ахборот мундарижаси фақат унинг маълум мулоқот муҳитида, матн таркибида қўлланиши билан боглик. Шунинг учун ҳам прагматик нуқтаи назардан олганда, ушбу гапнинг мазмуни аниқ

эмас. Бунинг сабаби, биринчидан, «кеча», «кечкурун», «шу ерда», «ўша» бўлакларининг маъноси контекст, матнда қўлланиши билан изоҳланади, иккинчидан эса ҳар қандай лисоний структуранинг ўзи ҳам маълум мақсадни кўзлаб тузилади. Бу мақсад – нутқий мулоқотдир. Нутқ ижодкорлари у ёки бу лисоний структурани тузаётганида уни нутқ вазиятига мослаштиришга ҳаракат қилишади, яъни «лисоний тузилмалар бевосита матн қисмларига «лангар» ташлайдилар» (Levinson 1983: 55). Қизиги шундаки, С.Левинсон ва бошқа айрим тилшунослар лисоний структураларни контекстдан айри ҳолда ўрганишга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, барибир нутқ, матн муҳити «занжири»дан чиқиш имконини топа олмадилар.

Контекст қуршовининг кучи, айниқса, дейкисис ҳодисаси талқинида яққол намоён бўлади:

«Тил тизимидаги қатор ҳодисаларни фақатгина уларнинг юзма-юз мулоқот шароитида шаклланиши инобатга олингандагина тавсифлаш мумкин. Бу айниқса, дейкисис ҳодисаси талқинида яққол кўзга ташланади» (Lyons 1977: 637-638).

«Тил тизими ва контекст ўртасидаги боглиқликнинг лисоний структураларда акс этишини яққол кўрсатувчи ягона ҳодиса – бу дейкисис ҳодисасидир» (Levinson 1983: 54).

Жон Лайонз ва Стефен Левинсонлар аслида тилни автоном, контекстдан холи тизим сифатида қараш мумкинлиги ҳақидаги фикр тарафдоридирлар. Улар бу фикрни исботлаш учун дейкисис ҳодисасидан фойдаланадилар, гўё, дейкисис белгилари қўлланмагунча, лисоний структуралар алоҳида тизимда сақланаверади. Ҳар қандай ҳодисанинг (бундан лисоний ҳодисалар ҳам истисно эмас) бир томонламали таҳлили натижасида билдириладиган фикр холисоналикдан йироқлашиб қолиш

хавфидан огоҳмиз (қаранг: Ҳожиев 2006; 2007; Тожиев 2004). Маъқули, тил ва нутқни бир-биридан озуқа олувчи, яхлитликда фаолият кўрсатувчи тизимлар сифатида тасаввур қилишдир. Уларнинг яхлитлигини таъминловчи омил ва воситаларни аниқлаш борасидаги илмий изланишларнинг маҳсули тилшунослик фани таракқиётида ўз ўрнини топади.

Тил тизими ва унинг нутқий фаоллашуви ўртасидаги «воситачилик», «ҳакамлик» ролини тилшунослар бекорга дейкисис ҳодисасига бағишлаётганлари йўқ. Тил тизимининг ўзи нутқий фаолият натижасида мавжуддир, унинг табиати ва моҳияти нутқий мулоқот жараёнида намоён бўлади. Шундай экан, тил бирликларининг маъно хусусиятлари нутқда вокеланади, аниқ тус олади. Ҳар бир нутқ ижодкори (матн муаллифи) воқеликда кечаётган ходисани ўзича идрок этади, уни маълум макон, замон худудида тасаввур қилиб, ҳосил бўлган мантиқий тасаввурга лисоний либос беради. Лисоний вокеланиш ва мазмун шаклланиши нутқ муаллифи танлаган «санок боши», яъни кечаётган ҳодисани замон-макон майдонига жойлаштириш билан богликдир.

Демак, нутқий фаолиятда доимо лисоний шаклни воқелик билан боглаш ҳамда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш эҳтиёжи тугилади. Худди шу вазифалар ижроси дейктик воситалар зиммасидадир. «Дейкисис» сўзининг асл юнонча маъноси «кўрсатиш», «ишора» бўлиб, илмий қўлланишда лисон воситасида «воқеликка ишора, кўрсатиш» мазмунини олган. Кўрсатиш, ишора вазифасини адо этувчи бирликларни *дейктик ибора* деб аташади. Бу ибораларга нисбатан айрим файласуф ва тилшунослар «индексикаллар» (indexicals) атамасини ҳам қўллаб келишмоқда. Ушбу турдаги иборалар нутқий мулоқот тизими мазмундорлигини таъминловчи доимий воситалардан биридир. Масалан,

бирор бир нотаниш нарсани кўриб қолиб, «Бу нима?» саволи билан суҳбатдошга мурожаат қилинганда, дейктик ибора («бу») воситасида шу муҳитда мавжуд бўлган нарса-предметга ишорадир.

Дейктик иборалар болалар нутқи ривожининг дастлабки босқичларидаёқ пайдо бўлади. Психолингвистларнинг кузатишлари гувоҳлик беришича, 3-7 ёшдаги болалар нутқи, биринчидан, эгоцентрик бўлса, иккинчидан, телеграф услубида, яъни «грамматикасиз» тартибда юзага келади. Шу сабабли бўлса керакки, гўдаклар грамматик шакллардан кўра «мен», «сен», «у ерда», «мана», «бу», «ҳозир», «кейин» каби ибораларни маъкул кўрадилар. Бундай ибораларнинг лисоний қобилият шаклланишининг дастлабки босқичларида пайдо бўлишига яна бир сабабни ушбу ибораларнинг маъно хусусиятлари билан боғлиқ деб ҳисоблаш тарафдоримиз. Маълумки, дейктик белгиларнинг маъно хусусиятлари бошқа номинатив белгиларникидан тубдан фарқ қилади. Улар воқеликдаги предмет-ҳодисаларни бевосита атамасдан, балки предмет, ҳодиса, шахсларнинг нутқ вазиятига нисбатан «жойлашуви»ни кўрсатади. Бундай кўрсатиш мулоқот иштирокчилари (сўзловчи ва тингловчи) предмет ва шахсларнинг эгаллаган ўрни (бу ўрин нутқ субъектларига нисбатан белгиланади) ҳамда мулоқот кечаётган вақт кабиларни қамраб олади. Шу хусусиятларига биноан дейктик иборалар билвосита маънога эга лисоний белгилар сифатида қаралдилар (Уфимцева 1974: 166). Гўдаклар талаффуз қиладиган сўзлар ҳам, одатда, бевосита референтга эга эмас, улар воситасида аниқ предмет ёки ҳодиса номланмайди. Гўдак ягона бир сўз билан бутун бир кечаётган ҳодисани ёки ҳодисалар қаторини ифодалашга кодир (Ушакова 1991; Tanz 1977).

Нутқий ҳаракат координатларининг қайси бири кўрсатилишига кўра дейктик бирликлар турли гуруҳларга ажратилади. Илк таснифлар морфологик тамойилга асосланган бўлиб, уларда шахс олошлари «мен-сен-бошқа (у)» дейктик гуруҳларига (Ich deixis – Du deixis – Jener deixis) тақсимланган. Немис тилшуноси Карл Бругманнинг ушбу морфологик таснифини кейинчалик Карл Бюллер қайта кўриб чиқиб, гуруҳлар сони ва таркибини нутқий мулоқот вазиятининг бошқа қисмлари ҳисобидан кенгайтди. Тил тизими таҳлили назарий асослари билан шугулланишга қизиққан ушбу психолог-олим 1936 йилда эълон қилинган «Тилнинг структур модели» (Das Strukturmodel der Sprache) номли мақоласида «Тил (таҳлили– Ш.С.) назарияси ижтимоий нутқ вазияти таҳлиliga таянмоги шарт ва лозимми?» деган саволга тасдиқ жавобининг далилларини излайди. У ҳар қандай тилда кўрсатиш (ишора) майдони мавжудлигини ва бу майдон учун «хизмат» қилувчи «кўрсаткич-сўзлар» гуруҳлари борлигини қайд қилади. Бу сўзлар эгалланган ўринга ишора (hier, da, dort – бу ерда, шу ерда, у ерда) ва шахслар иштирокини кўрсатувчилар (ich, du, er – мен, сен, у) турларига бўлинади. Ҳақиқатда ҳам К.Бюллер айтганидек, «аниқ нутқий вазият таҳлиliga таянмасдан туриб, қандай бошқа йўсинда барча кўрсатиш сўзларининг вазифаларини аниқлаш мумкин?» (Бюллер 1960: 29-30). Муаллиф «Тил назарияси» (Sprachtheorie. –Jena, 1934) асарида дейксис ҳодисасининг моҳияти ҳақидаги ўз илмий қарашларини жамлаб, ушбу ҳодисанинг тил қурилиши ва нутқий мулоқот тизимида тутган ўрни, бажарадиган вазифаларини янада аниқлаштиришга ҳаракат қилган. Дейктик ибораларни гуруҳлашда у нутқий мулоқот майдонининг асосий белгиловчи «ўқ» лари сўзловчи – тингловчи муносабати (Ich –Du deixis – Мен-сен дейксиси), предмет ёки шахснинг нутқ субъектига нисбатан эгаллаган

ўрни (*hier-dort deixis* – бу ерда-у ерда дейксиси) ва нутқий акт вақти (*jetzt – denn deixis* ҳозир- ўша пайтда дейксиси) фарқларига таянишни таклиф қилади.

К.Бюллер айнан шу китобида кўрсатиш объектининг фарқланишига нисбатан дейксис ибораларнинг яна ўзгача уч турга ажратиш мумкинлигини ҳам қайд этади: 1) кўришиб турган объектга ишора (*demonstratio ad oculus*): сўзловчи ўз кўзи билан кўриб турган объектни кўрсатиш вазифасини бажарувчи лисоний белгилар; 2) контекст дейксиси яъни матнда олдинги ўринларда қўлланган сўзларга ишора (анафора ҳодисаси – Ш.С.); 3) тасаввур дейксиси (*deixis an Pleantasma*), яъни сўзловчи бевосита кўрмаётган ва матнда эслатилмаган, аммо сўзловчилар учун маълум бўлган предметга ишора.

Дейктик белгилар таснифи масаласи узлуксиз муҳокама қилиниб келинмоқда. Кўпчилик тилшунослар анъанага биноан шахс, макон ва замон дейксисларини фарқлаб келишмоқда. Аммо айрим тилшунослар бундай таснифга унчалик қўшилмайдилар. Улар, дейксис ва модаллик ҳодисаларини ягона майдонга бириктириш ҳаракатида бўлишиб, модал дейксисини алоҳида ўрганишни таклиф қилишмоқда. Модал дейксис воситасида сўзловчи мавжуд ва тасаввурдаги вазиятларни нисбатан баҳолайди (Rauh 1983: 231). Социал (ижтимоий) дейксисни алоҳида категория сифатида ажратиш ва унинг воситасида мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига нисбатан ижтимоий мавқени белгилаши имкониятлари ҳақида олдинги бобда гапирилди (кейинги саҳифаларда бу ҳодиса тафсилотига яна бир карра қайтишга мажбур бўламиз.). Бундан ташқари, Ч.Филлмор, Р.Лакофф, В.И.Шаховский, А.В.Кравченко каби олимлар, мулоқот матнида суҳбатдошларнинг хусусий муносабатлари ўз аксини топишни ҳисобга олиб, эмоционал дейксисни ҳам

алоҳида ўрганиш гоёсини тарғиб қилишмоқда (Fillmore 1975; Lakoff 1974; Smith 1989; Шаховский, Жура 2002).

Дейктик ибораларнинг эслатилган гуруҳларининг семантик ва прагматик хусусиятлари ва умуман ушбу гуруҳларнинг ажратилиши қай даражада асосли эканлиги ҳақида батафсилроқ тўхталишга тўғри келади.

Олдинги саҳифаларда дейксис белгиларнинг семантик жиҳатдан бошқа лисоний белгилардан тубдан фарқ қилиши, уларнинг предмет-ҳодисаларни тўғридан-тўғри номлаш қобилиятидан маҳрум эканлиги ва сигнификатив мазмунга эга эмаслиги эслатилган эди.

Дейктик воситалар қаторига кирувчи сўзларнинг лексик маъносида у ёки бу турдаги референтга ишора мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилган Е.В. Падучеванинг таърифича, «олмошлар – маъносида нутқий ҳаракатга ҳавола ёки нутқий тузилманинг борлиқ билан муносабатига, турига ишора мавжуд бўлган сўзлардир» (Падучева 1988: 11). Олмошларнинг ва бошқа турдош турдаги дейктик белгиларнинг сигнификатив мазмундан холи эканлигини, уларнинг референти тургун бўлмасдан, балки нутқ вазиятига нисбатан ўзгариб туришини Эмиль Бенвенист алоҳида қайд этган. Унингча, «Мен» олмоши маъносини фақатгина маълум бир нутқий ҳаракат ижросига (locution) нисбатан аниқлаш мумкин ва бу нутқий ҳаракат доимо ягона, алоҳида бўлиб қолади, такрорланмайди. Ҳар бир нутқий ҳаракат алоҳида объект (воқеликдаги ҳодиса, предмет) билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, «мен» олмошининг референти ҳам ўзгариб туради. Қисқаси, «мен» шакли лисоний нуқтаи назардан фақатгина бажарилаётган, ижро этилаётган нутқий ҳаракатда мавжуддир (Бенвенист 1974: 286).

Фаранг тилшуноси шахс, замон, макон, ишора қилинаётган объект кўрсаткичларининг нутқ кечаётган вақт билан муносабатини мен: *бу ерда- у ерда; ҳозир –*

ўшанда; бугун- ўша кун- кеча; арафада – эртага- бир кундан сўнг каби тушунчалар қарама-қаршилигида юзага келадиган ҳодиса деб ҳисоблайди. Аммо ушбу турдаги ибораларнинг референти кўпинча ўта юзаки – ўзи-ўзидан маълум бўлган ҳодиса сифатида баҳолаб келинмоқда. Ушбу иборалар маъно хусусиятлари тўғридан-тўғри «воқелик» ёки предмет-ҳодисаларнинг объекти замон ва маконда жой олиши билан боглиқ эмас. Аксинча, тил тизими ушбу ибора гуруҳларига шахслараро мулоқот жараёнида юзага келадиган талаб –вазифаларни бажаришни «буюради». «Лисон воқелик билан референт боглиқлигидан маҳрум бўлган, доимо янгича қўлланишга ҳозир бўлган «маъносиз» белгилар яратилиши билан бу масалани ҳам ҳал қилади ва бу белгилар сўзловчи томонидан кечаётган нутқ фаолиятига жалб қилиниши заҳотиёқ «тўлиқ» (маъноли – Ш.С.) белгиларга айланадилар» (Ўша асар: 288).

Дейктик иборалар маъносининг нутқ субъекти – сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боглиқ ҳолда ўзгариб боришини ўз пайтида файласуфлар ҳам қайд этган эдилар. Берtrand Расселл «мен», «бу», «шу ерда», «ҳозир» сўзларини асосий эгоцентрик сўзлар сифатида таърифлаб, уларнинг маъноси замон ва макон ўзгариши билан боглиқ ҳолда ўзгариб туришини эътироф қилган: «Ҳозир» сўзи ҳар бир қўлланишда вақт кечиши давомийлигининг маълум бир даражасини англатади; «шу ерда» сўзи, «мен»нинг ҳар бир ҳаракати натижасида жой оладиган алоҳида ўрнини белгилайди; «мен» уни талаффуз қилаётган ҳар қандай шахсни билдиради» (Russel 1948: 113). Ўз устозига эргашган Л.Витгенштейннинг таърифи ҳам шунга мос: ««Мен» - бирор бир шахснинг номланиши эмас, «шу ерда» - маълум бир жойни атамайди, «бу» - ном эмас» (Витгенштейн 1994, Ч.І: 207). Шунинг билан бир қаторда, айрим тадқиқотчилар дейкисининг эгоцентрик

хусусиятини тўлигича эътироф этишга журъат этмайдилар. В.Шмидт, Г.Раух, И.А.Стернин ва бошқалар дейктик майдон марказини «сен/сиз», яъни адресат эгаллаши мумкинлигини айтишади. Бинобарин, «*Бир қадам олдинга!*», «*Ўнга бурилиш!*» каби буйруқ нутқий актлари бажарилаётган вақтларда асосий эътибор буйрукни қабул қилувчига йўналтирилади. Б.Рассел ишларида эса барча турдаги эгоцентрик сўзларнинг (egocentric words) кўрсатиш мазмунидаги маъносини this «бу, шу» олмоши воситасида тавсифлаш мумкин, деган фикр мавжуд (Russel 1948: 100-108). Унинг фикрича, I «*Мен*» *the biography to which this belongs* «бу қарам бўлган таржиман ҳол» мазмунини билдирса, *here* «бу ерда» - *the place of this* «бунинг ўрни» ва *now* «ҳозир» *the time of this* «бунинг вақти» мазмунларига эга. Балки инглиз файласуфининг фикри мантиқан тўғридир, чунки барча турдаги дейктик иборалар кўрсатиш, ишора маъносини ифодалайдилар ҳамда кўрсатиш майдонининг марказида сўзловчи шахс туриши сабабли ишоранинг бошлангич нуктаси ҳам унинг «кўз ўнги»да турган воқелик парчасидир. Ушбу воқеликнинг коммуникатив ифодасида «бу» кўрсаткичи асосий ўринни эгаллайди. Аммо мантиқий мазмуннинг лисоний маънога мувофиқ келиши ҳар доим ҳам кузатилавермайди. Мантиқий идрок кўп босқичли концептуал (тафаккур) «ишлов»идан ўтгандан сўнггина лисоний воқеликка айланиши маълум.

«Маъно» тушунчасини «объектнинг шахс онгида акс топган умумлашган бенуқсон тасаввурдаги модели» деб таърифлаган психолог В.Ф.Петренко бу моделнинг шакл топишини оддий фаолият эмаслигини қайд қилади: «онг (лисоний- Ш.С.) белгилар воситасида воқеликни оддийгина такрорламасдан, балки ундаги субъект учун аҳамиятли бўлган хусусият ва белгиларини ажратиб, умумлашган модел қурилмасини яратади» (Петренко 1988: 10; 12).

Демак, лисоний маъно шаклланиши – мураккаб жараён. Маъно шаклланишида воқеликдаги объектнинг муҳим хусусият - белгиларининг акс топиши оддий жараён эмас, балки бу хусусиятлар инсон ижтимоий фаолияти, тажрибаси нуқтаи назаридан муҳим бўлмоғи даркор. Янада аниқроғи, бу муҳимлик, аҳамиятлиликнинг ўзи ижтимоий тажриба асосида юзага келади. Психоллингвистлар А.А.Леонтьевга (1975) эргашиб, маънони «инсон фаолиятининг қиёфаси ўзгарган шакли» деб таърифлаб, хато қилишмаган, чунки идрок этилаётган объектнинг хусусиятлари инсоннинг ижтимоий фаолияти жараёнида кўзга ташланади, фаркланади.

Лисоний белгилар маъноси шаклланишида инсон фаолияти, унинг ижтимоий тажрибаси натижалари акс топиши, албатта, предмет мазмунидаги ва бошқа тўлиқ маъноли сўзлар мазмунида равшанроқ кўринади. Аммо бунинг билан бошқа турдаги лексик бирликлар (шу жумладан, дейктиклар) лугавий маънога эга эмас дейишга ҳам журъатим етмайди. Ҳар бир лисоний бирлик, сўзсиз, лугавий маънога эга. Бундан дейктик белгилар, шу жумладан, олмошлар ҳам мустасно эмас.

Россия Фанлар академиясининг академиги Н.Ю.Шведова тил лугат тизимининг табақаланиши дарахт шаклида тус олишини уқтириб, ушбу дарахтнинг тепаси энг мавҳум ва умумлашган (глобал) маъно – мазмунга интилишини таъкидлайди. Ўта мавҳумлаштирилган тушунчалар *ҳаракат ёки ҳолат, ҳаракат тури ёки ҳол, миқдор, меъёр, макон, замон, чегара, мақсад, сабаб* кабилардир. «Тилда ушбу тушунчалар ва уларнинг доимий ўзгаришларини доимий ифодалаш учун мўлжалланган сўзларнинг ёпиқ тизими мавжуд: олмошлар гуруҳи айнан шу синфга оид» (Шведова, Белоусова 1995: 6). Айниқса, муаллифнинг кейинги ишида олмошлар гуруҳидаги сўзлар тизимининг «ёпиқлиги» ва барча турдаги умумий

тушунчаларни ифодалашнинг бошлангич нуқтаси эканлиги янада таъкидланади. Зеро, «бу тизимнинг мавҳумлик даражаси бошқа синфларникидан ўта устун: у (олмошлар тизими-Ш.С.) бошқа сўзлар маъноси ва ўзаро муносабатларига мазмун бахш этади. Олмошлар гуруҳи – маънони мавҳумлаштиришни таъминловчи воситадир» (Шведова 1998: 8).

Шу жиҳатдан олганда, Б.Расселнинг барча турдаги дейктик ибораларнинг мазмунини *this* «бу» олмоши воситасида тавсифлаш борасидаги ҳаракатини ҳам тўғри англаб, маъқуллаш мумкин. Инсон борлиқ идрокининг асосий (балки ягона) меъёри ва ўлчов нуқтасидир, бундай идрок жараёни доимо «антропометрик тамойил» (Телия 1988) назоратида кечади, у ўзи идрок этаётган воқелик парчасига «бу» кўрсаткичи билан ишора қилади. Аммо мантиқшуносларнинг дейктик ибораларни ягона бир махражга тўплаш ва уларнинг маъносини алоҳида бир лисоний бирлик воситасида таърифлаш йўлидаги ҳаракатлари (Б.Рассел барча дейктик ибораларни «*this*»-«бу» олмошли ибораларга ўзгартириш мумкинлиги ҳақида гапирган бўлса, Ҳ.Райхенбах эса I «мен» олмоши «мен» сўзи белгисини талаффуз қилаётган шахс» тузилмаси воситасида тавсифлашни таклиф қилган) тилшуносларга унчалик маъқул келмаганлиги ҳам маълум (Lyons 1977: 639; Bar-Hillel 1970: 77-78; Бурлакова 1988: 86).

Лисоний таҳлилни мантиқ билан боғлашда лисоний белгиларнинг табиати ва уларнинг инсон фаолияти учун муҳим бўлган нутқий мулоқот матнида тутган ўрни, моҳиятига эътибор бермасликнинг имкони йўқ. Масалан, «*Мен ҳозир 26 ёшдаман ва ўтган йили уйланганман*» ва «*Мен ҳозир 27 ёшдаман*» тузилмаларининг заминида бир хил пропозиция туриши ёки турмаслигини аниқлаш учун ушбу тузилмалар қайси контекстда, мулоқот шароитида қўлланилаётганлигини билмоқ керак. Матн (контекст)

пропозицияни «махсуслаштирувчи», уни воқелантирувчи воситадир. Прагматиканинг мантиқан семантикани таъминлаши, ундан олдинроқ ҳаракатга келиши ҳам худди шунда намоён бўлади.

Дейксис ҳодисасининг прагматик моҳиятини ва унинг мазмун ифодалаш имкониятининг бевосита мулоқот матни билан боглиқ эканлигини С.Левинсон қуйидагича таърифлайди:

«Аслини олганда, дейксис тилда нутқий ҳаракат контексти ёки нутқий ҳодиса хусусиятларининг акс топиши ва грамматикаллашувига (grammaticalization) тааллуқлидир. У (дейксис), худди шунингдек, мулоқот матни таҳлили билан боглиқдир. Шунга нисбатан this («бу») олмоши бирор бир реал мавжуд объектни атамайди; тўғрироғи, у аниқ бир контекстда сўз юритилаётган воқелик объектининг ўриндошидир» (Левинсон 1983: 54).

Ушбу таърифда бизнинг эътиборимизни алоҳида жалб қилган нарса – *грамматикалаштириши ҳодисасидир*. Дарҳақиқат, онгда юзага келган тушунча ва концептуал колипларнинг лисоний воқеланиши уларга лисоний шакл, тус беришни такозо этади. Нутқий тузилма эса тўлиқ мазмунга эга бўлиш учун грамматик шакл олиши керак. Шунинг билан биргаликда, нутқий тузилманинг мулоқот бирлигига айланиши ва матндан ўз ўрнини топиши учун унинг грамматик шаклга эга бўлиши етарли эмас. Ушбу тузилма матнга мос келиши, умумий коммуникатив мақсадга эришиш эҳтиёжини қондириши лозим бўлади. Худди шу талаблар умумлашмаси, грамматикаллаштириш ҳодисасидир. Мисол тариқасида «*Ҳой, сен ҳозироқ ўша ерда етиб бор!*» гапини олайлик. Буйруқ интенциясини ҳосил қилувчи ушбу нутқий актнинг прагматик мазмуни сўзловчи томонидан шахс, макон ва замон дейктик ибораларини қўллаши билан боглиқ. Бу ерда буйруқ йўналтирилган шахс – адресат «сен» шартли белгиси

воситасида кодлаштирилган; «ўша ерга» шартли белгиси сўзловчига нисбатан олинган жой, маконни кодлаштиради; «ҳозироқ» эса нутқий ҳаракат бажарилаётган пайтга нисбатан белгиланаётган замон тушунчасидир. Бундан ташқари, «етиб бор» бўлагини ҳам сўзловчига нисбатан олинган макон сари ҳаракатнинг шартли ифодаси сифатида талқин қилиш мумкин.

Сўзловчи ўз коммуникатив мақсадига эришиш учун барча шартли лисоний белгиларни жўяли, ўз ўрнида ишлата олиши даркор. Фақат шундагина у тингловчини буйруқ ижросига ундай олади. Худди шунингдек, тингловчи – адресат ҳам грамматикалаштириш усул ва воситалари билан таниш бўлган ҳолдагина нутқий ҳаракат мазмунини англайди, шартли белгиларни мантиқан идрок этади ва уларнинг сирли, яширинча маъно жилоларини оча олади.

Грамматикалаштириш ҳодисасининг прагматик тавсиф учун аҳамиятини яна бир мисолда кўриш мумкин. Инглиз файласуфи Давид Каплан дейктик ибораларнинг турли нутқий вазиятда ва турли контекстда қўлланишидаги фарқини ўрганаётиб, «I was insulted yesterday» «Мени кеча хафа қилишди» нутқий бирлиги бугун ёки эртага айтилишига нисбатан дейктик ибора (yesterday «кеча») турли мазмун олишига диққатни жалб қилмоқчи. Олим нутқий бирликнинг маълум вазиятда фаоллашувида юзага келувчи маънони content «мазмун» деб атайди. Менимча, у лисоний бирликка моҳиятан хос бўлган маънони назарда тутаётган бўлиши керак. Матндаги мазмун ўз-ўзидан хазм бўлмайди, лисоний бирлик учун табиатан хос бўлган шундай маъно хусусиятлари мавжудки, улар ҳар бир нутқий тузилманинг маълум шароитда, у ёки бу мазмунда воқеланишини таъминлайди. Д.Каплан бундай маънони character «хусусиятлар мундарижаси, мундарижали маъно» сифатида қарашни таклиф қилади: «ҳар қандай иборанинг

мундарижаси лингвистик қонуниятлар асосида шаклланади ва у (мундарижа) нутқий иборанинг контекстдаги мазмунини белгилайди» (Kaplan 1989: 505).

Лисоний бирликлар маъносининг табиатан ва моҳиятан мавжуд бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бирок «мундарижавий маъно» ва «матндаги маъно»ни ўзаро фарқлаш қийин муаммо. Тилшунос, мантиқшунос ва семиотикларнинг бу борадаги мунозаралари аниқ бир натижа берганича йўқ. Баҳс баҳслигича қолмоқда. Менимча, ушбу баҳсни давом эттиришнинг энг маъқул йўли бу – икки турдаги маънонинг ўзаро муносабати ва уларни шакллантирувчи омиллар, лисоний ҳамда нолисоний факторларнинг тутган ўрни масаласини ўрганишдир. Зеро, лисоний фаолиятнинг ҳар қандай кўриниши бир-бирини тақозо этади. Тил тизимисиз нутқий мулоқот тизими ҳосил бўлмайди ва аксинча, нутқисиз тил тизими қаердан «озуқа» олишини билмайди. Худди шунингдек, тил тизимида мавжуд бўлган дейктик воситаларнинг мундарижавий мазмуни ҳам нутқий мулоқот жараёнида яратилади ва намоён бўлади.

Дейктик ибораларнинг семантик ва тизимий хусусиятлари ўзига хосдир. Юқорида дейкис тизимининг эгоцентрик тартибга эга эканлиги айtilган эди. Дейктик иборалар коммуникатив ҳодиса – узатилаётган ахборотнинг маълум қисмларини алоҳида таъкидлаш, аниқлаштириш учун хизмат қилишади. Дейктик марказни таркиб топтирувчи қисмлар қуйидагилардан иборат: 1. Марказий шахс – сўзловчи; 2. Марказий вақт (замон) – нутқий ҳаракат ижро этилаётган вақт; 3. Марказий макон – сўзловчининг нутқий ҳаракат бажарилаётган пайтдаги ўрни; 4. Ижтимоий марказ – сўзловчининг ижтимоий мавқеи (Levinson 1983: 64).

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тўрт ўлчовли майдон сифатида тасаввур қилинаётган дейктик майдоннинг

марказида сўзловчи шахс туради. Кечаётган ҳодиса ҳақидаги ахборотни маълум қилаётган шахс замон ва маконни ўзи эгаллаган ўринга, вақтга нисбатан белгилайди. Суҳбатдошларнинг ижтимоий мавқеи ҳам сўзловчига нисбатан белгиланади. Воқеликни идрок этаётган, унинг ҳақида фикр юритиш истагидаги сўзловчи масофа ўлчовини ўзидан бошлайди ва воқеа маконлари жойлашувини аниқлайди. Вақт ўлчови ҳам сўзловчидан бошланади, маълум қилинаётган воқеа қисмларининг «вақт чизиги»даги жойлашувининг мантиқий модели сўзловчи тасаввурида қайта ишланиб, лисоний тус олади. Бошқача айтганда, воқеанинг ўтган, ҳозирги, келгуси замонда кечишини (кечганлиги, кечаётганлигини) белгилашда сўзловчининг мантиқий тафаккур фаолияти муҳим ўрин тутди. Ниҳоят, дейкисис ҳодисасининг ижтимоий белгилари ҳақида гапириладиган бўлса, мулоқот иштирокчиларининг роли, уларнинг ижтимоий табақаланиш даражалари ҳам сўзловчи-адресат муносабатида аниқланади. Буларнинг барчаси, менимча, дейктик ибораларнинг (айниқса, олмош ва равишларнинг) пайдо бўлиши масаласига бир оз бўлса-да ойдинлик киритиши мумкин. Зеро, тилнинг асосий возифаси мулоқот воситаси сифатида хизмат қилиш бўлса, унда коммуникатив мазмунни ифодалашнинг асосий воситалари бўлган дейктик белгилар бошқа лисоний белгилардан олдинроқ пайдо бўлишган эмасмикан!? Ёхуд дейкисис тизими лисоний фаолиятни таъминловчи, тил тизими марказида турувчи ҳодиса, деб эътироф этилиши мумкинми!?

Ушбу саволларнинг риторик руҳда қолишини истамасдим. Зеро, воқелик идрокида *қаерга? қаерда? қаергача? қачон? қачонгача? қандай? қай йўсинда? нима учун?* каби саволларга жавоб излашга мажбурмиз. Бу тарздаги саволларнинг тугилишга сабаб воқелик идроки

ШАХС билан боғлиқ эканлигида. У воқеликни ўз кўз ўнгида, тасавурида кечаётган ҳодиса сифатида қабул қилади, уни ўзига, ўз шахсига нисбатан баҳолаб, баён қилади. Шунинг учун ҳам нутқий тафаккур ва лисоний онг марказида идрок ШАХСи туради, унинг МЕНИ ахборотнинг лисоний баёни учун бошлангич нуқтадир. Бу марказ воқелик баёнида КИМ саволи орқали тавсифланади. Шунинг учун ҳам воқелик баёнида замон – макон – ижтимоий мавқе марказлари мулоқот ШАХСи томонидан белгиланиб, ягона *дейктик майдонни* ташкил қилади.

Дейктик ибораларнинг тил онтогенезисида муҳим ўрин эгаллаши уларнинг гўдақлар нутқида илк босқичларда пайдо бўлишидан ташқари, бу ибораларсиз тўлақонли мулоқотнинг кечишини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Биз кўпинча ёш болаларга ва катта ёшдагиларга тил ўргатишда лисоний бирликлар (масалан, сўзлар) маъноси етарли деб ҳисоблаймиз. Аммо лисонни ўзлаштиришни бундай ўта соддалаштириш ногўғри хулосадир. Ёш бола «соат 10³⁰» тузилмасининг мазмунини англаши учун лисоний белгилар маъносини билиши етарли эмас. У «ҳозир», «бугун», «менинг», «сенинг», «бу», «шу ердаги», «кечаги». «олдинги» кабилар воситасида воқеланадиган контекст кўрсаткичларини ҳам билиши талаб қилинади. Шу қатордаги дейктик ибораларнинг қайси вазиятда, қандай шароитда қўлланишини билмасдан туриб, «соат 10³⁰» нутқий тузилмаси мазмунини воқелик билан боғлаб бўлмайди. Лисонни билиш, унинг соҳиби бўлиш, ҳаётий фаолият турларини билишдир. Тил таълими ҳам ижтимоий, кундалик фаолиятда мавжуд бўлган ва янгидан юзага келадиган ҳодисалар, вазиятларни англаш ва уларни лисоний баён қилиш малака-кўникмаларини шакллантиришга қаратилмоғи керак. Ахир биз ўқувчиларга янги сўзлар, ибораларни тушунтираётганимизда, янги воқеликни тушунтирамиз-ку! Бу воқелик баёнини мулоқот

муҳити билан боғлаш кўникмасига эга бўлган ўқувчигина лисоний билимга эга бўлиши мумкин. Лисоний фаолият инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми. У лисон ва ижтимоий тажриба уйғунлигида кечади. *Тил таълимининг когнитив асослари* айнан шу тамойилга асосланади.

Келинг, дейктик ибораларнинг тизимий хусусиятларига қайтайлик. Анъанага биноан фаркланиб келинаётган асосий гуруҳлар шахс, замон ва макон дейктик ибораларидан иборатдир.

Шахс дейксиси. Юқорида айтилганидек, дейксис майдони марказида шахс туради. Нутқий мулоқот жараёнида бажараётган ролига нисбатан шахс дейксисининг таркиби аниқланади. Биринчи шахс сўзловчининг ўрнига ишора, «ўзини кўрсатиши, эслатиши»нинг лисоний ифодасидир, иккинчи шахс - тингловчи ёки адресантнинг лисоний белгиланиши ҳамда учинчи шахс мулоқотнинг бевосита иштирокчиси бўлмаган шахсга ишорадир. Мулоқот кўчишига қўшган ҳиссасига нисбатан фаркланаётган ушбу тизим олмошлар гуруҳларида ўз аксини топади. Олмошлар эса, ўз навбатида, уч шахсдан ташқари, кўплик, род каби категориал белгилар асосида ўзаро фарққа эга бўлади. Аммо кўплик сон белгисига эга бўлган олмош ҳар доим ҳам бирлик сондаги олмошга тўғридан-тўғри мос келавермайди. Жумладан, «биз» ҳар қандай контекстда ҳам сўзловчиларнинг сони кўп эканлигини англамайди. Шунинг учун ҳам «биз» олмоши қўлланилган айрим ҳолатларда узатилаётган ахборот мазмунини ва кўплик сони қайси маънода воқеланаётганлигини аниқлаш тингловчининг ихтиёридадир. Масалан, инглиз тилидаги *We clean up after ourselves a room here* гапини тингловчи икки хилда англаши мумкин: тингловчи ўзини адресат гуруҳига қўшади ёки бу гуруҳга кирмайди. Шунга нисбатан, эксклюзив «биз» (exclusive «we») ва инклюзив

«биз» (inclusive «we») кўплик шакллари фарқланади. Буларнинг биринчисида (экссклюзивликда) «биз» «сўзловчи ва бошқалар» маъносини англатиб, бу гуруҳга адресатни киритмайди, иккинчисида эса сўзловчи «биз» деганида адресатни ҳам назарда тутлади. Айрим тилларда экссклюзивлик ва инклюзивлик ўз грамматик ифодасига эга. Масалан, фожиан (қизил танлилар тили) лаҳжасида *keimami* –эксклюзив биринчи шахс кўплик олмоши бўлса, *keda* ушбу олмошнинг инклюзив мазмундаги шаклидир (Yule 1996: 11).

Инклюзив ва экссклюзивликнинг фарқи, шунингдек, инглиз тилидаги *Let's go* ва *Let us go* тузилмалари мазмунида ҳам намоён бўлади. Биринчи ибора кўлланилаётганида, сўзловчи бирор дўстига (дўстларига) мурожаат қилиб, ҳаракатни биргаликда бажаришга чақирмоқда: «*Кетдик!*» («*Кетайлик!*», «*Кетамиз!*»). *Let us go* гапида эса сўзловчи ўзи ва ҳамроҳларини қўйиб юборишни, кетишга ижозат беришни илтимос қилмоқда: «*Бизга кетишга ижозат бериш!*». Демак, бу ҳолатда биринчи шахс кўплик эксклюзив «биз»ни англатади, тингловчи – адресат ижозат сўралаётган ҳаракат иштирокчиси ҳам эмас.

Бундан кўриниб турибдики, нутқий мулоқотнинг икки асосий иштирокчиси бўлмиш сўзловчи ва адресатдан бошқа нофаол қатнашчилар ҳам тил тизимида ўз грамматик ифодасини топиши мумкин. Аммо бу ифода турли тилларда турлича кўриниш олади. Бинобарин, япон тили олмошлар тизими шаклларга бой эканлиги маълум. Бу тилда сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий мавқеи, қайси жинсга оидлигига нисбатан олмошлар кўлланишида фарқ мавжуд. Бу тилда сўзловчиларнинг барчаси фақатгина ўта эҳтиромли *ватакуси* олмошини бир хилда ишлатишлари мумкин, *боку*, *орэ*, *васи* каби *атаси*, *атакуси* шакллари аёллар маъқул кўришади (Ide 1982: 358). Япон

тилидаги 2-шахс олмошлари ҳам қачон ва кимга нисбатан қўлланишига нисбатан катта фарққа эга. Булардан *омаэ* кўпол, кўрс мазмунида бўлса, *анта* – хурмат маъносини ифодалайди, *кими* эса сўзловчи бирор шахсни ўзига яқин олиб мурожаат қилганида фаоллашади.

Умуман, япон тили олмошлар гуруҳлари ўта мураккаб тизимни ташкил қилади (Алпатов 1980) ва мураккаблик таржимонлар фаолиятида катта муоммолар тугилишига сабаб бўлади. Бунинг мисоли сифатида А.Рембонинг «Маст кема» шеърининг японча таржимаси йўлидаги уринишларни келтириш мумкин. Маълумки, фаранг шоирининг ушбу шеъри кема номидан биринчи шахсда ёзилган ва бир неча таржимонлар уни япон тилига ўгиришда турли олмошларни қўллашга ҳаракат қилишган, лекин қандай олмошга мурожаат қилинишидан қатъий назар асл ниятдан бошқа бўлган маъно пайдо бўлаверган. Олмошни қўлламаслик эса нутқнинг сунъий тус олишига сабаб бўлади (Алпатов 2003: 92).

Шахс дейкисини ифодаловчи воситалар ҳақида гапиратиб, тил тизимида учинчи шахс олмоши ҳам алоҳида гуруҳга ажралишини унутмаслик лозим. Бу гуруҳдаги олмошлар семантик ва коммуникатив моҳияти жиҳатидан бошқаларидан тубдан фарқ қилиши аллақачон қайд этилган. Биламизки, биринчи ва иккинчи шахслар бевосита мулоқат иштирокчиларидир ва «мен»: «сен» гуруҳларидаги олмошлар «коммуникатив шахс»ларни ифодалайди. Учинчи шахс олмошлари эса бундай хусусиятга эга эмас, уларнинг референти - мулоқотнинг бевосита иштирокчилари бўлмаган «нокоммуникатив шахс»лардир. А.А.Уфимцева, учинчи шахс олмошларининг бундай семантик хусусиятини ҳисобга олиб, улар бажарадиган асосий вазифа дейктик мазмун ифодаси бўлмасдан, балки ўрин алмаштириш (олиш) деб ҳисоблайди (Уфимцева 1974:176). Олиманинг ушбу

фикрини бир томондан кувватлагим келади, чунки учинчи шахс олмошлари маъно жиҳатидан «мен» ва «сен» олмошларидан анча фарқ қилиши маълум. Аммо коммуникатив жараёнда учинчи шахснинг ролини инкор қилиб бўлмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Тўғри, мулоқот кечишида нутқ субъекти ва унинг тингловчиси муносабати марказий ўринни эгаллайди ва дейктик майдон маркази ҳам шу муносабат доирасида белгиланади. Балки шу сабабли «мен» ва «сен» олмошларининг дейктик мундарижаси равшанроқ кўринади ва тадқиқотчилар уларни дейктик ибора сифатида эътироф этишдан ҳеч тортинмайдилар. Бироқ бунинг билан 3-шахсни коммуникатив жараён доирасидан бутунлай четга суриб қўйиб бўлмайди. Бу шахс мулоқотнинг «нофаол иштирокчиси» (side participant) ёки унда баённинг иштирок этмаётган «кузатувчиси» (bystander) сифатида фарқланади (Clark, Carlson 1982). Иккала турдаги иштирокчилар, лозим бўлганда, мулоқотнинг кечишига бевосита таъсир ўтказадилар. Нофаол иштирокчи ва кузатувчи Г.Г.Почепцовнинг эътирофича, ««мен» ва «сен» га қарама-қарши турадиган «у»дир. Бундан ташқари, бу шахс (у-Ш.С.) «мен» ва «сен»нинг мулоқоти жараёнида «шу ерда» бўлиб, шу йўсинда коммуникантлар нутқий фаолиятига бевосита таъсир ўтказди» (Почепцов 1987: 37).

Учинчи шахснинг коммуникатив моҳияти етарли даражада эканлигини эътиборга олиб, «у» олмошини шахс дейксисини ифодаловчи лисоний воситалар қаторига қўшиш мумкин. Ушбу олмошнинг А.А.Уфимцева қайд этган «ўрин алмаштириш» вазифасига келсак, бу вазифа барча турдаги олмошлар учун хосдир. Ўрин алмаштириш вазифасининг бажарилиши нутқий актда ёки матнда *корреферентлик* (хамреферентлик) ҳодисаси мавжуд бўлишини талаб қилади (қиёсланг: *Мен Болтаевни яхши биламан, бундай одамлар ҳеч қачон қийинчиликлардан*

чекинмайдилар; Кумуш кундаликни доимо тўлдириб боради ва уни ҳеч қачон унутиб қолдирмайди.)

Вокелик бўлагининг лисонда турлича ифодаланишидан иборат бўлган кореферентлик анафора ёки анафорик ишора воситасида намоён бўлади. Анафора нуткий тузилма бўлақларининг мазмунан богланишини таъминлайди, у кореферентлик ҳақида маълумот берувчи лисоний ҳодисадир. Тилшунослар анафора ҳодисасига тавсиф бераётиб, анъанага биноан анафорик олмошларнинг матннинг олдинги қаторларида эслатилган референтини излашган. Кореферентлик мазмуни пайдо бўлиши учун олд референтнинг (антицидентнинг) мавжуд бўлиши зарур. Аммо референтнинг матнда турлича ўрин олиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим. Айрим ҳолларда олмошларнинг референтини ифодаловчи бирликларни матннинг кейинги қаторларидан излашга мажбур бўламиз. Матндаги яширин, бевосита ифода топмаган ёки матн қисмлари муносабатини инобатга олиб изланадиган кореферентлик «ассоциатив анафора» ҳодисасини юзага келтиради. Бу турдаги анафорик богланишни аниқлашда матн мундарижасини билишдан ташқари ўқувчи (тингловчи)нинг умумий билим даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди (Immott 1999: 7). Мазмуний богланишнинг бундай матн ва умумий билим ҳамкорлигида юзага келишини биз, айниқса, метонимия ва метафора тузилмалари ҳосил бўлишида аниқ кўрамиз. Масалан, «*Ойбек жавоннинг устки қаватида.У чарм муқовали*» тузилмасида «Ойбек» ва кейинги қатордаги «У» бирликларининг боғлиқлигини билишда ўзбек тилида китобни муаллиф номи билан аташ «лисоний келишув» асосидаги умумий қоида эканлигига таянамиз. Бундай «лисоний келишув» барча тиллар учун маълум бўлган когнитив ҳодиса эканлиги ҳам маълум (қиёсланг: Ко`vecses, Gunter 1998).

Шундай қилиб, ўрин алмаштириш – анафора вазифасининг бажарилиши ишора вазифасини инкор қилмайди. Анафора дейктик мазмундан холи эмас, бу икки вазифа ягона бир контекстда, айти бир пайтнинг ўзида бажарилиши мумкинлигини ҳозирча ҳеч ким инкор этганича йўқ. Бу борада Ж.Лайонзнинг икки жилдлик «Semantics» асарида келтирилган мисолни эслайлик (Lyons 1977: 676): *I was born in London and have lived there ever since* «Мен Лондонда тузилганман ва шундан буён ўша ерда яшайман». Бу мисолда there «ўша ерда» ўз кореференти «Лондон» билан анафорик боғланишда бўлишдан ташқари, ушбу нутқий ҳаракатнинг Лондонда ижро этилаётганлиги ҳақида ишора маълумотини ҳам бермоқда.

Тингловчи (ўқувчи) матн ва нутқий тузилмалар идроки, уларнинг мазмунини англаш жараёнида тил бирликларининг матндаги боғланишини (анафора бундай боғланишнинг бир тури) аниқлаш билангина чегараланиб қолмасдан, балки инсон онгида акс топган воқелик ходисалари ҳақидаги билим «тасма»сига ҳам мурожаат қилади. Мазмун ана шу турдаги матн ва воқелик, лисоний ва қомусий билим муносабати асосида юзага келади. Фаранг когнитолог олими Г.Факонниернинг таъбирича, «Лисон мазмун ташувчи эмас, уни фақатгина бошқариб боради» (Fauconnier 1994: xxii). Ҳа, маълум бир маъно ёки мазмунни у ёки бу лисоний бирликнинг «мулки»га айлантириш ушбу бирлик моҳияти ҳақидаги нотўғри тасаввурга сабаб бўлиши мумкин. Яхшиси, мазмунни инсон когнитив фаолиятининг натижаси бўлган матн тузилишидан, унинг таркибидаги боғланишлардан излаган маъкул. Учинчи шахс олмошларининг маъно хусусиятлари ҳам бундан мустасно эмас.

Макон дейксиси. Мулоқот жараёнида унинг иштирокчилари эгаллаган ўринга ишора макон дейксиси

мазмунини ташкил қилади. Воқеликнинг идрок қилиниши ва бу идрокнинг лисоний ифода топиши икки асосий лисоний – тафаккур ҳаракатини талаб қилади: биринчидан, воқелик парчасини тавсифлаш лозим бўлса, иккинчидан, уни маълум маконда жойлаштириш талаб қилинади. Аммо маконда жой олишнинг ўзи ҳам икки кўринишда бўлади. Объектлар бир-бирига нисбатан жойлашадилар:

а) *Регистон Самарқанднинг марказида жойлашган;*

б) *Расадхона жанубий кенгликнинг 50 - градусида жойлашган.*

Бу мисолларда макон дейктик мазмунга эга эмасдек туюлади, чунки бундай макон тасавури ва ифодасида мулоқот иштирокчиларининг ўрни йўқ. Макон мулоқот иштирокчиларининг мулоқот кечаётган пайтдаги ўрнига нисбатан белгиланиши дейктик характерга эга:

в) *Афросиёб бир чақирим нарида (узоқда);*

г) *Расадхона бу ердан икки чақирим шарқда.*

Макон дейксисини нодейктик мазмундаги макон ифодасидан фарқлаш айрим ҳолларда анча қийинчилик тугдиради. Ҳар ҳолда, барча тилларда дейктик иборалар тизими мавжуд бўлиб, улар маъно ва ғрамматик хусусиятлари жиҳатидан турли гуруҳларга ажраладилар.

1) ўрин равишлари: here, there, over there –инглиз тилида; here, da, doh – немис тилида; здесь, тут, там – рус тилида; шу (бу) ерда, у (ўша) ерда – ўзбек тилида.

2) кўрсатиш олмошлари: this (these), that (those) – инглиз тилида; этот (эти), тот (те) – рус тилида; бу (булар, ўша (ўшалар) – ўзбек тилида.

Ушбу гуруҳлардаги бирликлар шахс ва предметларни нутқий мулоқот ҳудудидан «яқин» ёки «узоқ» жойлашишига нисбатан тавсифлаш мақсадида қўлланади. Бундай тавсифда маконнинг узоқ ёки яқинлиги нафақат сўзловчига, балки тингловчига – адресатга нисбатан ҳам белгиланиши мумкин. Бундан ташқари, ҳаракатнинг ким

томонга йўналиш олиши ҳам дейктик ибора қўлланишига таъсир кўрсатади.

Ҳаракат йўналишининг қайси маконга йўл олиши феъллар семантикасига ҳам дейктик мазмунни багишлайди. Бинобарин, «*Хонага кир*», «*Уйга кел*», «*Уйга кет*» каби буйруқ шаклларида дейктик маъно борлиги ва ушбу маъно сўзловчидан узоқлашиш ёки яқинлашиш ҳаракати билан боғлиқ эканлиги ўз исботини топган (айрим феъллар дейктик мазмунга эга эканлигини илк бор кайд этганлардан бири Ч.Филлмордир – Fillmore 1983). Дейктик маконнинг узоқ ёки яқинлигидаги бундай фарқи нутқ онтогенизида ўз аксини топар экан, сўзловчи томон йўналтирилган ҳаракат макони кўзга тез ва аниқ ташланади ва шу сабабли бўлса керакки, ёш гўдаклар «бу», «бу ерда» кабилар билан ифодаланадиган дейктик маънони тезроқ ўзлаштирадилар. Бошқалари эса кейинроқ ўзлаштирилади. Бу дейктик иборалар «у» ва «у ерда» бирликларидир, чунки улар мазмунида ёш боланинг бевосита кўриш худудидан ташқаридаги объектга ишора англашилади.

Энг қизиги, айрим тилларда дейктик маконнинг узоқ ва яқинлиги ёки воқелик объектнинг сўзловчи кўз ўнгида ёки унинг наздидан ташқарида бўлиши ўз лексик-грамматик ифодасини топади. Масалан, немис тилида узоқроқда жойлашган предмет кўриниб ёки сезилиб турса, да «у ерда» равиши қўлланса, бу предмет кўринмай ва сезилмай турганда, dort «у ерда» равиши маъқул кўрилади. Шунингдек, Америка қитъасининг шимолий-гарбидаги хиндулар тили тлингитда кўрсатиш олмошлари «айнан шу (шу ерда)», «яқиндаги шу», «у томондаги шу» мазмунларини ифодалашлари билан ўзаро фарқланадилар (Levinson 1983:81). Бундай фарқни биз ўзбек ва бошқа туркий тиллар кўрсатиш олмошлари тизимида ҳам сезамиз: «бу» («сўзловчига яқин»), «шу» («адресатга яқин»), «у» («сўзловчи ва адресатдан узоқда»).

Чарльз Филлмор Индиана университети лингвистик клубида 1971 йилда ўқиган дейксис ҳақидаги маърузасида дейктик иборалар нутқда қўлланишини уч турга бўлишни таклиф қилган:

1) «узукдаги» ва «яқиндаги» объектни бевосита кўрсатиш вазифасини бажарувчи лисоний белги –жестлар (gestural use);

2) маълум ахборот, билим ташувчиси (бу билим ушбу мулоқот вазиятидан ёки мустақил равишда эгалланган бўлиши мумкин) бўлган рамзий белги (symbolic use);

3) анафорик боғловчи сифатида (Fillmore 1975: 40-42).

Дейктик бирликнинг биринчи турдаги қўлланишини *I want you to put it there* «Уни ўша ерга қўйишингни иштаймэн» мисолида кўрамиз. Бу гап мазмунидан сўзловчи бевосита маконга ишора этаётганлиги англашилади. Телефонда гапирётган кишининг *Is Johnny there?* Жонни ўша ердами? деб берган саволида маконга ишора рамзийдир (symbolic) ва унда дейктик бирлик *there* «сен (сиз) турган жойда(ми?)» мазмунини олади. Худди шу бирликнинг анафорик ўриндош сифатида қўлланишини эса *I drove the car to the parking lot and left it there-* Машинани тўхташ жойига ҳайдаб бордим ва уни ўша ерда қолдирдим гапи мисолида кўриш мумкин. Бу ҳолатда макон мазмунини берувчи ибора (*there*) матнда олдиндан эслатилган макон, яъни «тўхташ жойи» ибораси билан хамреферентдир.

Дейктик воситаларнинг жест-ишоравий ва рамзий (gestural and symbolic) қўлланишидаги фарқни кўрсатиш олмошларининг турли нутқий тузилмалар таркибида фаоллашуви мисолида ҳам сезиш мумкин (Ўша асар, 42-б). Масалан, маъруза ўқиётган профессор «Бу бармоқ – бош бармоқ» деса, талабалар дафтардан бошларини кўтариб, қайси бармоқ эканлигини кўрмоқчи бўлишади. Лекин

домла «бу бино» бирикмасини қўлаганда, талабалар бош кўтариб қарашларига унча эҳтиёж йўқ, зеро, улар домла «ҳозир мен (биз) турган бино» мазмунини ифодалашга уринаётганлигини фахмлаб туришибди. Биринчи ҳолатда дейксис жест хусусиятига эга, кейингисиде эса рамзий.

Дейксис ҳодисасига оид масалалар муҳокамаси билан машгул олимлар макон ва замон дейксисларидан қайси бири асосий эканлигини аниқлашга интиладилар. Бундай муаммо пайдо бўлишининг сабаби бу икки турдаги дейксиснинг матн таркибида ўзаро муносабатда бўлиши, бири иккинчисини тақозо этиши, лозим бўлганда, ўзаро ўрин алмаштириши мумкинлигидадир. Бундан ташқари, ягона бир ибора воситасида иккала дейктик мазмунни ифодалаш имкониятининг мавжудлигидадир. Сўзсиз, макон дейксиси замон дейксисига нисбатан мантиқан ва нуткий фаолиятдаги ўрни жихатидан муҳимроқ. Бошқача айтганда, макон дейксиси доимо яширин(ган) замон дейксиси билан бирикиб кетади.

Замон дейксиси. Воқеликда кечаётган ҳодисалар баёнида ва улар ҳақида ахборот узатишда унинг кечиш даври, пайтини кўрсатиш муҳимдир. Бундай кўрсатиш вазифасини замон (вақт) дейксиси воситалари бажаради. Замон ёки темпорал дейксисни ифодаловчи воситалар воқеа содир бўлаётган ҳеч қандай пайтни кўрсатмасдан, балки бирор бир нуткий акт ижросидан олдинги ёки кейинги даврга ишора қилади (Уфимцева 1974: 184). Ҳақиқатдан ҳам замон дейксиси ибораларининг баъзилари айрим вазиятларда ўтган даврга ишора қилса, бошқа вазиятларда қўлланганда келаси замон мазмунини ифодалайди:

1) Май ойининг биринчи ҳафтасидами? Мен ўшанда Японияда эдим.

2) Тўй шанба куними? Яхши, ўшанда кўришамиз.

Ушбу турдаги нутқий тузилмалар мазмунини тўғри англаш учун уларнинг айtilган (битилган пайтини) фаҳмлашимиз лозим. Агарда биз идора эшигидаги *«Икки соатдан сўнг қайтаман»* ёзувини қачон осилганини билмасак, ходимни қанча муддатга кетганини била олмаймиз.

Замон дейксиси ҳам (худди макон дейксисидек) макон ва замон тушунчаларининг нодейктик воқеланиши (концептуал ва лисоний боскичларда) билан боглик ходисадир. Бу богликлик замон ва макон майдонларининг семантик таркибида ўз аксини топади. Барча тил ва маданиятларда замон майдонига оид тушунчалар кун ва тун, ой, мавсум, йил кабиларнинг алмашинуви билан меъёрланадиган ўлчовга эгадирлар. Бу ўлчов, ўз навбатида, *тақвимли* кўринишда юзага келиши мумкин. Замон тушунчаларининг тақвимли воқеланишида Ч.Филлмор ўша машҳур «Санта Круз маърузаси»да айтганидек, «воқеалар бирор бир мутлак *origo* (лат. «манба», «бошлангич нуқта») билан богланган «мутлак» давр (замон)дан жой олади» (Fillmore 1975). Масалан, *бугун, эрта, кеча* кабилар дейктик ўлчовли дейктик бирликлар қаторига кирадилар ва улар бир кунлик вақт оралиги меъёри билан фарқланади.

Тақвимли белгилар вақт оралигини аниқ ўлчовига ишора қилмайдилар. Бинобарин, *«Душанба куни кўришамиз»* гапининг мазмунини тўлиқ англаш, қайси душанба назарда тутилаётганини билиш учун ушбу ваъда қачон (қайси куни) берилаётганлигини билиш зарур (бу ваъда якшанба ва сешанба куни айтилишига нисбатан вақт ўлчови бир кундан етти кунгача фарқ қилади). Шунинг учун ҳам тақвимли темпорал бирликлар аниқ дейктик мазмун олишларида аниқловчилар ёрдамига муҳтожлик сезадилар: *ўтган якшанба, келгуси жума, жорий йилнинг декабри, шу кеча* кабилар.

Замон дейкисининг темпорал мазмун ифодасининг асосий манбаларидан бўлган замон категорияси билан боғлиқлиги масаласи муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу категорияни дейкис ходисасини шакллантирувчи манбалар қаторига киритиш учун барча гаплар нуткий фаоллашганда замон мазмунини ифодалядилар, деган фикрни эътироф этишга мажбурмиз. Аммо «Уч қарра уч тўққиз», «Пилла қурти тут баргини ейди» каби гаплар қайси замонга (мантиқан) оид эканлигини билиш қийиндир.

Замон категориясининг мундарижаси, унинг семантик ва шаклий –грамматик хусусиятлари ҳақида бу рисола саҳифаларида батафсилроқ баён беришнинг албатта имкони йўқ. Айтмоқчи бўлганим, ҳақиқатдан ҳам бу категориал мазмуннинг дейкис майдонида тутган ўрни алоҳидадир. Аммо бажарилаётган турли иш-ҳаракат, фаолиятларнинг замон майдонида ўрин олиши турлича кечади. Кўпчилик ҳолатларда кечаётган фаолият, ходисанинг вақт оралигида оладиган ўрни ва даври аниқ ва равшан бўлса ҳам, бошқа ҳолатларда бу ўрин ва давр ноаниқ бўлиб қолаверади. Санкт-Петербурглик тилшунос Александр Владимирович Бондарко «даврий маконга эга бўлган ва даврий маконсиз ҳаракат, фаолият вазиятларини» фарқлашни таклиф қилади (Бондарко 1987: 210). Ушбу номувофиқликни ўз пайтида сезган поляк олими Э.Кошмидер ҳам «Уч қарра уч тўққиз», «Қўл қўлни ювади» қабалидаги «умумий ҳақиқат»ни ёки мавҳум фактларни ифодаловчи тузилмаларни вақт оралиги қаторидан ўрин олмаганлигини қайд этади. Унингча, «вақт оралигида жойлашиш» ва бундай ўринга эга бўлмаслик ўртасидаги фарқ грамматик шаклларда ўз ифодасини топади» (Кошмидер 1962: 131).

Менимча, юқорида кўрсатилаётган фарқ асосан формал-семантик хусусиятга эга. Бу ходиса прагматик

тахлил нуктаи назардан олиб қаралганда эса улар ўртасидаги номувофикликнинг кескин эмаслиги маълум бўлади. Бунинг исботини кўрсатилган гапларнинг матн таркибида фаоллашуви мисолларида изоҳлаш мумкин.

Умуман, воқеа содир бўлиш, иш-ҳаракат кечиши даврига оид мазмуннинг грамматик шакл мазмунига мос келиши доимий талаб эмас. Бинобарин, «Тешабой Болтабойни урди» гапи кечки пайтда айтилаётганида, «*Тешабой Болтабойни эрталаб урди*» мазмунини берса, бу гап эрталабки пайтда айтилганида эса воқеа кеча содир бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, инглиз тилидаги *If I had a car* «*Агарда машинам бўлганида, (тезда етиб келар эдим)*», *If I was rich* «*Агар бой бўлганимда (эди), саёҳатга чиққан бўлар эдим*» каби тузилмаларда темпорал мазмун грамматик шакл билан боғлиқ эмас. Бошқача айтганда, бу тузилмалардаги ўтган замон шакли воқеанинг ўтган ёки нутқий акт бажарилишидан олдинги даврда содир бўлишидан маълумот бермайди. Аксинча, изҳор қилинаётган истак, хоҳишнинг ижросини ҳозир ёки келажакда кутиш мумкин. Шакл ва мазмун ўртасидаги бундай номувофиклик доим кузатилиб туриладиган ҳолатдир. Шунинг учун ҳам замон категорияси ўз формал ифодасини топмаган тиллар (масалан, хитой тили) темпорал дейксис мазмуни ифодаси имкониятидан маҳрум, деб қаралмаслиги лозим. Нутқий ҳаракат бажарилиши вақт даврийлиги доирасидан ташқарида ҳеч қачон юзага келмайди. Ҳар қандай мулоқот маълум даврда кечади, нутқий ҳаракат аниқ бир вақт оралигида ижро этилади. Демак, замон дейксиси нутқий ҳаракат мазмуни ва мундарижасини белгилашда асосий ўринни эгаллайди. Г.Юл айтганидек, «дейктик иборалар, чегараланган миқдорда бўлишларига қарамадан, кенг кўламда қўлланиладилар ва улар ҳар бир алоҳида қўлланишига нисбатан кўпроқ коммуникатив мазмун

ифодалайдилар» (Yule 1996: 16). Замон дейксиси ҳам бундан мустасно эмас, бу турдаги дейктик белгиларнинг прагматик мундарижаси контекст ва сўзловчи (ёзувчи)нинг коммуникатив мақсади, мулоқот интенцияси билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, дейксис ҳодисаси мулоқот тизимида ягона бир майдонни ташкил қилишини ва ушбу майдонда марказий (ядровий), оралиқ ҳамда чет қисмлар мавжудлигини унутмаслик керак. Энг асосийси, ушбу қисмларнинг сарҳаддошлиги, ўзаро муносабати қаерда ва қачон юзага келишини аниқлашдир. Замон ва макон дейксислари бошқа дейктик мазмун ифодаловчилари учрашадиган, ўзаро қоришадиган ҳудуд эканлигига ҳеч кимнинг гумони бўлмаса керак, деб ўйлайман. Бундай сарҳаддошлар қаторига одатда социал (ижтимоий), дискурс ва модаллик дейксислари киритилади.

Дискурс дейксиси. Ушбу турдаги дейксисни алоҳида ҳодиса сифатида ажратиб олиб ўрганиш лозимлигини тарғиб этганлардан бири Р.Лакоффдир. Олима замон-макон дейксиси билан бир қаторда, эмоционал ва дискурс дейксисларини ҳам ажратиб ўрганишни таклиф қилган. Дискурс ёки матн дейксиси матннинг маълум қисмига ишора қилувчи ибораларнинг қўлланишида намоён бўлади. Масалан, «ҳар ҳолда», «аксинча» каби иборалар матннинг олдинги ёки кейинги қисмларига ишора воситасидир. Бундай ибораларнинг дейктиклар қаторига киритилишининг сабаби улар иштирокида тузилган нутқий структураларнинг референтини матндан излаш имкони мавжудлигидадир (Lyons 1975). Улар «навбатдаги бобда», «охирги абзацда», «келгуси якшанба» каби иборалардек матнда дейктик маънони оладилар. Шунингдек, кўрсатиш олмошлари «бу», «ўша», «(у)» ҳам матннинг олдинги ва кейинги қисмларига ишора қиладилар: *Бу ҳикояни*

эшитмаганингиз маъқул; Бу мен эшитган ҳикоялар ичида энг маъқули эди.

Дискурс дейксисининг анафорага жуда ҳам яқин ҳодиса эканлиги сезилиб турибди. Анафоранинг асосий белгиси кореферентлик эканлиги ҳақида юқорида келишиб олган эдик. Анафоранинг биргина гап таркибида, бир неча гаплар муносабатида, матнда юзага келиши қайд этилган. Дейксис ва анафоранинг мослашуви, ўзаро муносабатда бўлиши ҳам эътироф этилган. Дейктик иборалар референт ҳақида маълумот берса, анафорик олмошлар ушбу воқелик (объектни) қайта такрорлайдилар. Аммо бу икки ҳодиса ўртасидаги фарқни ҳам топмоқ лозим: олмош ёки бошқа ибора матннинг маълум қисмига ишора қилганида дискурс дейксиси мавжуд, бироқ олмош ва матндаги бошқа бир лисоний белги бир хил референт билан боғлиқ бўлганида, анафора ҳодисаси намоён бўлади.

Анафора ва дискурс дейксисини фарқлаш муаммоси прономинализация, яъни отлашиш ҳодисаси талқини билан ҳам боғлиқ. Бу борада, дастлаб, «ялқовлик олмоши» (pronoun of laziness) деб ном олган ҳолатни эсламоқ керак (Lyons 1977: 673):

The man who gave his paycheck to his wife was wiser than the man who gave it to his mistress.

«Ўз банк тўлови (чеки) китобчасини хотинига берган одам уни хонимига (севгилисига) берган кишига нисбатан ақллидир».

Ушбу гап таркибидаги *it* олмоши *paycheek* «банк тўлови чеки» бўлагига ҳамреферент бўлмасдан, балки тўлиқ бир *the paycheek of the man whose mistress got it* «ўша одамнинг севгилисига берган банк тўлови чеки» мазмунидаги от фразасининг ўрнини олади деб ҳисобланади.

Худди шунингдек, олмошларнинг нутқий фаоллашувида шундай ҳолатлар учрайдики, бундай

фаоллашувни анафора ходисаси доирасига киритиш мушкулдир:

-I've never seen him. «Мен уни ҳеч қачон учратмаганман».

-That`s a lie «Бу ёлгон!».

Ушбу диалогда that «бу» олмоши анафорик богловчи вазифасини ўтамайди, унинг референти биринчи лукма-гапнинг пропозициясидир. Олмошларнинг «муаллақ» ҳолатда қўлланишига эътибор қаратган Ж.Лайонз бундай қўлланишда impure textual deixis «нотўғри матн дейксиси» юзага келади деб ҳисоблайди (Lyons 1977: 670). Аммо that «ўша» олмошининг матнда анафора ёки унга яқин вазифада қўлланиши умумий ҳолат эканлигини ҳам унутмаслик керак. Олмошнинг бундай вазифаси фаоллашувида референт ўзгармайди (Cherchia, Mc Connell –Ginet 1990): Every girl brought her favorite piece of clothing to school and wore that to the party rather than her_«*Ҳар бир қиз мактабга ўзи ёқтирган бирорта кийимини олиб келар эди ва уни форма сифатида эмас, балки тантана (кеча)дагидек кияр эди».*

Нутқ тизимида бундай ҳолатларнинг юзага келиши анафора ҳар қандай кўринишда ҳам дейксис билан «тўкнашиши», бу икки ходисанинг узлуксиз ўзаро муносабатда бўлишидан гувоҳлик беради.

Барча тилларда нутқий ҳаракатни мулоқот матннинг олдинги қисми билан богловчи иборалар, бирликлар тўплами мавжудки, уларнинг бажарадиган вазифасини дискурс дейксиси сифатида таърифласак, хато қилмасак керак. Бундай иборалар қаторига инглиз тилидаги but, therefore, anyway, well, besides, all in all, so, after ҳамда ўзбек тилидаги *аммо, лекин, бироқ, аксинча, шундай қилиб, шу боис, ҳар ҳолда, аниқроғи, бундан ташқари* каби бирликлар киради. Уларнинг асосий вазифаси матннинг

олдинги қисмига ишора ёки ўша қисмдаги мулоҳаза-саволга жавобни тайёрлашдир.

Маълумки, матннинг таркиб топиши, унинг мундарижавий шаклланиши узатилаётган ахборотнинг мазмунига боғлиқдир. Ахборот мазмунини муҳим қисмлари ёки «асосий мавзу» нутқий баёнда алоҳида ажратилиб, бўрттирилиб кўрсатилиши талаб қилинади. Мазмуннинг асосий, муҳим қисмларининг бўрттириб кўрсатилиши масаласи тилшунослар эътиборини илгаридан жалб қилиб келмоқда. Прага лингвистик тўғараги вакиллари қўллаган гап таркибини тема ва рема қисмларига ажратиб ўрганиш анъанаси барча тиллар тизими таҳлилига тадбиқ этилди. Аммо ушбу таҳлил методи кўпроқ гап синтаксиси доирасида қўлланилмоқда. Бу ҳатто «тема» тушунчасининг қомусий таърифида ҳам ўз аксини топган: «тема – маълум гапда таъкидланаётган нарсадир» (маълумотдир? –Ш.С.) (Линг. Энци. Сл. 1990: 507; Ҳожиёв 2002). Амалда, ахборот мазмунининг энг асосий қисми нутқий фаолиятда, матн доирасида намоён бўлади. Шунинг учун «топик – изоҳ» (topic - comment) тушунча – атамаларига мурожаат қилганимиз маъқулроқ.

Ҳар бир мулоқот матни ўз асосий мавзусига, топикига эга ва бу асосий мавзу негизида мулоқот бирлигининг макропропозицияси ёки макроструктураси ётади (Brown, Yule 1983: 71; Дейк ван, Кинч 1988: 173.). Макропропозициянинг лисоний вокеланиши топик (асосий мазмун) нинг шаклланиши ва унинг матндаги ифодасига сабаб бўлади.

Когнитивларнинг кузатишича, макропропозициянинг ҳосил бўлиши микропропозициялар тўпланиши ва тартиблашуви жараёнини акс эттиради. Маълум бир катордан ўрин олаётган микропропозициялардан бирортасининг фаоллашуви,

асосий ўринга чиқиши натижасида ахборотнинг фокуси (foci) ва топик юзага келади (Huck, Na 1990).

Топикнинг матнда ифодаланиши турли ҳолатларда турлича кечади. Айрим тилларда топикни формал-грамматик ифодалаш воситалари мавжуд. Масалан, япон тилидаги Ano-hon-wa Koguch-ga kat-ta «Когучи сотиб олган ўша китобни» гапида ano-hon-wa «ўша китоб» бўлаги топикдир ва ушбу топикни ифодаловчи восита – wa морфемасидир. Гапнинг эгасини эа – ga морфемаси белгилайди. Инглиз ва ўзбек тилларида эса ахборотнинг диққатни жалб қилувчи қисми кўпинча интонация ва сўз тартибини ўзгартириш йўллари билан ифодаланади ва ушбу қисм нутқий тузилмаларнинг олд қисмларидан ўрин олади.

Топикни белгиловчи ва нутқий ифодаловчи воситалар мулоқот матнининг олдинги қисмида қайд этилган ёки кейин бериладиган маълумотни кўрсатиш, ушбу маълумотнинг муҳимлигига ишора бўлганлиги учун ҳам одатда дейктик воситалар қаторига киритиладилар. Дискурс (матн) дейксиси бевосита топик-изоҳ ҳодисаси ва бу ҳодисани шакллантирувчи структуралар билан боғлиқ эканлиги ҳеч қандай гумон тугдирмаса ҳам, аммо ушбу боғлиқликнинг назарий таҳлили ва илмий асоси ҳозирча ўз навбатини кутмоқда.

Эмоционал дейксис. Воқеликдаги предмет-ҳодисаларнинг идроки бир хилда кечмайди. Турли шахслар ягона бир воқеликка турлича, ўз нуқтаи назарларидан қарайдилар, уни идрок этишда шахсий мотивларига эга бўладилар. Ҳар бир шахснинг воқеликни баҳолаш меъёри (ўлчови) мавжуд ва бу «шахсий ўлчов» тўғридан-тўғри нутқий фаолиятда ўз аксини топади. Умумий тилшунослик фанининг асосчиларидан бири бўлган Вильгельм фон Хумбольдт предметлар идроки субъективлик хусусиятига эга эканлигини ва бу субъективлик тил қурилишида акс

этишини таъкидлаб, сўзни предметнинг айнан акси эмас, балки инсон қалбида ҳосил бўлган тимсол (образ)нинг инъикоси сифатида қараш лозимлигини уқтиради. Ҳар қандай объектив идрокка субъективлик ҳамроҳ бўлишини инobatга олиб, «ҳар қандай индивидуал инсонни, ҳатто лисонга эътибор бермаган ҳолда ҳам, олам идрокида алоҳида нуқтаи назарга эга деб ҳисоблаш керак» (Гумбольдт 1984: 80). Олмон файласуф-тилшуносининг ушбу фикри кўпчиликка маъқул келиши аниқ эди. Лисонда субъективлик мавзусини давом эттирган фаранг тилшуноси Эмиль Бенвенист «лисонда (лисоний фаолиятда деса маъқулроқ – Ш.С.) инсоннинг ўрни бетакрордир», деб хитоб қилади, чунки «ҳар бир сўзловчи шахс ўзини нутқда ўзига «мен» сифатида ишора қилаётган субъектдек тасаввур қилади» (Бенвенист 1974: 294).

Воқеликнинг тафаккур ва лисондаги акси, ифодасининг субъективлиги психологлар тадқиқотларида ҳам ўз тасдигини топган. Л.С.Выготский биринчилардан бўлиб тафаккур фаолиятининг аффеktiv манбалари мавжудлигини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилди. У «мазмун» («смысл») тушунчасини лисоний белги маъносига нисбатан субъектив шахсий тажриба жараёнида тугиладиган эмоционал муносабатларни аташда қўллашни тавсия қилгани маълум (Выготский 1956: 369). «Шахсий мазмун» (личный смысл) атамасини амалиётга киритган А.Н.Леонтьев (1977) ҳам ҳис-туйғу субъект фаолиятида пайдо бўладиган шахсий мазмунни шакллантирувчи омил, восита бўлишини эътироф этади.

Буларнинг барчаси нутқий фаолиятнинг шахсига оид томонлари, индивидуал дейксиснинг мавжуд эканлигидан дарак беради. Бундай дейксис эмоционал дейксис кўринишига эга ва у нутқий мулоқот иштирокчиларининг лисоний фаолияти амалларини белгилаб беради.

Эмоционал дейксис шахснинг (аникроги – лисоний шахснинг) воқелик билан муносабати натижасидир ва унинг ифода воситаси тил қурилишининг турли сатҳларига оид лисоний бирликлардир. Дастлаб унутмаслик керакки, *эмотивлик* ҳар қандай нутқий ҳаракат мундарижасига хосдир, зеро, сўзловчи кечаётган воқеа-ҳодиса идрокида бетараф бўлиб қола олмайди ҳамда нутқий баёнида, ахборот узатишда ўз ҳиссиётини изҳор этишга мажбурдир. Аммо ҳиссиёт даражаси ҳар хил, унинг миқдори тингловчига (ўқувчига) қайси даражада таъсир ўтказиш ва қандай фаолиятга ундаш мақсади билан белгиланади. Лисоний фаолиятда эмоционаллик ва рационаллик (мулоҳазакорлик) муносабати нисбатини кадрлаш талаб қилинади. Эмоционалликнинг нутқий фаолиятда турли кўриниш ва даражаларда ифодаланиши ҳис-туйғуни изҳор этиш мақсади, модаллик мазмуни, тоналлик (оҳангдошлик) каби нутқий бирликлар мазмун доирасини шакллантирувчи ҳодисалар иштирокида ҳосил бўлади. Эмоционалликнинг нутқий фаолиятда акс этиши муаммолари билан кўп йиллардан бери шугулланиб келаётган ҳамкасбимиз Волгоград педагогика университетининг профессори В.И.Шаховскийнинг қайдича, турли сўзловчилар кўллайдиган эмотив нутқий тузилмаларнинг мазмун ва ифода доираларига оид хусусиятлари мулоқотдошларнинг эмоционаллик ифодасига бўлган эҳтиёжи, мақсади билан боғлиқ. Бу эҳтиёж эса сўзловчи шахсларнинг воқеликка муносабати, уни идрок этиш мақсади билан белгиланади. Айнан шу мақсаднинг лисоний акс топиши эмоционал дейксиснинг воқеланишидир (Шаховский, Жура 2002: 45).

Замонавий тилшуносликда дейксис ҳодисаси кенг маънода талқин қилиниб, унинг нутқий фаолиятнинг барча турларига оидлиги эътироф этилмоқда. Дейктик мазмун коммуникатив ҳаракатнинг «замон-макон-ижтимоий тугуни қўшимчаси» (Кравченко 1992: 88) сифатида ҳосил

бўлади ҳамда турли шакл, кўринишда намоён бўлиш имкониятига эга. Ҳис-туйғунинг нутқий фаолият кечишидаги таъсири эмоция дейксисининг турли кўринишларини намоён қилади. В.И. Шаховский ва унинг шогирдларининг фикрича, эмоционал нутқий фаолиятнинг кечиши тўрт асосий хусусиятнинг ўзаро муносабати натижасидир. Бундай кўрсаткичлар қуйидагилардир: 1) сўзловчининг эмотив мақсади (интенцияси); 2) унинг хиссиётининг модаллиги; 3) эмоционаллик даражаси; 4) эмоциянинг йўналтирилиши, яъни мўлжали (Шаховский, Жура 2002: 47).

Е.М.Вольф эмоционал нутқий бирликларнинг икки хил интенцияга (мақсадга) эга бўлишини таъкидламоқчи бўлган эди. Биринчи турида тингловчида маълум бир ҳис-туйғу тугдириш мақсади кўзланса, иккинчисида эса сўзловчи ўз хиссиётларини маълум қилишга ҳаракат қилади (Вольф 1985: 166). Бироқ бу икки турдаги мақсадни бир-биридан ажратиш қийин, ҳар иккала ҳолатда ҳам коммуникатив вазифа бир хилда намоён бўлади ва нутқий ҳаракатдан кутиладиган самара ҳам яғонадир. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам нутқ субъекти баён қилинаётган ҳодиса ва нутқ вазиятига эмоционал баҳо беради ҳамда тингловчининг хатти-ҳаракатига таъсир ўтказди.

Баҳолаш ҳаракатининг юзага келишида беш унсурнинг мавжудлиги мажбурийдир, булар: субъект, объект, асос, эталон (намуна) ва баҳолаш белгиси. Баҳолаш дастлабки ўринда субъект-объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, эътиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб туришини аниқлаш жараёнида ҳосил бўлади. Ушбу жараёнда субъект объектнинг баҳоланаётган хусусиятини идеал намуна ёки меъёрга қиёслайди ҳамда ушбу меъёрга қай даражада мос келиши ёки узоклашишига нисбат беради. Ниҳоят, барча «ўлчов»лар босқичидан ўтган баҳо лисоний белги

воситасида воқеланади. Баҳонинг юзага келиши ва баҳолаш ҳаракатининг фаоллашуви учун мантикий асос талаб қилинади. Бундай асоссиз ҳар қандай ақлий ва лисоний фаолият бесамар, ҳатто ножўя тус олишини биламиз. Асоссиз қиёс ва баҳога ҳожат йўқ. Баҳолаш ҳаракатининг мантикий асосида эмоция интенцияси ётади.

Ўз пайтида Гегель субъект ва объект муносабатининг гносеологик хусусиятлари ҳақида гапираётиб, бу муносабатда ҳеч қандай қарама-қаршилик, бири иккинчисини инкор қилиш ҳолатлари йўқлигини уқтирган эди. Дарҳақиқат, воқеликни идрок этиш жараёнида субъект ўзини ҳеч қачон ушбу воқеликдан айри ҳолда тасаввур қилмайди ва бунга унинг ҳиссиёти ҳам йўл қўймайди. Ҳиссиёт, эмоция идрокнинг мантикий тафаккур босқичидан олдинги ҳолатдир, эмоционал ҳис этиш босқичида идрок ҳосил бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай рационал (мулоҳазали) идрок баҳолаш ҳаракатига асосланади деб ҳисобланади (Вольф 1980: 85).

Эмоция дейксисининг кўрсаткичларидан бири бўлган баҳолаш ҳаракати иллокутив мақсад ва перлокутив вазифа умумлашмасидан иборат (Пиотровская 1995: 45). Иллокутив мақсад воқеланишида нутқ субъектининг эмоционал-ҳиссий ҳолати намоён бўлса, тингловчи – адресатга таъсир ўтказилишини тақозо этади. Биринчи ҳолатда сўзловчи воқеликда кечаётган ҳодисани баҳолаётиб ўз ҳиссиёти, туйғусини ифодалайди. Масалан, *«Бошқа бундай яшай олмайман! Ўзимни ўлдиришга тайёрман!»* қабалидаги нутқий ҳаракатда сўзловчи ўз қайғуси, дард-аламини изҳор қилмоқчи бўлса, *«Бу ўта насткашлик, мунофиқлик! Сен бундан узоқ бўлишинг керак!»* қабалидаги ҳаракат перлокутив вазифани, яъни тингловчини ўз қилмишидан уялишга, афсусга ундаш мақсадини кўзлайди.

Шу ўринда эмоционал баҳо бериш воситаси бўлган гапларнинг ҳақиқий мазмунини матнсиз аниқлаш қийин вазифа эканлигини эслатмоқчиман. Бинобарин, инглиз тилидаги *What a life that is!* Ундовини интонациянинг ўзгариши ҳамда қайси вазиятда қўлланишига нисбатан «*Қандай яхши ҳаёт!*» ва «*Қандай ёмон ҳаёт!*» муқобиллигида таржима қилиш мумкин.

Бундан ташқари, сўзловчи шахснинг воқеликка бераётган эмоционал баҳоси «бамайлихотир баён» усулида ҳам ифодаланиши мумкин: «*Эътирозларимиз жуда ўринли бўлди!*».

Худди шунингдек, эмоционал баҳо мазмунини ифодалаш «юки» махсус грамматик тузилмалар зиммасига тушиши мумкин. Масалан, инглиз тилида бир таркибли номинатив тузилмалар салбий баҳони ифодалаш имкониятига эга (*What an idea?* «*Бу қандай хомхаёл!*»), ушбу тузилмалар таркибида феъл бўлганда эса, ижобий баҳо ифодаланади: *That is an idea!* «*Мана бу (ажойиб) фикр!*».

Дейксиснинг тил лугат ва грамматик тизимларида акс топишини махсус таҳлил қилган тилшунослардан бири Ю.Д.Апресян борлиқдаги объектлар ва уларнинг лисоний тафаккур идрокида боғлиқлик доимо бир хилда бўлмаслигини сезиб, сўзловчининг «шахсий худуди» тушунчасидан фойдаланишни маслаҳат берган эди (Апресян 1986). Бу тушунчанинг мазмуни шундан иборатки, инсон ташқи дунёдаги объект, воқеаларни ҳис ва идрок этаркан, уларга дахлдорлигини аниқламоқчи бўлади. Объект ва субъект муносабати эса, ўз навбатида, икки хил кўринишда намоён бўлади. Биринчисида, объект субъектга тобе ҳолатни олади, яъни субъект воқеанинг ташаббускори ва унинг кечишини ўз назоратига олади, бундан шахснинг назорат худуди ҳосил бўлади. Иккинчи ҳолатда эса, шахс воқеликни бевосита назорат қилмайди, аммо унга ўзини

дахлдор деб ҳисоблайди. Бунда субъект-объект муносабати кучсиз, воқеа шахснинг дахлдорлик ҳудуди доирасида кечади.

Объектнинг бу икки турдаги идроки концептуал тузилмаларнинг лисоний воқеланишида ўз аксини топиши муқаррар. Мисол тариқасида турли тилларда шахссиз гапларнинг нутқий фаоллашуви даражасини келтириш мумкин. Маълумки, эгаси ифодаланмаган гапларда иш-харакат субъекти ноаниқ, мантиқан умумлашган бўлиб қолади. Бу эса айнан субъект томонидан назоратнинг йўқлигидан, унинг воқеага фақатгина дахлдор, оддийгина муносабат билдирувчи шахс бўлиб қолишидан дарак беради.

Субъектнинг идрок объектига бўлган муносабатининг бу шаклда турли кўринишларда кечиши эмоциянинг модаллиги белгиларида ва ушбу модалликнинг лисоний ифодаланишида намоён бўлади. Эмоциянинг даражаланиши (градуаллиги) унинг сифат кўрсаткичидир, шунинг учун ҳам модаллик инсон ҳиссиётининг алоҳида турларини (масалан, кўркув, эҳтиёткорлик, ваҳима, даҳшат кабилар) лисоний белгилайди. Бундай даражаланишнинг нутқий фаолиятда акс этиши эса нутқий тузилма таркибида сўзловчи-субъектнинг объектга ва узатилаётган ахборотга нисбатан фикри, нуқтаи назарининг «соя»сидан бошқа нарса эмас. Умуман, нутқий ҳаракатда дейксис ва модаллик муносабати муҳим рол ўйнайди (Яковлева 1990).

Даражаланиш ходисасининг мантиқий ва лисоний босқичлари ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган фарқларни биринчилардан бўлиб ажратишга ҳаракат қилган Э.Сепир ҳар иккала ҳолатда ҳам даража миқёсини белгилаш истаги маълум бир меъёрга, нормага асосланишини қайд қилган эди (Сепир 1985: 59). Меъёр – баҳо бериш ўлчови, асосидир. Ҳар қандай меъёр бирор бир эталон - намунага нисбатан белгиланади ва объектларни

қиёслаш учун хизмат қилади. Даражаланишнинг лисоний ифодаси турлича, турли сатҳларга оид бирликлар воситасида кечиши маълум (Бозоров 1995; Bolinger 1972; Bierwisch 1984; Vakhidova 2007), аммо ушбу воситаларнинг эмоция модаллигини таъминлашдаги ўрни масаласига унчалик эътибор берилганича йўқ. Холбуки, Э.Сепир ўтган асрнинг биринчи ярмидаёқ (муаллифнинг ҳавола қилинаётган мақоласи 1944 йилда чоп қилинган: Sapir 1944) барча турдаги градуаторларнинг (даражалаш воситаларининг) ҳукми, билдирилаётган фикрни маъқуллаш ёки маъқулламаслик мазмунини юзага келтириш яширин имкониятига эга эканлигини таъкидлаган эди (Сепир 1985: 66).

Маълумки, тил оламни билиш воситасидир. Унинг воситасида инсон ижтимоий-маданий воқеликда ўз ўрнини топади, фаолият мўлжалини олади. Мўлжални топиш учун меъёрий ўлчов белгиси, яъни эталонни аниқлаш лозим. Ушбу эталон – намуна асосида идрок қилинаётган воқеликнинг идрок этувчи шахс учун муҳим, «қадри» томонлари аниқланади. Объектнинг муҳим томонлари уни баҳолаш учун асосдир. Нутқ ва матн фаолияти инсоннинг мўлжал олиш фаолияти сифатида қаралиши мумкин ва бу фаолият жараёнида воқелик «қийматли» қисмларга ажратилади. Бу қисмларнинг ажратилиши, биринчидан, лисоний меъёрга эга бўлса. иккинчидан, сўзловчи – субъектнинг шахсий эҳтиёжи, танлови талабларига жавоб бериши керак (Борьботко 2007: 55). Худди шу фаолият асосида яна бир мантиқий жараён, яъни кадриятга нисбатан қиёслаш ҳаракати юзага келади. Қиёслаш ҳам турли кўринишни олади ва баҳолаш, меъёрлаштириш ҳаракатлари билан ҳамроҳлик қилади. Қиёслаш асосида юзага келадиган баҳо даражаси эса доимий равишда прагматик омиллар таъсирида бўлади. Прагматиканинг таъсир доираси шу қадар кучлики, ҳатто қиёслаш намунаси

(эталони) танлови ҳам ихтиёрий тус олиб, эркин кечади. Шу сабабли бўлса керакки, даражаланиш муаммосига кўп вақти ва куч-қувватини сарфлаган олимлардан бири Д.Болинжер «Градация (даражаланиш) сўзлари тилни катъий ва мажбурий тизим сифатида тасаввур қилиш нотўғри эканлигидан гувоҳлик беради» даъвосида ўзини ҳақли деб ҳисоблайди (Bolinger 1972: 19).

Умуман олганда, ҳар қандай ҳиссиётли ҳаракат когнитив асосга эга эканлигини унутмаслик керак. Борлиқ идроки билимсиз кечмайди, идрокнинг ҳар қандай босқичи онгли равишда, шахснинг билими доирасида кечади. Демак, қиёслаш ва баҳолаш ҳаракатлари қанчалик эмоционал хусусиятга эга бўлмасин, охир оқибатда когнитив фаолиятнинг бир қисми бўлиб қолишади. Қиёслаш ва баҳолаш инсоннинг қайси намунани ва қандай даражаланиш меъёрини танлаши билан боглиқ. Когнитив психологияда идрокнинг эпистемологик (билиш) фаолияти билан доимий алоқадорлиги алоҳида таъкидланади. Инсон идрок қилинаётган объектнинг қайси томонига, жиҳатларига кўпроқ эътибор бериши уни идрок фаолиятига ундаётган вазият ва мақсад билан ҳамда унинг шахсий коммуникатив «дастури» билан боглиқдир. Бу «дастур» танловга ундайди ва шахс, ҳар қандай фаолият турида бўлганидек, танлов фаолиятида ҳам ўз ижтимоий тажрибасига таянади.

Инглиз файласуфи П.Ноуэлл-Смитнинг «дунёда танлов имкони бўлмаган такдирда кадриятларни баҳолаш (appraising) ва даражалаш (grading) тушунчалари ҳам тугилмас эди» деган фикрини давом эттирган Н.Арутюнова «Баҳо предикатларининг барча вазифалари ва қўлланиш усуллари танлов тушунчаси доирасида бирикадилар» деб таъкидлайди (Арутюнова 1988: 50; қиёсланг: Nowell-Smith 1957; Ноуэлл-Смит 1985). Ҳақиқатдан ҳам нуткий фаолият ташаббускори, яъни сўзловчи шахс объект ҳақидаги

маълумотни тингловчига етказиш учун ушбу объектнинг «қандайдир» хислатларини танлайди ва шу хислат асосида объектга баҳо беради ҳамда баҳо маълумотини адресатга узатади. Бундай баҳо бериш ахбороти эса, ўз навбатида, тингловчига таъсир ўтказиш ва уни бирор бир хатти-ҳаракат, фаолиятга ундаш мақсади учун хизмат қилади. Оксфорд мактабига мансуб яна бир инглиз мантиқшуноси Р.Хэарнинг ёзишича, баҳо – нутқда тавсия, маслаҳат, кўрсатма ва ҳатто амр мазмунларини ифодалаш қобилятига эга. Масалан, «қизил машина» ва «якши машина» ибораларини солиштирсак, улардан биринчисида объектнинг тавсифий, яъни *descriptive* (descriptive) хусусияти ифодалангани, иккинчисида эса, объектнинг таърифий хусусияти аниқланиб, баҳо (evaluative) белгисига ишора қилинмоқда. Натижада «Бу якши машина» нутқий ҳаракати нутқий адресатга шу русумли машинани сотиб олиш тавсиясини бериши мумкин. Бундай ҳолларда баҳо предикатининг тавсия, маслаҳат мазмуни ва вазифаси (recommendatory function) фаоллашади (Хэар 1085: 187; киёсланг: Стивинсон 1985).

Нутқий бирликларнинг эволюатив, яъни баҳолаш вазифасини кенг маънода тушуниш лозим. Зеро, тафаккур фаолияти қийматларга таянади ва баҳо мезони бўлган қиймат табиий ва маданий асосга эга бўлишдан ташқари, этик, эстетик ҳамда лисоний хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин. Ўтган асрнинг 20-йилларида рус филологи М.М.Бахтин (Волошинов) «ҳар қандай нутқий бирлик баҳолаш мўлжалидир» деб хитоб қилган эди. Бундай хитобнинг сабаби бор, чунки инсон дискурсив фаолиятининг ўзи баҳолаш ҳаракатларининг босқичма-боқич муносабатини юзага келтиради. Фаранг тилшуноси Жан Пейтарнинг таъбирича, баҳолаш фаолияти қийматлар киёси сифатида ижтимоий хусусиятга эга ва у «социал баҳолаш ҳаракати бирор бир нутқий ҳаракатни

бошқаларига нисбатан вазиятга мослаштириш истаги натижасида пайдо бўлади» (Peuytrad 1990:21), деб ҳисоблайди. Демак, баҳолаш фаолияти инсон лингвокогнитив фаолиятининг махсулидир. Баҳолаш ҳаракатининг ҳар қандай кўриниши идрок ва нутқ субъекти фаолияти билан боглиқ ҳолда тавсифланиши сабабли бу ҳаракатларни эмоционал дейксис ҳодисасининг ажралмас қисми сифатида таърифлаш маъқулроқдир.

Социал дейксис. Дейксис категориясини прагмалингвистиканинг асосий тадқиқ объектларидан бири сифатида қараган Г.Юл, шахс дейксисининг уч қисмли эканлигини («мен», «сен», «у») қайд этаётиб, эътиборни дунёнинг кўпгина тилларида сўзловчи, адресат ва учинчи (кузатувчи ёки мулоқот иштирокчиси бўлмаган) шахс жамиятда тутган ижтимоий мавқеига нисбатан номланишларига эътиборни қаратади. Энг асосийси, бу тилларда шахс ижтимоий мавқеи махсус лисоний бирликлар, грамматик шакллар воситасида ифодаланади. «Ҳонорификлар» (honorific) деб аталаётган ушбу бирликларнинг нутқий мулоқот матнларида қўлланиши социал дейксис ҳодисасининг намунаси сифатида талқин қилинади (Yule 1996: 10-11).

Социал дейксисни фақатгина Жанубий-Шарқий Осиё тилларида (масалан, хитой, япон, корейс тиллари) тарқалган махсус грамматик шакллар – «ҳонорифик»лар тизими билан боглаш ушбу ҳодисанинг тор маънодаги талқинига сабаб бўлиши мумкин. Менимча, Ч.Филлморнинг социал дейксисни «гапларнинг нутқий акт ижро этилаётган ижтимоий муҳитнинг амалийлиги билан шартланган ва ушбу амалийликни аниқлаб, акс эттирувчи хусусиятларига оид ҳодиса» (Fillmore 1975: 78), деб қараши анча ҳақиқатга яқиндир. Аммо ушбу таъриф ҳам тўлиқ даражада қониқарли эмас. Биринчидан, социал дейксис мазмунини гап доирасида эмас, балки мулоқот

матни таркибида ҳосил бўлувчи факт сифатида қараш лозим. Иккинчидан, коммуникантлар ижтимоий мавқесининг қайси белгилари қандай ҳолатларда коммуникатив муносабатларда акс топиб, матн таркибида лисоний воқеаланиш даражасига етиб келишини эътиборга олмасдан туриб, социал дейксиснинг мундарижасини ва моҳиятини ёритиб бўлмайди.

Фикримни исботлаш учун Г.Юл келтирган бир мисолга мурожаат қилмоқчиман. Маълумки, ҳозирги замон испан тилида 2-шахс олмошлари, худди ўзбек тилида бўлганидек, «сен» ва «сиз» кўринишига эга: «tu»/ «usted». Аммо ҳозирги пайтда ҳурмат маъносига қўлланилаётган «Usted» тарихан учинчи шахс олмоши бўлган. Мулоқот жараёнида унинг иштирокчилари ўртасидаги коммуникатив масофани ифодалашга бўлган эҳтиёж учинчи шахс олмошининг вазифавий кўчишига сабаб бўлган ва Usted социал дейксиснинг ифода воситасига айланган. Айнан шундай вазифавий кўчиш ҳолатлари ўзбек тилида ҳам кузатилади: «*Ўзлари келдиларми?!*» («*Келдингизми?!*» маъносига) ёки «*Унга гапирман, сен эшит*» қабилдаги «*Ўринларини йиғиштириб олсалар, яхши бўлармиди?!*» билвосита нутқий актларидир.

Лисон борлиқни идрок этиш ва унинг ҳақида ахборот узатиш воситаси эканлиги ҳақида гапирилди. Аммо лисон борлиқни айнан акс эттирмайди, у борлиқ билан ўз ички тузилиши орқали муносабатда бўлади. Тиллар ўз тузилиши ва грамматик қурилиши билан фарқ қиладилар. Ҳинд-европа ва туркий тиллар оилаларига мансуб тиллар грамматик тизимида бирлик ва кўплик (баъзан жуфт) сон шакллари мавжуд бўлган бир пайтда, Жанубий-Шарқий Осиё тилларида идрок қилинаётган хусусиятларнинг сонини кўрсатиш шарт эмас. Шунингдек, охири гуруҳдаги тилларда феъллар шахс категориясига эга эмас, аммо уларда социал мавқе тизимига ишора қилувчи шакллар

мавжуд. Ўзбек тилида ҳам феъл шаклларида хурмат категорияси ўз ифодасини топади («Жаноби олийлари ташриф буюрдилар»), аммо от тизимида, герман ва роман тилларида бўлганидек, аниқлик /нониқлик маънолари грамматик кўринишни олмайди. Масалан, инглиз тилидаги *A house is on the hill* гапидаги ноаниқлик мазмуни «Тепаликда қандайдир бир уй турибди» қабилида тушунилса, *The house is on the hill* гапи эса «(Бу, ўша) уй тепаликда турибди» кўринишида ўгирилади.

Лисоннинг борлиқни идрок этишдаги ролининг муҳимлигини уқтирган Э. Сепир ўз пайтида, бу идрокни лисон иштирокисиз кечиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасликка чақирган эди: «Одатда, ўйлаганларидек, инсонлар объектив дунёда ва ижтимоий фаолият дунёсида оддийгина эмас, балки улар катта миқёсда ушбу жамият учун ифода воситаси хизматини ўтаётган тилнинг таъсири остида яшайдилар. ... аслида, ушбу «объектив борлиқ» беихтиёр маълум гуруҳга хос бўлган лисоний нормалар (меъёрлар) доирасида таркиб топади. Биз у ёки бу ходисаларни асосан бизнинг жамиятимизда барқарор бўлган лисоний меъёрлар айнан шу ифода шаклини танлаганлиги сабабли худди шу йўсинда кўрамыз, эшитамиз ҳамда идрок этамиз». Устозининг ушбу таърифини ўз мақоласига эпиграф сифатида танлаган Бенжамин Уорф лисоннинг инсон фаолиятига таъсирини унинг қўлланишидаги умумий қонуниятлардан излаш билан чегараланиб қолмасдан, балки ходисалар баҳосида ҳам кўриш лозимлигини алоҳида таъкидлайди (Уорф 1960: 198).

Кейинчалик тилшунослар томонидан «Сепир-Уорф фарази» деб номланган ушбу гоёни эслатишимдан мақсад – социал дейксис мазмуни ва ифодаланишини фақатгина грамматик шакллар тизимидан излаш шарт эмаслигини исботлашдир. Ушбу мазмунни ифодаловчи манба турли

тилларда турлича бўлиши аниқ, ҳар қандай тилда сўзлашаётган шахс ахборот узатиш билан бир қаторда ушбу ахборотга ҳамда мулоқотдошга бўлган муносабатларини ҳам билдиришга мажбур. Сухбатдошга нисбатан билдирилаётган муносабат яширин ёки очик, ижобий ёки салбий, бевосита ёки билвосита ва бошқа кўринишларга эга бўлиши мумкин. Бу турдаги муносабатларнинг барчаси социал дейксис ҳодисаси мундарижасида ўз аксини топади. Социал дейксисга хос бўлган белги-муносабатларнинг турли ижтимоий гуруҳ ва мулоқот муҳитларида турлича намоён бўлишини ҳам унутмаслик керак. Бундай фарқ ҳатто мулоқот иштирокчиларининг жинсига ҳам боғлиқдир. Масалан, ҳонорифик воситаларнинг аёллар нутқида кўпроқ учраши маълум. Япон аёллари эркаклар фақатгина юқори табақали шахсларга нисбатан кўллайдиган ҳурмат шакллари оддийгина нотаниш шахслар билан танишув вазиятларида ҳам қўллашлари қайд этилган (Japan 1994: 300).

Ҳар қандай тил ва маданиятда социал дейксиснинг икки асосий тури ўз белгисига эга. Булар, ижтимоий мавкенинг доимийлиги ва ўзгарувчан ёки нисбийлиги акс топишига нисбатан, мутлақ социал дейксис (*absolute*) ва нисбий (*relational*) социал дейксис ёрликларини олишган (Levinson 1983: 90). Социал дейксис мазмунининг нисбийлиги ўз навбатида, сўзловчининг референт, адресат, кузатувчи (3-шахс) ва ижтимоий муҳитга бўлган муносабатида, нутқий фаолият ҳаракатларининг улар билан боғлиқ ҳолда кечишида намоён бўлади. Бундан ташқари, бу боғлиқликлар кўпгина ҳолатларда маънавий ва маданият кадриятларига қарам ҳолда шаклланадилар. Хусусан, айрим тилларда сухбатдошлар ижтимоий мавкенининг грамматик тизимда акс этишини қариндошлик, уругчилик каби табақаланишлар муносабатида ҳам кўриш мумкин. Барча маданиятларда мавжуд бўлган

муружаатнинг табу шакллари (масалан, эр-хотиннинг бир-бирига фарзандининг исми билан ёки «дадаси», «онаси» шаклларидаги муружаати) шундай муносабатларнинг лисоний воқеланишига мисолдир.

Мулоқот шакллариининг ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги ҳақида рисолаининг олдинги бобида анча батафсил гапирилди. Бунда мулоқотнинг расмий ва норасмий руҳда кечаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки расмий ва норасмий муносабатларнинг грамматик ва лугавий бирликлар воситасида белгиланиши қарийб барча тиллар учун умумий қоидадир. Аммо баъзи тиллар учун бу қоида ўта мажбурий хусусиятга эга бўлиб, ушбу тиллар грамматик тизимидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бу борада, айниқса, япон ва корейс феъл тизими алоҳида ажралиб туради. Биргина «ўқи!» императиви *ё мэ* (ўта кўпол), *ёндэ курэ* (бироз юмшоқроқ, ўзидан паст мавқедагига буюрилганда), *ёндэ – о-курэ* (янада юмшоқроқ), *ёндэ ярэ* (кўпол, «учинчи шахсга ўқиб бер» мазмунида) *о-ёми*, *ёндэ тёдай*, *ёминасай*, *ёмитамэ* (норасмий мулоқотда), *о-ёминасай* (бир оз ҳурмат маъносида), *ёндэ кудасай* (ҳурмат шакли), *о-ёми кудасай* (эҳтиромли «марҳамат, ўқинг» мазмунига эга), *о-ёми кудасаимаси* (ўта эҳтиромли) каби шаклларда ифодаланиши мумкин (Алпатов 2003: 73).

Социал дейксис белгилари, айниқса, *маросимий (ритуал) нутқий фаолиятда* яққол кўзга ташланади, зеро, бу фаолиятда шахслар ўртасидаги муносабат мутлақ (абсолют) кўринишни олади. Бу муносабатлар доирасида мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқеини фарқлашда тингловчи ва сўзловчининг табақаси бир хилда эътиборга олинади ҳамда шунга нисбатан уларга ваколат берилади. Бундай ваколатларни фарқлаш ритуаллашган нутқий фаолият кечишининг асосий меъёрларидан биридир.

Ритуаллашган нутқий афолиятнинг талаби жамиятда қабул қилинган этикет қоидаларига амал қилиш ва «маълум ҳудуддаги ўйин қоидаларини билишдир» (Зерецкая 1998: 48). Ушбу турдаги нутқий фаолият мулоқотнинг қатъий тартибга туширилган барча турларига оид бўлиши мумкин. Унинг *саломлашиши, табриклаши, ташаккур изҳор қилиши, ҳамдардлик билдириши* каби турлари билан бир қаторда, *никоҳ ўқиши, дуо ўқиши* каби мурккаблашган турлари ҳам мавжуд. Ритуаллашган нутқнинг энг мураккаб кўринишлари сифатида *парламент мулоқоти, дипломатик мулоқот, давлат раҳбарларининг мактуб алмашинувлари* кабиларни келтириш мумкин. Мулоқотнинг оддий турларида социал дейксис белгилари маълум шароитларда ўзгариб туриши мумкинлиги маълум. Аммо ритуал нутқда бу нарса қарийб кузатилмайди, социал дейксис мазмунан ва шаклан тургун кўринишга эга бўлади.

Демак, социал дейксис мулоқотнинг самарали кечишини таъминловчи ҳодисалардан ҳисобланади. Аммо ушбу ҳодисанинг моҳиятини аниқлашда «ўлчов меъёри» сифатида фақатгина нутқ муаллифининг ижтимоий мавкеига мурожаат қилиш етарли эмас. Мулоқот шаклида тингловчининг мавкеи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундай ёндашув социал дейксиснинг прагматик ҳодиса сифатида мавжудлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди ҳамда Санкт-Петербург университетининг марҳум профессори В.В.Бурлакованинг мулоқот жараёнида «сўзловчининг ўзгариши ва унинг ўрнининг ўзгариши шахснинг ижтимоий статусига таъсир ўтказмайди», деган даъвоси (Бурлакова 1988: 88) қанчалик асоссиз бўлганлигидан дарак беради. Яхшиси, ижтимоий мавке доимий ва ўзгарувчан хусусиятга эга бўлгани каби матнда социал дейксис белгилари ҳам кўчиб туриши мумкин, десак маъкул бўлармиди?!

Дейксис ҳодисасининг табиати ва вазифавий хусусиятлари ҳақида ушбу бобда билдирилган мулоҳазаларни умумлаштириш ва яқунлаш пайти келди, менимча.

Дейксиснинг категориал белгилари ва ифода воситаларини қиёсий-типологик тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ниятини кўзлаган ҳамюртимиз профессор Сотиболди Рахимов қарийб 20 йил олдин ушбу ходисанинг тил тизимининг қайси сатҳига оидлигини аниқлаш муаммосини муҳокамага қўйганлигини биламиз (Рахимов 1988). Бу муаммо устида бош қотирган олим тил тизими билан бир қаторда *тил бирликларининг қўлланиши тизими* ҳам мавжудлигини қайд этади, бу тизим тил бирликларининг нутқ таркибига кириши ва унинг тузилишида иштирок этишини таъминловчи қоидалар мажмуасидан иборат. Дейксис айнан шундай тил бирликлари қўлланиши тизимининг бир қисми бўлиб, матннинг мазмуний яхлитлигини таъминловчи воситадир. Дейксис воситасида матн мазмуни замон ва макон мўлжалларига эга бўлади, унинг модаллик хусусиятлари шаклланади (Ўша асар, 74-76 б). Ҳамкасбимнинг ушбу фикрига изоҳ бериш истагида айтмоқчиманки, ҳақиқатдан ҳам дейксис ибораларининг барча вазифавий хусусиятлари мулоқот матнида намоён бўлади ҳамда у матн мазмунини таркиб топтирувчи энг муҳим воситадир. Шу ўринда проф. С.Рахимов кўтарган муаммонинг ўзи мавжудмикан ёки унга жавоб топиш муҳиммикан? деган саволнинг тугилиш мумкинлигини унутмаслик керак. Хўш, бундай саволга қандай жавоб бериш лозим?!

Сиз ўқиётган бобнинг бошида Й. Бар-Хиллел ишига берилган ҳаволани яна бир бор эсланг. I am hungry «*Мен очман (оч қолдим)*» ва *Ice floats on water* «*Муз сувда сузаяпти*» гапларини қиёслаган олим бу гаплар мазмунини аниқлашда икки йўлни танлашни таклиф қилади. Дейктик

тузилма сифатида қаралаётган биринчи гапнинг тўлиқ маъноси контекстга, унинг қўлланиш матнига боглиқ ҳолда аниқланади. Иккинчи гап («Муз сувда сузаяпти») маъносининг матнга боглиқ эмаслигини олим ушбу гапнинг ҳар қандай контекстда ҳам ўз маъносини сақлаши, ўзгартирмаслиги билан исботламоқчи. Бу гаплардан биринчисининг мазмун тадқиқини прагматика қарамоғига ўтказиб, иккинчисини семантикага қолдирган Й. Бар-Ҳиллелдан (Bar-Hillel 1970: 69-70) унчалик хафа бўлмаслик керак. Чунки лисоний бирликлар маъносини улар фаоллашадиган матндан узиб қўйиш ва мавҳум ҳодиса сифатида талқин қилиш бизнинг фанимизнинг узоқдан давом этаётган анъанасидир. Замонавий тилшунослик бу анъанадан узоқлашаётган бир пайтда, яна маънонинг қайси тизимга ва сатҳга оидлиги масаласига алоҳида эътибор беришга қанчалик эҳтиёж бор экан?!

Бу эҳтиёжнинг тугилиши ҳам бекорга эмас. Юнон файласуфи Демокрит «ҳеч бир нарса сабабсиз пайдо бўлмайди, аксинча, ҳамма нарса эҳтиёжга нисбатан пайдо бўлади ва бирор бир асосга эга бўлади» деганидек, инсон тафаккурида ҳосил бўладиган савол ва муаммолар ҳам ташқи дунёдаги предмет ва ҳодисалар боглиқлигини акс эттиради. Ҳар бир ҳодиса олдинги ҳодиса таъсирида шаклланади, дастлабки «тайёргарлик» босқичидан ўтади. Лисоний ҳодисаларни тизимлараро ва сатҳлараро тақсимлаш ҳаракатининг тугилиш ҳам ўз сабабига эга. Лисоннинг яхлитлигини исботлаш учун унинг тизимий хусусиятларини топиш керак эди. Тизимий хусусиятлар мавжудлигини исботлаш учун ушбу тизим таркибидаги қисмлар ва бирликлар муносабатини аниқлаш талаб қилинади. Худди шу йўсиндаги талабларни қондириш йўлидаги изланишлар тил тизимини сатҳларга ажратиш ва сатҳлараро муносабатларни ҳосил қилувчи манбаларни аниқлаш анъанасини тугдирди. Систем тилшуносликнинг

бу анъанасини қоралаб бўлмайди, зеро, бу йўналишда бажарилган тадқиқотларнинг илмий-амалий аҳамияти каттадир. Тилшунослик фани бу босқичдан ўтмаганида, лисоний ҳодисалар табиатини ва умуман тил қурилишининг ўзига хос хусусиятларини батафсил ёритиш имконига эга бўлмас эди. Аммо «tizim» тушунчасини худди структурализмнинг «ўта тажовузкор» оқимларида бўлганидек, бир томонлама, чегарали ҳодиса сифатида талқин қилиш лисоний ҳодисалар моҳиятини фақатгина маълум бир кичик тизим, гуруҳ доирасида намоён бўлувчи хусусиятлар жамланмаси сифатида таърифлашга олиб келмасмикан?!

Бундай хавфнинг мавжудлиги рисоланинг дастлабки қисмларида ҳам эслатилган эди. Афсуски, тил ва нутқни бир-биридан кескин фарқлаш, тизимлиликни фақатгина тилга хослаш, нутқни эса хусусийликдан иборат ҳодиса сифатида талқин қилиш ҳаракати ҳозиргача давом этмоқда (қаранг: Мусулмонова 2007: 9). Қизиқ, нутқ тизимий белгилардан маҳрум бўлса ва у фақатгина хусусийликлар тўпламидан иборат бўлса, унда инсонлар бир-бирларини қандай тушунишади?! Қолаверса, лисоннинг тизимлилиги унинг нутқий фаолиятга кўчиши жараёнида қаяққа йўқолади?! Менимча, бу саволларни жавобсиз қолдириш мумкин эмас. Ахир «бордан йўқ бўлмайди» деганларидек, мавжуд ҳодиса (системлик) ўз-ўзидан йўқолишнинг ўрнига бошқа бир кўринишда нутқда ҳам сақланмайдими?

Бир вақтлар Арасту «У ўтирибди» калимаси мантик жиҳатидан ҳар қандай ҳолатда ягона ҳукм (фикр) бўлиб қолишини, аммо «вазият ўзгаришига нисбатан баъзан рост ёки ёлгон бўлиши» мумкинлигини қайд этиб ўтган эди (Аристотель 1978: 5,4а 34-4в2). Билдирилаётган ҳукмнинг ҳақиқат ёки ёлгонлик қийматини белгилаш учун нутқий фаолиятнинг замон ва макон кўрсаткичларига таяниш лозимлиги бошқа мантиқшунослар томонидан ҳам эътироф

этилган. Фин мантиқшуноси Яаакко Хинтикка ҳам Арасту изидан бориб, «*Ёмғир ёзаяпти*» хабарининг рост ёки ёлгонлик қиймати ушбу хабар кеча ёки бугун айтилаётганлиги билан боглиқ бўлишини эътироф этади, бироқ фин олими, Арастудан фарқли ўларок, бу икки ҳолатда ифодаланадиган фикр (ҳукм) бир хил эмаслигини уқтиради (Хинтикка 1980: 396). «Назарий –ўйин» семантикаси йўналишининг асосчиси номини олган фин олимининг Арасту билан келиша олмаганликларининг ҳам ўз сабаби бор. Юнон файласуфи нутқий ҳаракатларнинг мантиқий қийматини аниқлашда субстанционал нуктаи назардан ёндашган бўлса, Я.Хинтикка ва унинг издошлари субстанциянинг турли атрибутлар (кўриниш, хусусиятлар) олишини ва бу атрибутларнинг ўзгарувчанлиги субстанция хусусиятлари мажмуасига таъсир ўтказишини эътиборга олиш лозимлигини уқтирадилар (яъни воқелиқдаги фактларнинг ўзгариши ахборот мазмунига таъсир ўтказди). Дарҳақиқат, ягона пропозиция негизда шаклланадиган нутқий ҳаракатларнинг мантиқий қийматининг кўчиши ва турли вазиятларда турлича мазмун ифодалай олиш қудрати *лисоннинг ботиний имкониятлари* намунасидир. Заҳирадаги имкониятгина юзага чиқиши мумкин. Албатта, бундай зоҳирийлашув керакли шароит мавжуд бўлишини тақозо этади. Мана буни тил ва нутқнинг тизимий муносабатлари деса бўлади. Нутқий фаолиятнинг тизимийлиги тил тизими имкониятларида реаллашади ва воқеланади. Ушбу тизимий муносабатлар бўлмаган тақдирда, нутқий фаолият самарасиз кечиб, суҳбатдошлар бир-бирларини тушунмас эдилар.

Тил ва нутқнинг тизимий муносабатлари негизда лисоний бирликларнинг маъно ва мазмун муносабати, бошқачароқ айтганда, семантика ва прагматиканинг уйғунлашуви юзага келади. Масалан, «*Бу китоб қизиқарли*» гапининг мазмунини, ахборот узатиш

жараёнидаги қийматини аниқлаш учун айнан қайси китоб хақида сўз кетаётганлигини билиш керак бўлади. Ушбу гапнинг пропозитив маъносига «бу» дейкиси қўшимча қиймат бағишлаган ва шу восита унинг мазмунини мулоқот матнида вокеланишига кўмак беради. Худди шунингдек, «*Тақсиримга овқат сузиб берайми?*» гапининг она лаҳжасида эшитилиши болага нисбатан меҳрни ифодаловчи эмоционал дейкис ҳодисасини ифодалайди. Айрим мутахассислар дейкиснинг киноя (ирония) мазмунида қўлланиши сифатида қараётган ушбу ҳодисани тил тизими заҳирасининг нутқий мулоқот тизимида фаоллашуви натижасида юзага келадиган ҳодисалар қаторига киритганимиз маъқулроқдир.

Дейктик ибораларнинг «жонсиз» (meager) лугавий маъноси ва уларнинг аниқ референция (determinate reference) ўртасида бўшлиқ борлигини қайд этган ҳамда ушбу бўшлиқ устидан қандай «кўприк» қуриш устида бош котирган Ховард Уэттштайнга (Wettstein 1991: 161) «келинг, биродар, бу кўприкни тил ва нутқнинг тизимий муносабатлари пойдеворига қўяйлик», дегим келади.

Дейкис ҳам худди шу кўприкнинг устунларидан биридир. Маълумки, лисон – мулоқот воситаси, мулоқот фаолиятида шахс ва лисон муносабатининг юзага келиши муқаррар. Аммо бу муносабатда мулоқот, лисоний фаолият субъекти қандай бир номаълум, «шахсиз» киши эмас. Субъект лисоний белгига (бирликка) нисбатан муносабатини ифодалашда ўзининг «Мен»ини тасдиқлашга ҳаракат қилади ва шу йўсинда «тилни бутунлай ўзиники қилиб ўзлаштириб олади» ҳамда сўзлашув жараёнида нутқий ҳаракат вақти, ўрни кабиларга ишорани ифодалашга ва сўзловчини ушбу ишораларни қабул қилишга, улар билан мослашмоққа (мувофиқ иш тутмоққа) ундайди» (Степанов 1985: 224). Шунга мувофиқ, академик Ю.С.Степанов лисоний белги ва мулоқот шахси

муносабати билан машгул бўладиган фанни аташда анъанавий «прагматика» ўрнига «дейктика» (юнонча, dektikos «таъсирланувчан, мойил») атамасини қўллашни тавсия этади. Бу тавсия дейксис ходисасининг лисоний фаолиятнинг прагматингвистик таҳлилида аҳамиятга молик эканлигидан далолатдир.

IX-боб. Нутқий мулоқот тизими бирликлари ёхуд дискурснинг тузилиши ва унинг таҳлили

Илмий билим инсон ақлий фаолиятининг энг юкори боскичида хосил бўлади. Илмий билиш мақсади «амалий фаолият предметларининг бирор бир махсулотга айланиш жараёнини» (Шермухамедова 2007: 25) кузатишдир. Бу жараённинг кечиши объектларнинг тараққиёти ва ўзгаришини таъминловчи қонуниятларга асосланади. Шу сабабли илмий фаолиятнинг асосий вазифаси ушбу қонуниятларни аниқлашдир. Собиқ совет тузуми даврида тилшунослик фани ўз тадқиқ объектини аниқлашда ва ушбу объектни қай йўсинда таҳлил қилишда турли қийинчиликларга дучор бўлганининг турли сабаблари бўлиб, бундай сабаблардан бири таҳлил тамойиллари танловининг аниқ эмаслиги эди. Ўша даврда ижод қилган болгар файласуфи Тодор Павлов систем-структур таҳлилнинг асосий камчилиги унинг диалектик ва тарихий материализм тамойилларига ёт эканлигида деб ҳисоблайди (Павлов 1969: 127). Файласуфнинг бу фикрини маъқуллаган тилшунос Ф.П.Филин илмий билишнинг (шу жумладан, тилшуносликнинг, лисоний таҳлилнинг ҳам) асосини фақатгина марксизм-ленинизм таълимотига таянган диалектик - материализм методидан излаш лозим, деб жар солганлиги эсимизда (Филин 1970: 24).

Айтиш жоизки, тилшунослик фанининг фалсафий асослари ҳақидаги адабиётларни варақлаганимизда, бирор бир методологик йўналишнинг батамом ҳукмронлиги тўғрисидаги бундай даъволарни бошқа муаллифларда ҳам учратиш мумкин.

Қизик, тилшунослик фанини ягона бир мафкуравий «қафас»га қамаб қўйиш, унинг таҳлил тадқиқини алоҳида бир фалсафий йўналиш ёки гоя билан боғлаш қай даражада ўзини оқлар экан?! Бундай саволга шу захотиёқ жавоб

бериш қийин, жавобга шошилсак, янги чалкашликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлишимиз мумкин.

Авваломбор, тилшунослик фанининг тадқиқ объекти ҳақидаги масалада бир тўхтамга келиш керакмидан?! Маълумки, табиий фанларда тадқиқ объекти сифатида «идеал объектлар» деб номланадиган мавҳум назарий қурилмалар танланиб, уларнинг таҳлилига назарий қонуниятлар тадбиқ қилинади. Масалан, назарий физикада бундай идеал объектлар қаторига моддий (материал) нуқта, инерция тизими, идеал газ кабилар киради. Тилшуносликда ҳам худди шу турдаги идеаллаштирилган объектларни мавҳум қурилма – моделларни топиш истаги йўқ эмас. Бунинг мисоли сифатида тил тизимининг турли сатҳларига оид ва шу сатҳларнинг асосий бирликларга бўла оладиган турли «эмик» бирликларни («фонема», «морфема», «лексема», «синтаксема» ҳамда янада мавҳумроқ эшитиладиган «семема», «прагмема», «текстема» кабилар) келтириш мумкин. Албатта, бундай идеаллаштириш ҳаракатини ва ажратилган мавҳум қурилма – бирликларни сатҳлар тизимида маълум ҳудудларга, «токча»ларга жойлаштириш ҳаракатини (бундай истакнинг охириги намуналаридан бири сифатида қаранг: Мухин 2007) бутунлай инкор этиб бўлмайди. Бу ҳаракат тизимлаштириш истагини амалга ошириш усулларида биридир. Аммо тил қурилишини қатъий чегарадаги қаватма-қават тузилишга эга бўлган тизим кўринишида тасаввур қилиш қийин. Тилнинг қаватлари ўртасидаги чегара ўта заиф, сатҳлар бири иккинчисига сингиб кетади ва бирликлар ҳам бири иккинчисига кўчиб юришади-ку, уларнинг тил умумий тизимининг қайси қисмига оидлигини аниқлаш катта қийинчиликлар тугдиради. Албатта, тилшунослар бу хилдаги «кўчманчи», «ярим ҳудудли» ходисаларни тизимга жойлаштириш йўлини ҳам топишган. Уларнинг фикрича, тил қурилиши таҳлилининг

маъкул услуби унга *майдон назарияси* нуктаи назаридан ёндашувдир, чунки бундай ёндашув «сатҳларни қатъий чегаралашга чек қўйиб, оралиқ ходисаларни «қарама-қаршилиқлар умумийлиги» ва шу йўсинда узвийлик асосланадиган «боғловчи ҳудудлар» сифатида талқин қилиш имконини беради» (Павлов 1996: 110).

Лисоний таҳлилнинг фалсафий асосида, сўзсиз, диалектик муносабатлар туради ва лисоний белгилар моҳиятини, уларнинг тизимга доир хусусиятларини ўрганишда диалектиканинг *умумийлик ва хусусийлик* категориал хусусиятлари муносабатига таянмоқ лозим (қаранг: масалан, Шаҳобиддинова 2001; Набиева 2007). Диалектика категорияларининг лисоний фаолиятдаги «изи»ни топмасдан туриб, диалектиканинг тил тизимидаги аксини яққол кўрмасдан туриб, илмий таҳлилда объектив натижаларга эришиб бўлмаслиги аниқ. *Бироқ диалектикани тушунишнинг ҳам ўз йўли бор*. Биринчидан, яқинда Санкт-Петербурда ўтказилган анжуманда айтилганидек, «ҳеч ким диалектикани ўқишни истамайди, чунки бу огир ва зерикарли машгулотдир» (Павлова 2007: 196). Ҳа, ҳамкасбимиз Анна Владимировна Павлованинг бу фикрига қўшилаемиз. Диалектикани ҳар ким ўзича тушунишга ҳаракат қилади, баъзан ўқиётгани айрим парчалар бўлиб, диалектиканинг моҳияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Энг хавфлиси – диалектик муносабатларни, улар негизидаги категорияларни бир томонлама (ўз илмий эҳтиёжига мослаштирган ҳолда) талқин қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Умумийлик ва хусусийлик муносабати талқинида ҳам шундай ҳолатлар учрайди.

Маълумки, умумийлик ва хусусийлик билиш жараёнида ҳосил бўладиган тафаккурнинг илк шакллари дир. Инсон борлиқни «ўзлаштириши» жараёнида дастлаб хусусий белгиларга эътиборни қаратиб, кейин

хусусийликлар қиёси асосида умумийликни ўзлаштиради. Немис файласуфи Ханс-Георг Гадамер, ўз юртдошлари Ф.Шлеермахер ва В.фон Хумбольдт фикрини давом эттириб, хусусийликни (индивидуалликни) «охирига етиб бўлмайдиган сир» дея таърифлаганлигини (Гадамер 1988: 238) билсак ҳам уни ҳеч қачон тасодифий ҳодисалар қаторига киритмаймиз. Аксинча, хусусийликни *системани ҳеч қачон бузмайдиган диалектик ҳодиса* сифатида талқин қилиш ҳақиқатга яқиндир.

Илмий билиш жараёнида қўлланиладиган методлар диалектиканинг «*ва-ва*» ҳамда «*ёки-ёки*» мантикий асосига таянади. Булардан бири («ёки-ёки») тилшуносликда карама-қаршиликлар, оппозициялар қаторини ажратиш ва шу қаторларга кирувчи лисоний ҳодисаларни фарқлаш, тизимлаштириш мақсадида қўлланишини биламиз. Аммо «*ва-ва*» диалектикасининг илмий билиш жараёни учун қанчалик муҳим эканлигини ҳануз охиригача англамаётгандекмиз. Сўзсиз, ўрганилаётган объектнинг икки белгиси (масалан, умумийлик ва хусусийлик) бир хил «куч» га, қийматга эга бўлмаслиги, уларнинг бири кўзга яққол ташланиб, иккинчиси эса «яширин» бўлиши мумкин. Лекин қийматнинг нотекислиги доимий эмас, унинг муҳит, вазиятга нисбатан ўзгариб кетишини ҳам инкор этмаслик лозим. Шундай экан, ҳар бир объектни билиш жараёнида унинг барча хусусиятларига эътиборни қаратиш ҳамда «*ва-ва*» диалектикаси асосида ёндашиш талаб қилинади.

Шу хусусда, диалектиканинг яна бир бошқача талқини мавжудлигини ҳам эслатмоқчиман. Ўтган асрнинг ўрталарида Франкфурт файлафуслари гуруҳининг назарийчиси Теодор Адорно ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиётини таъминлашда хусусийлик, алоҳидаликка оид ҳодисаларнинг муҳимлигини ва умумийликни сақлаш учун хусусийлик бўлиши талаб қилинишини яна бир қарра таъкидлаш истагини билдиради. Ушбу таъкиднинг изоҳини

у самовий жисмлар тизимидаги ўзгаришлар тартибидан излайди. Маълумки, астрономияда «конstellляция» қонуният мавжуд бўлиб, унга биноан юлдузларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши ва ўзаро ўрин алмашиши уларнинг марказ томон интилиш ҳаракати билан боғлиқдир. Теодор Адорнонинг фикрича, конstellляция умумийликни хусусийликнинг энг юқори ёки энг паст даражадаги (экстремал) ривож таъсирида бўлиши ҳамда сақланишини исботловчи ҳодисадир (Adorno 1966; Соловьева 1990: 5). Кейинчалик фалсафада ушбу йўналиш «негатив диалектика» атамасини олган бўлса ҳам, аслида у Гегель диалектикасини инкор этиш йўлидаги уриниш эмас. «Негатив» (negative) тушунчасини ҳам бу ерда «инкор, қарама-қарши» маъносида эмас, «нисбий» (математикадаги «нисбий ўлчов» тушунчаси билан қиёсланг) мазмунида англамоқ зарур. Айнан шу мазмунда негатив диалектика гоёсининг «ва-ва» муносабатини ёқловчи Гегель диалектикасига мос келиши кўриниб турибди.

Келинг, Гегель диалектикаси таҳлилида унинг давомчилари қандай йўл тутганликлари ва шу жумладан, Т.Арно фалсафасидаги конstellляция қонуният «ва-ва» диалектикасига қанчалик мос келиши масаласи муҳокамасини файласуфларнинг ўзларига (айниқса, «неогегельчилик» ҳаракати билан қизиқувчиларга) қолдирайлик-да, ўз мақсадимизга ўтайлик.

Юқорида келтирилган фалсафий мулоҳазалардан асосий мақсад – инсон лисоний фаолиятининг барча қобикларида узвийлик мавжудлигини ва бу узвийлик тизимий муносабатларда, умумийлик ҳамда хусусийлик белгилари доимо бир-бирини тақозо этишини исботловчи далилларни топишдир. «Топиш» деганда, «кашф этиш»ни англамаслик керак, зеро, табиат ва жамият тараққиётига оид қонуниятлар ҳақиқатдир, уларни Яратувчининг ўзи

яратган. Бу вокелик ва Оллоҳнинг ажралмас бирлигидир. Ҳақиқатга эришишнинг турли йўллари бор. Сўфийлар фалсафасининг назариётчиларидан бири бўлмиш Ибн Араби ҳақиқатни билишнинг асосий усуллари қаторига *мушоҳада* киришини таъкидлаган эди. Умумийлик айнанлик (бир хиллик) эмаслигига ишониш учун мушоҳада юритмоқ даркор, зеро, мушоҳада бевосита сезиб, ҳис этиб турган зоҳирий хусусиятлар билан бир қаторда, ботиний хусусиятларни, яширин маънони идрок этиш имконини яратади (Ибн Араби 1980; Шермухамедова 2007: 62-63). Демак, бизнинг вазифамиз илмдаги янгиликлар куртагини ўтмишдан излаш, ўтмишдошлар меросининг магзини англаш, магзни пўстидан ажратаётиб, ҳеч бир нарсани (ҳатто жуда майда деталларгача) қатъий равишда «бегона», «ёт», «эскирган» ёрликлари билан атаб, тўсатдан ташлаб юбормасдан ўрганишдир. Топилган «магз»ни эса авайлаш, батафсил тадқиқ қилиш, ҳеч эринмасдан ботинидаги кирраларни очишга интилиш. Албатта, бу осон вазифа эмас. Қўйилган мақсадга эришмоқ учун кимлар билан баҳслашмоқ, улар фикрини эътироф этиш билан бирга, неча бор эътироз билдирмоқ керак бўлади. Аммо илмий билиш фаолиятида мушоҳада ва мунозара ёнма-ён. Фақатгина мулоқот, бегараз, батакаллуф мунозара бизга ҳақиқатни, тадқиқот объектининг моҳиятини билиш имконини беради. Йўқ, хато қиялпман, биз *моҳиятга фақатгина яқинлашамиз*. Илмий янгиликка даъвогар бўлиш – огир масъулият. Илмий янгилик сифатида таърифланаётган хулоса ва натижаларимиз ҳар доим ҳам янгиликмикан?!

Айнан шу сабабли нутқни фақатгина индивидуалликдан иборат ходиса сифатида қаровчи таърифга рози эмаслигимизни, нутқий мулоқот тўлигича тизимий хусусиятга эга эканлигининг фалсафий асосини топишга уриндим.

Тилшунослик фани билан машгул бўлишнинг яна бир машаққати шундаки, ушбу фаннинг таҳлил объектининг жуфтлигида. Лисон ва нутқий (мулоқот) фаолият онтологик жиҳатдан бир-бирини такрорламайди. Бу эса таҳлил учун тадбиқ қилинадиган методларнинг турлича бўлишини талаб қилади. Онтологик фарқ таҳлил объектлари табиати билан боглиқ. Илмий билиш объектларининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши таҳлилнинг қандайдир даражада бошқача фалсафий асосга эгаллигига таъсир етказса ажаб эмас. Балки шу сабабли тил тизими тадқиқида методологик асос сифатида кўпроқ материалистик диалектика голярига таянилган бўлса керагу, нутқий фаолият таҳлилининг асосий методологик гоёси сифатида фаолият назарияси танлангандир.

Мулоқот фаолиятининг тизимий хусусиятларини аниқлаш, унинг таркибий қисмларини ва ташкил этувчи бирликларини ажратиш методларини топиш йўлидаги уринишлар давом этмоқда. Методлар турли бўлгандан сўнг натижаларда ҳам етарлича фарқ юзага келиши мумкин.

Мулоқот тизимини таҳлил қилиш борасида қўлланилаётган методларнинг асосий қисми, худди тилшуносликнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, тизим структурасига хос белгиларни ва ушбу структурани ташкил қилувчи элемент, узвларни фарқлаш, уларни гуруҳларга ажратиш сари йўналтирилган. Ана шундай методлардан бири Америка социолингвистикасида шаклланган *конверсацион таҳлил* (инг. conversation- «сўзлашиш») методи бўлиб, унинг доирасида ўта тартибсиздек туюлаётган сўзлашув жараёнида қандайдир тартиб бўлиши ва бу тартиб нималар воситасида бошқариб, назорат қилиниб борилишини ўрганиш мақсади қўйилади. Этнометодологик тамойилларга асосланган ушбу турдаги таҳлил жараёнида тадқиқотчиларнинг диққат-марказида суҳбатдошларнинг ўзаро ҳамкорлигининг қандай

таъминланиши, оддийроқ қилиб айтганда, суҳбат давомида улар ким ва қачон гапиришини қандай белгилашлари масаласи туради. Бу соҳадаги илк тадқиқотлар муаллифлари Ҳарви Сакс, Эмануэл Шеглофф ва Гейл Жефферсонлар нутқни фаолият тури сифатида қарашиб, мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатга киришиши жараёнида қандай ҳаракатлар, аниқроғи, фаолият турлари (масалан, диалогнинг бошланиши ва тугалланиши, сўзлашиш навбатининг алмашинуви ҳамда таъриф қилиш ва унинг қабул ёки инкор этилиши каби ҳаракатларнинг бажарилиши) воқеланиши каби масалалар билан қизиққан эдилар (Sacks et al. 1974; Schegloff et al. 1977).

Мулоқот структурасининг таркиб топиши таҳлилида «ўйин» метафорасидан фойдаланиб келинаётганлиги маълум. Бу ўхшатишнинг ташаббускори Л. Витгенштейн бўлиб, кейинчалик унинг издошлари бу тамойилни турли кўринишларда тараққий эттириш ва бевосита таҳлил жараёнига тадбиқ этиш йўлларини ахтардилар. Уларнинг баъзиларида конверсацион таҳлилга светофор ҳаракати метафорасини татбиқ қилиш фикри пайдо бўлди, зеро, чорраҳадаги светофор чироқлари тўхтовсиз ва ҳисобсиз ҳаракатни ҳеч қандай тўкнашувсиз тартибга солиш имконини беради. Аслида, мулоқот тизими тартибини бозор иқтисодиёти тартибига ўхшатиш маъқулроқ бўлса керак (Сафаров, Тоирова 2007). Бозорда, биринчидан, ҳар ким тежамкорликка интилади, кам сарф билан кўп фойда орттириш гамида бўлади, иккинчидан, ҳар бир бозорнинг ўз тартиб-қоидалари, харидор ва сотувчи ўртасидаги муносабатни тартибга солиш талаблари мавжуд. Нутқий мулоқотда ҳам харжни кам сарфлаб (лисоний тежамкорлик) коммуникатив мақсадга эришиш нияти ҳукмрондир. Мулоқот ўз менежмент тизимига эга ва бу тизим, биринчи навбатда, маълум ижтимоий гуруҳ учун

умумийдир. Ушбу бошқарув (менежмент) қоидаларига амал қилиш мулоқот иштирокчиларига «камёб товар» - сўзлаш, фикр билдириш навбатини олиш имконини беради.

Маълум бир нутқий ҳаракат ижросининг бошланғич нуктаси бўлган сўзлашиш навбатини олиш ўз тартиб-қондасига эга. Бу навбат суҳбатдошларнинг ўзаро розилиги ва суҳбат ташаббускорининг тузган режаси ҳам ушбу режани муайянлаштириш мақсадида танлаган йўли, амаллари билан боғлиқ. Суҳбатдошлар, одатда, бир-бирларига маълум кўринишда сўз навбати тугаганлиги, иккинчиси ўз нутқий ҳаракатини бошлаши лозимлиги ҳақида ишора қиладилар. Навбатнинг бузилиш ҳолатлари ҳам учраб туради (тадқиқотчилар ҳисобича бу ҳолатлар миқдори 5% ни ташкил қилади: Ervin –Tipp 1979). Суҳбат жараёнида навбатнинг бузилиши асаб бузилиши, шошилиш ёки суҳбатни «тўғри йўлга солиб кўйиш» истагидан дарак беради. Қисқаси, нутқий ҳаракат навбати олдидан сукут сақлаш ҳам ўзига хос мазмунни ифодалаши аниқ.

Сўзлаш навбатини олишни (turn - taking) тартибга солувчи қоида ва нормаларнинг кўпчилиги доимий бўлиб, уларга риоя қилиш қатъий талаб қилинади. Бундай нормаларнинг мавжудлиги мулоқот тизимини бошқарувчи тамойилларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва ушбу тамойилларга амал қилиш натижасида шахслараро муносабатнинг нутқий воқеланиши кўпгина ҳолларда ритуал, қолиплаган кўринишни олади. Буни айниқса, саломлашув, ҳол-аҳвол сўрашиш, хайрлашув каби фатик диалогларда яққол кўрамиз (Adamzik 1984: 122-127; Werlen 1984: 80-81). Навбат алмашинувининг бу йўсинда тартибга солинишини айрим тилшунослар, юқорида айтилганидек, шахмат ўйинига қиёслайдилар (Metring 1981: 53-55) ҳамда навбат алмашинуви динамик (ҳаракатдаги) жараён сифатида тавсифланади, зеро, бир ҳамсуҳбатнинг ҳар бир

«қадами» иккинчиси томонидан инобатга олиниб, бўлгуси «қадам» (ҳаракат) режаси тузилади ва амалга оширилади.

Нутқий ҳаракатлар, одатда, жуфтлик кўринишида фаоллашади. Нутқ навбатининг бундай алмашинувини этнометодологлар «кўшни жуфтлик» (adjacency pair) атамаси билан номлайдилар (Cook 1992: 53). Бундай «кўшничилик» суҳбатдошларнинг бири жавоб ҳаракатини бажариши шарт бўлганда юзага келади. Масалан, бири саломлашганда, иккинчиси ҳам саломлашмоғи даркор, савол- жавоб ҳаракати икки вариантда бўлиши мумкин. Бинобарин, таклифни қабул қилиш ёки инкор этиш, айбловга эътироз билдириш ёки эътироф этиш мумкинлиги маълум.

Ушбу жуфтликлар тургун, такрорланувчи ҳаракатлар намуналари, қолипларини ташкил қилишади. Уларнинг аҳамияти ҳам бажариладиган социал ва нутқий ҳаракатларнинг намунавий моделларини шакллантиришдадир (Heritage 1984: 249).

Албатта, этнометодологлар эслатаётган мулоқотнинг таркиб топиши ҳақидаги қоида ва қонуниятларни билиш лисоний фаолият амалиёти учун муҳимдир. Конверсацион таҳлил натижаларининг муҳимлиги яна шундаки, навбат олиш, нутқий акт алмашинуви ва жуфтликларнинг ташкил топиши кўпгина ҳолатларда маданий хусусиятларга эга. Нутқий мулоқотни таркиб топтирувчи қоидаларнинг турли маданиятларга хос томонларини билмасдан туриб, лингводидактик тавсияларни яратиб бўлмайди. Лекин конверсацион таҳлилнинг ҳар қандай кўриниши ҳам (унинг вариантлари ҳақида қаранг: Schiffrin 2003: 232-281; Hudson 2001: 134-136) Дебораҳ Шиффрин хоним айтганидек, «мулоқотга структуравий ёндашувдир» (Schiffrin 2003: 236). Ҳақиқатдан ҳам ушбу таҳлил уч тамойилга асосланади: 1) мулоқот тартибли тузилишга эга; 2) суҳбатдошларнинг мулоқот таркиб топишидаги «ҳисса»си

контекст билан боглик; 3) тартибли структуранинг бирор бир элементини тушириб қолдириб бўлмайди. Ж. Ҳеритажнинг бу ишончига (Heritage 1984: 241) амал қиладиган бўлсак, мулоқот тизимини унинг фақатгина тузилиш тартиби билан боглик ҳолда тасаввур этиш хавфи кучаяди. Тизим структуранинг айнан такрори бўлмаса керак.

Мулоқот – мураккаб кўринишдаги лисоний (нутқий) тафаккур фаолиятидир. Бу фаолият натижасида нутқий тузилмалар ҳосил бўлади ва ушбу тузилмалар структурасида лисоний тафаккур фаолиятининг «из»лари сакланади. Аммо ушбу «из»ларни топиш ва уларни қисмларга ажратиш осон эмас, зеро, мулоқот бирлиги – матннинг таркиб топишида тил тизимининг барча элементлари инсон онгида тугиладиган нутқий қолипни воқелантирувчи воситаларга айланадилар. Бундан ташқари, мулоқот матннинг шакллантирилишида нолисоний бирликларнинг ҳам иштирок этишини унутмаслик лозим.

Ҳозирги пайтда лисоннинг ҳаракатдаги (динамик) нотекис, ўз-ўзидан таркиб топувчи ва мослашувчан (адаптив) тизим эканлиги эътроф этилмоқда. Бетартиблиқдан тартибнинг юзага келишини тарғиб этувчи фалсафий гоя – синергиянинг (икки ёки ундан ортиқ энергиянинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўладиган янги моҳият) турли фан соҳаларида (Хакен 2003; Пригожин 2000; Шредер 2001) татбиқ этилиши керакли натижаларни бермоқда. Синергетика тилшунослик учун ҳам мустаҳкам фалсафий асос бўлиши мумкинлиги ўз исботини топмоқда. Шу жумладан, мулоқот тизими бирликларининг синергетик хусусиятлари таҳлили борасида ҳам дастлабки қадамлар қўйилмоқда (Борьботко 2007). Аммо Санкт-Петербург тилшуносларининг оксоқолларидан бири Раймунд Генрихович Пиотровский айтганидек, биз ҳозирча «тил тизимининг жамиятда

мунтазам қўлланиши ва алоҳида шахснинг нутқий тафаккур фаолиятини бошқарувчи синергетик курилмаларнинг қандай тузилганлигини» аниқ билмаймиз (Пиотровский 1995: 418). Шундай экан, мулоқот тизими тадқиқига синергетика нуқтаи назаридан тўлиқ ёндашиш учун дастлаб ушбу тизимнинг таркибий қисмларини ажратиш ва уларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш масаласига эътиборни кучайтирмоқ даркор.

Нутқий мулоқотни фаолият намунаси сифатида талқин қилувчилар нутқий актни мулоқот тизимининг асосий бирлиги сифатида қараш тарафдоридирлар. Дарҳақиқат, нутқий актнинг тавсифий белгилари (эркинлик, мақсадлилиқ, мантиқий шаклланганлик, ҳаракатчанлик) унга нутқий мулоқотда мустақил қўлланиш билан бир қаторда бошқа шаклдаги фаолият таркибига кириш имконини ҳам беради. Аммо нутқий акт мулоқотнинг энг кичик, минимал бирлиги бўла олмайди, у фақатгина «хабар етказувчи кичик бирликдир» (Сусов 1984: 5). Нутқий акт – мулоқот учун «қурилиш материали»дир, у коммуникатив жараён мантиқий давомлилигини акс эттирмайди. Энг асосийси, нутқий акт назарияси матн таркибида юзага келадиган мулоқот бирликларининг синтагматик хусусиятларини ҳамда маълум турдаги нутқий бирликларнинг кейинги ўринларда келадиган бирликларнинг иллокутив вазифасини белгилаб беришдаги ролини аниқлаш имконини яратмайди. Ҳолбуки, синтагматик муносабатлар мулоқот бирликлари учун ҳам ёт эмас. Мулоқот матни нутқий фаолият жараёнида нутқий актлар кетма-кетлиги асосида ҳосил бўлади. Ф. де Соссюр «синтагма» тушунчасига таъриф бераётиб, уни кетма-кет келаётган камида иккита бирликдан иборат бўлиши шартини қўяди: «масалан, *re – lire* («қайта ўқиш»), *contre tous* («ҳаммага қарши»), *la vie humaine* («инсон ҳаёти»), *s`il fait beau temps, nous sortrons*

(«агарда ҳаво яхши бўлса, айланишига чиқамиз») ва ҳоказо» (Соссюр 2004: 121). Аслида, нутқий фаолиятнинг ўзи моҳиятан синтагматик қатордан иборат, чунки «биз алоҳида белгилар воситасида эмас, балки белгилар бирикмалари воситасида сўзлаймиз. Шунинг учун ҳам лисонда барча моҳият фарқлар билан боглиқ бўлиб қолмасдан, балки бирикувларга ҳам келиб тақалади» (Соссюр 2004: 125). Демак, мулоқот матни таркибидаги нутқий актларнинг лисоний-коммуникатив моҳиятини тўлиқ тавсифлаш талаби уларнинг синтагматик қаторларини ҳам аниқлаш эҳтиёжини тугдиради.

Айнан шу эҳтиёжни қондириш учун бўлса керакки, прагмалингвистикада «нутқий акт» тушунчасини бошқача талқин қилиш ва ҳатто уни бошқа атамалар билан алмаштириш нияти ҳам йўқ эмас. Бинобарин, У. Эдмонсон (Edmonson 1981) коммуникатив фаолиятнинг кичик бирлигини «интеракция акти» деб аташни таклиф қилади, чунки бу атама мулоқотнинг ҳамкорликда кечаётган фаолият эканлигини ўзида акс эттиради (interact – «ўзаро муносабат, икки томонлама ҳаракат»). Т. ван Дейк «коммуникатив акт» тушунчасини маъқул кўради ва ушбу тушунча сўзловчининг нутқий ҳаракати, тингловчининг қабул қилиш ҳаракати ва коммуникатив вазият каби таркибий қисмлардан иборат бўлишини қайд этади (Dijk T. van 1981). И.П.Сусов ҳам мулоқот тизимининг энг кичик бирлиги сифатида нутқий ҳаракатлар алмашинувидан иборат бўлган «оддий интеракция»ни, яъни «икки қисмли, диалог тузилишидаги бирликни» танлашни маъқул кўради (Сусов 1984: 8) ҳамда ушбу турдаги «микродиалог» ёки диалогик бирликни ушбу тизимнинг энг катта бирлиги - макродиалог таркибида ўрганиш тавсиясини беради (Ўша асар, 9-б). Бундай талқинда нутқий акт кичик ва катта (микро ва макро) бирликларни таркиб топтирувчи элементлар сифатида қаралади.

Мулоқот фаолияти кўп босқичли жараён эканлигини қайта-қайта таъкидлашга мажбурман. Ушбу фаолиятнинг юзага келишида когнитив, лисоний, нутқий, ижтимоий ҳаракатларнинг бир хилда иштирок этишини эътироф этиш лозим. Шу сабабли бўлса керакки, айрим тилшунослар мулоқот фаолияти таркибида турли хусусиятга эга бўлган бирликларни фарқлашни таклиф қилишмоқда. Тверь психолингвистларидан И.Э. Ключановнинг нутқий ҳаракатни нутқий фаолият бирлиги сифатида ажратиб, нутқий ҳаракатлар алмашинувидан иборат бўлган микро ва макродиалогларни эса мулоқот бирлиги сифатида фарқлайди. Унинг фикрича, нутқий акт нутқий бирликнинг «қотиб қолган» прагма-семантик муқобилидир (Ключанов 1988: 46). Дўстим И.Э.Ключанов мулоқот тизимида психолингвистик ва прагмалингвистик бирликларни (нутқий ҳаракат ва интеракция-диалог) кескин фарқлаш борасидаги уринишларининг самараси унинг ўзини ҳам тўлиқ каноатлантормади (бу муаммони биз учрашувларимизда бир неча бор муҳокама қилганмиз). Менимча, мулоқот жараёнини босқичларга ажратишлар уни бир-биридан тўлигича фарқлашга олиб келмаслиги керак, акс ҳолда тизимнинг бузилиши ва уни бўлақларнинг оддий бирикуви кўринишида тасаввур қилиш хавфи тугилади. «Мажбурий редукция» усули методолог жиҳатдан ҳар доим ҳам ўзини оқлай олмайди. Яхшиси, мулоқот фаолиятини умумий (синтетик) жараён сифатида қараб, унинг тизимида мавжуд бўлган бирликларни микро ва макро кўринишларда фарқлаш (яъни уларнинг қайси бири иккинчиси таркибида иштирок этишига нисбатан) маъкулдир.

Нутқий мулоқот тизимининг катта ҳажмдаги макробирликларини ажратиш оддий вазифадек туюлади. Амалда эса бу вазифа ижросида учрайдиган муаммолар янада мукамалроқдир. Макробирликни ажратишнинг

кийинлиги унинг иерархик (погонали) тузилишда бўлиши ва иерархияни ташкил этувчи бўлакларнинг муносабатлари структуравий, семантик, когнитив хусусиятларга эга бўлишидадир.

Мулоқот тизими макробирлигининг шаклланиши мазмуний ва мундарижавий яхлитлик асосида кечади. Бу яхлитлик когнитив-лисоний ходиса бўлиб, унга прагмалингвистлар *трансакция* (transaction –келишилган иш, фаолият) атамасини беришган. Бирмингем университетининг ходимлари Ж.Синклэр ва М. Култхардлар тарнсакцияни мулоқот тизимининг энг юқори бирлиги сифатида ажратаётиб, ушбу birlik таркибида тизимнинг энг кичик birlikлари бирикишини назарда тутишган (Sinclair, Coulthard 1975). Демак, трансакция макродиалогнинг айнан ўзидир. Аммо мулоқот тизими бирлигининг бу йўсинда фарқланиши ушбу тизим тахлилига «сўз бирикмаси ва гапдан юқори босқичдаги лисон» (Stubbs 1983) тақлидидаги ёндашувдан бошқа нарса эмас. Бу ҳолда тадқиқотчи эътиборини асосан матн қисмларида ва оғзаки нутқ жараёнида юзага келадиган лисоний birlikларнинг формал муносабатлари жалб қилиши табиийдир. Мулоқот birlikги тахлилида формал ва функционал белгиларнинг ўзаро муносабатини ҳамда шу муносабат заминида ҳосил бўладиган мазмун кўрсаткичларини инобатга олмасликнинг иложи йўқ.

Мулоқот – мақсадли фаолият ва бу фаолият доирасида бажариладиган ҳар бир ҳаракат ҳам ўз мақсади, интенциясига эга. Нутқий актларнинг интенциясига хос хусусиятлар ҳақида олдинги боблардан батафсил гапирилди. Ҳозир эса нутқий интенциянинг айри ҳолда фаоллашмаслигини эслатмоқчиман. Мулоқот матнида нутқий ҳаракатларнинг интенцияси ва мазмуни синтагматик қатордаги бошқа birlikлар таъсирида маълум силжишларга, ўзгаришларга учраши мумкин.

Демак, матнда коммуникатив ва интеракция – ҳамкорлик мақсадлари ўзаро бирикадилар.

Мулоқот интенцияси узатилаётган ахборотнинг негизини ташкил қилади. Шу сабабли мулоқот жараёнида сўзловчи тингловчига етказиш истагида бўлган ахборотни қандай узатиши ва умуман ушбу ахборотни мулоқот матнига киритиш йўллари масаласига қизиқиш кучли (Sperber, Wilson 1995; Лузина 1994). Мулоқот мақсадини бу йўналишда ўрганишда асосий эътибор мулоқотнинг когнитив жараён сифатида кечишига қаратилади. Эътибор беринг: мулоқотга киришаётган шахснинг асосий мақсади ахборотни узатиш эмас, балки *тингловчини ушбу мақсадни англашга ундашдир*. Айнан шунинг учун ҳам коммуникатив бирлик мазмуни воқелик ҳақидаги хабар билан чегараланиб қолмайди, балки пропозиция мазмунига кўшимча маъноларни ҳам ифодалайди (Бундай кўшимча маъно турига, масалан, эмоцияни киритиш мумкин).

Мақсадли ифодаланадиган *коммуникатив мазмун* ва сўзловчи истаги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тингловчи идрокида (қабулида) ҳосил бўладиган *информатив мазмун* бир-бирини инкор қилмайди, аксинча, улар ўзаро қоришиб, бирикиб, мулоқотнинг самаралилигини таъминловчи омилга айланадилар. Коммуникатив ва информатив мазмунлар уйғунлиги мулоқот тизими макробирлигининг яхлитлигини таъминлайди. Ҳозирги пайтда бундай яхлитлик хусусиятига фақатгина *дискурс* эга эканлиги эътироф этилмоқда.

Хўш, дискурс ҳодисасининг моҳияти нимадан иборат ва уни қандай таърифлаш мумкин? Е.С.Кубрякова қайдича, «тилшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти даврида дискурснинг умумий қабул қилинган бирор бир таърифи мавжуд эмас» (Кубрякова 2000:6). Бунинг устига, дискурс ҳодисасининг лингвистик таҳлил объекти бўла олишига шубҳа билан қараётганлар ҳам йўқ эмас (Ревзина 1999: 25-

34). Ушбу рисолада ҳам бу масаланинг ечимини излаш нияти кўзланмаяпти, асосий мақсад дискурс ҳодисасига аниқ таъриф бериш эмас, балки унинг моҳиятини ва таркиб топишини белгиловчи хусусиятларини ёритишдир.

Гарб тилшунослигида кенг қўлланилаётган «дискурс» (инг. discourse; фран. discours) тушунчаси дастлаб лисоннинг гапдан юқори турадиган сатҳи сифатида таҳлил қилинди (Звегинцев 1976: 170). Лисоний фаолиятда «марказга интилувчи куч» нинг таъсири мавжудлигини эътироф этган В.А.Звегинцев, дискурсни «булутлар орқасига яширинган лисоний ҳудуд» деб ҳисоблаган ва бу ҳодисани лингвистик методлар воситасида таҳлил қилиш мумкинлигига тўлиқ ишона олмаган эди.

Тўғрида, объект «булут билан қопланган» бўлса ва уни ўрганиш методи аниқ бўлмаса, қандай илмий билиш хақида сўз бўлиши мумкин?! Демак, булутларни қувиш йўлини топишимиз ва ёруғликка чиққан объектнинг идрокини таъминловчи билиш усуллари излаш лозим.

Шу ўринда «Тилшунослик қомуси»да ушбу ҳодисага берилган таърифни келтирмоқчиман (гарчи таърифларни ёқтирмасам ҳам): «Дискурс – нолисоний омиллар (прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий) билан биргаликдаги матн; воқеа кечиши нуқтаи назаридан қаралаётган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қараладиган нутқ» (Арутюнова 1990: 136-137).

Ушбу таърифда дискурс ҳодисасини аниқлашда «матн» ва «нутқий фаолият» тушунчаларига бир хилда мурожаат қилинаётганлигини сезиш қийин эмас. Ҳозирча «дискурс» ва «матн» тушунчалари муносабатига тўхталиб ўтирмасдан, матн ва «нутқий фаолият» бир-бирини қай йўсинда тақозо этиши мумкинлиги масаласига эътиборни қаратмоқчиман.

Гап ва матнга «бир кўз» билан қараб, бир даражада тавсиф қилиб бўлмаганидек, матн ва нутқий фаолиятни бир

қатордаги, бир хил даражадаги ҳодисалар сифатида талқин қилишнинг имкони йўқ. Психоллингвист Т.М.Дридзе, матн фаолиятини инсон фаолиятининг мустақил кўриниши эканлигининг тасдиғи ва ушбу ҳодисанинг моҳиятини нутқий фаолият доирасидан излаш маслаҳатини беради (Дридзе 1980: 20). Тўғри, матн нутқий фаолиятнинг мантиқий – ақлий, баҳолаш, эмоционал, ижтимоий-психологик жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Аммо бу боғлиқлик тобелик муносабатининг аксидир, зеро, матн – нутқий фаолият маҳсулидир.

Нутқий фаолиятнинг бошқа турларидаги каби, матн ҳодисасининг моҳиятини аниқлаш ва уни бошқа лисоний ҳодисалардан фарқлаш учун унинг категориал хусусиятлар қаторини ажратиш лозим. Бу хусусиятлар категория сифатида қаралиши учун эса улар доимийлик, барча матнлар учун хослик белгисига эга бўлиши талаб қилинади. Олимлар ана шундай инвариант хусусиятлар қаторини ажратишга анчадан буён уришиб келмоқдалар. Матн тилшунослиғи билан қизиққан тадқиқотчилар мурожаат қилиб келаётган таърифни олсак, унда матн тўғри тузилган бўлиши учун қуйидаги шартларга риоя қилиниш талаби қўйилган: матн мазмунининг унинг номланишига (сарлавҳага) мос келиши; ўз номланишига (сарлавҳасига) нисбатан тугалланган ҳамда янги функционал стил (вазифавий услуб) талабларига мос равишда бадиий ишланганлиги; унинг таркибида асосан мантиқий ва бошқа турдаги алоқалар воситасида бириккан гапдан йирик бирликларнинг мавжудлиги; коммуникатив мақсадга йўналтирилганлиги ва прагматик шартларнинг мавжудлиги (Гальперин 1981: 24-25). Ушбу категориал хусусиятларнинг мавжудлиги матннинг тўғри тузилганлигини белгилашини эътироф этган Илья Романович Гальперин улардан чекиниш ҳолатларида

матннинг «заифлиги», нотўғри тузилганлиги кузатилишини таъкидлаган.

Матн тузилишининг бу кўринишдаги тавсифини бошқа «мумтоз» таърифларда ҳам учратамиз. Олмон матншунослари Р.А.де Боғранд ва В.Дресслернинг фикрича, матн «коммуникатив воқеа» сифатида етти категориал хусусиятини намоён қилиши даркор. Бу хусусиятлар (когезия, когерентлик, интенция (коммуникатив мақсад) ифодаси, идрок (қабул) қилиш имконияти, информативлик, вазият билан боғлиқлик, интертекстуаллик, яъни матнлараро боғлиқлик барча матнлар учун шартдир. Ушбу намунага риоя қилинмаса, матн самарасиз, коммуникация талабларига мос келмайдиган «номатний» тузилма сифатида қаралади (Beaugrande, Dressler 1981).

Матннинг тузилишига бу хилдаги қатъий талабларнинг қўйилиши ва унинг намуналаштирилган қолипга солиниши бежиз эмас. Бадий асарлар ва расмий хужжатлар матнлари бекаму кўст бўлиши ва услубий жиҳатдан бежирим шаклга эга бўлиши стилистиканинг талабидир. Юқорида эслатилган олимлар ўз пайтида стилистика билан мукамал шугулланган ва стилистикага оид асарларнинг муаллифлари бўлганлари сабабли, матн лингвистикасига оид тадқиқотларида ҳам стилистик қарашларнинг «изи» сақланган.

Яна бир услубшунос А.И.Горшков ўз ҳамкасблари фикрини янада аниқлаштириш истагини билдиради. Олим санаб бераётган етти категориал белгининг И.Р.Гальперин таклиф қилган таърифга қанчалик мос келишини қаранг: 1) лисоний белгилар воситасида ифодаланганлик; 2) тартибга эга бўлиш ёки структуравийлик; 3) тугалланганлик; 4) мазмунийлик ёки информативлик; 5) бирор бир нутқий жанрга хослик; 6) бошқа матнлардан фарқ қилиш; 7) қайта яратилиш имкониятига эга бўлиш

(Горшков 2001). Бу белгилар категориал хусусиятга эга эканлиги равшан, аммо А.И. Горшков баъзан ушбу хусусиятлардан айримларининг қисқариши, мавжуд бўлмай қолиш ҳолатлари учрашини ҳам инкор этмайди. Олим бундай ўзига хос «тежамкорлик»нинг сабабини изоҳлаш мақсадида майдон назариясига мурожаат қилади. Натижада, категориал белгиларнинг тўлиқ тўпламига эга бўлган тузилмалар матн майдонининг марказидан жой олишса, ушбу белгиларнинг баъзиларидан холи бўлган матнлар эса майдоннинг четига суриб қўйиладилар. Бундай майдон сарҳадидан ўрин оладиган матнлар сифатида, масалан, болалар ёки рухий касаллар нутқига оид матнлар, жадвал, реклама, дастурлар, лавҳалар каби примитив, яъни тўлиқ бўлмаган нутқий фаолият маҳсулларини эслатиш мумкин.

Санаб ўтилган матн хусусиятлари орасида «яхлитлик» ва «тугалланганлик» энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Матн ҳодисасини тўғри таърифлаш ушбу икки категориал белгининг қандай талқин қилиниши билан боғлиқ.

«Яхлитлик» ва «тугалланганлик» бири иккинчисини тақозо этувчи хусусиятлардир, аммо уларнинг ҳар иккаласининг талқини ҳар хил. Тадқиқотчилар матннинг яхлитлигини аниқлашда икки хил ёндашмоқдалар. Бу хусусиятни «пастан юқорига» тамойилига биноан аниқлаётганлар назарида яхлитлик қуйи босқич (сатҳ)лар бирликлари ва уларнинг хусусиятларининг бирикишидан ҳосил бўладиган мажмуадир. Элементар бирликларнинг ўзаро бирикиши ва яхлитлик ҳосил бўлишини таъминловчи восита бўлмоғи даркор. Ана шундай восита сифатида фразалараро (гаплараро) мантикий - мазмуний ҳамда структуравий алоқа қаралади. Марҳум рус романисти Елизавета Артуровна Реферовская ўз рисоласининг кириш қисмидаёқ матннинг коммуникатив тузилишини

белгиловчи асосий хусусият унинг мазмунининг богликлиги ва мантиқийлигида эканлигини таъкидлаган эди. Бу хусусиятлар, ўз навбатида, «гапларни ташкил қилувчи элементлар богликлиги, охирилариининг (гапларнинг – Ш.С.) фразадан юқори бирликлар таркибида бирикиши ва ушбу бирликларнинг ўзаро богликлиги билан таъминланади. Бу богликлик нафақат мазмуний, балки формал ифодага эгадир» (Реферовская 1989: 3).

Матн яхлитлиги узатилаётган ахборот мазмуни билан боглик, ахборот эса пропозиция ва прагматика қисмларидан иборатдир. Биринчисида вокелик денотатив мазмунда ифода топса, иккинчиси эса пропозиция мазмунини нутқий фаолият муаллифидан тингловчи (ўқувчи)га етказишдир. Шакл матннинг модели, қисмларнинг бириктириш услубидир (Богданов 1993: 17). Шу сабабли матннинг яхлитлигини аниқлашда унинг ички структур-семантик кўрсаткичларига, айниқса, «унинг таркибий қисмларини тартиблаштирувчи ва ягона иерархик бутунликка бирлаштирувчи омилларга» (Прокопчук 1990: 23) эътибор берилади. Молдаван тилшуноси М.П.Йонице матн қисмларини богловчи алоқани бекорга функционал-семантик категориялар қаторига киритмаган эди (Йонице 1981: 27-28), чунки қисмлар интеграцияси доимо маъно ва шакл уйғунлигида кечади. Шакл маъно ифодаси учун хизмат қилади. Матннинг яхлитлиги шаклланишида қисмлар мазмунининг мослашуви ва интеграцияси талаб қилинганидек, бу интеграцияни таъминловчи лисоний бирликларнинг иштироки ҳам шартдир.

Маълумки, матн қисмлари алоқаси уч кўринишда юзага келади. Матн бўлагининг ўзидан олдинги қисмдаги элемент билан алоқадорлиги *анафора* ходисасини юзага келтирса, ушбу бўлакнинг кейинги контекст билан алоқаси эса *катафора*ни ҳосил қилади. Лекин матн бўлаги бир

пайтнинг ўзида олдинги ва кейинги контекстлар билан мазмуний алоқада бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолатда *диалфора* ёки *диалфорик алоқа* юзага келади. Ушбу турдаги алоқаларни воқелантирувчи воситалар эса грамматик шакллар ҳамда лугавий бирликлардир.

Матн яхлитлигини таърифлашга «юқоридан пастга» тамойили асосида ёндашув бутун ва қисмлар муносабати диалектикасига таянади. Бунда матн яхлитлиги қисмларга хос хусусиятлар орқали тавсифланмасдан, балки яхлитлик мазмуни қисмлар хусусиятларини белгилаш манбаси сифатида қаралади. Ҳақиқатдан ҳам матн, кўп қиррали нуткий тафаккур фаолияти маҳсули сифатида, ўз таркибидаги бўлақларнинг мазмуний мундарижасига таъсир ўтказади. Матн мазмуни шаклланишида баён қилинаётган воқелик билан бўлган муносабат муҳимдир. Баён қилинаётган воқеа-ҳодиса эса яхлит объект сифатида идрок қилинади. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, матн мазмуни негизида алоҳида мавзу, бошқача айтганда – топик туради. Когнитологлар фикрича, матн мазмунининг марказида макоропропозиция туради ва макоропропозициянинг лисоний воқеланиши матн микроструктурасини яратади (Дейк 1989: 42).

Хуллас, матн қандайдир бир аморф, шаклсиз ҳодиса эмас, аксинча, у барча лисоний қурилмалардек, ботиний ва зохирий сатҳларга эга бўлган, мазмун ва шакл уйғунлиги доирасида ҳосил бўладиган ҳодисадир. Айрим тилшуносларнинг матнни давомсиз жараён сифатида талқин қилиш истакларига қўшилиб бўлмайди. Зеро, матн ҳажмини маълум даражада кенгайтириш мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда матн таркиби ва тузилишини, у тугаллик хусусиятига эга бўлганлиги учун, бевосита кузатиш мумкин. Матнинг тугалланганлиги нима билан белгиланади? Математик лингвистика соҳасининг мутахассиси А.И.Новиков ушбу хусусият формал

кўрсаткичга эга эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, матннинг тугалланганлик ёки тугалланмаганлигини мазмун сатҳидан излаш лозим ва матннинг ҳажми муаллиф режалаштирган гояга, мазмунга мос келиши (ёки келмаслиги) билан белгиланади (Новиков 1983: 28-29).

Тугалланганликнинг бу йўсинда талқин қилиниши ҳақиқатга анча яқин. Бироқ муаллиф танлаган мавзунинг тўлиқ ёритилганлиги ёки унинг айрим қирралари «очилмасдан» қолганлигини аниқлаш мушкул эканлигини биламиз. Менимча, матн тугалланганлигини фақатгина муаллиф гоясининг ёритилиши нуқтаи назаридан аниқланиши ушбу хусусият талқинидаги бирёқламаликка сабаб бўлмоқда. Муаллиф мазмун, гоянинг баёнини қанчалик тўлиқ деб ҳисобламасин, ўқувчи бошқа бир фикрда бўлиши мумкин-ку?! Бирор бир ҳикояни, илмий мақолани ўқиганимизда ундан тўлиқ қониқмасдан, неча бор «Нега муаллиф асарини (ишни) тугатмаган?» қабилидаги савол қўйганлигимизни эслайлик. Демак, матн тугалланганлиги нафақат унинг яратилиши нуқтаи назаридан, балки идрок этилиши, тушунилишига нисбатан ҳам, яъни адресант – адресат муносабатида аниқлаш йўллари излаш керак. Бундан ташқари, тугалланганлик қанчалик даражада мазмуний белги бўлмасин, ҳар ҳолда ушбу категория формал кўрсаткичларни олиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Яна бир нарса: тугалланганлик матн яхлитлигининг белгисидир. Шу сабабли бу икки хусусиятни бир-биридан ажратиш имкони йўқ. Улар ягона бир ҳодисанинг икки томонидир. Бу хусусиятларни фарқлаш билан бир қаторда уларни мувофиқлаштирувчи омилларни ҳам аниқлаш матннинг мулоқот тизимининг макробирлиги сифатида тавсифлаш имконини излашга ундайди. Бундан ташқари, яхлитлик ва тугалланганлик хусусиятлари матнни унинг парча (қисм)ларидан ҳамда тизимнинг микро ва

макробирликларини фарқлаш учун асосдир. Матн таҳлилининг муҳим амалларидан бири бўлган *дискретлаштириши амали* (Мецлер 1987: 19) ҳам юқоридаги хусусиятлар мавжудлигига таянади. Маълумки, матн шаклланиши узук-узук ва узлуксиз содир бўладиган жараёндир. Узук-узуклик (дискретлик) қисмлар, бўлақларга хос хусусият бўлса, узлуксизлик матннинг яхлитлигига ишора. Шу сабабли матн қисмлари богликлиги ва алоҳидалиги (дискретлиги) ўзаро алоқада бўлибгина қолмасдан, балки бири иккинчисини тақозо ҳам этади. Зеро, матннинг маълум бўлагини нисбатан мустақил бирлик (қисм) сифатида ажратилиши ушбу қисмнинг ички хусусиятларининг эътиборга олинишини талаб қилиш билан биргаликда, унинг узлуксиз жараёндаги ўрни ва бу жараённинг бошқа бўлақлари билан алоқасини ҳам назардан қочирмасликка ундайди. Умуман, матн тузилиши жараёнини узлуксизлик ва дискретлик категорияларининг ўзаро муносабатисиз тасаввур қилиш қийиндир. Бу эса, ўз навбатида, матннинг тугалланганлиги ва яхлитлиги унинг ҳажми билан белгиланмаслигидан дарак беради. Масалан, бир гапдан иборат матн ҳам (мақол, афоризм, топишмоқ кабилар) яхлит мазмунга ва тугал шаклга эга эканлиги эътироф этилган.

Нихоят, «матн» ва «дискурс» тушунчаларининг муносабати ҳақида сўз юритишнинг пайти келган бўлса керак. Бу икки тушунча негизидаги ҳодисаларни фарқлашда функционаллик-структуравийлик, динамик-статик, актуаллик-виртуаллик каби қарама-қаршилиқлардан фойдаланиб келинмоқда. Бизни кизиқтираётган нарса: биринчидан, бундай қарама-қаршилиқлар мавжудмикан, иккинчидан эса, агарда улар ҳақиқатдан мавжуд бўлса, қай йўсинда ва қандай кўринишларда намоён бўлишади?

Матн ва дискурс таҳлили муаммолари билан кўп йиллардан буён машгул бўлган Микаэл Стаббс 1983 йилда нашр қилинган асарида қуйидагиларни ёзган эди: «Одамлар гаплар тасодифий қаторини боғлиқ (coherent) матндан фарқлай оладилар, шунинг учун ҳам когерентликни таъминловчи тамойилларни ўрганиш дискурс тахлилининг мавзусидир» (Stubbs 1983: 15). Эътибор беринг, матн ҳодисасининг моҳияти когерентлик (қисмлар боғлиқлиги) билан белгиланмоқда. Аммо матн тилшунослигининг илк даврларида эътибор асосан когерентликни ифодаловчи формал воситаларни аниқлаш ҳамда қисмлар боғлиқлиги асосида юзага келадиган яхлитликнинг (матннинг) тузилиш моделлари, намуналиликни ажратишга қаратилди. Натижада, матнни тургун структура сифатида оғзаки нутқ материалига, дискурсга қарама-қарши қўйиш ҳаракати авж олди.

Матннинг тургун, тайёр маҳсулот, дискурсни эса кечаётган нутқий мулоқот жараёни сифатида талқин қилиниши уларнинг кескин фарқланишига сабаб бўлади. Ҳ.Ҳаберланд матнни турли жойда, турли пайтда пайдо бўлиши мумкин бўлган предмет (a thing), дискурсни эса аниқ замон ва маконда кечаётган ҳодиса (event) деб ҳисоблайди. Унинг қайд этишича, «матндан чекланмаган миқдорда фойдаланиш мумкин, уни бир жойдан иккинчисига кўчириш имкони бор, дискурс – ҳозиргина кечаётган жараён, у ҳар сафар қайта яратилади» (Haberland 1999: 914). Ушбу тавсиф олим «предмет» ва «маҳсул(от)» тушунчаларини фарқламаслигидан гувоҳлик беради: «Матн, сўзсиз, лисоний маҳсулот (the product aspect of language), дискурс» - лисоннинг яратувчанлик соҳаси (the production aspect) намунасидир (Ўша асар: 915).

Диққат билан ўқисак, Ҳ.Ҳаберланднинг фикрини икки хил изохлаш мумкин. Биринчидан, олим иккала ҳодисани ҳам натижа, маҳсул сифатида қарамоқда, яъни

матн – кечган мулоқот натижаси, маҳсули (огзаки матн) ёки ёзув фаолияти, нашр натижаси (ёзма матн). Дискурс, ўз навбатида, тугилган гоյ, коммуникатив мақсад (интенция) натижасидир. Иккинчидан эса, матн моддий объект (a thing) сифатида номоддий объект – дискурсдан фаркланмоқда.

Агарда матн ва дискурснинг ҳар иккиласи ҳам инсон лисоний фаолиятининг натижаси бўлса, уларни фақатгина зоҳирий – формал кўрсаткичга асосан «огзаки» ва «ёзма» сифатлари билан фарқлаш имконига гумоним бор. Худди шунингдек, уларнинг бирини моддий кўринишли ҳодиса, иккинчисини бу хусусиятдан холи кўринишда тасаввур қилиш қийин масала. Ахир буларнинг иккаласи ҳам натижали фаолият маҳсули бўладиган бўлса, эришилган натижа моддий кўриниш олиши керак-ку?!

Санкт-Петербург педагогика университетининг профессори И.К.Архипов дискурс ва матн ҳодисаларининг моҳиятини фарқлашда Ҳ.Ҳаберландга эргашади. Ушбу масалага лисоний белгиларнинг маъно ифодалаш қобилиятининг намоён бўлиш «худуди» нуқтаи назаридан ёндашган Игорь Константиновичнинг таъбирича, матн мураккаб белги сифатида ўзида моддийлик (шакл) ва идеаллик (маъно) боғланишини акс эттириши керак. Лекин маъно мулоқот иштирокчилари бир-бирига узатаётган тайёр маҳсулот эмас, маъно яратилиш ва қайта яратилиш жараёнларини талаб қилади ҳамда ушбу жараёнлар руҳий-психик фаоллик шароитида кечадилар (Мамардашвили 1996: 158). Демак, маъно шаклланиши икки томонлама ақлий фаолият натижасидир. Шунинг учун қозғал туширилган матнда асл маънодаги белги йўқ. Уларда фақатгина ҳарфлар тўплами мавжуд ва бу тўпламлар мазмун шаклланиши учун туртки бўлишлари мумкин. Бунинг учун уларга онг «тегиб кетиши» керак бўлади (Архипов 2003: 99). Лисоний белгининг яратилиши ва

маълум маъно касб этиши жараёнларини фақатгина дискурсив фаолият натижаси сифатида таърифлаётган И.К.Архиповнинг матн ва дискурс ходисаларини бир қаторга қўйиш ва тенглаштириш истагида юрганларга бутунлай қарши чиқиши турган гап. Унингча, бу икки ходиса моддийлик (матн) ва психо-физиологик жараён (дискурс) хусусиятлари билан фарқланадилар (Ўша асар: 102).

Менинг ҳам И.К.Архиповга эргашгим келади, лекин профессорнинг Смольний ёнидаги квартирасида унинг рафиқаси доцент А.Г.Гурочкина ва менинг номзодлик диссертациямга оппонентлик қилишган профессорлар Елена Самойловна Кубрякова ва Татьяна Михайловна Беляевалар иштирокидаги мунозарамизни эслайман. Ўшанда Игорь Константиновичга «Нимага асосланиб ва қайси услубда лисоний структурада моддийлик ва идеалликни кескин ажратасиз ва иккаласини икки турдаги жараёнда ҳосил бўлишини тасаввур қиласиз?» деган эътирозимни билдирган эдим. Ушбу мунозара давом этаётганга ўхшайди. Эслатилаётган суҳбат И.К.Архипов Ленинград университетига ясама сўз семантикаси мавзусига оид докторлик диссертацияси ҳимоясидан икки кун ўтиб (1985 йилнинг 16 сентябрида) кечаётган бўлса, орадан 20 йил ўтгандан сўнг нашр қилаётган ишларида олимнинг матн ва дискурс ходисалари ўртасига қўяётган чегараси янада кескинлашибди.

Нахотки матн ва дискурс бир- бирини инкор этадиган ходисалар бўлса? Ҳеч ишонгим келмайди. Ахир ҳар қандай лисоний ҳодиса айна пайтнинг ўзида шакл ва маъно уйғунлигига эга бўлмаса, ёхуд унда моддийлик ва мавҳумлик –рамзийлик белгилари бирикмаса, мазмун ифода этиш қобилиятини йўқотмайдими?! Балки матн ва дискурсни қандайдир жиҳатдан статика-динамика қарама-қаршилигида қиёслашимиз мумкиндир. А.А.Кибрик ва

В.А.Плунгян дискурсни «лисоннинг аниқ замонда (вақт оралигида - Ш.С.) фаоллашуви», деб таърифлашаётганларидек (Кибрик, Плунгян 1997: 308), когнитологларнинг ушбу ҳодисани бевосита, яъни «online режимида» қабул қилиш ва таҳлил қилиш мумкинлиги ҳақидаги таъкидларига (қаранг: Кибрик 1994; Макаров 1998) ишонаётган бўлсалар керак. Биз ҳам бундай таъкидга ишонамиз, аммо бу ишонч матнни ёзма нутқ маҳсули ёки монолог, дискурсни эса оғзаки нутқ жараёни ёки интерактив диалог кўринишида чегаралашга олиб келмаслиги даркор.

Мулоқот - ахборот алмашув жараёни, унинг мақсади ҳам шу. Ахборот узатиш ёзма ёки оғзаки усулда кечиши билан унчалик фарқ қилмайди. Ҳатто диалог ҳам ёзма нутқ воситасида кечиши мумкинлигини биламиз (масалан, дипломатик ноталар алмашинуви, хуфёна ёзишмалар, «Меҳробдан чаён»даги Анвар ва Раънонинг ёзма шеърий севги изҳори кабилар). Сиёсий ва илмий мазмундаги маърузалар аввал ёзма тайёрланиб, кейин ўқиб берилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик «илмий матн» ва «илмий дискурс» тушунчаларини бир хил маънода англайдилар, чунки бу ҳолатда матн тузилиши унинг шакллантирувчи мантиқий ва коммуникатив шароитлар, когнитив, прагматик омиллар, илмий хабар муаллифининг коммуникатив режаси ва бошқа кўпгина лисоний материалга ҳамроҳлик қилувчи нолисоний факторлар билан боғлиқдир (Чернявская 2006: 24). Демак, матннинг online режимида идрок этилиши, унинг мундарижасини тасмасимон (алоҳида қисмлар қатори) кўринишда тингловчи (ўқувчи) томонидан қабул қилиниши ва идрок этилишидан иборатдир.

Матнга динамик хусусият хослигининг эътироф этилиши унинг когнитив талқинига мос келади. Е.С.Кубрякованинг талқинича, «инсон тажрибасининг

маълум бир парчасини акс эттирмайдиган ва уни фаҳмлаш имконини бермайдиган матннинг ўзи бўлмади ва бўлиши ҳам мумкин эмас» (Кубрякова 2004: 516). Шунга биноан матнда акс этган воқелик мазмунини ҳамда унда акс топган предмет ва ҳодисаларга берилаётган баҳони, ҳис-туйғуларни таҳлил қилиш имкони мавжуддир. Матн ақлий модел – фреймнинг воқеланиши бўлганлиги учун ҳам унинг идроки ҳам ушбу моделнинг қайта яратилишини тақозо этади. Адресат воқеликнинг лисоний тасвири – образини англаш, тушуниш орқали ўз билим доирасини кенгайтиради. Матнга ҳам ҳаракатчанлик, динамик хусусиятлар хос эканлигини таъкидлаш билан ҳеч қачон «матн» ва «дискурс» атамаларини синоним, бир мазмундаги тушунчаларни номловчи атамалар демоқчи эмасман. Сўзсиз, «дискурс» «матн»га нисбатан кенгрок мазмунда талқин қилинмоғи керак. Ҳа, «дискурс – бир пайтнинг ўзида ҳам лисоний фаолият жараёни, ҳам унинг (фаолиятнинг- Ш.С.) маҳсулидир» (Кибрик, Плунгян 1997: 307). Дискурсив фаолият моҳиятан билим (маълумот) бериш ҳамда «янги билимни шакллантирувчи ҳодисадир» (Кубрякова 2000:11). Билим узатилиши ва янгидан шаклланиши учун эса матн яратилмоғи даркор, демак, матн дискурсив фаолият кечаётган пайтнинг ўзидаёқ яратила бошлайди. Маъқули, қиёсланаётган бу икки ҳодисани «гипероним» - «гипоним» муносабатида ўрганишдир. Дискурс инсон онгли фаолиятининг маълум бир тури, туркуми бўлса, матн унинг бир кўринишидир. Дискурс категориясининг бу хилдаги кенг маънода, умумлаштирувчи мазмунда талқин қилиниши мулоқот тизими, инсон онгли фаолияти билан қизиқувчи бошқа фан соҳалари – фалсафа, социология, психология, кибернетика қабилир учун аллақачонлар эътироф этилган қоидадир.

Матн ва дискурс ҳодисаларининг муносабати ҳақида гапираётиб, уларнинг ўзаро учрашишига сабаб бўладиган

яна бир ҳодиса мавжудлигини унутмаслик керак. Бу ҳодиса – маданиятдир. Бир томондан, мулоқотнинг кечиши ва матннинг шаклланиши маданий жараён эканлиги маълум. Бошқа томондан, матн тил ва маданиятни боғловчи муҳим «тугун»дир, чунки матн таркиби таҳлилидан фойдаланиб, тил тизимининг миллий-маданий хусусиятлари ҳақидаги лингвокультурологик маълумотларни тўплаш мумкин. Демак, матн тил тизимига нисбатан фаол муносабатда бўлади, яъни лисон матн қурилишининг асосий воситаси, иштирокчиси бўлиб қолмасдан, балки унинг ўзи ҳам матн шаклланиши жараёнида кескин сифат ўзгаришларига учрайди. Бунинг исботини биз лисоний бирликларнинг айнан матн таркибида тил тизими қоидалари «исканжаси»дан чиқиб, эркин қўлланиш ҳуқуқини олишида кўрамыз.

Бу борада бир пайтлар академик Л.В.Щербанинг (1940: 104) инсоннинг нутқий фаолияти асосан «маълум бир тил тизими қоидаларига тобе ҳолда юзага келадиган нутқ ижодкорлигидир», деган тавсифини унутмаймиз. Нутқий фаолиятнинг ва умуман лисоннинг ижодкорлик табиатини лисоний, айниқса, лугавий бирликларнинг матнда қўлланиш имконияти белгилайди. Бу заҳиравий имконият тўлигича инсон дискурсив фаолиятида, матн таркибида вокеланади ҳамда лисоний бирликларга юқорида эслатилган эркинликни – тизим исканжасидан чиқиш имконини беради ҳамда инсон лисон заҳирасидан матн талаби, мулоқот вазиятига мос ҳолда фойдаланиш қобилиятини намоён этади. Тил ва инсон боғлиқлиги бир томонлама эмас: инсоннинг лисонга эҳтиёжи «ҳар бир шахснинг ўзлигини намоён этиши истаги» (Гертман 1996: 90) билан боғлиқ бўлса, тил ҳам ўз имкониятларини намоён этиш учун ҳар бир шахсга, унинг лисоний фаолиятига муҳтождир. Шу сабабли ҳар бир янги матн маълум даражада тил бирликлари танловини акс эттирувчи

янги лисондир. Шунинг учун ҳам матн, худди дискурс каби, доимий (тургун) мазмунга эга бўлган ёпиқ тизим сифатида қаралмаслиги керак, матннинг шаклланиши ва мазмуний ривожини *синергетик жараён*дир. Бу жараён текис ҳамда сакраш йўли билан ривожланадиган босқичлардан иборатдир. Ушбу босқичлардаги ўзгаришлар бевосита мазмун трансформациясига сабаб бўлиши аниқдир. Тил тизими тараққиётининг синергетик қонуниятларини машҳур фаранг психосистемати Гюстав Гийом таълимотига қанчалик мос келиши билан қизиққан канадалик М.Беланже тил *адаптив вазифани* бажаришини эътироф этади (Беланже 1995: 14). Бу вазифа сўзловчи ва фикрловчи шахснинг эҳтиёжларига мослашишидан бошқа нарса эмас. Энг асосийси, тизимнинг мослашиши ва шу йўсинда адаптив вазифанинг фаоллашуви учун мулоқот матни, дискурс даркордир.

Ҳақиқатдан ҳам дискурс ва матн тил тизими захиралари имкониятларининг тўлиқ намоён бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратувчи ўзига хос «тажриба майдони»дир. Фақатгина шу турдаги тажрибадан ўтган лисоний бирликларгина тизимда мустаҳкам ўрин олишлари мумкин.

Ушбу хулоса билан дискурс ва матн муносабати ҳақидаги мулоҳазаларни яқунлаш ниятида эдим, аммо илмий мушоҳадага яқун яшаш қийин экан, фикрлар қарама-қаршилигининг ҳам охири кўринмайдиганга ўхшайди. Тўсатдан Россиянинг Санкт-Петербург ва Ставрополь университетларида ўтказиб туриладиган матн таҳлилининг илмий- методологик асослари ҳақидаги доимий семинар тўпламида чоп қилинган мақолада матн-дискурс қарама-қаршилиги янада кескинлаштирилганлигини кўриб қолдим. Мақола муаллифи М.Я.Дымарскийнинг фикрича, дискурснинг матндан фарқи унинг аниқ (реал) вақт оралигида кечишида. Матн эса маданиятнинг замон-макон

майдони худудидан жой олган ҳодиса сифатида қаралади. Энг ажабланарлиси, муаллиф дискурсни мазмун яратиш ва ахборот тўплаш имкониятидан маҳрум деб ҳисоблайди (Дымарский 1998; Кузьмина 1998). Ажабланмасдан ҳам бўладими: қандай қилиб дискурсда мазмун шаклланмас экан?! Унда мулоқотдан масқад нима?! Дискурснинг яратилиш ва қабул қилиниши бир хилда маданиятнинг маълум замон-макон майдонида, аниқ коммуникатив муҳитда кечади. Дискурсда ахборот узатиш мақсади мос келадиган мазмун яратилади. Бу мазмун доирасида коммуникантлар муносабатини, уларнинг ижтимоий мавқеини, жамиятда ҳаракатда бўлган ахлоқий-этик нормаларни акс эттирувчи ижтимоий-маданий ахборот жамланади. Ушбу турдаги ахборотларнинг мавжудлиги ва мазмуннинг коммуникатив мақсадга мослиги мулоқотнинг самарасини, дискурснинг ахборот воситаси бўла олишини таъминлайди. Дискурс ва матн ҳодисаларининг ҳар иккаласи ҳам мулоқот иштирокчиларининг *онгли фаолияти туташадиган макондир*. Онгли фаолият эса доимо маънавий-маданий асосга эга бўлади.

Хотима ёхуд прагмалипгвистикаипг истиқболи хусусида

Машхур поляк-рус тилшуноси И.А.Бодуэн де Куртенэ 1870 йилда олмон тилшуноси Август Шлейхер ҳақида ёзган мақоласида тилшуносликнинг предмети ҳақида гапириб, «инсонга хос ходисалар билан шугулланувчи барча фанларни ягона бир антропологик фанлар гуруҳига бириктириш лозим ҳамда улар табиий фанлар билан мустаҳкам алоқада бўладиган бўлса, ушбу икки гуруҳни боғловчи тугун тилшунослик бўлар эди» (Бодуэн де Куртенэ 1963, I: 37), деган эди. Тилшуносликнинг турли фанлар «хамдўстлиги»да етакчи роль ўйнаши лозимлиги ҳақидаги бундай башорат йиллар ўтиб ўз исботини топган ҳақиқатга айланди. Аммо бу ҳақиқатни излаш, топиш осон кечмади. Эндиликда уни тўлиғича исботлаш вазифаси турибди.

Ҳозирги пайтда тилшуносликнинг инсоний-антропологик фан эканлигини инкор этишга ҳеч ким журъат эта олмаса керак. Аммо инсонга хос қайси хислатларни лисонга боғлаш лозим-у, нутқий фаолиятнинг қайси жиҳатлари инсоннинг индивидуал шахс ёки ижтимоий шахс сифатидаги фаолиятига вобаста эканлигини аниқлаш осон эмас. Зеро, инсон илмий тадқиқ учун энг муқаммал ва энг мураккаб ҳодисадир. Табиий фанларнинг тадқиқот объекти – кўзга яққол ташланиб турадиган, бевосита идрок этиш мумкин бўлган предметлар ва улар билан боғлиқ бўлган ходисалар эканлиги маълум. Иммануил Кантнинг замондоши бўлган олмон файласуфи Иоханн Готфрид Гердер (1744-1803) инсон «доимий равишда ўз-ўзи ва Ер билан зиддиятда, чунки Ер куррасидаги мавжудотлар ичидаги энг тараққий этган зот аини пайтнинг ўзида ўз қобилиятини намоён қилишда ожиздир», деган эди (Гердер 1977: 135). Бундай

«ожизлик»нинг сабабини файласуф бир оз олдинроқ изоҳлаган: «инсоннинг ҳозирги ҳолати ҳеч қандай шубҳасиз икки дунёни (фоний ва боқий ҳаёт – Ш.С.) боғловчи халқа, бўгиндир» (Ўша асар: 134).

Инсон шунчалик сирли «дунё»ки, кўпчилик бу дунё сирларини билишнинг имконияти йўқ деб ҳисоблайди. Жавонмардлик тариқатининг асосчиси хоразмлик машҳур аллома Нажмиддин Кубро (1145-1221) таълимотига кўра, инсонда унинг ўзига хос кичик олами - (олами сугро) ва бутун оламнинг (олами кубро) барча ҳислатлари ўз аксини топади. Оламни яхлит, тўлиқ ҳолда тасаввур этмоқ учун, яъни «олами кубро»нинг барча хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлмоқ учун нафақат илоҳий олам («олами кабир»), балки инсон оламининг сирусиноатларини билмоқ даркор. Энг асосийси, алломанинг фикрича, инсон барча оламларнинг сирини билиб олиш имкониятига эга. Бунинг учун у тинимсиз изланиши керак (Қаранг: Чориев 2007: 229; Комилов, 1995).

Ҳақиқатдан ҳам инсон мураккаб ҳодиса бўлиб, унинг табиати ва фаолиятини, шу жумладан, лисоний фаолиятини тадқиқ қилиш, билиш истаги тадқиқотчидан «нозик дид» ҳамда тадқиқ объектига нисбатан алоҳида эътиборни талаб қилади. Инчинун, тилшуносликнинг антропологик кифо олиши узоқ жараён бўлди ва бу жараён турли тўсиқларга учраб, уларни бартараф этиш умидида турли назарий гояларга асосланган ҳолда боскичма-боскич кечди. Жараён тугаганича йўқ, у мунтазам равишда давом этмоқда.

Қиёсий-тарихий тилшунослик йўналишининг ашаддий тарафдорлари Ҳ.Остҳофф ва К.Бругманлар «Ҳинд-европа тилларига оид морфологик тадқиқотлар» номли рисоаларининг илк сатрларида улардан олдинги даврда тилшунослик фани ўз объекти –ҳинд-европа тиллари тадқиқига «одамзотнинг тили қандай «яшаши» (мавжуд бўлиши) ва тараққий этиши ва нутқий фаолият

жараёнида қайси омиллар ҳаракатга келиши ҳақида дастлабки аниқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб киришганлигини» (Остгоф, Бругман 1960: 153) эслатиб, тадқиқотчилар «фавқулоддаги иштиёқ ила тилларни тадқиқ этишди, аммо сўзловчи шахсга ўта кам эътибор қаратишди», дея ўз норозиликларини изҳор этишган эди. «Ёш грамматикачилар» йўналиши вакилларининг 1878 йилда билдирган бундай норозиликлари каби қайдлар кейинги асрда кўп марталаб турли муаллифлар томонидан қайта-қайта айтилиб турилган бўлса ҳам тилшуносликдаги бир томонламалик, тадқиқ объектини фақатгина тил тизимининг ўзи билан чегаралаб қўйиш анъанасидан воз кечиш қийин бўлди. Тилшуносликнинг ҳақиқий антропологик тус олиши янги илмий парадигмаларнинг шаклланиш даври XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келди. Шу даврда прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, дискурсив таҳлил каби парадигмалар шаклланиши билан ва нутқий фаолиятнинг қандай «ижтимоий-коммуникатив майдонда» (Романов 1988: 28) кечишини ўрганишга қизиқиш кучайиши билан тадқиқотчиларнинг диққат-маркази «лисон-восита» дан инсон коммуникатив фаолиятига кўчди. Коммуникатив ходисаларнинг замон ва макони «инсоний ҳудуд»да (people space – Harre, Gillett 1994: 31) жойлашганлиги учун ҳам инсоннинг лисоний фаолиятини тадқиқ этиш тилшуносликнинг асосий мақсадига айланди.

Бу мақсад, айниқса, прагмалингвистик тадқиқотларда мунтазам ва изчиллик билан амалга оширилаётганлигини таъкидлаш лозим. Прагмалингвистика ўта қисқа муддат ичида (кўпчилик ушбу йўналишнинг шаклланишини 1970 йилда ўтказилган халқаро симпозиум билан боғлайди (Bar – Hillel 1971; Азнаурова 1988: 7), бошқалар бу санани 1957 йилдан, деб ҳисоблайди. (Levinson 1983: XII) ўз тадқиқ объектини, асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаб,

лисоний билимнинг мустақил соҳасига айланиб улгурди. Гарчанд ушбу мустақиллик нисбатан бўлса ҳам, ҳар ҳолда, прагмалингвистика антропологик тилшуносликнинг бошқа соҳаларига қиёсан, анчагина баркамолликка эришганлигининг гувоҳимиз. Унинг фонопрагматика, морфопрагматика, лексикопрагматика, фразепрагматика соҳаларига озуқа бера бошлаганлиги ҳам бунинг исботидир.

Аммо баркамолликнинг чегараси йўқ. Инсоннинг дунёни билишга интилиши тугамаганидек, фан соҳаларининг муаммолари ҳам чексиз. Шундай экан, прагмалингвистикани ҳам тўлиқ мустақилликка эришди, дейиш нотўғридир. У доимий таракқиётда, инсон лисоний фаолияти моҳиятининг кўз илгамас қирраларини кўриш, ҳеч бўлмаганда, тасаввурда идрок этиш сари интилишда давом этмоқда.

Прагмалингвистиканинг истиқболи кўп жиҳатдан бошқа турдаги фан соҳалари билан муносабатиди, улар билан ҳамкорлигида кўринади. Албатта, прагмалингвистика қатор фанлар билан сарҳаддошлик муносабатларини, биринчи навбатда, тилшуносликнинг яхлит майдонидан, ушбу фаннинг туб лингвистик соҳаларидан излаш керак бўлади. Дарҳақиқат, инсоннинг лисоний мулоқот қобилиятини ўрганиш учун (бу прагмалингвистик тадқиқнинг асосий мақсадларидан бири) тил тизими, унинг алоҳида сатҳларига хос ҳодисаларга муурожаат қилмасликнинг иложи йўқ.

Бирок бу муаммога қандай қандай ёндашиш масаласи ноаниқлигича қолмоқда. Бинобарин, прагмалингвистиканинг фонология билан боғлиқ томонларига эътибор етарли эмас. Матнда, нутқий вазият доирасида яшириниб турадиган тағмаънони ифодалаш усулларини олайлик. Бунда просодик воситанинг ўрни қанчалик юқори эканлигини доимо сезамиз. Худди

шунингдек, ургунинг ижтимоий дейкис ифодалаш ва хурмат тамойилини воқелантириш учун қанчалик қўл келиши ҳам маълум. Афсуски, фонопрагматик ходисаларнинг коммуникатив роли, уларнинг миллий-этниқ хусусиятлари, лисоний фаолият доирасида мазмун яратувчанлик белгилари тизимий равишда ўрганишга эндигина киришилмоқда.

Прагматиканинг синтаксис билан муносабати масаласи мунозарали. Д.Лайтфут каби тилшунослар бундай муносабатнинг бўлишини бутунлай инкор этишга ҳаракат қилишса ҳам (Lightfoot 1979: 43), синтактик элементларнинг гап тузилишидаги ўрни ва ушбунинг дискурс шаклланишидаги роли прагмалингвистик таҳлил учун муҳимдир. Синтаксиснинг прагматик «сиқув»га дош бериш даражаси ҳамда дискурс талабига мослашишини таъминловчи лисоний омиллар қаторини аниқлаш муҳим. Айниқса, синтаксиснинг прагматик мақсад учун «хизмати» «тема – рема» ёки «мавзу – изоҳ» (topic - comment) ходисалари таҳлилида муҳимдир.

Прагмалингвистиканинг синтаксис билан алоқаси, айниқса, унинг нутқий актларни гуруҳлаш ва таснифлашга оид соҳасида яққол намоён бўлади. Гапларнинг аънавий коммуникатив турлари – дарак, буйруқ, ундов гаплар гуруҳларининг иллокутив мақсадни ифодалаш даражасини аниқлаш синтактик тузилмаларнинг прагматик имкониятларни билиш учун зарурдир. Бундан ташқари, гап структураси ва бевосита нутқий акт муносабатини ўрганиш тил тизимидаги маъно ва шакл ассиметриясини нутқ сатҳида кўчиши ва прагматик ассиметрияга айланиш механизмларини аниқлаш имконини беради.

Умуман, мулоқот матнига оид мазмун ва лисоний шакл муносабати масаласи прагмалингвистик тадқиқотларнинг долзарб мавзуларини белгилаб бериши шубҳасиз. Прагматиканинг субстанционал - формал

тилшунослик йўналишидаги тадқиқотлар билан боғланиши, биринчидан, лисоний бирликлар мазмун-моҳиятини янада батафсил ёритиш имконини берса, иккинчидан, формал тилшуносликка «жон», ҳаракат бахш этади. Н.Чомский грамматикани «қобилият модели» сифатида таърифлаганлигини эслайлик. Бу таърифга биноан қобилият (competence) идеаллаштирилган (ҳар қандай хатолик, қоидага хилофлик ва вариантликдан холи бўлган) тил(ни) билишдир, унда тилнинг мулоқот матнида қўлланиши лисоний қобилиятдан ажратиб қўйилади. Натижада прагматик билим лисоний қобилият шаклланишида ўз ўрнини топмайди, деган хулоса пайдо бўлади (Kempson 1975: Chapter 9). Лекин ҳар қандай грамматик таҳлил охир-оқибат лисоний бирлик, шаклларнинг маъносини, уларнинг мундарижавий хусусиятларини аниқлаш вазифасини қўяди. Бу бирликларнинг асл маъноси ва мазмунини матнга, мулоқот муҳитига мурожаат қилмасдан туриб аниқлаш ҳамда тавсифлаш қанчалик мушкул эканлигини биламиз. Шунинг учун прагматик маълумотларнинг семантик-синтактик тадқиқотлар самараси учун муҳимлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Семиотик майдонда прагматика – семантика – синтаксис учлиги – трихотомияси узвий занжир ҳосил қилишини эътироф этадиган бўлсак, унда лисоний таҳлилда ҳам айирмачиликнинг хавfli усул эканлигини унутмаслик лозим. Прагматика лисоний билим билан коммуникатив қобилият ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Тилшуносликнинг социолингвистика, психолингвистика, когнитив тилшунослик каби соҳаларининг прагматика билан сарҳаддошлигини алоҳида таъкидлашга ҳожат йўқ.

Прагмалингвистлар ва когнитологлар бир хилда лисоний тафаккур фаолияти, шу фаолият асосида юзага

келадиган лисоний-мантиқий ҳодисалар – пресуппозиция, имплицатура, иллокутив мақсад кабиларнинг мулоқот матнида воқеланиши муаммолари билан банддирлар. Нутқ ижоди фаолиятида учрайдиган пауза, сукут сақлаш, иккиланиш каби ҳодисаларнинг ботиний когнитив жараён ҳодисаси эканлигини биламиз, аммо уларнинг аслида коммуникатив мақсад ифодаси учун хизмат қилишларини ҳам унутмаслик лозим. Энг асосийси, нутқий мулоқот ҳамкорлигининг асосий мақсади – ахборот алмашинуви ва бу мақсадга эришиш учун суҳбатдошлар бир-бирларини тушунишлари лозим. Нутқий ҳамкорлик самарали бўлишини таъминловчи восита – мулоқот иштирокчиларининг лисоний-когнитив қобилияти. Бу қобилият етарли даражада шаклланмаган ҳолатда, коммуникация «тил билмаслар» учрашувига айланади ва натижада мақсадга эришиш умиди пучга чиқади. Бундан ташқари, мулоқот матни тағмаъноли мазмунга, имплицатурали ифода воситаларига бой эканлигини ҳам биламиз. Шунинг ўзигина прагматик мазмун таҳлилин когнитив жараёнлар тадқиқидан ажратишнинг имкони қанчалик даражада чегараланганлигидан далолат беради. Лингвистик таҳлилда прагмалингвистиканинг вазифаси илмий мушоҳада учун «хом ашё», материал тайёрлашдек кўринса, когнитив тадқиқда эса ушбу «хом ашё» тажриба синовидан ўтказилиб, якуний хулоса учун замин яратилади.

Прагмалингвистика ва социолингвистика йўналишларининг учрашув нукталари шунчалик кўп, шунингдек, бу соҳалар шу даражада яқинки, ҳатто айримлар прагматикани ҳозиргача социолингвистиканинг алоҳида бир қисми сифатида таърифлаб келмоқдалар. Шунинг билан биргаликда, прагмалингвистиканинг тадқиқ ҳуқуқига эга эканлиги, бу тадқиқотларда алоҳида мақсад ва вазифалар кўзланишини ҳеч ким инкор этмайди.

Мустақиллик ҳуқуқига эришган прагматика социолингвистика билан қариндошчилик ришталарини узгани йўқ ва бу ришталар янги шаклланаётган йўналишлар – социопрагматика ва этносоциопрагматикани озиқлантириб туришибди. Албатта, ҳозирги рисоланинг хотима қисмида бу йўналишдаги тадқиқотларнинг вазифалари ҳақида батафсил маълумот беришнинг имкони йўқ (қаранг: Сафаров 1990; Сафаров 1991; Сафаров, Тоирова 2007), бироқ мулоқот тизимининг баъзи ижтимоий-маданий белгиларига қисқагина тўхталмасликнинг ҳам иложи йўқдек.

Мулоқот жараёнида, у озгаки ёки ёзма бўлишидан қатъий назар, инсон, шахслараро муносабатни таъминлаш вазифасидан ташқари, матн яратиш ва фикрни узвий ифодалаш вазифалари рўёбга чиқади. Шу сабабли мулоқот маҳсули дискурсни турли нуқтаи назардан тадқиқ этиш талаби мавжуд. Дискурснинг тузилиши ва таркиб топишини тадқиқ этиш мақсади кўзланганда, эътибор матн когерентлиги, қисмлар тартибига ва бошқа структуравий хусусиятларга қаратилади. Дискурснинг прагмалингвистик талқини учун эса мазмун ифодаси, унинг зоҳирий ва ботиний белгилари, тағмаъно турлари ҳамда коммуникантлар билим доираси, улар бир-бирини тушунишини таъминловчи когнитив-семантик ҳодисалар тадқиқи муҳимдир. Аммо дискурснинг структуравий ва прагматик – когнитив қатламлари бир хилда миллий-маданий қобикқа эгадирлар.

Лисоний фаолиятда воқелик ҳақида ахборот жамланиб, бу ахборот адресатга узатилади (аникроги, ахборот алмашинуви ҳаракатлари бажарилади). Ахборот жамлаш лингвокогнитив жараён бўлиб, бу жараёнда инсон онгида идрок қилинаётган воқеликнинг «лисоний киефаси», образи шаклланади. Борлиқ лисоний киефасининг шаклланиши оддий жараён эмас, зеро,

тафаккур фаолиятининг ўзи ҳам кўп босқичли бўлганидек, яратилган коцептнинг лисоний воқеланиши ҳам мураккаб фаолият натижасидир. Биргина концептнинг шаклланиш шароитини олайлик: бу шароитда кўриш, ҳис этиш, тасаввур қилишдан бошланган фаолият образ яратилиши, тушунча ҳосил бўлиши каби концептуал ҳаракатлар мажмуаси билан бойиб боради. Бундан ташқари, бу мажмуа идрок этувчи шахсга хос бўлган индивидуал белгилар ҳамда миллий-этник кўрсаткичларни ҳам камраб олиши аниқ.

Воқелик билан муносабатга киришаётган, уни идрок этаётган шахс онгида маълум миқдордаги ахборотнинг олдиндан мавжуд бўлишини ҳам унутмаслигимиз керак. Шу сабабли ҳар бир инсон «шахсий когнитив майдон»га эга бўлиш ва шу асосда «жамоа («миллий» десак маъқул бўлар эди –Ш.С) когнитив майдони» ҳамда «когнитив базаси» шаклланади (Красных 2002: 163).

Когнитив база, сўзсиз, этник, миллий кўринишга эга. Аммо бу хусусиятлар когнитив майдонда қандай ҳаракатда бўлади-ю, мулоқот фаолиятининг қайси жиҳатларига бевосита таъсир ўтказди? Бу савол кўпдан буён психолингвистлар диққатини тарк этмаётган бўлса, эндиликда у когнитолог ва прагмалингвистлар учун ҳам долзарблашди.

Маълумки, коммуникация – ахборот алмашинуви фаолияти ва бу фаолиятни таъминловчи асосий восита– лисоний белгилардир. Коммуникациянинг самарадорлиги эса қўлланишдаги (лисоний) белгиларнинг барча учун умумийлиги билан таъминланади. Лекин бу умумийлик қандай юзага келиши мумкин ва қандай ўзгаришларга дучор бўлиши кутилади? Бу борада Анна Вежбица қўллаган «семантик примитив» тушунчасини эслайлик. «Семантик примитив»лар воқеа-предметлар идрокнинг ибтидоси бўлиб (шу сабабли бу атамани ўзбек тилига

«ибтидоий маъно бўлаклари» деб таржима қилиш мумкин.), уларнинг бирикиши натижасида элементар (оддий) ва мураккаб концептлар ҳосил бўлади (Вежбицкая 2001: 20; Wierzbicka 1994; Wierzbicka 1996). Умумийлик асосан шу оддий, дастлабки концептуал бирликларга хосдир. Уларнинг турли бирикишларидан ҳосил бўладиган мураккаб концептлар эса умумийликдан анча узоклашиб, хусусийликка интиладилар. Бундай хусусийлик идиоэтник, яъни миллий-маданий мазмун олади.

Концептуал фаолиятга хос бўлган ушбу миллий-маданий мазмун мулоқот тизимида ўз аксини топмай қолмайди. Воқелик идрок натижасида ҳосил бўладиган концепт фрейм тузилишида, яъни қолип равишда кечади. Фрейм борлиқнинг идрок этиш модели сифатида турли мантиқий-руҳий ассоциациялар асосида шаклланади. Фреймни ўзига хос мантиқий фаолият занжири кўринишида тасаввур этадиган бўлсак, унинг турли тугун, бандлардан таркиб топиши эътироф этилади. Бу тугун ва бандларнинг ҳар бири махсус «топширик»ни бажаради, вазифани ўтайди. Ана шундай вазифалардан бири миллий-маданий мазмунни ифодалашдир. Фрейм ассоциатив идрок қолипи бўладиган бўлса, бундай мантиқий-тафаккур образларининг кўпчилик қисми миллий-маданийлик хусусиятига эга бўлишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Яна А.Вежбицкага мурожаат қилишга тўғри келади. Дискурсив фаолиятнинг турли миллий-маданий муҳитларда бир хилда кечмаслигининг сабаблари билан мунтазам қизиқиб келаётган олиманинг фикрича, нутқий мулоқот қоидаларининг турлилиги бу қоидаларда маданий қадриятларнинг номуқобиллиги ёки, ҳеч бўлмаганда, ушбу қадриятлар муносабатларидаги фарқлар ўз аксини топади. Энг асосийси, бу фарқлар ботиний ва тизимий характерга эга ҳамда мулоқот қоидалари аслида «маданий қоидалар» ботиний тизимининг зоҳирланишидир (Вежбицка 2001:

159). Бу йўсинда зоҳирланиш фрейм таркибидаги миллий-маданий тугунларнинг фаоллашуви асосида юзага келади. Нутқий мулоқот самарали кечишини таъминловчи алоҳида маданиятга хос кўрсатмаларни акс эттирувчи «маданий сценарий»ларни (cultural scripts) аниқлаш ва қиёслаш у ёки бу жамоа, миллат учун хос бўлган мулоқот фаолияти услублари ва воситаларини билиш учун муҳимдир (Wierzbicka 1996).

«Маданий сценарий» тушунчасидан фойдаланган ҳолда мулоқот бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини тизимли равишда тавсифлаш мумкин. Мулоқот матнининг таркиб топиши икки босқичли фаолиятдан иборат. Бу фаолиятнинг биринчи босқичи концептуал хусусиятга эга бўлиб, айнан шу босқичда коммуникатив мақсадга мос келадиган фрейм шаклланади. Масалан, ишонтириш, кўркитиш, сўраш, талаб қилиш, таклиф қилиш, огоҳлантириш каби иллокутив мақсадни кўзловчи нутқий ҳаракатларни воқелантирувчи фреймлар мулоқот стратегиясини белгилайди. Иккинчи, яъни дискурсив босқичда концептуал тузилма – фрейм ўз лисоний ифодасини топади. Дискурсив босқич бирликларининг концептуал тузилмалар учун «устқурма қобик» вазифасини ўташи кўриниб турибди. Бироқ мулоқот маданий муносабатини худди шу қобикқа боғлаб қўйиш ва мулоқот тизимида учрайдиган маданиятлараро фарқларни эстон тилшуноси Х.Бйим таклиф қилганидек (Бйим 1990: 59), фақатгина ифода воситалари тизимидан излаш бутунлай нотўғри бўлар эди.

1990 йилда Молдавиянинг Бэлц шаҳрида ўтказилган симпозиумда ўқиган маърузамдаёқ, мен эстон ҳамкасбимга эътирозимни айтиб, нутқий мулоқот тизимларини қиёслашда ушбу тизим бирликларини таснифлаш ва уларнинг этник хусусиятларини белгилаш билан чегараланиб қолмасдан, балки лисоний фаолиятда доимо

хамроҳ бўладиган бундай кўрсаткичларнинг мавжудлиги ва пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш лозимлигини таъкидлаган эдим (Сафаров 1990: 103). Таъкид айтилди-ю, аммо мулоқот тизимида мавжуд бўладиган миллий-маданий фарқларнинг сабабларини топиш йўлини излаш керак эди. Очигини айтсам, ўша пайтларда бу изланишларда нимага таяниш мумкинлигини билмас эдим. Ниҳоят, когнитив тилшунослик гоёлари билан махсус ва чуқурроқ шугулланиш жараёнида бу мақсадда лисоний билимнинг ажралмас қисми, унинг асоси бўлган концептуал тузилмалар қиёсига муурожаат қилиш маъқуллигига ишондим.

Ахборот алмашувининг мазмуний негизини ташкил этувчи концептуал тузилма – фреймнинг турли миллий-маданий муҳитларда таркибан мос келмай қолиш ҳолатларига изоҳ бериш ниятида баъзи мисолларга муурожаат қилсак.

Тасаввур қилинги, инглиззабон дўстингизникида чой ичяпсиз, у сизга меҳмондўстлик рамзи сифатида «*Яна чой ичасизми?*» деб сўрамоқчи: *Would you like some more tea?* Сиз ҳам меҳмондўстликка ташаккур билдирасиз: *Thank you!* Шунда дўстингиз сўровни давом эттиришга мажбур: «*Yes*» «*thank you*» or «*no*» «*thank you?*» («Ҳа» раҳматми ёки «йўк» раҳматми?)

Нутқий мулоқотдаги бундай англашилмовчиликнинг сабаби ташаккур иборасининг нотўғри шаклда бўлишида эмас, балки ўзбек миллатига хос маданият нормасидир. Маълумки, меҳмондорчиликда қанчалик мезбон илтифотидан баҳраманд бўлишни истасак ҳам, ҳеч қачон унинг «*Овқат ейсизми?*», «*Чой ичасизми?*» қабилдаги саволига тўғридан-тўғри тасдиқ жавобини бермаймиз. «*Раҳмат!*» дейишнинг ўзи илтифотнинг қабули эмасми?!

Умуман, шарқона муомала маданиятида «ҳа» ва «йўк» нинг ифодасида кескин чегара йўк. Японлар ҳар

қадамда ишлатадиган «хай» иборасини европаликлар «ҳа» мазмунида таржима қилишади. Худди шунингдек, ўзбек тилидаги «хай», «хўп» иборалари ҳам тасдиқ, ризолик мазмунида қабул қилинади. Аслида, ушбу ибораларни кўллаётган япон ҳам, ўзбек ҳам тўғридан-тўғри розиликни билдираётгани йўқ; у «*Сизни тингладим ва тушундим, энди қандай жавоб беришни ва нима қилишни ўйлаб кўраман*» демоқчи.

Умуман, коммуникатив мақсад – интенцияни ботиний, яширин ҳолда ёки билвосита ифода этиш барча миллатларга хосдир. Лекин билвосита нутқий актларнинг таснифий гуруҳлари ва уларни ифодаловчи лисоний шакллар қатори турли тилларда бир хил кўринишга эга бўлмайди. Масалан, француз мақтов, таҳсин изҳор этиши учун панжасининг учини ўпиб қўйса етарли. Инглизлар мазмунни билвосита ифодалашда кўпинча сўроқ шаклларига мурожаат қиладилар (*Would you pass me salt?*). Ўзбеклар нутқида илтимосни ифодалашда савол шаклларида деярли фойдаланилмайди. Турли миллат вакиллариининг сергаплик даражаси ҳам бир хил эмас, кўп гапиришдан турли мақсад кўзланиши мумкин. Марказий Осиё халқларига «*Аҳволингиз қандай? Уй ичи, бола-чақа тинч-омонми?*» саволлари билан мурожаат қилинганда, «*Худога шукр!*» жавобини олишнинг ўзи етарли. Худди шу саволни англосаксонларга берсангиз, уларни ҳайрон қолдиришингиз ва умуман жавоб олмаслигингиз мумкин. Олмонлар эса батафсил жавобга тайёрлар, улардан ҳатто ўз организмлари, тана аъзоларининг қай аҳволда экани ҳақида ҳам маълумот олишга тайёр тураверинг. Японлар эса ҳар қандай саволга тўғридан-тўғри ва аниқ жавоб беришдан қочадилар.

Баъзилар япон маданиятига хос бўлган ҳар қадамда кечирим сўраш ёки ташаккур изҳор этиш одатини батафсилликнинг рамзи ҳисоблайдилар. Японияда бошлик

ходимга бирор бир танбех берса ёки ундан хатосини тузатишни сўраса, ходим (у ҳар қанча ҳақ бўлса ҳам) ҳеч вақт ўзини оқлашга ҳаракат қилмагани маъқул. Яхшиси, кечирим сўраб қўя қолишдир, зеро, япон жамиятида «мен бирор ёмон иш қилмадим» деб ўйлаш нотўғридир; сен ҳар ҳолда бирор нарсада гуноҳқорсан. Шунинг учун ҳам Австралияда ўтказилган автопойгада эрлари ҳалок бўлган икки япон жувонининг газетада австралияликлардан кечирим сўраши (юзага келган ноқулайликлар учун) нормал ҳолатдир.

А.Вежбицка «кечирим сўраш» фаолияти фреймини таркиб топтирувчи «маданий сценарий»ни қуйидагича тавсифлайди (Вежбицкая 2001: 129):

-мен бажарган ҳаракатим бирор бир ёмон натижа билан тугаса,

-ушбу кишига ёмон ҳодиса бўлганлигини сезяпман дейишим керак,

-шу сабабли бирор нарса қилишим керак.

Худди шу маданий сценарий мулоқот тизимида ўз таъсирини ўтказди ва ҳар қандай ҳолатда ҳам кечирим сўрашга ундайди.

Бундан ўн йиллар олдин мулоқот қоидаларини маданий нормалардаги фарқлар нуқтаи назаридан таҳлил қилишни истаган психолог олимлар Осиё халқлари лисоний фаолиятида улар маданиятига хос бўлган ўз-ўзини камситиш хусусияти акс этади, Фарб маданиятида эса ўз-ўзини улуглаш, такаббурлик устувор, деган гоёни олға сурмоқчи бўлишган эди (Katayama, Markus, Liberman 1995). Менимча, ушбу гоё муаллифлари хато фикрдалар. Ахир шарқона камтарликка ўз-ўзини камситиш (self-aversion) баҳосини бериш тўғрими?! Япон, хитой ёки ўзбек ҳар бир ҳаракати учун узр сўраса, ёки илтимосни, талабни тўғридан-тўғри баён этишдан қочса, ёки мақтовни камтарона қабул қилса, ҳатто баъзан мақтов, хушомад

мазмунидаги нутқий мурожаатларга эътироз билдиришга уринса, бу билан ўзини суҳбатдош олдида камситиш ниятида бўлган бўладими? Аслида, бу миллатларнинг гурури англосаксонларникидан баланд бўлса бордир-ку, ammo паст эмас. Юқорида айтилган мулоқот одати хатти-ҳаракатларининг мавжудлигига сабаб ушбу миллат вакилларининг онгидаги «фрейм структура»да (Красных 2002: 175) миллий маданиятга хос қобикнинг мавжудлигидир. Этник-этик нормалар тўпланишидан ташкил топадиган ушбу қобик мулоқот стратегияси ва тактикасини бир хилда бошқариб борадиган қоидалар туташадиган майдондир.

Америкаликларнинг ўзини тутиши ва нутқий мулоқотда сезиладиган такаббуруна хатти-ҳаракатларининг сабаби ҳам миллий-маданий қадриятлар билан боғлиқ. Америка қитъасига кўчиб ўтган турли миллат вакиллари бойлик тўплаш учун қатъиятли бўлишга, таваккал қилишга, мустақил ҳаракат қилишга, атрофдагиларга тажовузкорона муносабатда бўлишга одатланишган. Улар муваффақиятсизликдан чўчимасликка (чунки атрофда чексиз ер майдони бор ва ундан фойдаланиш имконияти мавжуд), ҳар қандай ўзгаришларга ишонч билан боқишга (Америкада ишдан бўшатилиши ҳақида хабарни эшитиш уят эмас) ўрганишган. Бундай шароитда тарбия топган шахс ўзини такаббуруна тутиши табиийдир. Осиё халқлари фаолиятида эса тамоман бошқача «маданий сценарийлар» ҳукмрон, чунки уларнинг ишга, лавозимга бўлган муносабати бошқача кўриниш олади. Айниқса, раҳбар-ходим ўртасидаги муносабатлар ўзгача, раҳбар – хўжайин, у ходим – ишчисининг муаммоларини тушунишга уринади, керак бўлганда, унга ёрдам қўлини чўзади. Ижтимоий мавке ҳурмат қилинади, бошлиқнинг айтгани эътирозсиз, бекаму кўст ижро этилади. Ҳатто Индонезия, Малайзия, Таиланд каби

мамлакатларда лавозимга ворислик йўли билан эришиш мумкин. Бу миллий-маданий хусусиятларнинг барчаси, сўзсиз, мулоқот қоидаларида ўз аксини топади.

Миллий-маданий сценарийлардаги фарқни барча миллатлар учун умумий, универсал бўлган тушунчалар идрокида ва талқинида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, барча воқеа-ҳодисалар аниқ макон ва замонда кечади, аммо инсон тажрибасида унинг лисоний фаолиятида марказий ўринни эгаллайдиган ушбу концептлар моҳиятига бўлган муносабат бир хил эмас. Масалан, Америка, Швейцария, Италия, Япония каби мамлакатларда «вақт (замон)» тушунчасининг моҳияти турлича талқин қилинади. Америкада (ҳамма нарса бойлик орттиришга қаратилган жамиятда) вақт –қимматбаҳо товар, фойда олиш илинжида бўлсангиз, шошилинг, вақт орқасидан қувинг. Америкалик учун ўтган замон йўқ, ҳозирги замонга илиниб қолиши мумкин, асосий умид келгуси замонга (келгусида «вақт» товаридан кўпроқ фойда олиш мумкин). Шунга нисбатан америкаликларнинг идрокида «вақт» концептининг шакли узунчоқ чизикли кўринишга эга ва бу чизик қисмлар давомлилигидан иборатдир:

Ўтган замон

Ҳозирги замон

Келаси замон

Вақт, инглизлар, олмонлар, скандинав халқлари наздида ҳам чизикли кўринишда давом этади. Улар бир пайтнинг ўзида бир неча юмуш билан шугулланишни ёқтирмайдилар, бир вақт оралигида биргина иш билан машгул бўлиб, уни битказгандан сўнг навбатдагисига ўтишни маъкул кўрадилар. Шу сабабли ҳам уларнинг забонида замон категорияси турли вақт ораликларини ифодаловчи шаклларга бой бўлса керак.

Туркийзабон миллатларда ва кўпгина шарқ халқларида вақт идроки тамоман ўзгача. Бу маданиятларда

вақтнинг кечиши одамлар ва воқеалар билан боглик эмас, у – даврий ҳаракатда. Одамлар ўз фаолиятларида ушбу даврийлик аксини кўрадилар ва унга мослашади. Вақт айланма халқа атрофида ҳаракатланганидек, инсон фаолияти ҳам (табиат, борликдаги воқеалар каби) бир босқичдан иккинчисига ўтиб, давра атрофида кечаверади. Шарқликлар гарбликлардан фарқли равишда, ҳар бир ҳаракатга киришишдан олдин узоқ мулоҳаза юритишга тайёрдирлар. Ҳар бир қадам олдинги даврга нисбатан кўйилади.

«Вақт» тушунчасини даврий кўринишда идрок этувчи миллатлар ўтган ва келаси замонларни идрок қилишда гарбликлардан тубдан фарқ қиладилар. Вақтни узунчок (орқага қайтмайдиган) чизик кўринишида тасаввур қиладиган маданият вакиллари ўтган замонга орқада қолган ҳодиса сифатида қараб, келажакни «пешона»да турган умидбахш ҳодиса деб қабул қиладилар. Шарқ маданиятининг асосий қисмида ўтган замон, аксинча, доимо кўз олдидаги даврдир, у кўриниб турганлиги учун ҳам биз бу давр таъсиридамыз, ундан сабоқ оламыз. Мадагаскарда яшовчи элатларда бирор бир фаолиятни бажаришдан олдин вақтни ҳеч қандай аямасдан ўз аждодлари суякларини қазиб олиб, улар билан маслаҳатлашиб олиш одати бор экан. Келаси замон эса, аксинча, худди уларни орқадан қувиб келиб, атрофда айланиб, кейин яна орқага (ўтмишга) қайтадиган даврдек тасаввур қилинади.

«Вақт» тушунчасининг бу тарзда турлича идрок этилиши мулоқотнинг кечишида, унинг миллий-маданий нормаларида ўз аксини топмай қолмайди. Айнан шу қоидаларнинг таъсирида Шарқда мулоқот матни кўпроқ ритуалликка, маросимий тусга мойилроқ. Италиянлар, испанлар ва бошқа айрим европаликлар учрашув ва мулоқотда асосий эътиборни эмоционалликка,

кутилмаганда ижро этиладиган ҳаракатларга қаратадилар, японлар, корейслар ҳар қандай тадбирни босқичма-босқич, ҳар бир босқич бошланиши ва тугалланишини аниқ чегаралаш, бу чегарани шаклан белгилашга уринганлар.

Юқорида келтирилган «вақт» концептининг турли маданиятлар вакиллари идрокидаги фарқлари ушбу концептнинг ғраматикалашуви жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Масалан, туркийзабон халқларда ўтмишдан сабоқ олиш, аждодлар тажрибасига таяниш, маънавий кадриятларга эҳтиром ниҳоятда кучли. Шунинг учун ҳам туркий тиллар ғраматик тизимида ўтган замонни ифодаловчи феъл шакллари микдор жиҳатидан ҳозирги ва келаси замон шаклларида кўпроқ.

Ўзбек тили ғраматикасига оид қўлланмаларда замон категориясини ифодаловчи шакллар қуйидагича тавсифланади:

1) Ўтган замон:

а) яқин ўтган замон феъли (*борди, куйлади*);

б) узоқ ўтган замон феъли (*борган эди, куйлаган эди*);

в) ўтган замон ҳикоя феъли (*бориб эди, куйлаб эди*);

г) ўтган замон давом феъли (*борар эди, куйлар эди*);

д) ўтган замон мақсад феъли (*бормоқчи эди, куйламоқчи эди*).

2) ҳозирги замон:

а) ҳозирги замон давом феъли (*бораяпти, куйламоқда, бораётир*);

б) ҳозирги-келаси замон феъли (*боради, куйлайди*).

3) Келаси замон:

а) келаси замон гумон феъли (*борарман, куйларсан*);

б) келаси замон мақсад феъли (*бормоқчиман, куйламоқчи*).

Ўзбек тили ғраматик тизимида мавжуд бўлган ўтган замон формаларининг маъно ва ғраматик хусусиятлари беқиёс, улар мулоқот жараёнида турли вазифаларни

бажарадилар (қаранг: Ўзбек тили грамматикаси 1975: 478-498). Келаси змаон шакллари эса кам миқдорда, улар бажарадиган вазифалар доираси ҳам чекланган. Бизда ўтмишдан ибрат олиб, ҳозирга эътибор қаратилади. Шу сабабли бўлса керакки, келаси замон шакллари ифодалайдиган ҳаракатлар мазмунан «шартли» ёки «гумонли». Ўзбек тили феъл тизимининг билимдони А.Ҳожиёв таъкидлаганидек, «(Балки) эртага келар» деганда, «ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигини ҳақиқатда ҳам сўзловчининг билмаслиги ифодаланади» ёки «*Бир оз ўтириб борарсиз*» деганда «сўзловчининг ҳаракатга даъвати, истаги каби муносабати ҳам ифодаланади» (Ҳожиёв 1975: 502-503). Гумон қанчалик шартли бўлса, истакнинг ижроси ҳам шунчалик гумонли. Демак, фойдани ҳозирдан қидирмоқ керак. Алишер Навоий хазратлари даъват этганидек,

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,

Не учунким, дам- бу дамдур, дам - бу дамдур, дам - бу дам («Муншаот»).

Инсоният учун умумий бўлган тушунчалар, концептлар мавжудлигини биламиз. Булар қаторига масалан, юқорида эслатилган замон ва макондан ташқари, *ҳақиқат, ёлгон, севги, шаън, бурч, адолат, ҳурмат, қасд, ғазаб* кабилар ҳам киради. Бундай концептлар барча халқлар учун қанчалик умумий бўлмасин, ҳар бир халқ уларнинг мазмунини ўзича тасаввур ва талқин қилади. Бинобарин, швед ва ўзбек «шаън» сўзини бир хилда тушунмайди, хитой ва инглиз учун «бурч» бир хил маъно англатмайди. Биз учун йил тўрт фаслга бўлинса, саам элати уни саккиз давр (фасл)дан иборат деб тасаввур қилади. Умумий тушунчалар талқинидаги бундай номувофиқликлар маданиятлараро мулоқотда турли ноқулайликлар тугдиради. Инглизлар ва олмонлар тарихан бир уругдан тарқалишган. Уларнинг тиллари қон-

қариндошдир, лекин шу миллатлар ҳам умумий тушунчаларни турлича идрок этишиб, уларни турлича шаклларда ифодалашлари мумкин экан.

А.Вежбицканинг гувоҳлик беришича (2001:169-213), Германия кўчаларида ҳар қадамда *verboden* сўзини учратиш мумкин: *Parken verboten* «Автомобилни қўйиш тақиқланади»; *Plakatieren verboten* «Эълонлар ёпиштириш мумкин эмас»; *Zutritt verboten* «Ўтиш мумкин эмас!»; *Rauchen verboten* «Чеккиш тақиқланади» ва ҳоказо. Олмонларни тақиқ ҳар жойда таъкиб этаётгандек, *verboden* сўзи жамоатчилик ва шахсий фаолиятга бир хилда таъсир ўтказди. Инглизлар учун тақиқнинг бу даражада қатъий бўлиши тушунарли эмас, улар учун немис тилидаги «*X-verboden*» тузилмаси ўрнига қўллайдиган *No smoking* «Чекилмасин!», *No parking* «Парковка (машинани қўйиш) тақиқланади» каби тузилмалар тақиқдан кўра, қабул қилинган қоида ҳақидаги хабардир. Инглиз тилидаги *prohibited* калимаси хавф тугдириши, жамоага қарши ҳаракатларни тақиқлаш мақсадида қўлланилади. Масалан, *Smoking prohibited* «Чеккиш ман этилади!» эълони ёқилги қўйиш шохобчаси олдида осилиши мумкин, лекин бу эълоннинг ишхонада пайдо бўлиши ноқулайдир.

Олмон тилидаги бундай тақиқлар хусусий эълонларда ҳам мавжуд: *Peklame einwerfen verboten* «Рекламани (почта) қутисига ташлаш тақиқланади». Инглиз тилида шу мазмундаги *It is prohibited (forbidden) to leave ads here* эълонининг квартира эшигида пайдо бўлишини тасаввур этиш қийин. Чунки англосаксонлар ўз шахсий истаги, хоҳишини ўзгага камдан-кам мажбуран тақайдилар.

Лисондаги бундай номувофиқликлар ва уларнинг дискурсив хусусиятларидаги фарқларни баъзилар инглизларнинг немисларга нисбатан анча хушмуомала бўлишида деб изоҳламоқчилар (House, Kasper 1981). Бир миллатни иккинчисига нисбатан хушмуомалали, нозик

дидли деб таърифлаш қай даражада тўғри бўлар экан?! Яхшиси, А. Вежбицка таклифига қўшилиб, лисоний мулоқотдаги фарқларни, ушбу халқларнинг маданий қадриятлари соҳасидаги фарқлардан излаганимиз маъқулроқ (Вежбицкая 2001: 169).

Ҳақиқатдан ҳам иккала миллатга хос бўлган маданий қадриятлар тасаввуридаги тафовут уларнинг мулоқот нормаларига таъсир кўрсатади. Маълумки, олмонлар учун Ordnung «Тартиб-интизом» асосий маданий қадриятдир ва шу қадрият негизида мулоқот стратегияси юзага келади. Ordnung концепти ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, интизом ва қоидаларга риоя қилишни талаб қилувчи кучга эга. Шу сабабли олмонлар учун тақиқларга «қулоқ солиш» фуқаролик бурчи ижросининг рамзидир. Балки шунинг учун ҳам немис тилида маъмурийлик, ҳукм ўтказиш даражаси кучлироқ бўлган инфинитив тузилмали эълонлар кўпроқ учрар: *Tad und Nacht freihalten!* «Кеча ва кундуз бўш турсин!». Инглиз тилида эса (худди ўзбек тилидагидек) бундай ҳолатда «авторитар» инфинитив ўрнини феълнинг буйруқ шакли эгаллайди: *Keep clear at all times* «Ҳамма вақт бўш турсин!» (Ўша асар, 192-б). Инглиз маданиятида бу турдаги эълонлар буйруқ ёки таъқиқ шаклида қабул қилинмасдан, балки кўпроқ кўрсатма, маслаҳат мазмунида идрок этилади.

Шундай қилиб, миллий-маданий хусусиятдаги ахборот лисоний, психологик, ижтимоий ахборот билан ҳамжиҳатликда коммуникатив-прагматик майдонни ташкил қилади ва нутқий мулоқот фаолияти шу майдон доирасида кечади. Бу турдаги ахборот жамланмаси коммуникантларнинг мулоқот қоидаларини билиш даражасини белгилайди. Худди шу ахборотлар у ёки бу турдаги лисоний тузилмаларнинг бирор бир аниқ мулоқот контекстига, муҳитига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун хизмат қиладилар. Демак, киёсий

прагмалингвистика, даставвал прагматик мазмуннинг маданиятлараро, тиллараро қанчалик мос келиши ва ушбу мазмунни таркиб топтирувчи омилларнинг коммуникатив-прагматик майдондаги ҳаракат даражаси ҳақидаги маълумотларни йигиш билан машгул бўлмоғи даркор. Бундай йўналишдаги таҳлил тиллараро прагматика тадқиқотларининг вазифасидир. Бундан ташқари, қиёсий прагмалингвистикада таҳлилнинг бошқача, яъни шаклдан мазмунга йўли ҳам танланиши мумкин ва бунда бирор бир лисоний шакл, тузилманинг прагматик маъно хусусиятларини аниқлаш ҳамда ушбу шакл-тузилманинг бошқа тилдаги прагматик имкониятларини қиёслаш мақсади кўзланади.

Ҳар қандай кўринишдаги қиёсий-парагматик ва этносоциопрагматик тадқиқотлар натижалари, сўзсиз, илмий-амалий аҳамиятга моликдирлар.

Прагмалингвистиканинг ва умуман, тилшунослик фанининг амалий жиҳатлари, олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг амалиётга, ижтимоий тажрибага тадбиқ этилиши масаласи алоҳида муҳокамага лойиқдир. Тилшуносликнинг келажак тараққиёти ҳақидаги қатор башоратлар эгаси бўлган Бодуэн де Куртенэ назаридан бу масала ҳам «қочиб кутулмаган» эди. Олим «Тилшунослик вазифалари ҳақида»ги мақоласида (бу мақола 1889 йилда поляк тилида ёзилганлиги юқорида айтилган эди) тилшуносликнинг «амалий ҳаётда»ги ўрни унинг соф илмий фаолиятида кўлланишига нисбатан «фавкулудда даражада камтарона» эканлигидан нолиган эди (Бодуэн де Куртенэ 1963, т.1.:218). Бироз кейинроқ (1904 йилда) муаллиф соф тилшуносликдан ташқари амалий тилшунослик (бу атаманинг муаллифи ҳам ўзи бўлса керак) соҳаси ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Ушбу соҳа «лингвистик (тадқиқотлар –Ш.С.) натижаларини, бир томондан, бошқа фанларга оид ходисалар таҳлилига

қўллаш билан шугулланса, бошқа томондан, қисман ижтимоий ва интеллектуал ҳаёт жабҳаларига тадбиқ этилади» (Бодуэн де Куртенэ 1963, т.2: 101). Лингвистик тадқиқотлар натижаларининг бошқа фанлар (масалан, риторика, нутқ маданияти, жамиятшунослик, тарих, сиёсатшунослик ва бошқа фанлар) тараққиётига таъсири барчага маълум. Кейинги йилларда тилшуносликнинг табиий фанлар билан муносабати масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда (Перельмутер 1988; Нурмонов, Йўлдошев 2002).

Тилшуносликнинг амалий жиҳатлари ҳақида гап кетганда, ҳамма, биринчи навбатда, педагогикани, аниқроғи, лингводидактикани эслайди. Бироқ узок йиллар давомида тилшуносликнинг амалий аҳамияти, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳақидаги фикрлар курук таъкид бўлиб, баъзан ҳатто сафсатага айланиб қолаверди.

Юз йил олдин айтилган фикрни такрорлайверишдан не фойда?! Ҳамкасбларимизга И.А.Бодуэн де Куртенэ таъкидининг исботини топиш ўта қийин бўлганлигининг гувоҳимиз. Структур-формал тилшуносликдан, «соф» лисоний тадқиқотлардан буни кутиш ҳам қийин эди. Лисоний ҳодисаларни шакл ва мазмун муносабати асосида юзага келадиган хусусиятларига биноан гуруҳлаштириш, таснифлаш ва тавсифлаш асосида яратилган лингвистик гоялар, назарий қарашларни бевосита ижтимоий тажрибада синаб кўриш, улардан амалиётда фойдаланиш эҳтимоли унчалик юқори эмаслиги маълум бўлди. Ҳатто структур тилшуносликдан анча узоқлашган назарий гояларнинг (масалан, психосистематика) амалий аҳамияти ҳақида ҳам ишонч билан гапириш қийин. Шу сабабли бўлса керакки, психосистематика йўналишининг асосчиси Гюстав Гийом (1883-1960) «лингвистика ҳеч қандай амалий фойда келтирмайди» деган даъво билан чиқишга журъат этган эди (Гийом 1992: 17). Бундай даъводан воз кечиш учун

лингвистик тафаккур янги йўналиш олиши ҳамда тилшуносликнинг бошқа соҳалар билан ҳамкорлигини таъминлаши лозим бўлди. Шу ҳамкорлик асосида бажарилган тадқиқотларгина лисоний тизим ва фаолиятга оид ҳодисаларнинг табиатини, уларнинг инсон ижтимоий фаолиятига боглиқ томонларини тўлиқ даражада аниқлаш имконини яратди. Натижада, лингвистик тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти янада ошди ва бу аҳамият кўзга аниқ ташлана бошлади.

Лисоннинг инсон тажрибаси ва фаолиятида тутган ўрни билан қизиққан соҳа – прагмалингвистиканинг тил ва унинг воситасида бажариладиган мулоқот фаолиятининг хусусиятлари ҳақидаги билимнинг миқёсан ҳамда миқдоран кенгайиши, бойиши учун хизмат қилиши турган гап. Лекин ушбу «хизмат»ни фақатгина илмий тафаккур ривожини миқёсида кўрмасдан, балки амалий фаолият доирасида намоён бўлиши даражасига ҳам эътибор бериш керак.

Прагмалингвистиканинг амалий фойдаси тегадиган соҳалардан бири таълим ва таржима фаолиятларини автоматлаштириш, уларга ахборот технологияларини татбиқ этиш билан машгул бўлган информатика ва компьютер тилшунослик соҳаларидир.

Маълумки, информатика ахборотни ёзиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боглиқ бўлган илмий ва амалий фаолият ҳақидаги фан сифатида инсон тили ва нутқий фаолияти ҳақидаги маълумотларга эга бўлишга мажбурдир. Чунки ахборот жамлаш ва етказиш билан боглиқ бўлган вазифаларни бажарувчи электрон ускуналарни яратиш учун software ҳамда hardware дастурлари таъминотидан ташқари, Lingware, яъни бу дастурларнинг лисоний таъминотига ҳам эҳтиёж мавжуддир. Лисоний таъминот масаласи информатиканинг ўта муаммоли масаласидир. Соҳа мутахассиси

Ю.Н.Марчук таъкидлаганидек, «информатиканинг лингвистик муаммолари информатиканинг ўзининг бошланишидаёқ пайдо бўлади» (Марчук 2007: 35). Компьютер жиҳозларининг лисоний таъминоти негизда инсон лисоний фаолиятининг электрон моделини яратиш мақсади туради. Ҳар қандай моделдан ёки намунадан аслнинг акси бўлиши ёки, ҳеч бўлмаганда, унинг асосий хусусият – белгиларини акс эттириш талаб қилинади. Акс ҳолда, моделни «синиқ кўзгу»даги суратга киёслаши ҳеч гап эмас. Албатта, ахборот технологияларининг лисоний асосларини яратиш борасидаги уринишлар ўз самарасини бераётганлигининг гувоҳимиз. Масалан, машина таржимаси тажрибасини олайлик. Ҳозирги кунда дунёнинг кўп мамлакатларида машина таржимаси тизимлари яратилган ва улардан айрим эҳтиёжлар учун мутахассислар фойдаланмоқдалар. Аммо автоматлар махсус (илмий-техник, расмий ҳужжатлар каби) матнларни таржима қилаётганларига қарамай, бу таржималар муҳаррирлик тузатишларига муҳтождир. Адабий матнларнинг таржимаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Автоматик таржима соҳасининг бундай «оқсоқлиги», самаранинг пастлигига сабаб лисоний таъминотнинг етарли эмаслигида. Информатиканинг лингвистик таъминоти билан шугулланган компьютер тилшунослиги шу пайтгача эътиборни асосан тил тизимига, унинг структурал хусусиятларига қаратиб келмоқда, ушбу тизимнинг ҳаётийлигини, инсоният эҳтиёжини қондирувчи восита эканлигининг исботи бўлган нутқий-тафаккур фаолияти эса назардан анча четда қолди. Йўқ, балки «назардан четда қолди» дейишим нотўғри бўлар, яхшиси, «нутқий фаолият тизими, мулоқотнинг кечиши, унинг моҳияти ҳамда унинг ҳаракатини таъминловчи лисоний ва нолисоний факторларнинг ўзи кам ўрганилганлиги сабабли информатиканинг лисоний таъминоти соҳаси

мутахассислари бу тизимни дастурлашда катта тўсиқларга дучор бўлишди» деганим маъқулдир. Ишонаманки, эндиликда, прагмалингвистика тараққиёти даврида, бу мушкулотни енгиш осонлашади. Бунинг учун, масалан, инсон –компьютер мулоқотида ўзига хос маслаҳатчи вазифасини бажарувчи эксперт тизимларини қайта ишлаш лозим бўлади. Зеро, мавжуд эксперт тизимларида сақланаётган маълумот асосан лисоний бирликларнинг формал ва қисман семантик кўринишлари ҳақидадир. Табиийки, бу маълумот автоматни дискурсив фаолият маҳсули бўлган матннинг мазмунини тўлиқ англаш ва уни қайта яратиш учун етарли эмас. Бу талабга жавоб бериш учун интеллектуал тизимлар инсон нутқий фаолиятининг самарадорлигини таъминловчи барча прагматик тамойилларни акс эттирувчи маълумотлар билан тўлдирилиши керак. Фақат шундагина ушбу тизимлар лисоний фаолиятни аниқ моделлаштириш қобилиятига эга бўлади ҳамда шу йўсинда уларнинг коммуникатив имкониятлари бойийди.

Шу жойда «Хотима»га нуқта қўймоқчи эдим. Аммо, яхшиси, «кўп нуқта»ни танлаганим маъқулроқмикан, зеро, тилшуносликнинг навқирон соҳаси – прагмалингвистиканинг истиқболи ҳақида фикрлар кўп, уларни давом эттириш мумкин. Прагмалингвистиканинг «қизалоқлари» этнопрагматика, социопрагматика, этнососоциопрагматика, маданиятлараро прагматика, қиёсий прагматика кабиларнинг тараққиёти нутқий фаолият ҳақидаги янги назарий фикрларнинг тугилишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, тил таълими услубиятининг янги гоаялар, методлар билан бойитиши шубҳасиз. Бундан ташқари, прагмалингвистик билим миллатлараро, халқаро муносабатлар, ишбилармонлик соҳасидаги мулоқот кўникма-малакаларини ўстириш амалиётида ҳам муҳим ўрин эгаллаши ҳам аниқ. Хуллас, прагмалингвистика инсон

лисоний фаолиятини илмий-амалий тадқиқ этишнинг истиқболли йўналиши бўлиб, унинг илмий билиш тизимидаги ўрни қатъийлашмоқда.

Адабиётлар

Абдуазизов А. Фонологияда белгиларнинг даражаланиши // Ўзбек тилшунослиги масалалари. Т.:УзМУ, 2003. 21–25 б.

Абдуазизов А. О составных частях когнитивный лингвистики // Хорижий филология, 2007, 3-сон.5-6 б.

Александрова О.В. Некоторые вопросы логики, методологии. // Вопросы языкознания, 1985. № 6. – С. 70-76.

Александрова О.В., Кубрякова Е.С. Дискурс. В кн.: Категоризация мира: время, пространство.- М., 1991.-С.3-18.

Алпатов В.М. Система личных местоимений 1-го и 2-го лица в современном японском языке // Теория и типология местоимений. М.: Наука, 1980.

Алпатов В.М. Япония: язык и общество. М.: Муравей, 2003.-208 с.

Андреева Е.С.Диалектика текста. Опыт логико-лингвистического синтеза. – М.: УРСС, 2001. -121 с.

Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. - М.: Наука, 1974.-264 с.

Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира // Семиотика и информатика. 1986, вып. 28. –С. 5-33.

Арзикулов Х. Речевая система и её модели (на материале французского языка). Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – СПб.: СПб. у-т, 1994. - 35 с.

Аристотель. Сочинения. - М.: Мысль, Т.1, 1976; Т.2, 1978.

Арно А., Вансло К. Всеобщая рациональная грамматика. (Грамматика Пор-Рояля). – Л.: Изд-во ЛГУ, 1991. – 128с.

Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Известия АН СССР, Серия языка и литературы., 1981. № 4, -С. 356-367.

Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. - М.: Наука, 1988.-341 с.

Арутюнова Н.Д. Дискурс. В кн.: Лингвистическая энциклопедия. - М., 1990.-С. 136-137.

Архипов И.К. «Знак-предмет» и знак-ситуация: текст и дискурс. В кн.: Архипов И.К. Человеческий фактор в языке. - СПб., 2003.-С. 97-104.

Ашурова Д.У. Производное слова в свете коммуникативной теории языка. – Т.:Фан, 1991.–100 с.

Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш. ДДА. – Т.: Тилшунослик институти, 1997.- 49б.

Бакиева Г.Х. Идеи и методы современной лингвистики текста в преподавании русского языка.– Т.: Ўқитувчи, 1992.–158 с.

Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Т.: УзГУМЯ, 1993.-46 с.

Баранов А.Г. Текст в функционально - прагматической парадигме. Учебное пособие.- Краснодар, 1988- 90 с.

Бегматов Э. Нотикнинг нодир бойлиги. –Т., 1980.

Беланже М.А. Хаос, сложность и Гюстав Гийом // Лингвистика на исходе XX в.: Итоги и перспективы. Тезисы международной конференции. Ч.1-М.: Филология, 1995.-С.43-44.

Бенвенист Э. Общая лингвистика. - М.: Прогресс, 1974.-447 с.

Бергельсон М.Б. Дискурсивные маркеры как часть речи // Типология языка и теория грамматики. СПб.: Настер- История, 2007.-С.25-27.

Блакар Р.М. Язык как инструмент социальный власти. В кн.: Язык и моделирование социального взаимодействия. – М.: Прогресс, 1987. –С. 88-125.

Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1990. – 89 с.

Богданов В.В. Текст и текстовое общение. Санкт-Петербург: Изд-во СПб у-та, 1993.–68 с.

Богданов В.В. Семантикоцентризм и формацентризм в мировой лингвистике XX века. – В кн.: Стурктурная и прикладная лингвистика. Вып. 5. –Санкт-Петербург: Изд-во С-Пб у-та, 1998.

Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. М.: Изд-во АН СССР, 1963, т.1.-284 с.

Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. - М.: Изд-во АН СССР, 1963.т 2.-391 с.

Бозоров О.О. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши. НДА.- Фаргона, 2004. – 21б.

Бондарко А.В. Временная локализованность. В кн.: Теория функциональной грамматики. - Л.: Наука, 1987.-С. 210-233.

Борботько В.Г. Принципы формирования дискурса. От психолингвистике к лингвосинергетике. - М.: Ком Книга, 2007.-288 с.

Будагов Р.А. Язык – реальность – язык. – М.: Наука, 1983. -262 с.

Будагов Р.А., В какой мере «Лингвистика текста» является лингвистической? В кн.: Будагов Р.А. Филология и культура.- М.: Изд-во МГУ, 1980.-С.77-86.

Бурлакова В.В. Дейктические категории в тексте // Предложение и текст: семантика, прагматика и синтаксис.- Л.: Изд-во ЛГУ, 1988.-С.85-88.

Бушуй А. Сущность языка как проблема общей лингвистики. – Самарканд: СамДЧТИ, 2004. – 89 с.

Бушуй А.М. Взаимоотношения между языком, культурой и обществом // Тил ва маданият. - Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. С.6-13.

Бушуй А.М. Язык в семантико-грамматическом ракурсе (у истоков лингвопраграмматики) // Ҳозирги дунё лисоний қиёфаси ва тилшуносликнинг методологик асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. - С.12-19.

Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Т.: Фан, 2007. – 273б.

Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари.- Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. 18-20 б.

Бюлер К. Структурная модель языка. В кн.: Звегинцев В.А История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях, ч.2.-М.: Учпедгиз, 1960.-С.27-36.

Бюлер К. Теория языка. Репрезентативная функция языка.- М., 1993.

Вандервекен Д. Небуквальные речевые акты. В кн.: Концептуализация и смысл. – Новосибирск: Наука, 1990.- С. 31-61.

Вежбицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики.- М.: Языки славянской культуры, 2001.-272 с.

Вендлер З. Иллокутивное самоубийства. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М: Прогресс, 1985.

Витгенштейн Л. Философские исследования. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI.-М.: Прогресс, 1985.-С. 79-128.

Витгенштейн Л. Философские работы. М., 1994., ч. 1.

Вишнякова О.Д. Функционально-когнитивная парадигма как сфера концентрации лингвистической мысли

в наступевшем столетии // Филологические науки, 2003, № 6.-С. 36-42.

Воинов В.В. Социально - оциночни номинации уконтексти культуры США. – Киев: Либидь, 1994. -143 с.

Волков А.Г. Язык как система знаков. – М.: Изд-во МГУ, 1966. – 86 с.

Вольф Е.М. Варьирование в оценочных структурах. В кн.: Семантическая и формальное варьирование. М.: Наука, 1980.-С. 273-294.

Вольф Е.М. Функциональная семантика оценка. М.: Наука, 1985.-279 с.

Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики. – М.: Прогресс, 1988. – 704 с.

Гак В.Г. Прагматика и языковое варьирование. В кн.: Гак В.Г. Языковые преобразования. – М., 1998. -С. 554 – 586.

Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. - М.: Наука, 1981.-140 с.

Гамкрелидзе Т.В., Иванов Вяс..Вс. Индоевропейский язык и индоевропейцы. Реконструкция и историко типологический анализ праязыка и протокультуры. I-II. – Тбилиси, 1984.

Гердер И.Г. Идеи к философии истории человечество.- М.: «Наука», 1977.-703 с.

Гийом Г. Принципы теоретической лингвистики. – М.: Прогресс – Культура, 1992. -218 с.

Горохова С.И. Фрейм-подход к описанию процесса порождения речи // Речевое общения: цели, мотивы, средства. М., 1985.-С.89-102.

Горшков А.И. Русская стилистика. –М.: «Астрель», 2001. 367 с.

Грайс Г.П. Логика и речевое общение. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. - Вып.16, Лингвистическая прагматика. - М.: Прогресс, 1985.-С 217-237.

Грязнов А.Ф. Язык и деятельность. Критический анализ витгенштейнианства. - М.: Изд-во МГУ, 1991.-142 с.

Гумбольд фон В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – 397с.

Гуреев В.А. Языковой эгоцентризм в новых парадигмах знания // Вопросы языкознания, 2004, № 2. –С. 57-67.

Даммит М. Что такое теория значения. В кн.: Философия. Логика. Язык. - М.: Прогресс, 1987.-С.127-212.

Дейк Т.А. ван Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989.- 311 с.

Дейк Т.А. ван, Кинч В.Стратегии понимания связного текста. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. -М.: Прогресс, 1988.-С.153-211.

Демьянков В.З. Функционализм в зарубежной лингвистике конца XX в. В кн.: Дискурс, речь, речевая деятельность: функциональные и структурные аспекты: Сб. Обзоров. - М.: РАН ИНИОН, 2000.- С. 26-136.

Долинина И.Б. Проблемы теории языка и теории грамматики в работах У.Д. Уитни. – В кн.: Грамматические концепции в языкознании XIX в. – Л.: Наука, 1985.

Дридзе Т.М. Текстовая деятельность в структуре социальной коммуникации.- М.: Наука, 1984.- 268 с.

Дымарский М.Я. Текст –дискурс - художественный текст // Текст как объект многоаспектного исследования: Научно-методологический семинар «TEXTUS».-СПб.; Ставрополь, 1998.-Вып.3,ч.1.-С. 18-26.

Жура В.В. Эмоциональный дейксис в вербальном поведении английской языковой личности. Дис... канд. филол. наук. Волгоград: ВГПУ, 2000.

Зарецкая Е.Н. Риторика. Теория и практика речевой коммуникации. - М.: Дело, 1998. - 480 с.

Зернецкий П.В. Речевое общение на английском языке. – Киев: Либидь, 1992. -144 с.

Зикриллаев Г. Фезлнинг шахс, сон ва хурмат категориялари системаси. –Тошкент: Фан, 1990. -111 б.

Ибн Араби. Геммы мудрости. - М.: Бейрут, 1980.

Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. НДА, Самарқанд, 1993. -27 б.

Исмоилов С.И. Ахборот сўрашда маданий факторнинг ўрни // Тил ва маданият. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2004. 117-119 б.

Кайковус. Қобуснома. –Т.: “Истиклол”, 1994. -173 б.

Карабан В.И. Сложные речевые единицы. Прагматика английских асиндетичных полипредикативных образований. - Киев: Вища школа, 1989. –131с.

Карасик В.И. Статус лица в значение слова.- Волгоград: Изд-во ВГПИ, 1989.-112 с.

Карасик В.И. Язык социального статуса.- М.: ИЯ РАН, 1992.-330 с.

Карнап Р. Философские основания физики. Введение в философию науки. М.: Мысль, 1971.

Кибрик А.А., Плулган В.А. Функционализм и дискурсивно-ориентированные исследования. В кн.: Фундаментальные направления современной американской лингвистики.- М., 1997 – С. 307-323.

Кибрик А.Е. Константы и переменные языка. С-Петербург: Алетейя, 2003. -719 с.

Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1983.

Клюканов И.Э. Единицы речевой деятельности и единицы языкового общения // Языковые общение: процессы и единица.- Калинин, 1988.-с. 41-47.

Кобозева И.М. «Теория речевых актов» как один из вариантов теории речевой деятельности. В кн: Новое в

зарубежной лингвистике. Вып. 17.- М. : Прогресс, 1986.- с.7-21.

Кодиров Пиримкул. Тил ва Эл. Т.: Гофур Гулом номидаги нашриёт, 2005.-248 б.

Колесов В.В. Язык и ментальность. – СПб: Петербургское Востоковедение, 2004.

Колтунова М.В. Конвенции как прагматический фактор диалогического общения // Вопросы языкознания, 2004, № 6. –С. 100-115.

Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. - М.: Наука, 1990.-108 с.

Комилов Н. Нажмиддин Кубро.-Т., 1995.

Корнилов О.А. Языковая картина мира как производные национальных менталитетов. – М.: Че Ро, 2003.-347 с.

Корнфорт М. Марксизм и лингвистическая философия. М.: Прогресс, 1967. -456 с.

Корнфорт М. В защиту философии. - М.: Изд-во ин-та литературы, 1951.

Косериу Э. Синхрония, диахрония и история. В кн. Новое в лингвистике. Вып. 3. – М.: Прогресс, 1963.-С. 143-346.

Кошмидер Э. Очерк науки о видах польского глагола: Опыт синтеза. В кн.: Вопросы глагольного вида. -М.: Наука, 1962.-С.105-167.

Кравченко А.В. Вопросы теории указательности: Эгоцентричность. Дейктичность. Индексальность. Иркутск, 1992.

Красных В.В. Этнопсихолингвистика и лингвокультурология. Лекционный курс. - М.: Гнозис, 2002.-284 с.

Крестинский С.В. Интерпретация актов молчания в дискурсе // Язык, дискурс, личность.- Тверь: ТГУ, 1990.- С.38-45.

Крысин Л.П. Социолингвистические аспекты изучения современного русского языка. – М.: Наука, 1989. –188 с.

Кубрякова Е.С. О понятиях дискурса и дискурсивного анализа в современной лингвистике. В кн.: Дискурс, речь, речевая деятельность: функциональные и структурные аспекты: Сб. обзоров.- М.: РАН ИНИОН, 2000.- С. 7-25.

Кубрякова Е.С. Язык и знание: на пути получения знаний о языке. Части речи с когнитивный точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.: Языки славянской культуры, 2004. -560 с.

Кузнецов А.М. Некоторые теоретические проблемы семантики последних лет // Лингвистические исследования в конце XX в. Сборник обзоров. М.: ИНИОН, 2000. –С. 173-185.

Кузнецов В.Г. Женевская лингвистическая школа: от Соссюра к функционализму. – М.: УРСС, 2003.

Кузнецов В.Г. Учение Ф. де Соссюра в свете соссурологии // ВЯ, 2006, № 5. – С. 106-117.

Кузьмина Н.А. Интертекст и интертекстуальность: К определению понятий // Текст как объект многоаспектного исследования: Научно-методологический семинар «ТЕХТУС».- СПб.; Ставрополь, 1998.-Вып.3,ч.1.-С. 27-35.

Кун Т. Структура научных революций. М. 1977.

Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти в услубий асослари. –Тошкент: Ўқитувчи. 1992. -110 б.

Лазарев В.В. Методологические основы и методический потенциал теории речевых актов // Речевые акты в лингвистике и методике.- Пятигорск: ПГПИЯ, 1986.-С. 3-10.

Ларина Т.В. Доминантные черты английского вербального коммуникативного поведения // Филологические науки, 2007. № 2. –С 71-81.

Леонтьев А.А. Знак и деятельность // Вопросы философии, 1975, № 10.

Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1990. –709с.

Лузина Л.Г. Распределение информации в тексте: когнитивный и прагмалингвистический аспекты. М., 1994.-175 с.

М.П.Ионицэ. Глоссарий контекстуальных связей. – Кишинев: Штиинца, 1981.-96 с.

Макаров М.Л. Социально - дейктическое измерение стиля // Языковое общение: процессы и единицы. Калинин, 1988.-С.76-81.

Макаров М.Л. Основы теории дискурса. М.: Гнозис, 2003.-280с.

Мамардашвили М.К. Стрела познания. набросок естественноисторической гносеологии.- М., 1996.

Маматов А.Э. Языковая картина мира как когнитивный феномен // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. – Самарканд: СамДЧТИ, 2007. 9-10 б.

Мартине А. Основы общей лингвистики. В кн. Новое в лингвистике. Вып. 3. – М.: Прогресс, 1963. – С. 366-566.

Марчук Ю.Н. Компьютерная лингвистика. –М.: АТС: Восток-Запад, 2007. -317 с.

Махмудов Н. Нуткнинг жўялиги // Ўзбек тили ва адабиёт, 2007. 3-сон. -13-17 б.

Махмудов Н. Тил.- Т.: «Ёзувчи», 1997. – 40 б.

Махмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз.-Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1997.-112 б.

Мельникова А. Языки и национальный характер: Психологический практикум. СПб., 2003.

Мецлер А.А. Структурные связи в тексте (парентезные конструкции). – Кишинев: Штиинца, 1987.-144 с.

Милосердова Е. Семантика и прагматика модальности. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 1991.- 196 с.

Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: "Университет", 2000.

Монтегио Р. Прагматика и интенциональная логика. В кн.: Семантика модальных и интенциональных логик. М.: Прогресс, 1981.- С. 223-253.

Мулуд Н. Анализ и смысл. Опыт семантических предпосылок логики и эпистемологии. – М.: Прогресс. 1979. -347 с.

Мўминов С. Сўзлашув одоби. Фаргона: «Фаргона», 1997. – 104 б.

Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг жинс жиҳатидан хосланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999, 5-сон, 64-66 б.

Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий – лисоний хусусиятлари. ДДА.-Т., 2000.-44 б.

Мўминов С., Расулов Қ. Комуникантларнинг ижтимоий роли ва нутқий мулоқот ҳақида // Услубшунослик ва фразеологиянинг долзарб муаммолари. –Самарканд: СамДУ, 2007. -70-72 б.

Мусулмонова Н.Р. Грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида). НДА, - Тошкент, 2007.-25 б

Набиева Д. Ўзбек тили сатҳларида диалектик категорияларнинг намоён бўлиши (умумийлик ва хусусийлик асосида).Филол. фанлари д-ри дисс. автореф. –Т.; 2007. - 46 б.

Негматов Ҳ., Вохидова Н., Тоирова Г. Структурал тилшуносликдан прагмалингвистикага // Хорижий филология, 2007, 4-сон. -38-41б.

Новиков А.И. Семантика текста и её формализация:- Наука, 1983.- 215 с.

Ноуэлл-Смит П.Х. Логика прилагательных. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. - М.: Прогресс, 1985.-С. 155-182.

Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Тошкент: "Шарқ", 2001. – 160 б.

Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.- Тошкент: Фан, 1992.-234 б.

Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 4-сон. 54-58 б.

Омон Бахтиёр. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000.-96 б.

Остгоф Г., Бругман К. Предисловие к книге «Морфологические исследования в области индоевропейских языков». В кн.: Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях.- М.: Учпедгиз, 1960. Ч. I.- С. 153-164.

Остин Дж.Л. Слово как действие. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. –М.: Прогресс, 1986. – С. 22-130.

Падучева Е.Е. Высказывание и его соотносительность с действительностью (референциальные аспекты семантики местоимений). - М.: Наука, 1985.

Павилёнис Р.И. Проблема смысла. М.: Мысль, 1983.-286 с.

Павилёнис Р. Понимание речи и философия языка. В кн. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII, М.: Прогресс, 1986. – 380-389.

Павлов В.М.. Полевье структуры в строе языка. СПб.: Изд-во СПб УЭФ, 1996.-116 с.

Павлов Т. Марксистско-ленинская философия и системно-структурный анализ // Коммунист, 1969, № 15. – С. 121-138.

Павлова А.В. Мой отец и диалектика . В кн.: Труды Института Лингвистических исследований, Т. III, часть 1. – СПб.: Нестор-История , 2007. –С. 192-203.

Панкрац Ю.Г. Пропозициональные структуры и их роль в формировании языковых единиц разных уровней.- Минск: 1992.

Перельмутер И.С. О парадигматической функции лингвистики. В кн.: Взаимодействие наук как фактор их развития.- Новосибирск: Наука, 1988.-С.217-224.

Пиотровская Л.А. Лингвистическая природа эмотивных высказываний (на материале русского и чешского языков). Автореф. дисс... докт. филол. наук, СПб., 1995.-43 с.

Пиотровский Р.Г. Теоретические и прикладные проблемы языкознания на рубеже XX в.: // Лингвистика на исходе XX в.: Итоги и перспективы. Тезисы международной конференции, ч.2.- М.: Филология, 1995.- С. 417-419.

Попков В.Д. Русские в межкультурных контактах. В кн: Основы межкультурной коммуникации.- М., 2002.–С. 320-339.

Поспелова А.Г. Косвенные высказывания.- В кн.: Спорные вопросы английской грамматики.- Л.: Изд-во ЛГУ, 1988.-С. 141-153.

Потебня А.А. Теоретическая поэтика.- М.: Высшая школа, 1990.-344 с.

Почепцов Г.Г. Предложение. – В кн.: Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М.: Высшая школа, 1981. –С. 164-281.

Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса.- Калинин: Изд-во 1985.-С. 12-18.

Почепцов Г.Г. Слушатель и его роль в актах речевого общения. В кн.: Языковое общение: Единицы и регулятивы. - Калинин: Изд-во КГУ, 1987.-С. 26-37.

Почепцов Г.Г. (мл.) Коммуникативная аспекты семантики.- Киев: Вища школа, 1987.-131 с.

Почепцов О.Г. Основы прагматического описания предложения. –Киев: Вища школа, 1986. -116 с.

Пригожин И. Конец определенности. Время, хаос и новые законы природы. Москва – Ижевск, 2000.-208 с.

Прокопчук А.А. Сложно-подчиненное предложение и текст. Харьков: Изд-во ХГУ, 1990.-113 с.

Протасова Е.Ю. Функциональная прагматика: вариант социолингвистики или общая теории языкознания? // Вопросы языкознания, 1991, № 1.

Пушкин А.А. Речеповеденческий фрейм как основа типологии языковых личностей // Логико-семантические и грамматические проблемы текста. – Краснодарск: КГПИ, 1990. –С. 26-33.

Расулов Р. Умумий тилшунослик. Т.: Фан ва технология нашриёти, 2007.– 256 б.

Рахимов С. Дейктические форма вежливости в прагмалингвистическом аспекте // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса.- Калинин: Изд-во КГУ, 1985.-С. 103-110.

Рахимов С. Дейктические маркеры локальности в современном узбекском языке // Советская тюркология, 1986. № 2. –С 56-59.

Рахимов С. Дейксис как компонент системы реализации языковых единиц // Языковое общение: процессы и единицы. Калинин, 1988.-С.68-76.

Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемных языках. – Т.:Фан, 1989.–119 с.

Рахимов С. Типология текстообразующих категорий: Семантика. Прагматика. Функция – Андижан, 1990.– 239 с.

Рахимов С., Ниёзова Д.А. Нутқий мулоқот бирликларининг функционал-грамматик ва социолингвистик хусусиятлари // Тил тизими ва социал мухит. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. 13-14 б.

Ревзина О. Язык и дискурс // Вестник МГУ, Серия 9. Филология, 1999.-№.1.-с.25-33.

Реферовская Е.А. Коммуникативная структура текста, - Л.: Наука, 1989.- 167 с.

Рождественский Ю.В. Философия языка. Культуроведение и дидактика. – М.: Грантъ, 2003. -239 с.

Романов А.А. Системный анализ регулятивных средств диалогического общения. М.: ИЯ АН СССР, 1988.- 181 с.

Саидова М.С. Коммуникативная функция вопросительного предложения в современном английском языке. КД .Т.: Уз ГУМЯ, 1987. -189 с.

Самгар В.Н. Сфера регуляции и нормы речевого поведения // Филологические науки, 2003, №3.-С.61-67.

Сафаров Ж.Ш. Структура дипломатического дискурса и его лексико – фразеологический состав. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Т.: Уз ГУМЯ, 2000. – 25 с.

Сафаров Ш. Принципы системно-семантического анализа синтаксических единиц. – Ташкент: ТГПИ, 1983.

Сафаров Ш. Речевые действия этноспецифической личности // Личностные аспекты языкового общения. – Калинин: КГУ, 1989. – С. 62-67.

Сафаров Ш. Контрастивная прагмалингвистика: актуальные задачи и перспективы изучения // Прагматика этноспецифического дискурса. Материалы симпозиума. – Бэлць, 1990. –С. 101-103.

Сафаров Ш. К методологии межъязыкового сопоставления дискурсивных образований // Текст в коммуникации. – М.: И-т языкознания, 1991.- С. 119-178.

Сафаров Ш. Система речевого общения: универсальное и этноспецифическое. – Самарканд: Изд-во им. Г.Гуляма, 1991. – 171с.

Сафаров Ш., Шишкина Т. А. Об условиях реализации принципа вежливости в текстообразующих действиях // Логико-семантические и прагматические проблемы текста.- Красноярск: КГПИ, 1990.-С.63-69.

Сафаров Ш., Шишкина Т.А. Коммуникативно-прагматические функции восклицания в диалоге // Мышление и коммуникация. – М.: И-т языкознания, 1990. – С. 126-132.

Сафаров Ш. Этнокультурные компоненты дискурсивной деятельности // Язык, Дискурс и Личность. – Тверь, 1990.- С. 105-111.

Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.- Жиззах: Сангзор, 2006.-91 б.

Сафаров Ш., Тоирова Г. Нуткнинг этносоциопрагматик тахлили асослари. – Самарканд: СамДЧТИ, 2007. – 39 б.

Свидерский В.И. О диалектике отношений. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1983. – 136 с.

Селиверстова О.Н. Местоимения в языке и речи. М: Наука, 1988.-151 с.

Сержантов В.Ф. Человек, его природа и смысл бытия. – Ленинград: ЛГУ, 1990. -360 с.

Серль Дж. Классификация иллокутивных актов. В кн.: Новые в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. М.: Прогресс, 1986. –С. 170-194.

Серль Дж.Р. Косвенные речевые акты. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. М.: Прогресс, 1986. –С. 195-222.

Серль Дж.Р. Что такое речевой акт? В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. М.: Прогресс, 1986. С. 151-169.

Скрелина Л.М. Систематика языка и речевой деятельности. – Л.: ЛГПИ, 1980. -39с.

Скрелина Л.М. Двадцатый век: открытия и признания // Лингвистические проблемы искусственного интеллекта: Материалы VII симпозиума. – СПб: Изд-во ЛГПУ им. А.И.Герцена, 1992.-С.75-92.

Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. ДДА. – Тошкент, 2005. -50 б.

Соловьева Г.Г. Негативная диалектика. – Алма-Ата: «Гылым», 1990. - 192 с.

Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: Политическая литература, 1992. -543 с.

Сорокин Ю.А. Психолингвистические аспекты изучения текста. – М.: Наука, 1985. -168 с.

Соссюр Ф.де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. -695 с.

Соссюр Ф.де. Заметки по общей лингвистике. –М.: Прогресс, 1990.-275 с

Соссюр де Ф. Курс общей лингвистики. – М.: УРСС, 2004. 256 с.

Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, филологии, искусства М.: Наука, 1985.-335 с.

Степанов Ю.С. Альтернативный мир, дискурс, факт и принципы причинности // Язык и наука конца XX века.- М., 1995.-С.35-73.

Стернин И.А. К проблеме дейктических функций слова. АКД. М., 1973.-18 с.

Стивенсон Ч. Некоторые прагматические аспекты значения. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16, Лингвистическая прагматика.- М.: Прогресс, 1985.- С. 129-154.

Столнейкер Р.С. Прагматика. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. –Вып. 16: Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. –С. 419-438.

Столнейкер Р.С. Прагматика. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 13, Логика и лингвистика. М.: Прогресс, 1985.-С. 130-150.

Стросон П.Ф. О референции. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике.- Вып. 13: Логика и лингвистика.- М.: Прогресс, 1982.-С. 419-438.

Сулейманов, Олжас. Язык письма. Рим: San Paolo, 1998. -502 с.

Сусов И.П. К взаимоотношению синтаксиса и семантики // Вопросы английской и французской филологии. – Тула: ТГПИ, 1971.

Сусов И. П. Семантика и прагматика предложения. Калинин: КГУ, 1980.-51 с.

Сусов И.П. Личность как субъект языкового общения // Личностные аспекты языкового общения. – Калинин: Калининский у-т, 1989. –С. 9-16.

Сусов И.П. Семиотика и лингвистическая прагматика. В кн.: Язык, дискурс и личность. – Тверь: Изд-во Тверского у-та, 1990. – С. 125-133.

Сухачев Н.Л. О семиотике Ч. С. Пирса. Тройственный знак в универсуме репрезентаций. СПб. Наука, 2003. -106 с.

Сухих С.А. Структура коммуникантов в общении // Языковые общение: процессы и единицы. – Калинин: Калининский гос. У-т, 1988. –С. 22-29.

Сэпир Э. Граудирование. Семантическое исследование. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16., Прагматика.- Прогресс, 1985.-С. 43-78.

Тарасов Е.Ф. Проблематика изучения, описания и моделирования речевого общения. В кн.: Лингвистическая прагматика и общение с ЭВМ. М.: Наука, 1989. –С. 5-33.

Телия В.Н. Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. М.: Наука, 1988. –С. 173-204.

Тер-Минасова С.Г. Личность и коллектив в языках и культурах // Вестник МГУ, Серия «Лингвистика и межкультурная коммуникация», 2003, №2.- С.7-16.

Тожиев Ё. Ўзбек тилшунослигидаги айрим муаммолар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. 2-сон.-35-38 б.

Третьякова Т.А. Английские речевые стереотипы. – Санкт-Петербург: С-П. гос.у-т, 1995. -128 с.

Труфанова И.В. О разграничении понятий: речевой акт, речевой жанр, речевая стратегия, речевая тактика // Филологические науки, 2001. № 3. –С. 56-65.

Турниёзов Н. Тил ва нутқ бирликлари тўғрисида баъзи мулоҳазалар // Хорижий филология, 2006, 1-сон. 28-30 б.

Уорф Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку. В кн.: В.А.Звегинцев. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч. II.-М.: Учпедгиз, 1960.-С. 198-224.

Уфимцева А.А. Типы словесных знаков.- М.: Наука, 1977.-206 с.

Ушакова Т.Н. Психология речи и психолингвистика // Психологический журнал. 1992. Т.12. №6.-С.12-25.

Ушакова Т.Н. Психология речи и языка. Психолингвистика // Психология XXI века. - М., 2003. – С. 353-396.

Ўзбек тили грамматикаси, -Т.: Фан, 1975. -610 б.

Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати.-Т., 1984.

Фам Мин Хак. Поведение и деятельность. М.: Смысл, 2003. -175 с.

Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр: насрий баён. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт, 2006. -248 б.

Филин Ф.П. О некоторых философских вопросах языкознания. В кн.: Ленинизм и теоретические проблемы языкознания. М.: Наука, 1970.-С.7-24.

Франк Д. Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. М.: Прогресс: 1986.-С. 363-373.

Хабаров И.А. Философские проблемы семиотики. – М.: Высшая школа, 1976. – 160 с.

Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. Москва-Ижевск, 2003.-320 с.

Ҳакимов М. Ўзбек тилида матнинг прагматик талқини. ДДА. Тошкент, 2001. -39 б.

Хинтиikka Я. Логико - эпистемологические исследования.- М.: Прогресс, 1980.-447 с.

Хожиалиев И. Коммуникатив имконият структураси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001, 6-сон. 32-36 б.

Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, 3-сон.- 26-30 б.; 2006, 5-сон.-30-39 б.; 2007, 1-сон.-3-9.; 3-сон, 3-13 б.

Ҳожиев А. Фел. // Ўзбек тили грамматикаси, т. 1, Морфология. –Т.: Фан, 1975. -366-527 б.

Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.

Ҳожиева Ҳ.Я. Ўзбек тилида хурмат майдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти. НДА., Самарканд. 2001. -22 б.

Ҳусайн Воис Кошифий. Футувватномаи султоний. Тўплам: Комил инсон ҳақида тўрт рисола (Н.Комилов таржимаси). –Т.: Маънавият, 1997. – 280 б.

Хзар Р.М. Дескрипция и оценка. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16, Лингвистическая прагматика. - М.: Прогресс, 1985.- 1985.-С. 183-195.

Чернявская В.Е. От анализа текста к анализу дискурса: немецкая школа дискурсивного анализа // Филологические науки, 2003, №3. -С.68-76.

Черняховская Л.А. Информационный инвариант смысла текста и вариативность его языкового выражения. Автореф. дисс. док... филол. наук. М., 1983.-34 с.

Чориев А. Инсон фалсафаси. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007.-416 б.

Шахобиддинова Ш. Умумийлик ва хусусийлик диалектикаси ҳамда унинг ўзбек тили морфологиясида акс этиши. Филол. фанлари д-ри дисс. автореф. – Т., 2001. – 50 б.

Шаховский В.И., Жура В.В. Дейксис в сфере эмоциональной речевой деятельности // Вопросы языкознания, 2002, № 5. - С. 38-56.

Шведова Н.Ю. Местоимения и смысл. Класс русских местоимений и открываемые ими смысловые пространства. М., 1998.

Шведова Н.Ю., Белоусова А.С. Система местоимений как исход смыслового строения языка и его смысловых категорий. М., 1995.

Шемпанский Я. Элементарные понятия социологии. М.: Прогресс, 1969. -334 с.

Шерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии // Изв. АН СССР.- М., 1940., №3. Ушбу мақола куйидаги нашрга кирилган: Л.В.Шерба. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974.-С. 265-303.

Шермухамедова Н. Гносеология. – Т.: Изд-во Национального общества философов Узбекистана, 2007. – 320 с.

Шомаксудов А., Расулов И., Кунгуров Р., Рустамов. Х. Ўзбек тили стилистикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1983. -248 б.

Шомаксудов Ш., Шорахмедов Ш. Ҳикматнома.- Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1990.-524 б.

Шпербер Д., Уилсон Д. Релевантность. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. М.: Прогресс, 1988.-С.212-233.

Шредер М. Фракталы, хаос, степенные законы. Ижевск: РХД, 2007-527с

Ы йм Х. Модель дискурса и исследование этноспецифических аспектов речевого общения // Прагматика этноспецифического дискурса. Материалы симпозиума. - Бэлиь, 1990.-С.57-59.

Энглер Р. Идеальная форма лингвистики Соссюра // Ф. де Соссюр. Курс общей лингвистики. / Редакция перевода Н.А.Слюсаревой. – М.: Прогресс. 1998.

Юнгер Ф.Г. Язык и мышления. Санкт-Петербург: Наука, 2005.-301 с.

Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. -Т.: Фан, 2007. -126с.

Якобсон Р.О. Шифтеры, глагольные категории и русский глагол. В кн.: Принципы типологического анализа языков различного строя. М.: Наука, 1972. – С. 95-113.

Яковлев И. Ключи к общению. Основы теории коммуникации. Санкт-Петербург: Азбука-классика, 2006.-240 с

Яковлева Е.С. О связи дейксиса и модальности. В кн.: Противоречивость и аномальность текста. М.: Наука, 1990.-С.235-246.

Ямшанова В. Русская пословица с ключевым словом “правда” как продукт речемыслительной деятельности. В кн.: Текст и дискурс как стимул и продукт речемыслительной деятельности. – СПб., 2005.–С. 55-70.

Adams J.K. *Pragmatics and Fiction* – Amsterdam: J.Benjamins Publishing Comp., 1985. - 77 p.

Adamzik K. *Sprachliches Handeln und sozialer Kontakt.* - Tubingen: Narr, 1984.-365 S.

Adorno T.W. *Negative Dialectik.* – Frankfurt an Main, 1966.

Allwood J.A. *A critical look at speech act theory.* - In: *Logic, Pragmatics and Grammar.* - Lund, 1977.

Ashurova D. *Language and Cultural Studies // Хорижий филология*, 2006, 4-сон. 11-14 б.

Austin J.L. *How To Do Things With Words.* –Oxford: Oxford Univ. Press., 1962; 2 nd ed., 1973.- 167 p.

Auwera J. van der. *Pragmatic presupposition: Shared beliefs in a theory of irrefutable meaning.* In: *Syntax and Semantics.* –New York, ect.: Acad. Press, 1979. –Vol.11. *Presuppositions.* –P. 249-264.

Bach K., Harnish R.M. *Linguistic communication and speech acts.* – Cambridge, Mass.: MIT Press, 2000, - 484p.

Ballmer Th., Brennenstuhl W. *Speech Act Classification. A Study in the Lexical Analysis of English Speech Activity Verbs.* –Berlin- Heidelberg-New York: Springerverlag, 1981. - 276 p.

Bar Hillel Y. *Foreword.* In: *Pragmatics of Natural languages* (ed. By Bar-Hillel Y.)- Dordrecht; Boston; Reidel, 1971.-VII, 231 p.

Bar-Hillel Y. (Ed.). *Pragmatics of natural languages.* - Dordrech; Boston; Reidel, 1971.-231 p.

Bar-Hillel Y. *Indexical expressions.* In: *Barr-Hillel Y. Aspects of Language.* –Amsterdam: North Holland, 1970. –p. 69-89.

Bar-Hillel Y. *Indexical Expressions.* In: *Aspects of Language.* – Jerusalem: The Magness Press, 1970. –P. 359-79.

Bates E., Mac Whinney B., Smith S. *Pragmatics and Syntax in psycholinguistic research // Language development at*

the crossroads: Papers from the interdisciplinary conference on language acquisition at Passau. -Tübingen, 1983. -P. 11–30.

Beaugrande de R.A., Dressler W. Introduction to Text Linguistics. http://www.beaugrande.com/introduction_to_text_linguistics. 2002 (1981).

Bergmann J.R. Ethnomethodologische Konversationsanalyse // Handbuch der Dialoganalyse. - Tübingen, 1994. -S. 1-16.

Bierwisch M., Zimmermann I., Lang E. Dimensionsadjective: Semantische Structure und begriffliche Interpretation // Zeitschrift für Phonetik, Sprachwissenschaft und Kommunikativen Forschungen, 1984, vol.37, № 4.

Bolinger D. Degree words. - The Hague; Paris, 1972. - 248p.

Bomhard A.R. Toward Pro-Nostratic: A new approach to the comparison of Proto – Indo – European and proto-Afroasiatic. – Amsterdam-Philadelphia and Proto – Delphi a, 1984.

Borst A. Der Turmbau von Babel. Geschichte der Meinungen über Ursprung und Vielfalt der Sprachen und Völker. 6 vols. Stuttgart: Hiersemann, 1957-1963.

Bright W. International Encyclopedia of Linguistics (4 volumes) - Oxford: Oxford University Press, 1992.

Bublitz W. Englische Pragmatik. Eine Einführung. - Berlin, 2001.

Bühler K. Sprachtheorie: Die Darstellungsfunktion der Sprache. – Stuttgart; New York: Fischer, 1982. – 434 s.

Burton F., Carlen P. Official Discourse: On discourse analysis, government publications, ideology and the state.- London, 1979.-140 p.

Carnap R. Introduction to Semantics. – Cambridge: Harvard Univ. Press, 1942.

Chafe W. Beyond beads on string and branches in a tree // Conceptual structure, discourse and language.- Stanford, 1996.-P.49-66.

Chafe W. Discourse, consciousness and time. -Chicago, 1994.-311 p.

Charadeau P. Les conditions linguistiques d'une analyse du discours. - Lille: Université de Lille III, 1978. - 575 p.

Chomsky N. New Horizons in the study of Language and Mind. -Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2000.

Chomsky N. The Minimalist Program. Cambridge, Mass.: MIT Press, 1995.-384 p.

Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. Cambridge, Mass.: MIT Press, 1965.

Chomsky N. Cartesian Linguistics. New York: Harper and Row. 1966.

Chomsky N. Knowledge of Language: Its Nature, Origin and Use. New York: Praeger, 1986.

Chomsky N. Lectures on Government and Binding. Dordrecht: Foris, 1981.

Chomsky N. On Nature and Language. - Cambridge: University Press, 2003. - 206 p.

Clark H., Carlson T. Hearers and speech acts // Language, 1974. Vol.58, No.2.-P.332-373.

Cook G. Discourse. - Oxford: Oxford University Press, 1992. -167 p.

Culperer J. Towards an Anatomy of Impoliteness // Journal of pragmatics, 22, 1996. - P.349-367.

Deane P.D. Grammar in Mind and Brain. Explorations on Cognitive Syntax. - Berlin - New York: Mouton, 1992.-355 p.

Demonet M. Les voix du signe. Nature et origine du langage a la Renaissance. Paris: Champion, 1992.

Dijk T.A. van. Studies in the pragmatics of discourse. The Hague - Paris: Mouton, 1981. - 331 p.

Discourse studies in cognitive linguistics / Ed. by Hoek K. van E.A. -Amsterdam, 1987. -187 p.

Dixon R.M. The Rise and Fall of Languages, Cambridge: Univ. Press, 2000.-169 p.

Dufon M., Kasper G., Takahashi S., Yoshinaga N. Bibliography on Linguistic Politeness // Journal of Pragmatics v.21, 1994.-P. 527-578.

Durfa H., Ldhteenmdki M. But who Killed Harry? A Dialogical Approach to Language and Consciousness // Pragmatics and Cognition, 1996, No.4.-P. 35-53.

Edmondson W. Spoken Discourse: A Model for Analysis - London, 1981.

Emmott C. Embodied in a constructed world. Narrative processing, knowledge representation, and indirect anaphora. In: Discourse studies in Cognitive Linguistics. - Amsterdam – Philadelphia: John Benjamin's publishing company, 1999.-P. 5-28.

Engberg J. Pragmatische Aspekte einer komparativen Analys von deuthen und ddnishen Urteilen // New departures in contrastive linguistics: Neue Andtze in der Kontrastiven Linguistik: Proceedings of the Conference held at the Leopold - Franzens –University of Innsburk, Austria, 10-12 may 1991. - Innsburk, 1992. -vol. 2. -S. 9-19.

Ervin – Tripp S. Children's verbal turn-taking. In: Developmental Pragmatics - New York: Academic Press, 1979.

Evans D.A. Situations and speech acts: Towards a formal semantics of discourse. -New York-London, 1985. -185 p.

Fauconnier G. Mental Spaces. – Cambridge: Cambridge University Press, 1994.

Fillmore Ch. How to know whether you're COMING or GOING? In: Essays on deixis. - Tьbingen, 1983. –P. 219-228.

Fillmore Ch. Santa Cruz Lectures on Deixis. Indiana: University Linguistic Club, 1975.

Fleike H. Die pragmatische Wende in der Linguistik // Text – und Cesprachslinguistik.- Berlin; New York, 2000 – S. 64-82.

Flis D.G. From language to communication. –Hills-dale: New Jersey Lawrence Erlbaum Associates Publishers, 1992. - 226 p.

Focus and coherence in discourse processing (ed. by Rickheit G., Habel Ch.)- Berlin; New York, 1995. -300 p.

Fornel M. de. Sociopragmatique de la conversation: Production, reception et sñquentialisation des recits de plante // La relation de service dans le secteur public. -Paris, 1989. -T. 1. -P. 165-189.

Franck D. Grammatik und Konversation.- Künigstoin: Scriptor, 1980.

Fraser B. The domains of pragmatics // Languages and communication. –London; New York, 1983. -P. 29-59.

Gazdar G. Pragmatic constrains on linguistic production. In: Language Production, Vol.1: Press, 1980. –P. 49-68.

Givon T. Topic, pronoun and grammatical agreement. In: Subject and topic. New-York: Academy Press, 1976.-P.149-188

Gordon D., Lakoff G. Conversational Postulates. In: Syntax and Semantics, Vol.3, Speech Acts. New York: Academic Press, 1975.

Green G. How to get people to do things with words: the whimperative question. In: Syntax and Semantics. Speech Acts. New York: Academic Press, 1975. –P. 104-142.

Grice H.P. Logic and conversation. In: Syntax and Semantics. –Vol.3: Speech acts. –New York: Academic Press, 1975. –P. 41-58.

Grice H.P. Presupposition and conversational implicature. In: Radical Pragmatics. – Now York, 1981. –P. 183-198.

Gu Y. Politeness phenomena in Modern Chinese // Journal of Pragmatics, 14, 1990. – P. 237–257.

Gumpers J., Cook - Gumperz J. Introduction: Language and Social Identity. In: Language and Social Identity.- Cambridge Univ. Press, 1983.-p.82.

Haberland H. Text, discourse, discours: The latest report from the Terminology Vice Squad // Journal of Pragmatics, 1999. №.31.

Halliday M.A.K. System and function in language. London: Oxford Univ. Press, 1976.

Hamilton Ch. Communicating for Results: A Guide for Business and the Professions. –Belmont, California, 1990.

Harre R., Gillett G. The Discursive Mind – London; Thousand Oaks, 1994.

Harris R.A. The Linguistic Wars. – New York: Oxford Univ. Press, 1993.

Hayakawa S.I. and A.R.Hayakawa. Language in Thought and Action. –Fort Worth, et al: Harcourt Brace Jovanovich College Publishers, 1976. -287 p.

Hempfer K.W. Anzdtze zur Definition und Typologisierung von Prdsuppositionen. In: Akten der 2. Salzburger Frhlingstagung fr Linguistik. Tbingen, 1977.-S. 19-34.

Heritage J. Gattfinkel and Ethnomethodology. – Oxford: Basil Blackwell, 1984.

Holly W. Politiksprache: Inszenierungen und Rollenkonflikte im informellen Sprachhadeln Bundestagsabgeordneten. –Berlin; New York, 1990.–406 S.

House J., Kasper G. Politeness markers in English and German. In: Conversation situations and prepatterned speech. The Hague: Mouton, 1981.

Huck G., Na Y. Extraposition and focus // Language 66 (1), 1990. -P.51-77.

Hudson R.A. Sociolinguistics. - Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2001. -279 p.

Hudson R.A. Sociolinguistics. – Cambridge: Cambridge University Press 2001. -279 p.

Hudson T. The Discourse of Advice Giving in English: “I wouldn’t feed until spring no matter what you do”. In: Language and Communication, 1990, № 4. –P. 285-297.

Hymes D. Social structure and speech community // Language in culture and society. –New-York: Happer and Row, 1964. –P. 385-391.

Ide S. Japanese Sociolinguistics: Politeness and Women’s Language // Lingua, vol. 57, No.2-4, 1982.

Japan. Profile of a nation.-Tokyo-New York- London: Kodansha International, 1994.-360 p.

Joseph J.E. Language and Politics.- Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006.-170 p.

Kanngiesser S. Sprachklrungen und Sprachbeschreibungen. In: Wissenschaftstheorie der Linguistik / Hsg.: Wunderlich D./ - Kronberg, 1976. – S. 106-160.

Kaplan D. An Essay on the Semantics, Logic, Metaphysics, and Epistemology of Demonstratives and other Indexicals. In: Themes from Kaplan.-New York: Oxford University Press, 1989.

Kasher A. What is a Theory of Use. In: Meaning and Use. –Dordrecht, 1979. –P. 37-56.

Kasper G., Blum-Kulka Sh. Interlanguage Pragmatics.- Oxford: Oxford Univ. Press, 1993.

Katz J. Propositional Structure and Illocutionary Force. – New York: Crowell, 1977.

Kazanceva J.M. Diskursive Kompetenz: Was?Wann? – Warum? –Wie? In.: Das Wort.Bonn, 2006. – S.115-126.

Kempson R.M. Presupposition and Delimitation of Semantics.-Cambridge: Univ. Press, 1975.

Kintsch W. Approaches to the Psychology of Language. In: Talking minds: The study of Language in Cognitive

Sciences. (ed.: Bever T. et al). – Cambridge MIT Press. 1984. - P. III – 145.

Kitayama Sh., Markus H.R., Liberman G. The Collective Construction of Self-Esteem: Implications for Culture, Self and Emotion. In: An Introduction to the Psychology, Anthropology, and Linguistics of Emotion. Dordrecht: Kluwer, 1995. –P.523-552.

Kıvıncses Z., Gähler R. Metonymy: Developing a Cognitive Linguistic View // Cognitive Linguistics, 1998, vol. 9, No.1. –P. 37-77.

Kuno S. Functional syntax: Anaphora, discourse and empathy. –Chicago; London, 1987.–320 p.

Labov W. The Study of language in its social context // Social linguistics. –Harmondeworth: Penguin, 1974. –P. 180-203.

Lakoff G. On Generative Semantics. In: Semantics: an Interdisciplinary Reader in Philosophy, Linguistics and Psychology. – New York: Cambridge Univ. Press. 1971. – P. 232-96.

Lakoff R. Remarks on THIS and THAT. In: Papers from the tenth regional meeting of Chicago linguistic society. Chicago, 1974.

Leckie-Tarry H. Language and context: A functional linguistic theory of register. – London; New York, 1995. -178 p.

Leech G. Principles of pragmatics. – London; New York, 1983.-250 p.

Levinson S. Presumptive Meanings: The Theory of Generalized Conversational Implicature. –Cambridge, Mass.: MIT Press, 2000.

Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1984. – 419 p.

Lightfoot D. Principles of Diachronic Syntax. – Cambridge Univ. Press, 1979.

Luchjenbroers J. Schematic representation of discourse structure. In: Conceptual structure, discourse and language.-Stanford, 1996. -P. 347-358

Lyons J. Deixis as the sources of reference // Formal semantics of natural language: Papers from a Colloquium sponsored by King's college research centre, Cambridge. – Cambridge Univ. Press, 1975. - P. 61–83.

Lyons J. Semantics, vol. 1 and 2.-Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – 897 p.

Ma R. Saying “yes ” for “no” and “no” for “yes”: A Chinese Rule // Journal of Pragmatics, 25, 1996.– P. 257–266.

Makarov M., Safarov Sh. Interpersonal and interlocutionary relations in discourse: a syntagmatic aspect // Kalbotyra, 42 (3). – Vilnius: Mokslas, 1991. – P. 98-106.

Martinet A. Elements of General Linguistics. London: Faber and Faber. 1964.

Matsumoto Y. Reexamination of the Universality of Face: Politeness Phenomena in Japanese // Journal of Pragmatics, 12, 1988. – P. 403-426.

McKeown K.R. Text generation: Using discourse strategies and focus constraints to generate natural language text. - Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1985. -246 p.

Metring D. Zur Entwicklung prozeduraler Dialogmole/. Im: Dialogmuster und Dialogprozesse. – Hamburg: Buske, 1981.-S.51-72.

Mey J. Introduction. In: Pragmalinguistics: Theory and Practice (ed by J.Mey). The Hauge: Mouton, 1979. –P. 9-17.

Mey J. Pragmatics: An Introduction. –London: Blackwell, 1993.

Meyer P.G Sprachliches Handeln ohne Sprechsituation: Studien zur theoretischen und empirischen Konstitution von illokutiven Funktionen in “situationslosen” Texten. –Tubingen, 1983. - 248 S.

Morris Ch. Foundations of the Theory of Signs. Chicago: Chicago: Univ. press, 1938.

Morris Ch. Writings on the General Theory of Signs. – The Hague – Paris, 1977. - 324 p.

Newmeyer F.L. Linguistic theory in America.- New York: Academic Press, 2006.-450 p.

Niepolod W. Sprache und Sociale Schicht. –Berlin: Volker Spiess, 1987. -78 S.

Niith W. Handbuch der Semiotik. – Stuttgart, 1985.

Nunberg G. Indexicality and Deixis // Linguistics and Philosophy, 1993, v. 16, №1. Look: [people.ischool.berkeley.edu / numberg/deix.html](http://people.ischool.berkeley.edu/~numberg/deix.html).cherchiag., McConnell – Ginet S. Meaning and Grammar.-Cambridge, Mass.: MIT Press, 1990.

Nuyts J. Aspects of a Cognitive-Pragmatic Theory of Language. On cognition, functionalism, and grammar.- Amsterdam / Philadelphia: J.Benjamins Publishing comp. 1992.-399 p.

Obeng S.G. Language and Politics: Indirectness in Political Discourse // Discourse Society, 8, 1997. - P. 49-83.

Pandharipande R. Defining Politeness in Indian English // World Englishness, 11, 1992. – P. 241-250.

Parret H. Pragmatics. In: Encyclopedic dictionary of semiotics (ed. T.Sebeok). – Berlin: De Gruyter, 1986.-P. 751-760.

Peytrad J. Evaluation sociale dans les thïsis de Mikhail Bakhtine et reprïsentations de la langue // Langue Franzoise, fïvrier 1990. №85.-P.6-21.

Piaget J. The psychogenesis of knowledge and its epistemological significance. In: Language and Learning.- London: Routledge, 1980.-P.164-167.

Postal P.M. On the Surface Verb “Remind”. In: Linguistic Inquiry I, 1970. – P. 37-120.

Pragmatics in Language Teaching (ed. by K.R.Rose and G. Kasper).-Cambridge: Cambridge Univ. Press 2001.-386 p.

Proceedings of the 12th International Congress of Linguists. Vienna, 1977 (ed. By Dressler W.) Meid W. – Innsbruck: Inst. Für Sprachwissenschaft, 1978. -829 p.

Prucha J. Pragmalinguistics: East European Approaches – Amsterdam: J. Benjamins Publishing Company, 1983. - 103 p.

Rathmayer L. Der kulturspezifische Hintergrund in iminstitutions gebundenen Diskurs: russisch – deutsche Argumentation // Wirtschafts communication in Europe. Business communication in Europe.-Tostedt, 1999.-S. 149-170.

Rauch G. Aspects of deixis. In: Essays on Deixis.-Tubingen, 1983.-P. 9-60.

Rauch G. Tenses as Deictic Categories. In.: Essays on Deixis.- Tübingen, 1983.

Recanati F. Some Remarks on Explicit Performatives, Indirect Speech Acts, Locutionary Meaning and Truth-Value. – In: Speech Acts Theory and Pragmatics. –Dordrecht, etc.: Reidel, 1980. – P. 205-220.

Reys G. La Pragmatic a linguistica: el studio del uso del lenguaje.-Barcelona, 1990.

Ritzer G. Sociological theory. –New York, et al: Mc Graw Hill Companies, 1996.–757 p.

Robinson W. Language and social behaviour. - Harmondsworth: Penguin, 1972.

Ronlet E. Comlütude interactives et mouvements discursifs // Stratīges interactives et interpretatives dans le discourse: Actes de 3me Colloque de pragmatique de Genīve. –Genīve, 1986. - P. 189-206.

Ruseel B. Human Knowledge.-London: George Allen and Unwin Ltd., 1948.

Sacks H., Schegkloff E.A., Jefferson G. A simplist systematics for the organization of turn-taking for conversation // Language, 1974. – P. 696-735.

Sдger S.F. Sprechakt aler Kontakt? Drei Thesen gegen der Allgemeingьltigkeits asspruch des Sprechakttheorie // Akten des 14 linguistischen Kolloquiums. Bd.2. - Тьbingen, 1980. -S. 137-148.

Sapir E. Grading, a study in semantics // Philosophy of Science, vol. 11, 1944, No.2.-P.93-116.

Saussure F. de. Cours de linguistique general. Edition critique par Rudolf Engler, fascicule 1-4. Weisbaden: Otto Harrassowitz, 1967-1974.

Schegloff E. A., Jefferson G., Sacks H. The preference for self - correction in the organization of repair in conversation. // Language, 53, 1977. -P.361-382.

Schiffrin D. Approaches to Discourse. Oxford: Blackwell Publishing, 2003. -470 p.

Schmidt S. Texttheorie / Pragmalinguistik. In: Lexikon der Germanistischen Linguistik. Тьbingen: Niemeyer, 1973, Studienausgabe 2. -S. 233-244.

Schruder H. Von der Fachtextlinguistik zur Fachtextpragmatik. In: Frachttextpragmatik. -тьbingen. -S.VII-XIII.

Searle J. Contemporary philosophy in the United States // The Blackwell companion to philosophy. - Oxford, 1996. - P. 1-24.

Searle J.P. Expression and Meaning. Studies in the theory of Speech Acts. - Cambridge Univ. Press, 1979-158 p.

Searle J.R. Intentionality. -New York: Cambridge University Press, 1983.

Searle J.R. Speech Acts: An Essay in the philosophy of language. Cambridge: Cambridge University Press, 1969.

Searle J.R., Vanderveken D. Foundations of Illocutionary Logic. -Cambridge Univ. Press, 1985.

Segerdahl Pдr. Language Use. A Philosophical Investigation into the Basic Notions of Pragmatics.- Hound mills, etc.: Macmillan Press, 2000.-240 p.

Sinclair D., Coulthard M. Towards an Analysis of Discourse: The English Used by Teachers and Pupils. London: Oxford Univ. Press, 1975.

Smith Q. The multiple uses of in indexical. In.: Syntheses, vol. 78, 1989.-P.182-201.

Sukeland W. Indirektheit von Sprechhandlungen. Tübingen, 1980. -168 S.

Soyinka Wole. Tradition and Vectors of Communication // Development issues. ISS, vol.4., No.2, 2002. –P. 1-8.

Spencer O.H. Conceptions of Social Relations and Pragmatics Research // Journal of Pragmatics, 20, 1993. – P. 27-47.

Sperber D., Wilson D. Relevance: Communication and cognition – Oxford: University Press, 1995. -279 p.

Stalnaker R. Pragmatic presupposition. In: Semantics and Philosophy.-New York, 1974.-P. 197-214.

Stalnaker R. Pragmatics. In: Semantics of Natural Language.- Boston, 1972.-P.380-397.

Strawson P.F. On Referring. In: Mind, 1950, vol. 59.-P. 320-344.

Stubbs M. Discourse analysis: The sociolinguistic analysis of natural language - Oxford: Oxford Univ. Press, 1983.-316 p.

Sweetser E.E. From etymology to pragmatics: Metaphorical and cultural aspects of semantic structure. - Cambridge: Cambridge Unive. Press, 1990. -212 p.

Tanz C. Studies in the acquisition of deictic expression. Cambridge: Cambridge University Press, 1977.

Thomas J. Cross-cultural pragmatic failure // Applied Linguistics, v.4, No.2 1983.-p.105.

Trognon A., Laurrse J. Pragmatique du discours politique. -Paris, 1994-183 p.

Umberto E. The search of the perfect language. - L.: Fontana Press, 1997. -385 p.

Vakhidova N. Lexikalische – semantische Graduonymie im Deutschen // Gesellschaft für linguistische Daten Verarbeitung – 2007. Workshop "Lexical – Semantic and Ontological Resources" 336 – 3/2007. – 119-128 S.

Vanderveken D. Meaning and Speech Acts. Vol.1. Principles of Language Use. Cambridge: Cambridge University Press. 1990.-244 p.

Vanderveken D. Meaning and Speech Acts. Vol. 2. Formal semantics of success and satisfaction. Cambridge: Cambridge University Press, 1991.-196 p.

Vanderveken D. On the Unification of Speech Act theory and Formal semantics. In: Intentions in communication, London: MIT Press, 1990.-P. 195-220.

Wahlstrom B.J. Perspectives on Hunan Commutation. Dubuque: W.C. Brown publishers, 1992.-398 p.

Warnock G. Morality and language. Oxford: Oxford University Press, 1983. -218 p.

Weber B. Discourse deixis: reference to discourse segments // [www.aclweb.org/anthology – new? P? 88/p88-1014.pdf](http://www.aclweb.org/anthology-new/P88/p88-1014.pdf).

Werlen I. Ritual und Sprache. -Tübingen: Narr, 1984.-411 s

Wettstein H.K. How to Bridge the Gap between Meaning and Reference. In: Pragmatics. A Reader. Davies S. (ed.). Oxford: Oxford University Press, 1991.

Wetzel P. Contemporary Japanese attitudes towards Honorifics (Keigo). In: Language variation and change, 6, 1994. -P. 113-147.

Whorf B. Language, Thought and Reality. - Massachusetts: The Mit Press, 1993. -278 p.

Wierzbicka A. Cognitive domains and the structure of the lexicon. In: Mapping of the mind: Domain security in cognition and culture.-Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1994.-P. 431-452.

Wierzbiska A. Contrastive sociolinguistics and the theory of “cultural scripts”. In: “Contrastive sociolinguistics” in the series “Contributions in the Sociology of Language”, 1996.- P.313-344.

Wierzbiska A. Cross-cultural Pragmatics. The Semantics of Human Interaction.-Mouton de Gruyter, 1991.

Wierzbiska A. Semantics: Primes and Universals.- Oxford: Oxford Univ. Press, 1994.-501 p.

Winter S., Gardenfors P. Linguistic modality as expression of social power // Nordic Journal of Linguistics, 1995, vol. 18, № 2.

Wittgenstein L. Philosophical Investigations. Oxford: Blackwell, 1953; Second edition: 1974.

Wunderlich D. Studien zur Sprechakt theorie. –Frankfurt, 1976.

Yule G. Pragmatics. –Oxford: Oxford Univ. Press, 1996. - 138 p.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I боб. Коммуникатив-прагматик йўналишнинг шаклланиши	13
II боб. Прагматика ва семиотик жараён ёхуд прагматиканинг лисоний-семиотик тизимдаги устуворлиги	37
III боб. Прагмалингвистиканинг предмети ёхуд прагмалингвистик таҳлил	56
IV боб. Нутқий акт назарияси ёхуд коммуникатив мақсаднинг ифодаланиши	77
V боб. Билвосита нутқий акт ёхуд семантика ва прагматика муносабати	99
VI боб. Прагматик мазмунни шакллантирувчи ходисалар	116
VII боб. Самарали мулоқотнинг тамойил ва қоидалари ёхуд социопрагматик таҳлил асослари	135
VIII-боб. Дейксис ва нутқий мулоқот матни ёхуд матнда мазмуннинг ифода топиши	164
IX-боб. Нутқий мулоқот тизими бирликлари ёхуд дискурснинг тузилиши ва унинг таҳлили	221
Хотима ёхуд прагмалингвистиканинг истиқболи хусусида	253
Адабиётлар	280

